

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ
ХУЗУРИДАГИ ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ,
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ
ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МИЛЛИЙ МАРКАЗИ**

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний

ТАСАВВУФ ВА ИНСОН

**Тошкент
“Адолат”
2001**

Жўзжоний Абдулҳаким Шаръий.
Тасаввуф ва инсон (Масъул мұхаррир
ва сўз боши муаллифи: А.Х.Сайдов.-
Т.: “Адолат”, 2001.-192-бет).

Масъул мұхаррир ва
сўзбоши муаллифи: **А.Х.Сайдов,** ҳуқуқшунослик
фанлари доктори, профес-
сор

Тақризчи: **А.Маннанов,** филология фан-
лари доктори, профессор

Маълумки, Шарқ фалсафасининг мухим таркибий
қисми бўлмиш тасаввуф таълимотининг буюк намоён-
далари Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Накшбанд, Нажмуд-
дин Кубро, Ҳожа Аҳрор, Бобо Раҳим Машраб, Бобо То-
хир Урён каби улуғ зотларниң номлари юртимиизда ва
хорижда машҳур бўлса-да, уларниң таржимаи ҳоллари,
ижодий фаолиятлари, қолдирған асарлари ҳануз хал-
қимизга коронгу эди.

Кўлингиздаги китобдан жой олган таникли адабиёт-
шунос, шоир ва ҳуқуқшунослик фанлари номзоди Аб-
дулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг Тасаввуф илмига оид
бир қанча мақола ва рисолалари ушбу коронгуликни
оидинлаштиришга ёрдам беради.

Ж 0302050000-002 2001
(04)-2001
©”Адолат”, 2001й.

Тасаввуф илми Шарқ фалсафий тафаккури тарихининг таркибий қисми (Сўз боши ўрнида)

XXI аср бўсағасида улугъ тарихий воқеалар юз бермокда. Дунё харитаси тубдан ўзгарди. Ўзбекистон сиёсий мутелик ва асоратдан кутилиб, мустақил давлат сифатида жаҳонда танилди. Халқимиз ўз ери, ўз тили, ўз динига эга бўлди, миллий гурури, иззат-обрўси тикланиб, қадриятларимиздан, маънавий меросимиздан баҳраманд бўлмоқдамиз.

«Улугъ бобоколонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти хазинасига катта ҳисса қўшган улугъ аждодларимизга, ўлар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусияти», деб айтган эди Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов (Истиқлол ва маънавият. Тошкент, 1994, 19-20-бетлар).

Қадимий Мовароуннахр ва Хурросон фарзандларининг жаҳон илми тарихи зарваракларига олтин ҳарфлар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Исмоил Бухорий, Имом Термизий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Бурҳонуддин Марғиноний, Амир Темур, Улугбек, Навоий, Бобур ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон афкор оммаси яхши билади. Бу буюк олимлар силсиласида Шарқ фалсафасининг муҳим таркибий қисми бўлмиш тасаввуф таълимотининг буюк намоёндалари Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмуддин Кубро, Ҳожа Аҳрор ва бошқалар ўзларининг муносиб ўринларига эгадурлар.

Тасаввуф илми, унинг тариқатларидағи кенг кўламли таълимотлар, узоқ ўтмишга эга бўлиб, илдизлари ниҳоят қадимий даврларга бориб тақалади. Ирфоний тасаввурлар инсон тафаккурининг маҳсули бўлиб, унинг ўсиши билан бирга ўсиб ва ривожланиб келган.

Хур фикрлик кишанланган тоталитар тузум даврида, тасаввуф таълимоти, ундаги юксак инсоний ғояларга

қарамасдан, ўрта аср феодал тузумининг дунёқараши ва меҳнаткашларни йўлдан оздириш мақсадида ишлаб чиқарилган сунъий таълимот сифатида қораланиб келиб, унга қарши аёвсиз кураш йўлга кўйилган эди. Аҳмад Ясавий, Хожа Аҳрор каби тасаввуф таълимотининг буюк намоёндалари камситилиб, уларга қарши тухмат ва бўхтон тошлиари отиласади.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, «паслу пасабини билмагап киши ишсон сапалмайди. Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уришдилар». Бу ўринда Совет тузуми томонидан амалга оширилиб давлат сиёсати даражасига кўтарилиган сиёсат моҳиятини тушуниш қийин эмас. Чунки тасаввуф мактаблари инсонларни хур фикрликка даъват қилади, яратувчидан бошқа ҳар қандай куч ва кудратга бўйсунишдан воз кечиб, фақат унга сифиниб, фақат ундангина кўрқишга ундейди. Тасаввуф ғоялари барча миллатлар ва халқларни, уларнинг миллати, тили ва динидан қатъи назар, бир-бири билан тенг деб билиб, яратувчига қарши қаратилган ҳар қандай ғоя ва мафкурани рад қилиб келган. Ўзини энг яхши ва янги инсоний ғоялар тарғиботчиси деб иддао қилган тоталитар тузум, бундай юксак таълимотни тарқатувчи ва барча инсонларни бирлаштирувчи оқимни, кўрарга кўзи йўқ эди, негаки тасаввуфнинг олий ғоялари шахсга сифиниш мафкурасини бутунлай инкор этиб, материалистик принципларга асосланган социалистик тузумга қарши турарди. Шу сабабли совет фани назариётчилари барча имкониятлардан фойдаланиб тасаввуф таълимоти ва ирфоний ғояларга қарши аёвсиз курашди, унинг илгор вакиллари устидан мағзава тўкиб келди, ҳатто улардан қолган ёдгорликларни йўқотишга шошилиб, тарих сахифаларидан ва халқ онгидан уларни ўчиришга уринди. Лекин ушбу таълимот Туркистон халқлари руҳига сингиб кетган ғоялар сифатида улар онгининг ажралмас қисмини ташкил қилган эди. Тасаввуф ғоялари ўлка халқига, мустамлакачиларга (оқидан тортиб қизилигача) қарши қатъий кураш олиб бориш учун куч ва гайрат бағишларди. Туркистон мустақилити учун кўп йиллар давом этиб келган қонли урушлар бунинг инкор этиб

бўлмайдиган гувоҳидир. Халқимиз ҳеч қачон, уларнинг мустақиллиги, ақидавий-диний қадриятлари ва виждан Эркинлигини тортиб олиб, миллий фуур ва иззат нафсини оёқ ости қилган бостириб келувчилар билан келиша олмасди ва ҳақиқий маънода улар билан муштарак тил топа олмасди. Улар олдида ўлка мудофааси йўлида шахид бўлган хоразмлик сўфий шайх Нажмуддин Кубро тимсоли турарди.

Мустақиллик баракати билан барча миллий, маънавий қадриятларимизга қайтиш баҳтига муссар бўлдик. Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмуддин Кубро, Хожа Аҳрор ва Махдуми Аъзам, Бобо Раҳим Машраб каби машҳур тасаввуф вакилларининг хотирасини нишонлаб, улар қолдирган бой маънавий ёдгорликлар билан танишиш имкониятига эга бўлдик.

Тасаввуф таълимоти биз учун катта назарий ва амалий аҳамиятта эга, нега деганда:

бирашчидап, у халқимизнинг инсоний фуурини юксалтириб, тубанлик, пасткашлик ва руҳий инқироздан саклаб туради;

иккисидаш, ўлкамизда яшайдиган турли халқлар ва миллатлар бирлашиб яшаши учун бағри кенглик маданиятини умумийлаштиришга ёрдам беради;

учинчидаш, умумбашарий инсон-дўстлик гоялари билан ҳар қандай фундаменталистик оқимлар, айниқса, диний экстремизмга қарши туради;

тўртишчидап, тинчликсеварлик гояларини тарғиботчиси сифатида ҳар қандай уруш ва қуролли тўқнашувларга қарши амал қиласи;

бешинчидаш, инсонни улуғлаб, уни юксак мақомларга кўтаради ва маънавий тараққиёти учун муносиб замин яратиб беради.

Шу боис Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний томонидан тайёрланган ушбу рисола, ҳозирги замон талабига ўз вақтида берилган амалий жавобдир. Бевосита асар мазмунига қисқача тўхталиб ўтишдан аввал, муаллифнинг таржимаи ҳолига эътиборингизни қаратмоқчимиз.

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний 1934 йили Жўзжон вилояти Сарпул шаҳрида туғилган. У «Шаръий илмлар мадрасаси» ва Кобул Университети “Шариат факульте-

ти”ни битиргандан кейин 1960 йили матбуот идораларида ишга кирган ва 1977 йилгача «Анис», «Ислоҳ» рӯзномалари ва «Фолклор» журналининг тадқиқ мудири, Афғонистон радиосида программалар мудири, «Орёно» қомусининг илмий ходими бўлиб ишлаган. У америкалик профессор Жолифнинг журналистика бўйича олий курсини тутатган.

Шаръий Жўзжоний 1978 йил апрель ўзгаришидан кейин Афғонистон Республикаси Адлия вазири, Бош прокурори ва Олий суд Олий кенгаши раиси вазифасини бажарувчisi ва Олий суд биринчи муовини бўлиб хизмат қилган.

Хозирги кунда Шаръий Жўзжоний Тошкент Ислом Университети «ислом хукуки» кафедраси мудири сифатида ишлаб келмоқда. У 1997 йили Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Академиясида «Афғонистонда шариат тараққиёти» номли мавзуда ёзилган мазмунли диссертациясини ҳимоя қилди ва хукуқшунослик фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

Шаръий Жўзжоний кўпдан-кўп илмий-амалий анжуманларнинг фаол иштирокчisiидир. У шоир, хукуқшунос, адабиётшунос ва фалсафий тафаккур эгаси сифатида ўз она тили – ўзбек тили ривожи ва бу тилда нашриёт хукуқини бериш учун назарий ва амалий қадамлар кўйди ва катта муваффақиятларга эриши.

Унинг шеър ва мақолалари Афғонистон ва Ўзбекистон матбуотида нашр бўлиб келмоқда. Ўзбекистон матбуотида у ёзиб нашр қилирган мақолалар сони 85ларга етиб борди.

У кўп сонли мақолалардан ташқари, йигирмадан ортиқ илмий-адабий асарлар муаллифи ва таржимонидир. У ўзбек тилидан «Навоий» романи (Ойбек), «Икки дил достони» (Ш.Рашидов) ва бошқа кўп рисолалар ҳамда мақолаларни форс тилига таржима қилиб нашр қилдирган. Араб тилидан машхур ёзувчilar Юсуф Ассобиий, Тоҳо Хусайн, Салома Мусо, Лутфий Манфулатий ва бошқаларнинг асарларини таржима қилган.

У ўзбек шеърияти бўйича Афғонистонда Амир Алишер Навоий мукофотига сазовор бўлган. У араб, форс, пашту ва турк тилларини билади, ўзбек ва форс тилла-

рида ижод қиласи. У Ўзбекистон халқи ва давлатининг самимий дўстидир.

Ўзбекистон мустақиллигидан кейин у биринчи бўлиб «Мустақил Ўзбекистон, тараққиёт йўлида» сарлавҳали катта мақола билан мустақил диёримизни Афғон халқига танитган ва давлатимиз буюк сиёсатининг тўғрилигини ёритиб берган.

Ушбу китоб Шаръий Жўзжонийнинг фалсафий изланишлари ва мушоҳадалари натижасидир.

Муаллиф Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний ёзган бир рисола, еттига мақола, араб ва форс тилларидан таржима килинган икки рисола ва бир хотимадан иборат бўлмиш ушбу тўпламда айтиб ўтилган гоялар ҳақида сўз юритилади.

Қисқартирилган шаклда 1995 йил «Мулоқот» журналининг уч сонида нашр этилган «Тасаввуф таълимоти илдизлари» рисоласида муаллиф ушбу таълимотнинг туб моҳияти, тарихий илдизлари, тараққиёт босқичлари ва асосий йўналишлари ҳақида сўз юритиб илми ҳол (жазба ва ҳиссиётга асосланган тасаввуф) ва илми қол (илмий тасаввуф) гоялари ва ҳар бирининг хусусиятларини ёритиб ўтиб, барча тасаввуфий оқимларда энг асосий масала бўлмиш «ваҳдати вужуд» ва «ваҳдати шухуд» назарияларини таҳлил қиласи ва уларни илмий услубда изоҳлаб беради.

Мазкур рисолани тасаввуф таълимоти бўйича асосий манбаъларга таянган ҳолда ўлкада 1995 йилгача ёзилган биринчи асар десак муболага бўлмайди. Муаллиф тасаввувфнинг энг муҳим оқимлари бўлмиш кубравия, яссавия, қодирия, сухравардия, чаштия, накшбандия ва муҷаддидия тариқатларини қисқа, аммо чукур ва қизиқарли равишда танитиб ўтиб, уларни ишончли манбаъларга асосланган ҳолда назардан ўтказади ва рисола охирда бир қатор истилоҳлар (атамалар)ни изоҳлаб ўтади.

Нажмуддин Кубро қарашлари ва асарларига багишланган мақолада олимнинг ҳаёт жараёни, у яратган асарлар ва шунингдек унинг ирфоний қарашлари ёритилган. Кубро қаламига мансуб араб тилида ёзилган ва шартли равишда «Кўнглим кўзи билан кўрганларим» деб аталган нодир кўлёзма рисоласининг таржимаси бизни

ушбу мутафаккир сўфийнинг фалсафий ва ирфоний қарашлари билан ошно қиласи.

Тўпламдаги Хожа Аҳор ва «Рисолаи Бобурия»га бағишланган икки мақола ва «Рубоийлар шарҳи» рисоласи ўқувчини нақшбандия тариқатининг йирик намоёндалари бўлмиш Хожа Аҳор, Махдуми Аъзам қарашлари ва ирфоний назариялари билан ошно қиласи, темурийлар давлати йирик намоёндаси атоқли шоир ва давлат арбоби Захирийдин Муҳаммад Бобур ва шайбонийлар давлатининг шоир ва маърифатпарвар подшоҳи бўлмиш Убайдуллахон Баҳодур Убайдий билан Махдуми Аъзам аро дўстона муносабатни ҳамда мазкур подшоҳларнинг юксак давлат мақомидан туриб, тасаввуф аҳлига кўрсатган ихлос ва самимиятини, шунингдек тасаввуф аҳли уларга кўргазган ҳурмат ва ишончини кўрсатиб ўтади. Мазкур мақолаларда биз маънавият ва ирфон дунёси соҳасида, факт ва салтанатаро муштарак томонлар ижод қилиб, маънавият чироғини ҳар доим ёқиб туриш мумкинлигини яққол кўрамиз.

«Ваҳдат уммонининг ғаввоси» сарлавҳали мақолада биринчи марта улуғ шоир Бобо Раҳим Машрабнинг ирфоний қарашлари, айниқса ваҳдат фалсафасига муносабати илмий услубда ёритилади. "Ишқамишда Бобо Раҳим Машрабнинг мазори" номли мақолада унинг абадий ётар жойи ва айрим хусусиятлари ҳакида маълумот берилади.

“Бобо Тоҳир ва унинг ирфоний тароналари” сарлавҳали мақолада бундан минг йил муқаддам яшаб ўтган дарвиш ва сўфий шоирнинг ҳаёти ва сеҳрли тўртликлари билан ошно бўламиз.

Муаллиф Ўзбекистонда тасаввуфшунослик фанининг ривожига бағишлаган мақоласида, устод Нажмиддин Комилов томонидан ёзилган «Тасаввуф» номли китобни такриз ва таҳлил қилиш билан бирга, китоб муаллифи томонидан эришилган ютуқларни кўрсатиб ўтади ва китобни тасаввуфшунослик, шунингдек Алишер Навоий асарларини тасаввуф таълимоти ёруклигига ўрганиш соҳасида нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Туркистон худулида ёзилган энг мухим ва янги асар деб баҳолайди.

Муаллиф «тасаввуф илми - маънавий кудрат» сарлавҳали хотимасида, Ўзбекистонда тасаввуф илми бўйича олимлар томонидан бажарилган тадқиқот ишларини эслатиб ўтиб, ушбу фан ривожи учун уларни етарли эмас деб билади. У ҳозирги ўтиш даврида Ўзбекистон учун тасаввуф таълимотини чукур ўрганиш ва тарқатиш қанча катта аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олган ҳолда, тасаввуфшунослик илмини ривожлантириш учун амалий ва ниҳоят фойдали режаларни таклиф этади. Ўз навбатида соҳа олимларининг кечиктириб бўлмайдиган бурчини таъкидлаб ўтади.

Тўплам турли мақолалар ва рисолалардан иборат бўлса ҳам, улар орасида бир илмий уйғунлик, мантикий боғланиш мавжуд бўлиб, ҳаммаси бир гояга яъни тасаввуф таълимотида инсон ўрни ва маънавий мақомига қаратилган.

Ҳозирги давр талабидан келиб чиқсан ҳолда такорран таъкидлаш мумкинки ушбу тўплам нашри ўзига ҳос аҳамиятга эга. Ундаги ёритилган таълимотлар, қарашлар, юксак ахлоқий гоялар, меҳру-шафқат, халқлараро дўстлик ва иноклик, бағри кенглик, элатлараро дўстликка тарғиб этади. Диний ва мазҳабий таассубга, айниқса диний экстремизмга қарши тарбия ишларига ёрдам беради.

“Ислом дипломатининг муқаддас мероси – фалсафа илмини, хусусап, Шарқ фалсафасини тераи ўрганиш, шу асосда улуғ маданиятимиз ва қадриятларимиз илдизларини жоплантириш, яқин ўтмизимиздан қолган мафкурадап халос бўлиш, ўзимизнинг асрлар сиповидап ўтган улуғ аждодларимиз бизга қолдиригап миллий мафкура ва тафаккуримизни тиклаш, уни замонавий – умум башарий рух билан бойитиш ҳаммамизнинг долзарб вазифамиздир», - деган эдилар юртбошимиз. Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг ушбу мўжаз ва муҳтасар асари шу вазифани бажариш йўлида кўйилган амалий қадамлардан бири бўлади.

**А.Х.Сайдов,
хукуқшунослик фанлари доктори, профессор .**

ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИНИНГ ИЛДИЗЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Икки оғиз сўз

Биринчи марта инсон тахаййул ва тасаввур қила бошлиши биланоқ, табиат сирларини билиб олишга уринган. Бу ҳакда унинг биринчи тахаййул ва тасаввурлари мифология, яъни устўралар шаклида юзага кела бошлаган. Мифология барча табиий ва ижтимоий ходисаларни жуда содда ва ибтидоий шаклда изоҳлаб беришга уринади.

Жамиятшунос олимлар тадқиқотига биноан мифологиядан сехргарлик, яъни сирли оламни билиб олиб, кўзга кўринмайдиган кучлар билан алоқа ўрнатиш ва улар орқали ҳаётта ижобий ва салбий таъсир ўтказиш илмлари келиб чиқади. Ибтидоий ирфоний ғоялар ҳам мифологиядан сарчина олади.

Бир манбадан келиб чиқсан иккала билим, бир хил тасаввурни илгари сурғанилиги учун ўзаро таъсир ўтказиб келган. Масалан, Э.Табарийнинг текширишлари шуни кўрсатадики «Ҳерметизм» яъни мисрлик машҳур сехргар «Ҳермес» номи билан аталган билимта боғлиқ бўлган «рижолул-ғайб» (ғойиб одамлар) ё «жавосийул-кулуб» (кўнгуллар жосуслари) каби кўп атамалар ислом тасаввуфига ўтиб, кўпинча тасаввуфий манбаларда кўлланиб келди.

Ҳам шарку ҳам гарбда турли ирфоний мактаблар ва тасаввуф таълимотлари мавжуд. Биз ушбу текширишда ислом тасаввуфининг келиб чиқиши, унинг қадимий илдизлари ва турли йўналишлари ҳақида сўз юритмоқчимиз. Масалани яхшироқ тушуниб олиш учун бир-бирiga киришиб кетган иккита атама, яъни ирфон ва тасаввуф тушунчалари устида тўхтаб ўтишимиз лозим бўлади.

«Ирфон» ва «Тасаввуф» тушунчалари

«Ирфон» сўзи билиш, билиб олиш, таниш, қайтадан таниш, тушуниш ва билим маъноларида ишлатилади. Бу

калиманинг муодили (төндоши) юонча сўз «сирли» ва «ғайбли» маъносини англатади.

Ирфон сўзи умумий маънода, юзаки илмга қарши ўлароқ, бир нарсани аниқ ва ҳар томонлама билиб олишни ифодалайди. Масалан, «фalon кипши ориф шоирдир» деганда, у, бу соҳада юзаки маълумотларга қаноат қилмай, тасаввуф, адабиёт, шеър ва бошқа фанярга оид кўп маълумотларни қамраб олгани билдирилади.

«Тасаввуф» сўзи эса «сўф» яъни жун кийимни кийиш, сўфий бўлиб ҳақ йўлидан юриш ва шунингдек дарвишлар тариқаси маъноларида кўлланилади.

«Тасаввуф» сўзи истилоҳ (атама) сифатида бир маънавий тариқатдан иборат бўлиб, унинг пайровлари ақидасига биноан нафс (ички дунё)ни покизалаш натижасида ҳақиқат ёғдуси инсон қалбида порлай бошлайди.

Доктор Жавод Нўрбахш «сўфийлар биҳишти» деган китобида, тасаввуф буюк машойихларининг сўзларига таянган ҳолда, тасаввуфни сўз орқали таърифлаб бўлмайдиган бир ҳол (ҳолат) сифатида ифодалаб, «сўз билан ифодаланувчи нарса тасаввуф эмас» дейди. Унинг Фикрича тасаввуф тариқати ҳақида баъзи бир буюк зотлар томонидан берилган таърифлар умумий бўлмай, тасаввуфнинг фақат баъзи бир хусусиятларини ифодалаб берган. Агар уни мукаммалроқ таъриф қиласиган бўлсак, унда «тасаввуф ишқ озуқаси ва фақат бир томонга боқиши йўли билан, ҳақиқат (худо)га олиб борадиган тариқадан иборатдир. Тасаввуфнинг мақсади ҳақиқатни файласуфлар сингари мантиқ ва истидлол орқали эмас, балки кашфу-шухуд орқали, кўнгил ва виждон кўзи билан билиб олишидир. Шунинг учун тасаввуф юриб бориб кўрадиган йўлдан иборат бўлиб, ётиб эшитадиган нарса эмас». (Доктор Жавод Нўрбахш. Сўфийлар биҳишти. 11-бет. Лондон. 1362 ҳ.й.).

Ирфон илоҳий илмлардан бири сифатида, ҳақнинг зоти, унинг исмлари ва сифатларини ишроқ (кўнгил ёруғлиги) орқали билиб олишга қаратилган илм ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда аҳгуллоҳ (худони қиди-рувчилар) ҳақни таниб олиш учун танлаган йўл ирфон деб аталади.

Э.Табарий ирфонни куйидагидек таърифлайди: ирфон инсон ўз нафси니 покизалаш, риёзат чекиш, сифиниш, зикр қилиш, хилватда ўлтириш ва жазбага берилеш билан сайру-сулук босқичларидан ўтиб худо ва бошқа табиат ортидаги кучлар билан алоқа ўрнатиш ва шу йўсинда унинг қалби илҳом ва ишроқ манбаига айлангандан кейин қатъий ва шубҳасиз ҳақиқатга эришишидан иборатdir.

Деххудо «Орифлар атамаларининг қомуси» номли китобда «Гулшани роз шархи»дан олиб берилган маълумотларга таяниб ўз машҳур асари лугатномада ирфон борасида куйидагидек маълумот беради: ирфон ва ҳақни таниш икки йўл орқали бўлади: биринчиси асардан муассир (асар қилувчи)га, феълдан сифатта ва сифатлардан зотнинг (ҳақ зотининг) борлигига истидлол қилиш орқали. Бу йўл эса олимларга хосдир. Иккингчиси кўнгилни покизалаб бошни (мия-фикрни) ва шунингдек руҳни, ундан (ҳақдан) бошқа барча нарсалардан бўшатиш орқали. Бу йўл эса пайғамбарлар, набийлар, авлиёлар ва орифларга хос бўлган йўлдир. Бу йўл яъни кашф (маънавий оламлар ва ички дунёнинг ҳақиқатлари соликка маълум бўлиши – Ш.Ж.) ва шухуд (ҳақни кўриш) факат мажзуби мутлаққа (ҳақ томонидан жазб этилиб, унинг ишқида фано бўлгани туфайли ўзига келмайдиган кишига – Ш.Ж.) насиб этилади. Бошқа кишилар эса ёшурун қалбий ва руҳий тоат ва ибодат орқали ушбу маърифатта эришишилари мумкин. Дунёнинг яралишидан мақсад ҳам ушбу шухудий маърифат (ҳақни таниб олиш ва уни кўра билиш. - Ш.Ж.) ҳисобланади (Али-акбар Деххудо. Лугатнома. 135-жузъ. 1346 й.).

Тасаввуф ва ирфон тушунчалари бир-бираига яқин бўлгани учун баъзан бир маънода ҳам ишлатилиди. Баъзиларнинг фикрига кўра тасаввуф ирфоннинг бир бўлими ва унинг кўринишларидан бирицир, яъни тасаввуф бир йўл-йўриқ ва тариқат сифатида ирфондан сарчина олган. Ирфон эса умумийроқ тушунча бўлиб, тасаввуфдан илова, бошқа йўл-йўриқ ва мазҳабларни ҳам ўз ичиға олади. Унга биноан бир киши сўфий бўлиб ориф, бўлмаслиги ҳам мумкин, ёки бир киши юзаки суратда тасаввуф тариқасида туриб, ирфондан ҳеч қандай баҳра

олмаслиги ҳам мумкин. Баъзан эса ориф сўзи дарвиш ва сўфийга нисбатан юксакроқ маънода ҳам ишлитаилган. Баъзилар эса ирфонни тасаввуфнинг илмий ва зиҳний томони ва тасаввуфни эса, ирфоннинг амалий томони деб билганлар.

Сўфий ақидасининг асоси «бир» бўлиши керак; «бир» дейиш, «бир»ни қидириш ва «бир»ни кузатиш асосида, ягона ва мутлақ зотдан бошқа бирон нарса борасида ўйламаслиги зарур.

Тасаввуф ва ирфон қоидаларига биноан, сўфий ва ҳақиқий ориф, ҳақиқий инсон ўрнида туриши лозим. Инсонларни севиш, уларнинг хизматида бўлиш, айни ҳолда худонинг борлиги ва бирлигини унутмаслик, сўфийларнинг асосий ақидасидир.

Шайх Фаридуддин Аттор ривоятига кўра шайх Абулҳасан Харақоний бундай деган экан: кошки барча халқнинг ўрнида ўлсайдим, ўшанда халқ учун ўлим бўлмасди, кошки барча халқнинг ҳисоб-китобини мен билан қилишсайди, ўшанда қиёмат куни улар учун савол-жавоб бўлмасди, кошки барча халқ ўрнида мени жазолашсайди, ўшанда уларни дўзахга олиб боришимаган бўларди. Шайх Саъдий Гулистон китобида бундай деган эди:

— Таржимаси: «Тариқат иши тасбех тутиб, жундан эски либос кийиб, намоз ўқиши билан бўлмайди, тариқат - халқнинг хизматидан бошқа нарса эмас».

Ҳиндистон ва Юнонда ирфоний фикрлар

Ислом дини ёйилишидан кўп илгари, қадим замонлардан бошлаб ҳам Ҳиндистон, ҳам Юнон фалсафасида инсон руҳи ҳақида хилма-хил таълимотлар тарқалиб келган. Уларга кўра инсон руҳи билан яратувчи орасида, бир хил аслдошлиқ ва бирлик мавжуд бўлиб, руҳ эса ҳар доим ўз аслига қайтиш учун интилади.

Ҳиндистон жамиятида қуйи синфдан юқори синфга ўтиш, амалда мумкин бўлмаганилиги учун, маҳрумликда яшовчи синфлар, ҳеч бўлмагандан тасаввур ва таҳаййул йўлидан ўзларини баҳтсизликдан кутқариб, юксак даражада турган синфлар қаторида туришни ўйлаб чиқардилар.

Будда ўзи иккинчи синфга мансуб бўлгани учун, биринчи синф, яъни Бараҳманларга қарши турди ва ўз таълимотида инсоннинг юксак даражаларга кўтарилиши, Бараҳманларга назру-хайрот бериш йўли билан эмас, балки риёзат йўли, яъни ўз нафсини қийнаш ва дунёвий лаззатлардан маҳрум қилиш орқали мусассар бўлади дейди. Шунинг учун факир синфлар унга эргашиб, у талқин қилган мазҳабни чин кўнгилдан қабул қилдилар.

Айтиб ўтилган сабаблар натижасида Ҳиндистонда «Таносух» ақидаси юзага келди. Ушбу ақидага биноан, ўлгандан кейин руҳ бир бадандан бошқа бир баданга ўтиши мумкин.

Ҳиндистонда энг юксак тоифа, аслзода ва олий гурӯҳ ҳисобланган Бараҳманларни баъзилар асосан илоҳий манбадан келиб чиқсан деб ўйлайдилар. Шунинг учун улар диний табакалар низомида биринчи ўринда турадилар. «Бараҳмо» мазҳаби таълимотига биноан худо бадандарга ҳулул қилиши (кириши) мумкин, аммо Будда динида ҳақ эмас, балки руҳ бир бадандан бошқа бир баданга ўтиши имкониятига эга.

Ҳинд устўралари ва Бараҳмо динига асосланган эртакларда, худолар ҳар доим инсонлар ва баъзан ҳайвонлар қиёфасига кириб юрадилар. Масалан, Кришна ҳиндуларнинг машҳур худоларидан бири бўлиб, «Вишну» (иккинчи худо – коинот ҳокими ва соқчиси)нинг саккизинчи марта шакланишидир. «Маҳобҳорат» эпосида у инсон шаклида дунёда яшаб, оила куриб, ажойиб қаҳрамонликлар кўрсатади.

Ҳиндистонда тасаввуф қоидаларига асосланган ўнлаб мактаб мавжуд бўлиб, улардан бири «тарк этиш» тарафдорлари «инсон факат мабдага (бошлангич нуқтага) яқин бўлиб унинг билан бирлашган суратдагина ҳакиқатан эркин бўла олади» дейдилар.

«Вандотион» мазҳабини Ҳиндистонда ирфон мазҳаби деса бўлади. Унинг пайровлари ўз таълимотларида фалсафий фикр юритиб, «ориф дунёвий алоқалар ва моддий боғланишлардан узилгандан кейин мутлақлик даражасига кўтарилади, ўшанда орифнинг руҳи, куллий (умумий) руҳнинг ўзи бўлиб қолади» деган холосага келадилар. (М.Фубор. Афғонистон тарих ўзанида. 167-бет).

Юнонистонда кулдорчиллик даврида яшаб илмий ижод билан шуғулланган файласуфлар орасида ирфон мактаби вужудга келди. Улардан объектив идеализмнинг отаси деб аталган Афлотун (Платон) (милоддан аввалги 427-347 йиллар) ўзига хос ўрин тутади. Унингча бутун дунё ҳақиқий борлиқнинг яъни «ғоялар дунёсининг» маҳсули, соясидир. «Ғоялар дунёси» фазо ва вактга боғлиқ бўлмай, абадий, ҳаракатсиз ва ўзгармасдир. Унинг фикрига кўра «ғоялар дунёси»ни факат соф тафаккур ёрдамида билиш мумкин.

Афлотун таълимотига кўра «ғоялар дунёси» билиш объектидир... ҳиссий билиш эса ҳақиқат эмас. (Ж.Тўленов, З.Фафуров. Фалсафа. ТошДУ, 1992 й. 49- бет).

Шунингдек Равоқий намояндадаридан Зенун ва Хрусијус жазбага берилиш (худо томонига тортилиш)ни худонинг нурини билиб олиш учун зарур ва лозим деб билардилар.

Флутин (Плутинус) (270-204 й.) Мисрда «ишроқ» мактабига асос солиб, Афлотун ва Арасту фалсафасини шарқ фалсафасига қўшиб, Искандариянинг ишроқ (ирфоний) фалсафасини тараққиёт йўлига солди. Флутиннинг фалсафаси «ваҳдати вужуд» назариясига таяниб, ҳақиқатни битта ва бирликни бутун борлиқнинг асли ва асосий манбаи деб тушунади. Унингча барча мавжудот ўша биринчи мабда (бошлангич жой, нуқта)дан сизиб чиқиб, ниҳоятда ҳам унга қайтиб боради.

Шунингдек Неофлутинизм таъсири остида, Исаият (Христиан) динида ҳам тасаввуф таълимоти юзага келди. М.Губор берган маълумотларга кўра ирландлик «Жани Искат Эржин», саккизинчи аср (ислом тасаввуфи юзага келган давр)да, черков таълимоти ва Флутин йўл-йўриклирини бирлаштириб, қўшма бир тасаввуфга асос солди. Унга биноан барча мавжудот биринчи мабда (бошлангич нуқта)дан келиб чиқсан ва охири ҳам ўша мабдага бориб қўшилади. Шунинг учун илоҳий мамлакат, барча тааммул қилувчи ва дунёвий ҳаётга қарши бўлган сўфийлар учун ҳар доим очиқдир. Шу каби учинчи Папа Ужиннинг маслаҳатчиси «Сент Бернард» руҳнинг юксак дарожаларга кўтирилиб, худога восил бўлиши ҳақида сўзларди. XVI асрда Масиҳият дунёсида тасаввуф маркази Ас-

панияга кўчиб ўтиб, ислом тасаввуфи таъсири остида келди.

Айтиб ўтилган ирфоний фикрлар ва тасаввуфий таълимотларнинг бир қисми ислом дини кириб келган соҳаларда тарқалган эди. Масалан, қадимий Хуросонда Будда ва Шива динларидан ташқари, милоддан аввалги учинчи асрда Митра динига мансуб ирфоний мазҳаб мавжуд эди. М.Ғубор эса милоддан кейинги асрларда «Суно» маъбудига сифинувчи руҳонийлар ҳам Хуросонда яшаганликлари, улар ўз баданларига кул суртиб, инсонлар калласи суюкларидан тузилган тасбехдан фойдаланиб, ўзларига хос бўлган ибодатхоналарга эга эканликлари ҳақида маълумот бериб ўтади.

Замон ўтиши билан мазкур таълимотлар, айниқса нафсни хўрлаш, дунё лаззатларидан воз кечиш ва тарки дунёчилликка берилиш, ҳам назарий ва ҳам амалий томондан ислом тасаввуфига ўз таъсирини ўтказди.

Асосан тарки дунёчиллик ислом таълимотига қарши эди. Муҳаммад Пайғамбар С.А.В. ўзининг ҳадисларидан бирида (тарки дунёчиллик исломда йўқдир) деган эди. Лекин унга қарамасдан ислом тасаввуфининг турли оқимлари уни ўзига хос шевада қабул қилиб олди. Аммо баъзи бир тарикалар масалан «Ниъматуллоҳий» тарикати тарки дунёчилликка берилиб, жамиятдан ўзишни қоралайди. Жамоада келишув билан яшай билишни энг буюк риёзат ва иISONНИНГ камол даражасига эришганидан далолат деб тушунади.

Ислом дунёсида биринчи сўфийлар «Басра» ва «Куфа» шаҳарларида топилдилар. Бу шаҳарларда мусулмонлар билан биргаликда яхудийлар, масиҳийлар ва жусийлар (оловга сифинувчилар) ҳам хилма-хил ақидалар билан яшардилар. Албаттга замон ўтиши билан турли фикрлар ва назариялар бир-бирига таъсир қиласдан қолмасди.

Биринчи сўфийлар Зоҳид, Обид, Ориф номи билан аталардилар. Зоҳид - тарки дунёчиллик билан шуғулланиб, ҳаёт нозу-неъматидан воз кечарди. Обид - тоат-ибодатга берилиб, Ориф эса ҳар доим худо ёди билан яшаб, ўз илмини ошириш учун уни таниб-билиб олишни мақсад қилиб кўйганди.

Тўққизинчи асрда Бағдод шаҳри ҳам тасаввуф марказига айланиб, сўфийлар ва «илми қалом» тарафдорлари орасида баҳсу-мунозаралар бошланди. Фақиҳлар (шариат олимлари) ҳам сўфийларга қарши турдилар. Саккизинчи асрдан бошлаб ислом тасаввуфи ва ирфони кенг кўламда ёйилиб, барча ислом мамлакатларига йўл очган эди. Мазкур таълимот Ҳиндистонга ёйилганидан кейин, хилма-хил турларга бўлиниб, ҳар бири ҳинд муҳитидан ўзига хос тус олли. Масалан, «Чаштия» тариқатининг пайровлари зикр, самоъ (сўфийларга хос тарзда рақсга тушиш)ни мусиқа билан ижро этадилар. Бу эса Ҳиндистон муҳитининг тасаввуфга тўғридан-тўғри таъсири учун яққол мисол бўла олади. Ҳатто баъзи ғарб тадқиқотчиларининг фикрича мусулмон сўфийлар зикни ҳисоблаш учун тасбеҳни ҳам мазкур мамлакат сўфийларидан тақлид қилиб олган эмишлар.

Ислом тасаввуфи Ҳиндистонга тарқалгандан кейин турли тариқаларга бўлиниди. Улардан Қодирия, Чаштия, Суҳравардия, Баҳоия (Малтоний), Шозилия ва Мужадидия энг машҳур тариқалардан ҳисобланади.

Шундай қилиб ислом тасаввуфи, юнон фалсафаси, айниқса неофлутинизмнинг «ваҳдати вужуд» назарияси ва шунингдек христианликда тарки дунёчилликка доир таълимотлардан турли соҳаларда фойдаланди. Айни ҳолда Ҳинду Будда фалсафасидаги «фано» мафқураси унга кириб келди. Ҳинд таълимотидаги «фано»дан мақсад, аччиқ ҳаёт дардидан қутилиш салбий маънода бўлса, ислом тасаввуфига ушбу ақида сўфийнинг бақо (боқий биллоҳ) даражасига эришишига қаратилган. (М.Ғубор. Афғонистон тарих ўзанида).

Доктор Қосим Ганий «тасаввуфнинг асосий манбалари» унвони остида сўз юритгандан кейин, Юнонда илоҳиёт фалсафаси мовароутгабия (табиат орти) фалсафаси ва Искандария файласуфларининг мақолалари таъсири остида юзага келган, мутакаллимлар (қалом илми намояндалари)нинг турли туман ақидалари, ўз навбатида тасаввуфга ~~Абӯиёнин~~ ~~Укбозиб~~ ~~Убайд~~ деб таъкидлайди.

АХЕБОРОГАН 17.01.2014

2-4217

159522-201a>

77

Тасаввуфнинг исломий илдизлари

Хинд, юонон фалсафаси ва Масихият таълимотларидан қатъи назар, ислом тасаввуфи асосан Куръондан сарчина олади.

Ислом дини тарқалиши билан бирга, бир қатор саҳобалар кўпроқ тоат-ибодатта берилиб, ахлоқу-руҳни покизалаш ва риёзат чекишга уринардилар. Ҳам Куръон ва ҳам Суннада инсон билан яратувчи орасида бўлган мунносабатларни белгиловчи оялар ва ҳадислар кўп. Тасаввуф назариётчилари ирфоний таълимотлар илдизларини ана шу оят ва ҳадислардан қидиришарди.

Куръон инсонларни ҳар доим тааммул қилиш, ҳақнинг зоти, сифатлари ва буюк кудрати ҳақида ўйлаб фикр юритишга чақиради. Куръоннинг ўнлаб ояларида бундай даъватларга учраймиз. Масалан, 13-сурада учинчи оят таржимаси қуйидагидек: (Албатта ушбу (матлаблар)да тафаккур қиласиган қавм учун оялар (ибратлар) бордир). 30-сурада саккизинчи оят: (Ўзларининг яратилишилари ҳақида ўйламайдиларми).

Ирфоний таълимотда, тафаккур катта аҳамият касб этади. «Ўзини тағиб олган киши, ўз эгаси (раббини) таниб олишга муваффак бўлади». Ҳақиқий маҳбуб ҳақида ўйламасдан, кўнгил кўзгусидан, унинг суратидан бошқа нарсаларни чиқариб ташламасдан, унинг жилвасини кўриш ва унга восил бўлиш мумкин эмас.

Жавод Нўрбахш тафаккурии сўфийлар ва орифлар тафаккурига бўлади. У орифлар тафаккури кўпроқ таақкул (аклни ишлатиши) билан бўлса, сўфийнинг тафаккури ишқу муҳаббат орқали бўлади дейди. Ҳадислардан биринда бир соат тафаккур бир минг йиллик тоат-ибодатдан афзалроқдир дейилган. ✓

Тасаввуф ва ирфон аҳли, ҳақиқий маҳбубининг ишқига мубталодирлар. Инсон-сўфий албатта худони севади, аммо худо ҳам инсонни севадими? Бу борада далил борми? Тасаввуф аҳли қуйидаги оятга мурожаат қиласидилар: Дегил-(Эй Мухаммад): – “Агар худони севадиган бўлсангиз, менга эргашинглар. Шунда худо ҳам сизни севади...” (3- сура, 31- оят).

Мазкур оят сўфиїларга ҳақиқий муҳаббат, яни Аллоҳ муҳаббати учун илҳом берувчи манба ҳисобланиб, ундан жазбаланган шоирлар ажойиб шеърлар ёзганлар.

Куръонда, одампидан яратгандан кейин худо «мен унга ўз руҳимдан дам солдим - пуфладим» дейли. (38-сурә, 72-оят). Ушбу оят ваҳдат фалсафаси учун энг муҳим манба ҳисобланади. 89-сурә 27-, 28-оятда бундай дейилади: (Эй хотиржам рух, рози бўлган ва сендан розилик билдирилган ҳолда худойинг томонига қайт).

Шундай қилиб ирфон ва тасаввуф, аҳли тасаввуф ва ирфонга алоқали бўлган турли усул, қоида ва одобни исботлаш учун, ислом динининг асосий манбалари бўлмиш Куръони Карим, ислом пайғамбари, унинг саҳобалари сўзлари ва амалий ҳаётларига таянадилар.

Француз тасаввуфшунос олимни Рўжи Арнолдз айтганидек ислом тасаввуфи шундай боблар ва материалларни ўз ичига оладики кенг маънода ислом асослари ва таълимотлари билан йўғрилиб кетган.

Тасаввуф таълимотининг асосий йўналишлари

Ислом тасаввуфи, бошлангич пайтларда қисқача содда таълимлардан иборат бўлиб, кўпроқ амалий тус олгани эди. Сўфиїлар кўпингча тоат-ибодат билан шуғулланиб, тарки дунёчилик ва риёзат чекишга уринардилар. Ўша пайтларда, тасаввуфий матлаблар, ишоралар билан ифодаланиб, илмни ўрганиш ва уни дафтарларда ёзишига қарши эди. Аммо замон ўтиши билан унга доир таълимот дафтарларга кўчирила бошлади, бу ҳақда китоблар ёзилди, хонақоҳлар курилди ва сўфиїларга хос одобу русумлар, уларнинг юриш-туришлари, еб-ичишлари, учрашув ва сафарларини белгиловчи дастурлар яратилди.

Ислом тасаввуфи дин ва фалсафадан устунроқ турарди, айни ҳолда ҳар иккаласидан таъсирланиб, айниқса Плутин таълимотиги ўзида кенг кўламда акс этирган эди. Унинг таъсир доираси ҳикмат, риёзиёт, тиб ва бошқа фанлар соҳасидан анча кенг эди. Ҳатто буюк файласуфлар ҳам унга катта эътибор берардилар. Маса-

лан машҳур файласуф Абу Али Ибн Сино бу ҳакда қўйидаги дикр билдирган эди: ҳақиқий сўфия тариқаси ўз эгасини, худо зотини таниб олишга эриштиради. Лекин бу ақлий қиёсга асосланган ақлий тариқа эмас, балки иафс (руҳ) кўзгусида акс этадиган нур орқали бўлади.

Замон ўтиши билан тасаввуф таълимоти турли тариқаларга бўлинниб, унда турли йўналишлар топила бошлиди. Бу мактаблардан энг муҳими Ибнул-Арабий асос солган ва барча тариқаларга ўз таъсирини ўтказган «ваҳдатул-вужуд» фалсафаси ҳисобланади. Биз ушбу мактабни ва ундан кейин бошқа энг муҳим тасаввуфий мактаблар (тариқалар)ни қисқа суратда танитиб ўтамиз.

Ибнул-Арабий ва «ваҳдатул-вужуд» фалсафаси

560 ҳижрий йил Марсия (Андалус-Аспания)да туғилиб, 638 ҳижрий йил (1240 милодий йил) Сурияда вафот этган Муҳийиддин Абубакр Муҳаммад ибн Али ал-Хотамий аттоий, ислом тасаввуфида «ваҳдат» фалсафасининг асосчиси ва машҳур ҳомийси бўлиб, ўз ирфоний таълимотини Куръонга асосланган ҳолда, афлотунийлар, Арасту ва бошқалар таъсири остида яратди.

У ёзган асарларининг сочини М.Фубор 300 та деса, Алмунюжид муаллифлари уларни 400 та деб кўрсатади. Уларнинг энг машҳурлари «фусусул-ҳикам» (ҳикматларнинг кўзлари - иигинлари), «Алфутухотул-маккия», «Тожуррасоил» ва бошқалар ҳисобланади.

Ибнул-Арабий вафотидан кейин мутаассиб кишилар унинг қабрини буздигар, лекин сўнгроқ Туркия подшоҳи султон Салим Усмоний уни қайтадан курди. Деххудо берган маълумотта кўра фақиҳлар ва юзаки олимлар уни ҳам ҳаёт чоғида ва ҳам вафотидан кейин «хулул» (бир киши руҳининг бошқа бир кишига ўтиши ҳақидаги эътиқод) ва илҳод (дислизлик) билан айблаб келгаилар. Шунингдек унинг ваҳдатул-вужудга ақидаси ва гаройиб нарсаларни кашф этиши ҳақида унинг илдаолари, шарият аҳлини ҳар доим унга қарши қилиб кўярди (Лугатнома, биринчи жузъ, 330- бет).

Ислом буюк энциклопедияси Ибнул-Арабийни ислом тарихида «фалсафий ирфон тизими» ёки «ирфоний фалсафа» ёки «илоҳий ирфоний ҳикмат»нинг энг буюк асосчиси сифатида баҳо беради ва уни барча давларда ирфон соҳасида энг буюк мутафаккир деб ҳисоблайди. Ислом дунёсида бу кунга қадар бир нав унинг тафаккури таъсири остида бўлмаган ҳеч мутафаккир ориф-мизож файласуф топилмайди. (Ислом буюк энциклопедияси, 4-жилд, 233-бет).

Абдураҳмон Жомий «Нафаҳотул-унс»да уни ваҳдатул-вужудийларнинг яловдори деб атаган. Доктор З.Сафо айтишича унинг тафаккур услуби бошқа сўфийлар билан кўп фарқ қиласиди. У барча сўфийларга нисбатан кўпроқ тасаввуфга илмий шакл берди. Шайх Муҳаммаддин турли фанлар олимни эди. Шу сабабли ирфоний сўзларни фалсафий таъбирлар билан қўшиб, ирфон ва ишроқий ҳикмат (илоҳий ҳикмат)ни бирлаштирги ва «ваҳдати вужуд» масаласини ақлий қоидалар, илмий усул, истидол билан изоҳлаб берди.

Шу йўсинда ўша замонгача ўз содда шакли билан важд¹, ҳол², завқ³, шеър ва амал билан қўшилиб келган тасаввуф, назарий услубга эга бўлиб, таълим бериши мумкин бўлган илмий шаклга эга бўлди, яъни тавжихий (изоҳланувчи) ё фалсафий тасаввуф деб аталиши мумкин бўлган «ирфон» қиёфасини олди. Шундан кейин тасаввуф «ҳол»дан бир микдор «қол»га ўтиб бошқа фанлар қаторида даре берила бошлади. (З.Сафо, Эронда адабиёт тарихи, 3-жилд, бирингчи китоб, 169-бет).

Ваҳдатул-вужуд назарияси нимадан иборат, фалсафада қандай ўрин тугади ва бу ҳакда Ибнул-Арабийнинг таълимоти қайси асосларга таянади? Биз турли манбалар, айниқса, унинг ўз асарларига мурожаат қилган ҳолда ушбу назариянинг турли томонларини ёритишга уринамиз.

¹ Важд: ҳаддан ортиқ хурсандлик ҳақдан мурид қалбига тушиб. унинг ички дунёсини ўзгартирувчи ҳолат.

² Ҳол: маънавий матлабларни тўғридан-тўғри гайбий манбадан во-ситасиз англаб олши.

³ Завқ: тасаввуфда ҳақни кўришининг биринчи даражаси.

Айтиб ўтганимиздек энг қадим замонлардан бери, ҳам ҳиндулар, ҳам юнонийлар инсон рухи билан яратувчи орасида бир хил синхият, яни аслдошликка ишонардилар. Унга биноан инсон рухи илохий манбадан келиб чиққани учун, бу дунёда тан қафаси ичра азоб чекади ва ўз аслини соғишиб улга қараб қайтишга интилади.

Орифлар ва айрим файласуфлар фикрича, рухнинг бошқа жаҳон билан алоқа тутиши, комил пиру-муршид изидан бориб рухни покизалаш ва бир қатор муайян маросим ва маҳсус ахлоқий, амалий шарт-шароитга риоя қилиш билан мазкур даражага эришиш ҳар ким учун мумкин ҳисобланади. Масалан Фаробийнинг фикрича «пайғамбарлик» тадрижий такомулнинг натижасидир. (Проф. Шахсавор ўғлу, мусулмон ва турк нижод файласуф, «Хонданийх» мажалласи, 1333 ҳ. йил, Техрон).

Орифлар фикрича, инсон рухи чегарасиз руҳоният (улухият) дengизидан бир кичик тўлқин ҳисобланади. Яратувчи ва яралганлар бирлиги ҳақида шарқу ғарб ориф ва шоирлари турли мазмунларда шеърлар ёзганлар. Бу борада олмониялик ирфон шоири Англус Силазюс ирфоний шеъридан бир парчани келтирамиз: «Мен тангрилек буок ва тангри мен каби кичиклир. У мендан юксакроқ ва мен ундан қўйироқ (тубанрок) бўлишимиз мумкин эмас. Биламан, тангри бир лаҳза ҳам менсиз яшай олмайди, агар бордио мен нобуд бўлсам, у ҳам жон топширишга мажбур бўлади». (Э. Табарий. Бир қатор тадқиқотлар..., 41-бет.). Лекин ислом тасаввуфида вахдатул-вужуд масаласига доир ушбу талозум (бир-бирiga лозимлик, бир-бирисиз яшай олмаслик) ифодаланмай, яратувчи мабда, асл ва асосий манба ҳисобланади.

«Ваҳдат» сўзи бирлик ва бир бўлиш маънисини ифодалаб «касрат» яни кўпликка муқобил (қарши) туради. «Вужуд» эса «борлик» маъносини англатади, Ваҳдатул-вужуд кўшма сўз сифатида вужуднинг бирлиги демакдир.

Ваҳдатул-вужуд тасаввуф атамаси сифатида тўлқин, ҳўбоб (кўплик), сув гирдоби (ўрама), жала ва томчининг ҳаммасини фақат сув деб фараз қилиш каби, барча мавжудотни яратувчи вужуди билан бир деб билиш ва ундан

бошқа (худодан бошқа) барча борликни фақат тасаввуру хаёл деб ҳисоблаш маъносидадир.

Ваҳдати вужуд назариясига фалсафанинг энг муҳим масалаларидан бири сифатида эътибор берилган. Мазкур назария ҳам фалсафий ва ҳам ирфоний асосларга таянди. Бошқа бир ибора билан айтганда мазкур назарияга биноан борлик дунёси, жамодот (жонсиз ва ҳаракатсиз қаттиқ жисмлар), ўсимликлар, ҳайвонлар ва суюқликлардан тутиб, осмонлар ва фалакиёт (фалакка боғлиқ бўлган нарсалар)гача ҳаммаси бир вужуд ҳисобланади. Уларнинг энг юксак, энг кучли ва энг шиддатли мартабасида тангрининг вужуди туради. Бошқа мавжудот биринчи мабда (бошланғич нуқта)га нисбатан яқин ва ё узоқ бўлгани нуқтай назаридан бир-биридан фарқланиб, баъзилари кучли ва баъзилари эса заиф ва кучсиз бўлади.

Вужуднинг икки томони бор: бир томони «вожибулвужуд» яъни ўз-ўзидан мавжуд бўлиб, ўз мавжудлиги учун бошқа нарсага муҳтож бўлмаган ва иккинчи томони эса «ҳаюло» яъни шаклланмаган модда ёки ундан кучсизроқ нарса бўлмаган энг заиф мавжудот ҳисобланади.

М.Муин, С.М.Сажходий ёзган «Ақлий фанлар қомуси»га таяниб бу масалани кенгроқ ёритади: яратувчига ишонган кишилар ҳам, бу фикрни (ваҳдат масаласини) ифодалаш учун турли йўллардан борганилар. Баъзилар, яратувчи тангрини олам вужудидан ташқари билсалар, баъзилари эса уни олам вужуднинг бир жузъи, лекин энг кучли ва шадид (шиддатли) мартабада турувчи деб фикр билдирадилар. Баъзи олимлар масалан Қайсарий ва Садруддин бу назариядан баъзи бир муаммолар келиб чиқишини назарда тушиб, вужуднинг бирлиги ва мавжудотнинг кўплиги ҳақида ақида изҳор қилганилар. Уларнинг фикрича вужуд бир, лекин кўп мартабали бўлиб, уларнинг ҳаммаси, ҳақ ва вожиб бўлган вужуднинг файзидан сизиб чиққанлар. Фақат биргина вужуд барча коинотни қамраб олган. Вужуд чегарасиз бир океан бўлиб, барча мавжудот унинг тўлқинлари ҳисобланади. Тўлқинлар эса дарёнинг айнаи ўзи бўлади, лекин айни ҳолда бу тўлқинлар (ўз аслига) қарам бўлганига қарамасдан, мавжудцирлар ва фақат тасаввур ва хаёл ҳисобланмайдилар.

Натижада тўлқин, ҳам дарёнинг ўзи, ҳам дарёдан бошқадир. (М.Муин. Форсий қомус, 4-жилд, 4989-бет).

Тасаввуф тарқалиши билан сўфийлар ва мутакаллимлар (илми калом аҳли) орасида ҳар доим қаршиликлар бўлиб келган. Мутакаллимлар худо борлиги, бирлиги, унинг исму-сифатларини мантиқий далиллар, фалсафий истилол йўлидан исботлашга уринсалар, орифлар ва сўфийлар, ҳақни таниб олиш ва унга эришиш бу йўлдан эмас, балки факат ишроқ (кўнгил ва замир ёруклиги) йўлидан мұяссар бўлади, дейдилар.

Орифлар ақидасича мутакаллимлар ва фалсафа ахлиниг мунозараси нафақат борлиқ чугунини ечишга ултуролмайди, балки уни мураккаброқ қиласди. Масалан, ориф шоир Ҳофиз ўзининг бир шеърида бундай дейди, таржимаси: «Дунё сирларини қидирмасдан, факат шарабу-мутрибдан сўзла, негаки ушбу муаммони ҳикмат (фалсафа) орқали ечишга ҳеч ким муваффақ бўлгани йўқ ва бўла олмайди ҳам». (Ҳофиз Шерозий. Девон, 5-бет).

Бу чугун (мураккаблик)ни фақаттина басийрат (қалбу-замир) йўли билан очиш мумкин. Бу басийрат ҳам, яратувчи ва инсон орасида ҳижоб (парда) бўлган модда пардасини йиртиб ўтишга маваффақ бўлган кишиларга хосдир. Бу мазмунни машҳур шоир лоҳурлик аллома Иқбол ўзининг бир кичик шеърида кўйидагидек ифодалаб беради, таржимаси: Ибн Сино (мантиқ аҳли ва файласуфлар намояндаси) чангу ғубор ичидаги йитиб кетди, аммо Жалолиддин Румий (орифлар намояндаси) маҳмил (кажава) парласидан тута олди. У (Румий) денгиз қаърига шўнғиб бориб гавҳарга етди, лекин бу (Ибн Сино) бир хас сингари ўрама (гирдоб) атрофида айланиб қолди (ҳақиқатта эриша олмади).

Жалолуддин Румий бу ҳақда Маснавий китобида куйидагидек фикр билдиради: Истилол аҳли (далил қилирувчилар-фалсафа аҳли)нинг оёклари ёғочдан. Ёғочдан бўлган оёқ жуда ҳам кучсиз бўлади.

Ваҳдатчи орифлар сониъ ва маснүъ (яратувчи ва яралгаилар)нинг бирлигига ишониб, худонинг вужуди, яни зоти барча ашёда жорийдир яни яратувчи ҳар нарсада мавжуддир деган ақидани талқин қиласдилар. Улар бир умумий ҳақиқат, бир ҳақиқий ва воқеий бор-

ликни бутун коинотда яйраган деб тушунадилар. Аммо мутакаллимлар худо зотининг бирлиги-ягоналигига ишониб, бутун борликда худонинг зоти эмас, балки феъли (амали) жорийдир, худо ўз иродаси билан бутун коинотни қамраб олган ва тўхтовсиз амал қилмокда ва бу амал азалий ва абадийдир, деб фикр билдирадилар.

Энди ислом тасаввуфидаги биринчи бўлиб ушбу масалага илмий ёндашиб, ўз фалсафий қараашлари билан «ваҳдатул-вужуд» гоясини кенг кўламда тарқатган зот, файласуф ориф Ибни-Арабий таълимотини қиска суратда назардан ўтказайлик.

Ибни-Арабий Андалус (Аспания) илмий мұхитида яшаб, ўз замонининг барча илмларини эгаллаб олган. Унинг энг муҳим асарлари турли тилларга таржима қилиниб, улар устидан кўп шарҳлар ёзилган. Брукелман айтишича «Фусусул-хикам»нинг 35 та шарҳи бор, аммо ислом буюк доиратул-маорифидаги берилган маълумотларга кўра Усмон Яҳё унинг 120 та шарҳига ишора қиласди. (Ислом буюк доиратул-маорифи, 4-жилд, 223-бет).

Мазкур манбада берилган маълумотларга кўра Ибни-Арабий ўз ҳаётида араб йирик файласуфи Ибни Рушд билан Андалус қадимий шаҳарларидан бири бўлган «куртуба» шаҳрида қисқача учрашиб, у билан фикр алмашган. Ибни-Арабий ўз асарларидан бирида ҳикмат аҳлига қарши фикр билдиаркан, уни (ибн Рушдни) яхшилик билан тилга олади. Бунинг сабаби улар орасида илмни ўқимасдан ҳам эгаллаб олиш, яъни худо томонидан бериладиган илмга ишониш каби муштарак ақида борлиги эди.

Ибни-Арабий билимларни умумий суратда икки хилга бўлади. Улар «касбий» ва «ваҳбий», яъни ўрганиб олинадиган ва ўрганмасдан бериладиган илмлардан иборатdir. У бу борада бундай дейди: бир илм борки уни бизда мавжуд бўлган ҳеч бир васила билан эгаллаб олишимиз мумкин эмас. Уни худо бизнинг юрагимиз ва руҳимизга юборади ва биз уни ҳеч қандай ташқи сабабсиз эгаллаб оламиз... Ваҳбий (берилган, бағишлиланган, ато этилган) илм, сабаб орқали эмас, балки худо томонидан берилади. (Ибни-Арабий Футухоти Маккия. 1-жилд, 254-бет).

Унинг фикрича барча нарсаларни кашфу шухуд (кашф: ички дунё ва маънавий олам ҳақиқатларининг тариқат аҳлига зоҳир бўлиши, шухуд: тасаввуф таълимотида ҳақни кўриш) орқали англаб олиш мумкин. Ўйлаш (тафаккур) билан шуғуланиш, ҳақиқатни билиб олиш йўлида ҳижоб (парда)дир. Буни бошқалар инкор қилишлари мумкин, лекин худо йўлини танлаганлардан ҳеч ким уни инкор қилмайди, бунинг сабаби шундаки истидлол ва тафаккур тарафдорлари ичида илоҳий ҳаким Афлотун каби «хол» моҳиятига тушунадиган завқ эгаси жуда кам учрайди.

Ибни-Арабийнинг фикрича «илоҳиёт» соҳасида тафаккур аҳлиниң хатолари уларниң тўғри сўзларига нисбатан кўпроқдир. Файласуфлар шунинг учун танқид қилинадиларки илоҳий илмда, уларниң хатолари, пайғамбар сўзларига қарши турди. Назар аҳли билмайдиларки тангри таоло ўзининг баъзи бандаларига баъзи ишларда гоҳи ақлга тенг ва гоҳи ақлга қарши ҳукм чиқариш учун куч берган. Бу муаммо ақл чегарасидан четда бўлиб, ақл уни билиб олиш имкониятига эга эмас. (Футуҳот... 2-жилд, 163-бет).

Ибни-Арабий, барча асарларида мантиқий меъёрларга мутобиқ ўйлаб истидлол қиласди, аммо охирда кашфу-шухуд, ички билим ва бирданига унинг қалбида топилган ҳақиқат алангасини, маърифатининг энг асосий маҳаки (меъёри) деб ҳисоблайди.

Ибни-Арабий ақидаасига биноан, унинг барча билим ва маърифатларининг манбаи худодир. Шунинг учун у ўз юрагини ўйлов (тафаккур)дан бўшатиб (воридот) (файбдан келувчи билимлар)ни қабул қилиб олиш учун тайёрлаш йўлидан бориб, бу илмларга эга бўлган. Шу йўсинда у ҳар бир нарсадан унинг қандай бўлганидек воқиф бўлиб, ҳақиқатни қандайки бўлса, ўшандай билиб олган. У «бизнинг билимимиз ўша ердан келади ва тангри бизнинг ўқитувчимиздир» дейди.

Мазкур ақида асосида «Футуҳот» китобини тартибга солиш, унинг ихтиёрида бўлмаган, балки худо унинг қўли билан мазкур китобни тартибга соган ва муалиф ўз ақлу рағини унга аралаштирумасдан, уни ўз ҳолига кўйиб юборган. «Футуҳот» китоби худо томонидан унинг

юрагига имло қилингани асардир. (Футуҳот... 2-жилд, 163-бет).

Ибни-Арабий вахдатул-вужуд фалсафий назариясини ўзининг хос услуги асосида изоҳлайди. У тангрини барча мавжудотнинг уйи ва мўмин банданинг қалби тангрининг уйи деб билади ва жаҳонда ҳақиқату воқеликдан бошқа нарсани кўрмайди: ориф ҳар бир нарсани унда кўради, негаки у бугун нарсаларни иҳота қилиб (қамраб) оладиган зарф (ичида нарсалар қуядиган идиш)дир. Нега шундай бўлмасин, у ўз номи – «дахр»¹ билан бизга бу нуқтани ёритиб берган. Тангридан бошқа ҳар нарса унга киради, ҳар нарсани кўрадиган киши, ўша нарсани фақат унда кўриши мумкин. Тангри барча мавжудот (борлик)нинг уйидир, чунки у «вужуд»дир ва банданинг қалби ҳам ҳақнинг уйидир, чунки уни ўзида кучиб олади, аммо ҳар бир кўнгил эмас, балки мўминнинг кўнгли. Ҳар ким ҳақнинг уйи бўлса, ҳақ ҳам унинг уйидир. Ҳақ вужудининг айни (объекти), бугун мавжудотнинг айни (объекти)дир. (Футуҳот... 4-жилд, 7-бет).

Ислом буок доиратул-маорифида Ибни-Арабий ҳақида катта илмий мақола муаллифи Шарафуддин Хурсоний (шараф) ёзишибча «ваҳдати вужуд» дунёқараши, фалсафий ва ирфоний тафаккур тарихида узоқ ўтмишга эга. Ҳозирги замон фалсафасида бу хил дунёқараш «пантеизм», яъни «барча худолик» ёки «барча худоликда» деб аталади. Биринчи атама худо, унинг билан жаҳон бирлигини ифода қиласа, иккинчи атама шундан иборатки жаҳон худода, унинг бағрида ва худо жаҳондан кенгроқ ва каттароқдир.

Биринчи атама (барча худолик)ни Англия диний мутафаккири Жан Туланд (вафоти 1722 йил) ва иккинчи атама (барча худоликда)ни Олмония файласуфи Карл Кристиан Фридриш Кравза (1832 й.) ишлатганлар.

¹ Ибни-Арабий пайғамбарнинг қўйидаги ҳадисига ишора қилди. Бу қудсий ҳадисда худо томонидан буидай дейилади: «Одам авлоди, дахр (замон)га иносазо айтпиш (сўклик) билан менни раижитади, ҳолбуки менниг ўзим даҳрман, барча пшлар менниг ҳўлимда, туну-куниг ўзгартираман» (Мишикотул масобийҳ, Муҳаммад Ибн Абдулло Ҳатиб. Ҳадислар тўплами, имом Буҳорий ва Муслим ривояти асосида. 13-бет.).

«Ашраф» ёзишича ваҳдати-вужуд қарашини Ибни-Арабийдан илгари кўп ўхшашлар билан бирга Ирланд файласуфи Юҳанс Скутус Эриогина (т. 877 йил) таълимотида қўрамиз. Кейинги даврларда бу фалсафанинг атоқли намояндаси Голландия машҳур файласуфи Борух Спиноза (т. 1677 йил) ҳисобланади. У бундай дейди: ҳар бир мавжуд нарса худодадир, усиз на мавжуд бўла олади, на идрок этила олади. Ибни-Арабийни ҳар иккала атама асосида ҳам ваҳдати-важудчи деб ҳисоблашга ҳақлимиз. (Ислом буюк дойратул-маорифи, 4-жилд, 245-бет).

Ибни-Арабийдан кейин унинг ирфоний-фалсафий мактабининг идомачиси, унинг машҳур шогирди Садруддин Муҳаммад ибн Исҳоқ Кунявий (в. 1273 йил) эди. М.Муин берган маълумотта кўра Ибни-Арабий унинг онасига уйланиб, Садруддинни тарбиялади, уни ўзининг етук шогирди ва йирик олим даражасига кўтарди.

Садруддин Кунявий ўз устодининг ишларини катта муваффакият билан давом эттириб, «Мифтоҳул-ғайб» ва «Илоҳий нафаҳот» каби китоблар ёзиши билан, янги тарикатнинг йўналишини ўргангандан кейин, ўз машҳур асари «Ламаот» (ёғдулар) китобини яратди. Ушбу асар Абдураҳмон Жомий томонидан «Ашиъатул-ламаот» номи билан шарҳланган.

Энди дин билан тасаввуф таълимоти айниқса «ваҳдатул-вужуд». Ўртасидаги муносабатни бир оз ёритиб ўтайдик. Шариат аҳли ҳар доим ирфон ва тасаввуф таълимоти, айниқса ваҳдатул-вужуд назариясига қарши чиқиб келдилар. Улар ирфон ва тасаввуф аҳлини илҳод (динсизлик) ва ҳулулият (руҳнинг бир инсон баданидан бошқа бир баданга ўтиши) ақидасига ишониш билан айблаб келиб, уларни ислом динига қарши деб талқин қиласдилар.

Сўфийлар ва орифлар ҳам уларни қиширийлик (юзакилик) ва тушунмасликда айблаганлар. Натижада машҳур сўфийлардан Хусайн ибн Мансур Ҳаллож (В. 922 й.), Шиҳобуддин Сухравардий (1145-1191 й.), Имодуддин Насими (В. 1417 й.) ва Бобо Раҳим Машраб (В. ... й.)ни ўлдиришга ҳукм чиқарганлар. Машҳур ориф шоир Жалолуддин Румий ўз маснавийсида улар ҳақида бундай

дейди. Таржимаси: Биз Куръоннинг мағзини чакиб олиб, бошқаларга унинг пўчогини қолдирдик.

Мазкур қаршиликларнинг сабаблари куйидагилардан иборат:

Биринчидан, ирфон «жаҳон худонинг гавҳари (вужуди) билан тўла ва унинг файзу тажаллийсининг самараси бўлиб, инсон бу илоҳий гавҳардан тўлиб тошган» дейди. Аммо дин нуқтаи назаридан жаҳон адам яъни йўқликдан яралган ва худо барча борлиқдан устун туриб, бошқа мавжудот билан кўшилмайдиган яратувчи ва мустакил зотдир.

Иккинчидан, Э. Табарий ёзишича кўпинча, динларда «анти космик» яъни оламга қарши ва инсоннинг кундалик ҳаётига қарши томонлар бўлмайди, балки дин кўпинча унинг ҳаётини тартибга солиш учун қонун-қодаларга асосланган. Лекин ирфон ва тасаввуф кўпинча «анти космик» хусусиятларга эга, яъни модда ва баданинни ҳурлайди, бу жаҳондаги ҳаётни аҳамиятсиз ва ўлимни азалий маъшуққа эришиш учун кўприк деб ҳисоблайди.

Учинчидан, ирфон ваҳдати-вужудга ишониш натижасида, динлар ва мазҳаблар орасидаги тафовутларни шаклий деб ҳисоблайди, жазба ва умумий муҳаббатнинг қонунини, олам қонуни ва инсонга хос вазифа деб билиб, ундан бир хил жаҳонни севиш ва универсализмга эришади. Аммо дин нуқтаи назаридан динлар айниқса ислом дини билан бошқа динлар орасидаги тафовутлар фақаттинга шаклий бўлмасдан, мазмунан ҳам мавжуддир.

Ваҳдати-вужуд назарияси - турли дину мазҳаблар пайровларига бир кўз билан қарашиб уларнинг барчасини ягона ҳақиқат қидиувчилари деб тушуниш ақидаси, ўзбек, форс ва араб шеъриятида кенг кўламда ўз аксини топган. Биз куйида, улардан уч мисол келтирамиз:

Ононки талабгори Худойд, Худойд!

Берун зи шумо нест, шумоийд, шумоийд! (Жалолуддин Румий)

Таржимаси: Эй яратувчини қидириб юрган кишилар, У, Сиздан ташқарида эмас. У, Сизнинг ўзингизсиз, ўзингизсиз!

Боқиб сужударо қошингга габр, агар мумин.

Тилаб қадаҳ аро аксингни маст, агар Маҳмур.
(Алишер Навоий).

Мақсуди ман аз каъба-у бутхона туйи ту,
Мақсуд туйи каъба-у бутхона баҳона. (Шайх Боҳой)

Таржимаси: каъбаю бутхонадан менинг мақсадим,
факат ўзингсан. Асл мақсад сенсан, каъбаю бутхона ба-
ҳонадир.

Кубравийлик тариқати (Кубравия)

Хийва шаҳрида туғилиб Шайх Нажмуддин Кубро лақаби билан шуҳрат қозонган Аҳмад ибн Муҳаммад Хийвакий, XII-XIII асрлар тасаввуф осмонида нур сочиб турган порлоқ юлдузлардан бири эди. У фақаттина тасаввуфга хос бўлган таълимотлар билан чекланиб қолмай, ўз замонасининг барча илму-фанларини ўзлаштириб олди. У шайх Рузбиҳонул-Ваззонул – Мисрий назоратида оғир риёзат босқичларини бошдан кечирди ва кўп ўтмай шайхнинг ишончига сазовор бўлиб, унинг қизига уйланди.

Ҳақни комил маънода англаб олиш ва унга эришиш йўлларини қидириб топиш дарди бир лаҳза ҳам уни тинч кўймасди. У Табриз шаҳрига бориб имом Абунаср Ҳафдадан «калом илмини» чукур ўрганиб олди. Ўшанда ёш Нажмуддин «калом илми» бўйича ўзининг биринчи асарини «Шарҳусунна 'вал-масолих» (суннат ва эзгуликлар шарҳи) номи билан ёзди.

Ислом энциклопедияси берган маълумотта кўра ушбу асар муқалдима моҳиятида ёзилган эди. Бу асарга доир бир мунозара жараёнида у шайх Бобо Фараж Табризий билан танишади. У ёш Нажмуддинга чукур таъсир кўрсатиб, қарашларини ўзгартирали. Ундан кейин калом илми мавзуларида ўз тадқиқотларини тўхтатиб кўйиб, бутунлай тасаввуф муроқабасига берилади. Чунки Бобо Фараж ишроқ (кўнгил нури) орқали ҳақиқатга эришмоқчи бўлган солик (мурид) учун ҳеч қандай билим олиш зарур эмаслигини таъкидларди. Негаки ҳақиқий билим илоҳий илҳом орқали ҳосил бўлади. (Ислом энциклопедияси, 9-жилд, турк тилида, Истанбул, 1950 й.).

Нажмуддин Кубро ушбу йўлдан борди, аммо кўп ўтмай буидай қилиб ўз мақсадларига эриша олмаслигини билиб олди. Негаки тасаввуф таълимотига биноан ҳақиқатга ақлу-мантиқ билан эмас, балки севги муҳаббат ва илоҳий «иноят» орқали эришиш мумкин эди.

Турли маңбаларда у қолдирган асарларнинг сони ўнтарга яқин деб кўрсатилган. У асос солган «кубравия» тариқати «Олтин тариқат» деб ҳам аталган. Унинг ўзи «рисолаттурук» деган асарида уни «тариқушшаттор» (ишқ аҳли бебокларининг йўли) деб ҳам атаган. Унинг бу асари «рисолату-одоббиззокирийн» номи билан Абдулғафур Лорий томонидан форс тилига таржима қилиниб, асарнинг арабча матии билан бирга Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар кутубхонасида 503 рақам остида сақланмоқда. Мазкур рисолада ушбу тариқанинг ўнта усулини қисқа суратда зикр этиб ўтади. Биз уларни қўйида қисқача изоҳлаб ўтамиз:

1. Тавба – содир бўлган хатолар-гуноҳлардан пушаймон бўлиб, худога юз тутмоқ.
2. Зухд – тақво ва парҳезгорлик, Аллоҳдан кўркиб, ман этилган ишлардан ўзни сақлаш.
3. Худога таваккал қилиш – ўз ишларини бутунлай худога топшириш.
4. Қаноат – озга рози бўлиб, кўп исташдан воз кечиши – тамаъгирликнинг зидди.
5. Узлат – гўшагирлик – бошқалардан ажралиб якка ўтиromoқ.
6. Ҳар доим зикрда бўлиш – ҳам оғиз, ҳам юрак билан худони ёд этиш.
7. Бутун вужуди билан тангрига таважжуҳ қилиб, сифиниши.
8. Сабр – бошта тушган оғир аҳволдан нолимай чидам кўрсатиш.
9. Муроқаба – боқиб кузатмоқ, тангри борлигининг денгизига ботиб, илоҳий оламга боқмоқ.
10. Ризо – тангри иродасига қаршилик кўрсатмасдан қазо ва қадар – тақдир ҳукмига тан бериш. (Нажмуддин Кубро, Рисолату одоббиззокирийн, охирги қисм, қўлёзма).

Нажмуддин Кубро мутакаллим, муҳаддис, буюк ориф, сўфий ва шоир бўлгани учун баъзан унинг ирфо-

ний ғоялари мутакаллимларга хос бўёқ билан безатилади. Алмунжид қомусининг иккингчи қисмида берилган маълумотга кўра унинг «Ал-усул-ашара» (ўнта асосий қоила) номли асари 13-асрда фалсафий йўналишларнинг маибай бўлиб келган.

Ислом энциклопедияси муаллифлари фикрига кўра Нажмуддин Кубро эски тасаввуф илк назариётчилари (10-11-асарлардаги Нишопур мактаби) билан Ибни-Арабий ва унинг халафлари (Садриддин Кунявий ва Фахруддин Ироқий) ва шунингдек сўнгти тасаввуф ақидалари орасида бир интиқол (кўчиш) даврини ташкил этади. Нажмуддин Кубро ҳам эски назариётчилар каби, тасаввуфнинг амалий томонлари ва билим йўлидаги босқичлари билан бирга метафизикага доир масалалар билан ҳам шуғулланиб келган. Хуллас унинг асарлари Ибни-Арабий асарлари билан биргаликда XIII аср фалсафий назарияларининг тамал тошини ташкил этиб келди.

Қодирийлик тариқати (Қодирия)

Қодирия тариқатининг асосчиси машҳур ориф Мұхиддин Абу-Мұхаммад шайх Абдуқодир Жийлоний (1078-1166) бўлиб, унинг силсиласи нисбати беш восита билан Абубакр Шиблийга етиб боради. У машҳур сўфийлардан бўлиб, Ҳанбалий мазҳабига мансубдир. У асос солган тариқат катта эътибор қозониб, кенг кўламда тарқалган.

Абдуқодир Жийлоний ё Гийлоний биринчи марта Абу-зикриё Табрезийдан арабий илмларини ўрганиб, фикҳ ва усул илмларини ҳам Бағдодда ўзлаштирди. Ундан кейин ваъз ва дарс бериш билан шуғилланиб, шуҳрат чўққисига етиб борди. Ўқиши даврида ўз касбидан ҳаёт кечирарди.

Жийлоний кўп асарлар муалифи бўлиб, улардан «Башоирул-хайрот» (эзгуликлар башоратлари), «Тариқул-ҳақ», «Алфатхуррабоний вал-Файзурраҳмоний», «футуҳулғайб» (ғайбнинг очилишилари), «Малфузоти қодирия», «Малфузоти Жийлоний» ва шеърлар девони кўпроқ зикр

этилган. У чиқарған хукмлар ва фатволар ҳам Ҳанбалий ва ҳам Шофиий мазҳабига мувофиқ бўлган.

Унинг ҳаётлиги чоғида бир гуруҳ тарафдорлари қодирия тариқатини тарқатишга бошладилар. Ундан кейин ўғли унинг ўринбасари ва қодирия тариқатининг бошлиғи бўлди, ундан кейин ўғли Абдуссалом, сўнгра укаси Абдураззок иршод мақомига кўтарилилар.

Биринчи марта қодирия хонақоси Ироқдан ташқарида қурилди, лекин айрим тадқиқотчилар фикрича унинг биринчи зовияси Бағдод шаҳрида қурилган экан.

Қодирия тариқаси биринчи марта Марокашнинг машҳур шаҳарларидан бири бўлмиш «фос»да, унинг икки ўғли Иброҳим ва Абдул-азиз авлодлари орқали ривожлантирилди. Улар Аспанияга бориб яшаб «Фарнота» сукути (1492 й.)дан кейин, уларнинг фарзандлари, Марокашга паноҳ истаб ўтлилар.

Қодирия тарақати ҳозирги Туркия худудига, Хонақоҳи тўлхона (Қодирийхона) асосчиси Исмоил Румий орқали кириб келди. Иккинчи пир лақаби билан танилган ушбу ориф (в-1631 й.) мазкур соҳада 40га яқин хонақо курдирган эди (Лугатнома).

Юсуф Ҳусайн маълумотига кўра, қодирия тариқаси Ҳиндистонда биригичи марта Муҳаммад Фавс номли киши томонидан курдирилган хонақодан тарқалиб, бобурийлар даврида Шоҳ Неъматулло ва Маҳмуд Муҳаммад Гийлоний орқали мустаҳкамланди.

Ушбу тариқат Миён Мир номи билан шуҳрат қозонган, Дорошукуҳ ва Жаҳоноро (Шоҳжаҳоннинг қизи ва ўғли)нинг муршиди бўлмиш Муҳаммад Мир орқали катта эътиборга эга бўлган эди. Миён Мир Ибнул-Арабий ақидаси (ваҳдатул-вужуд)га чукур берилган эди. Ҳиндистондаги қодирия тариқаси бошлиқлари кўпингча Ибнул-Арабий фалсафасига тамойил кўрсатиб, калом илми намояндлари билан мунозара олиб борганлар. Улар бошқа мусулмонларга нисбатан, мусулмон бўлмаган кишилар тўғрисида бағри кентлик билан муомала қилардилар. Азиз Аҳмад фикрича бундай муомала Дорошукуҳда илтиқотий (акликтивистик) тафаккурнинг шаклланишига сабаб бўлган омиллардан бири бўлиши мумкин.

Дежхудо «риёзул-орифин»дан олиб берган маълумотга кўра, Дорошкуҳ лақабли Муҳаммад Ҳиндистон подшоҳи Шоҳжаҳоннинг катта ўғли ва вали-аҳди эди. Укаси Аврангзеб оламгир унинг устидан ғалаба қозониб, уни ўлдирди. Дорошкуҳ шоҳзодалигига қарамасдан, ирфон таълимотини ўзлаштириб Сайдои Сармадий билан дўстона муносабатда бўлган, бадахшонлик Муллошоҳга ихлос ва иродат билдирган. У Муллошоҳ ва Миёншоҳмир лоҳурӣ силсиласи қодирия тариқатига мансуб бўлганлиги учун ўзига «Қодирий» деб тахаллус кўйди. Дорошкуҳ қодирий, «аҳли яқин» яъни буюк ориф ва сўфийлар томонидан айтилган шатҳиёт (юздан шариатта қарши бўлиб, комил орифлар томонидан, важд ва ҳол чоғида тилга олинадиган сўзлар, масалан мансур «анал-ҳақ» яъни мен худоман деган сўзи), ҳақида бир рисола ёзиб, уни «Ҳасанотул-орифийн» деб атади. «Сафинатул-авлиё» номли китоб ҳам унинг қаламига мансубдир. Ушбу асар Урду тилига таржима қилиниб, 1961 йилда нашр этилган.

Дорошкуҳ чиройли шеърлар муаллифи бўлиб, улардан бир байғни таржима қиласиз: Узимиздан ўтиб, ёрга етушдик, ўздан ўтиш қандай муборак сафар экан.

Абдулқодир Жийлоний қашшоқ ва факир одамларга муҳаббат ва меҳрибонлик билан муносабатда бўлиб, уларга ёрдам беришни тавсия қилган. Ҳиндистон мусулмонлари Абдулқодир Жийлоний (Гийлоний)га катта ҳурмат қоил бўлиб, унинг абадий ётаржойи – Бағдодни ўз муқаддас шаҳарларидан бири деб ҳисоблайдилар. Унинг тариқати (қодирийлик) кўпроқ шариатта жиҳдий боғланиб келганилиги сабабли бўлса керак, кўп мамлакатлар, жумладан Яман, Сурия, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Ирок, Афғонистон, Марокаш ва бошқа кўп исломий ўлкаларда тарқалиб, ҳозиргача ҳам унинг тарафдорлари бор. Унга «Ғавси аъзам» яъни буюк кутб деган лақаб берилган. Кўпинча шу лақаб билан тилга олинади.

Суҳравардийлик тариқати (Суҳравардия)

Суҳравардия тариқатининг асосчиси буюк сўфий илоҳиётшуюс Шиҳобуддин Абуҳафс Умар ибн Муҳаммад Суҳравардий эди.

У 539 ҳ.й. (1145 м.й.) қадимги «Жибол» вилоятида жойлашган Сухравард қишлоғида туғилған. Тасаввуф таълимотини ўз амакиси машхур ориф Абунажиб Зиёуддин Абдулқоҳир ибн Абдуллоҳ ва шунингдек машхур шайх Абдулқодир Желийдан олди. Сухравардийнинг таълимот силсиласи имом Аҳмад Фаззолийга етиб боради.

Сухравардий Бағдодда яшаб, Аббосийлар Халифаси (Анносир биллоҳ ё Анносир ли-динниллоҳ, - 34-халифа) саройига қабул қилинди ва сўфийларнинг бошлиғи қилиб тайинланди. У 89 ёшида 1234 й, Бағдод шаҳрида оламдан ўтди. У шайх Саъдий, шайх Авҳадуддин Кирмоний, шайх Шамсуддин Сафий, Нажибуддин Али Шерозийнинг муршиди эди. Саъдий бу ҳақда «Бўстон» китобида гапириб ўтган.

Сухравардий Бағдод саройида катта хурмат ва эътибор билан яшади. 1221 йил халифа томонидан бир муҳим вазифани бажариш учун Салжўқийлар султони Алоуддин Кайкубод билан учрашиш мақсадида Бағдоддан Куняга юборилган.

Сухравардий бир неча марта ҳаж зиёратига мушарраф бўлиб, ушбу сафарлар жараёнида Макка шаҳрида Араб машхур мутафаккир ва сўфий шоири Ибнул-Фориз (1181-1235) билан учрашиди. Ибнул-Фориз катта қасидалар муаллифи. Унинг «Тоия» (Т-ҳарфи билан қофияланган) қасидаси 750 байтдан кўпроқ бўлиб, унинг устидан кўп шарҳлар ёзилган. Ибнул-Фориз ўз девони жумладан шароб ҳақидаги бошқа бир катта қасидаси билан ҳам шуҳрат қозонган. Ушбу қасида, М-ҳарфли қофиялар билан ёзилиб, унда шароб ҳақида илоҳий муҳаббат рамзи сифатида чиройли бадиий мазмунлар киритилган. Шоирнинг унда куйидагидек ифодалари бор: маҳбуб ёди билан ҳар доим ичиб келганмиз, ҳатто ток (узум дарахти) яраимаган чоғда ҳам, биз ундан маст бўлганмиз. Менга сен гуноҳга олиб борувчи нарсани ичибсан дейдилар, ҳолбуки мен шундай нарсани ичканманким, уни тарк этиш (ичмаслик) менимча гуноҳдир.

Бундай сўфиёна қарашлар ҳар иккала орифни бир бирига яқинлаштириди ва шоир томонидан Сухравардийнинг икки ўғлига хирқа кийдирилди.

Бир гуруҳ сұхравардия тарафдорлари Эрон ва Ироқда тинчлик бузилгани сабабли Ҳиндистонга ўтиб, улардан бири Баҳоуддин Закариә 13-асрда ушбу тариқатни Мултонда ва Жалолуддин Табризий номли киши уни Банголда тарқатдилар. 1443 йил Шайх Юсуф Мултон сұхравардийлари томонидан Мултон ва шимолий Синд подшолигига күтарилди, лекин унинг хукмронлиги күп давом этмади.

Ҳиндистон сұхравардийлари Ҳанафий мазҳабининг изчил тарафдорлари эдилар. (Азиз Аҳмад. Ҳиндистонда исломий тафаккур тарихи). Тадқиқотчилар фикрича, Умар Сұхравардий тасаннун (Суннийлик) мазҳабида тасаввуфнинг бир танилган вакии ҳисобланади. Унинг асарлари күйидагидейк қайд этилган: Аворифул-маориф, Рағфұннасоиҳ, Аъломуттақий, Аъломулҳудо. Биз кузатиш жараёнида унинг бошқа икки асарини ҳам учратдик. Улар «vasiyatu Сұхравардий Ли-нажибilmultoniy» (Нажиб Мултонийға Сұхравардийнинг васияти), «Рисолатун фи одобиттарийқа» (тариқат одблари ҳақида рисола)дан иборат бўлиб, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқигунослик институти кўлёзмалар кутубхонасида уларнинг нусхалари мавжуд.

Сұхравардийнинг айтиб ўтилган асарларидан иккитаси яъни «рағфұннасоиҳил-иўмония ва қашфул-фа-зиҳил-юнония» (иўмоний ўйтларни сўриш ва юноният фазиҳатлар-расволикларни қашф этиш) ва «Аворифул-маориф» (билим тұхфалари) ниҳоят муҳим бўлиб, ҳар иккаласи халифа Носирга тақдим этилган.

«Аворифул-маориф» тасаввуфнинг энг кўп тарқалган китобларидан бири бўлиб, Қоҳирада Фаззолийнинг «Иҳёул-улўм» китоби билан бирга нашр этилган. Вилбар Фўрс Кларк уни инглиз тилига ўтириб, 1891 йил Лондонда нашр этган. Ушбу асар ахлоқ ва тасаввуф одобига оид бир муҳим китоб бўлиб, жуда кўп тарихий ҳодисаларни ўз ичига олгани сабабли, тасаввуфий атамаларни таърифлаш учун жуда қимматли манба ҳисобланади. Ушбу китоб ал-Кошоний номли бир киши томонидан қисқартирилиб, баъзи бир қўшимчалар билан форс тилига таржима қилинган (мазкур кутубхона, Р. 10765 ракам).

«Аворифул-маориф» китобидан шарқшунослик кўл-ёзмалар кутубхонасида бир неча нусха мавжуд. Р. 5847 ракамли нусха кўриб чиқилди. У 63 бобдан иборат бўлиб, жуда қизиқарли маълумотлар беради. Кўпинча боблар аввалида «ҳаддасано шайхул-ислом Абунажиб Абдулқоҳир ибн Абдиллоҳ ибн Муҳаммад ибн Саъд ас-Сухравардий» ё Абдулқодир Желий бундай дейдилар деб сўз юритилади. Айрим бобларда бошқа устодларга ҳам ҳавола қилинади.

Унинг иккинчи муҳим асари «Рашфуннасоих...» имом Фаззолийнинг «Таҳофутул-фалосифа» китобига ўхшаш, Юнон фалсафасига қарши ёзилган бир асадир. Муаллиф уни ёзишда ҳадислардан фойдаланиб, Юнон фалсафий қоидаларини оят ва ҳадислар билан рад қилишга уринади. Сухравардий «шифо» китобини ёзиш, ибн Синони пайғамар изидан борищдан гафлатда қолишига сабаб бўлди деб файласуфларни тақлидчи коғирлар сифатида танигалиди.

Сухравардийдан бошқа, файласуфларга қарши турган машхур олимлардан ҳужжатул-ислом лақаб олган Муҳаммад Фаззолий ҳисобланади. Унинг фикрича фалсафага доир масалаларнинг кўп қисми тасаввурдан бошқа нарса эмас, илоҳиёт ҳақидаги барча файласуфлар таълимоти жумладан Афлотун, Арасту, Сукрот, Форобий ва Ибн Сино фикрлари хато ва асоссизdir. Унинг фикрича файласуфлар уч нуқтаи назардан куфрга йўл қўядилар: 1. Тангрини факат «куллиёт»ни билувчи деб билиб, «жузыиёт» яъни ишларнинг барча тафсилоти ва деталлари билан билишига ишонмайдилар, 2. Жисмоний қайтадан тирилишга ишонмайдилар, 3. Оламнинг қадиён ва азалийлигига ишонадилар, ҳол буким олам «ҳодис» яъни яралган бўлиб, яратувчи уни муайян муддатда яратгандур. Мазкур китобни Сухравардий динга қарши фалсафа билан шуғилланувчи баъзи бир ёшлар учун ёзган.

Шарқшунослик кўлёзмалар кутубхонасида Р. 505 ракамда сакланаётган араб тилида ёзилган «одобуттарийқа» рисоласи, 50 бетдан иборат бўлиб, тасаввуф таълимотига доир муаллифнинг фикру-мулоҳазаларини ўз ичига олади. Унга биноан Сухравардий фикрича дунёда факат Тангрининг сифатларини кўриш мумкин, аммо унинг

ўзини кўриш мумкин эмас. Муалиф ибодатларни ўзига хос услубда талқин этади. Масалан: шариат ва тариқат ва ҳакиқат рўзалари. Шариат, тариқат ва ҳакиқат намозлари. Биз рисола муқаддимасининг учинчи бетидан инсон мақомига боғлиқ бўлган унинг фикрларини қисқача таржима қиласиз:

Бизга берилган илмлар икки хил – зоҳирий ва ботиний илмлар, яъни шариат ва маърифатдан ибораттур. Бизлар эса зоҳирий ишларимизда шариатдан итоат қилишга ва ботинимиз учун, маърифатта буюрганмиз. Бу икки билимнинг бирлашувидан ҳакиқат илми ҳосил бўлади.

Фақат зоҳирий билим орқали ҳакиқатга етиш ва мақсадга эришиш мумкин эмас. Комил ибодат ҳар иккаласи билан бўлади, фақатгина битгаси билан эмас.

Маърифат нафс пардасини кўнгил кўзгусидан кўтариш орқали ҳосил бўлади. Худованд қудсий ҳадисда бундай буюрган: «Мен бир ёшурун хазина эдим. Ўзимни танитишни истадим. Мени таниб олсинлар деб, халоикни яратдим». Модомики яратувчи ипсонни ўзини танитиш, яъни билиб олиш мақсадида яратган экан, бундан келиб чиқиб маърифат икки хил бўлади: худо сифатларининг маърифати ва худо зотининг маърифати ким у билан охиратда «рухулкудус» маҳзуз (хурсанд) бўлади.

Муалиф илми зоҳир ва илми ботин ҳакида сўзлаб, бундай дейди: Маърифат олами-лоҳўт олами, яъни энг чиройли ва гўзал қилиб яратилган, рухулкудуснинг аслий ватанидур. Рухулкудусдан мақсад ҳакиқий инсондур.

Чаштийлик тариқати (Чаштия)

Ушбу тариқат Ҳиндистонда энг кўп тарқалиб, энг катта нуфузга эга бўлган тариқатлардан бири ҳисобланади. «Чаштия» сўзи Ҳиротдаги «Чашт» қишлоғи номига мансуб бўлиб, ушбу тариқатининг асосчиси Хожа Абуссоқ Дамашқий унда яшаган (Азиз Аҳмад). Аммо доктор Муин ёзишича, ушбу силсланинг асосчиси Хожа абу Аҳмад Абдол эди.

Чаштия тариқати Ҳиндистонда, Сийстонда туғилиб Хожаи Фарибнавоз лақаби билан шуҳрат қозонган Хожа

Муинуддин Хасан Чаштий Ажмирий (1141-1234 й) орқали тарқалган. Хожа Муинуддин исломда, тасаввуф дунёсининг буюк шахсиятларидан бири ҳисобланиб, Чаштия тариқасини тарқатиш орқали, Ҳиндистонда ислом динининг ёйилиши учун муносиб шароит яратиб берган. Айтишларича у, оворалик даврида қодирия, кубравия ва сухравардия тариқатлари асосчилари билан учрашган, Усмон Ҳарвоний (Хоруний) унинг муршиди бўлган.

Муинуддин Ҳиндистонга боргандан кейин, Ажмирни ўз хонақо ва фаолияти маркази сифатида танлаб олиб, тариқат таълимотини тарқатишга бошлайди. Унинг муридларидан бўлмиш Бахтиёр Кокий Дехлида ва Ҳамидуддин Ногурда иккита Чаштия тариқати марказига асос солдилар. Биринчи марказ умуман ислом маданиятига яқин бўлса, иккинчи марказ Ҳиндистонда қишлоқ ҳаёти шароитига жумладан гиёҳ билан овқатланиш шивасига юз келтирган эди. Бахтиёр Коқийнинг Муриди Фаридуддин, жилдий интизом, зоҳидлик ва риёзатчиликка асосланган бошқа бир марказга Ажудаҳон (Панҷоб)да асос солди.

Фаридуддин (1175-1265) авлиёларга бағишлисанган китобларда «Ганжи шакар» лақаби билан машхур бўлган. Унинг муридларидан бири Али ибн Аҳмад «Собирія» силсиласига асос солди.

Ҳиндистондаги Чаштий сўфийларининг энг атоқли намояндаси, Фаридуддиннинг муриди Шайх Низомуддин авлиё (вафоти 1323-25 й) эди.

Эронлик машхур тадқиқотчи доктор Муҳаммад Муин «Фарҳанги Форсий» номли ўз асарида, янглишиб Фаридуддин Ганжи шакарни, машхур ориф шоир Шайх Фаридуддин Аттор деб тасаввур қилиб, Низомуддин Авлиёни унинг муриди сифатида куйидагидек танитади «Низомуддин авлиё ... шайх Фаридуддин Аттор хизматига бориб, унга мурид бўлди ва камол даражасига етиб Дехлига қайтиб келди ва муҳлислар тарбияси билан машғул бўлди» (Фарҳанги Форсий. 6-жилд, 2129-бет). Ҳолбуки Низомуддин авлиё шайх Фаридуддин Аттор билан ҳеч қачон учрашмаган, чунки Аттор 1230 йил вафот этган бўлса, Низомуддин авлиё 1325 йил дунёдан кўз

юмган. Уларнинг таваллуди ва вафоти орасида бир асрга яқин фосила мавжуд.

Низомуддин авлиё ўзининг тақвадорлиги билан катта иззат ва эҳтиромга сазовор бўлиб, ўз асрининг мусулмонларига чукур таъсир ўтказган эди. Амир Хусрав Дехлавий унинг бир муҳлиси ва муриди сифатида унинг ҳакида қасидалар ёзган.

Низомуддин авлиё Дехлига келиб, ўз хонақоси учун ўрин таңлагани у билан түглукийлар султони орасида келишмовчиликка сабаб бўлди. Унинг буйруғига биноан халифаси Дехли чароги-Насруддин, уларнинг Дехлида истиқомат қилишига нисбатан ҳукумат эътиrozига қарши туриб, Муҳаммад ибн Туғлук томонидан таҳқирланди. Султон бир гурӯҳ Чашгий шайхларига босим ўтказиб, уларни вилоятларга тарқалиб, ислом таълимотини сиёсий соҳаларда тарғибот этиш ва уни четда тарқатиш учун ўзларини бағишлишга буюрди. Шундай қилиб чаштийлик тариқасининг марказлашган фаолиятининг энг муҳим босқичи, 1325 йил, уларнинг вилоятларга тарқалиши билан тутади.

Ҳиндистоилик тадқиқотчи Азиз Аҳмад ёзишича, ушбу тариқат вакиллари чаштия тариқатини Ҳиндистоннинг турли соҳаларида жумладан Бангл, Кант, Даканга тарқатиб, Даканга мансуб Муҳаммад Гисудароз (В-1422 й) тасаввуф бўйича турли асарлар ёзди. 16-асрда шайх Салим Чаштий, Акбаршоҳ томонидан катта ҳурматта сазовор бўлди. 18-асрда «Низомия» ушбу тариқатнинг бир кичик йўналиши сифатида шоҳ Калимулло Саъй-қўшиши билан тиклаиди.

Чаштийларнинг дунёқараши, Ибнул-Арабий томонидан асос солинган «ваҳдати вужуд» назариясига асосланган эди. Уларнинг одоби бошқа тариқатлар одобига ўхшаш зикр, забти нафс (нафсни сақлаб тўхтатиш), муроқаба ва бир ҳиндий русум яъни чиллага ўлтиришдан иборат эди. Охирги русумнинг ифратий (ҳаддан оша) шакли маъкус яъни тескари чилла бўлиб, унда солик қирқ кун ўзини оёқдан кудукқа осарди. Ўша тадқиқотчи фикрича, ушбу русум ҳеч қандай шубҳасиз Жўтийлардан (Югдан) олинган эди. Чаштийлар қисқача самоъ мажлислари қуриб, раигли либослар киярдилар, озгина бо-

дом тановул қилиб, мусулмон бўлмаганларни ҳам ўз халқаларига қабул қиласардилар, адабиётта рафбат кўрсатардилар.

Уларнинг баъзилари куруқ ерларни экиб, унинг ҳосилидан ҳаёт кечирарди ва баъзилари ҳиндуда ва Будда роҳиблари каби сабад кўтариб, уйма-уй юриб гадойлик қиласардилар.

Чаштийлар «иллаллоҳ» сўзини ишлатишга кўп қизиқадилар. Ҳар йили Хожа Муинуддиннинг туғилган кунини нишонлаш учун барча ҳиндуда ва мусулмонлар унинг қабрини зиёрат қилишга борадилар. Низомуддин авлиёни муридлар «Султонул-авлиё» ва «Маҳбубуллоҳ» деб атайдилар, Дехли яқинида жойлашган Фиёспурда унинг қабри барча муҳислар учун зиёратгоҳdir.

Яссавийлик тариқати (Яссавия)

Туркий халқларнинг буюк сўфийси Хожа Аҳмад Яссавий асос солган яссавийлик тариқати бутун Туркистон кенг соҳасида тарқалиб, асрлар давомида бу мингтақа халқлари учун руҳий таянч, файзу-баракот булоги бўлиб келди.

Турк буюк тадқиқотчи ва адабиётшуноси Мұхаммад Фуод Кўпрулузода «Турк адабиётинда илк мутасавифлар» номли ўз қимматли китобида бу борада кенг ва қоникарли маълумотлар берилб, ушбу тасаввуф мактаби Туркистон халқлари руҳий тарбиясида қанча таъсир ўтказганини уқтириб ўгади. Унинг маълумотига кўра яссавийлик тариқатига биноан ҳақиқий сўфий риёзат ва муъжоҳадага берилиб, ҳаёт нозу-неъматларидан, ҳаловат, шахват ва ишратпарастликдан узокда туриши лозим. Яссавия тариқатига мурид куйидаги одобни риоя қилишга мажбур ҳисобланади:

1. Ҳеч бир кимсани ўз шайхидан афзал билмасин,
2. Мурид заковатли ва идрокли бўлиб, шайхнинг румуз ва ишпоратларини билиши керак,
3. Шайхнинг ҳар бир сўзига ишониб, ундан содир бўлган ҳар бир ишга розилик кўзи билан қараши керак,
4. Шайхнинг барча хизматларини дангасалик билан эмас, чаққонлик билан бажарсин,

5. Сўзда содик, динда соғлом бўлиб, ҳеч қачон шаку шубҳага ўрин бермасин,

6. Вафоли бўлиб, ўз аҳдида (бсрған сўзида) турсин,

7. Ҳар доим барча молу-мулкидан ўз шайхи йўлида воз кечишга тайёр бўлсин,

8. Шайхнинг барча сирларини саклаб, уларни ҳеч қачон фош этмасин,

9. Шайхнинг барча ўтиг ва насиҳатларини назарда тутиб, ҳеч қачон уларни упутмасин,

10. Илоҳий висол учун шайх йўлида жонидан ўтиб, бошини беришга тайёр бўлсин.

Тариқат мулкитинг аҳкоми олтидур: Маърифати ҳақ, саховати мутлақ, сидқи муҳаққақ, яқини мустағрак, таваккули ризқи муаллақ, тафаккури мудакқақ.

Шайхлик ва муқтадолик (раҳбарлик) аркони ҳам олтидур: Илми дину-яқин, ҳилми мубийни матийн, сабри жамийл, ризои жалийл, ихлоси халийл, курби жазийл.

Ислом энциклопедияси бирингчи жилдида «Хожа» сўзи остида берилган маълумотларга кўра, нақшбандия тариқати ҳам, яссавийлик тариқатидан келиб чиқсан бўлиб, Хожа Аҳмад Яссавий сулоласидан келганлар каби, нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ва ушбу тариқатта мансуб бўлган буок муршиidlар ҳам Хожа унвони билан шухрат қозонганилар.

Фуод Кўпрулузода фикрича, сулук силсиласи нуқтаи назаридан Хожа Аҳмад Яссавийга мансуб бўлган тариқатлар бошланғич даврда иккига бўлинади. Улар нақшбандия ва бактоғия тариқатларидан иборат эди. Булардан ташқари айrim кичик йўналишлар ҳам яссавийлик тариқатидан келиб чиқсан, лекин уларни мустақил тариқатлар деб ҳисоблаш тўғри эмас. Унинг фикрича нақшбандия тариқати икки киши орқали яссавия тариқати билан боеланади, улар Қасам шайх ва Халил отадурлар.

Кўшимча қилиб айтиш мумкинки нақшбандия тариқати асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд ҳузурин ва гайбан, ҳар доим яссавийя тариқати муршиidlари билан алоқада ва уларнинг хизматида бўлиб келиб, улардан касби файз этган. «Мақомоти ҳазрати Хожаи Нақшбанд» китобининг муаллифи Абул-Муҳсин Муҳаммад Боқир

ибн Мұхаммад Али, Хожа Алоуддин Аттор орқали Хожай Нақшбанднинг ўз тиларидан нақл қилишича, Мавлоно Ориф Деккаронийдан кейин, Сайид Амир кулол тавсиясига биноан, Хожа Аҳмад Яссавий авлодларидан ва турклар буюк шайхларидан бири бўлмиш, Қасам шайх ёнига бориб, икки уч ой унинг хизматида бўлади. Ундан кейин Қасам шайх хожага қараб «Менинг тўққизта ўғлим бор, сен ўнинчиси ва ҳаммасидан кўра менга яқинроғисан» дейди. Шунинг учун Хожай Нақшбанд ҳар доим «ҳар ким турк машоихини танимаса, тариқатдан умидсиз бўлиб, таарузга ўтгусидур» (ҳар киро шинохти машихи Турк набошад, ҳароина, аз тарийқ бақуллий навмийд шавад ва мутаарриз шавад) деб таъкидлардилар.

Ушбу китоб Нафаҳотул-унс ривоятларидан ва Кўпрулузода Салоҳуддин ибн Муборак ал-Бухорийнинг «Мақомоти Баҳоуддин Нақшбанд» номли асаридан олиб берган ривоятига биноан ҳазрат Баҳоуддин шундай деган экаилар: Бир кечада тушумда турк машоихининг буюкларидан бири Ҳаким Ота (қадласа сирраху) мени бир дарвишга топширдилар. Уйғонишм билан дарвишнинг сурати зиҳнимда бор эди. Тушумни солиҳа бувимга айтдим, делиларким турк машоихидан сенга насиба еткусидур. Ундан сўнг мазкур дарвиш билан учрашувни истардим, бир куни Оҳангарон дарвозасидан чиқтунча, ўша дарвишга дуч келдим. Соchlари муvalлаҳлар (шайдо ва шийфта қалаңдарлар) каби, бошида минг баҳялик қалпок, қўлида ассаси бор эди. Менга ҳеч боқмади. Мен унинг изидан бордим. «Мурғкуший» деган кўчага етиб бориб, бир уйга киргандан кейин, мен уйга қайтдим. Эртаси дўстлардан бири келиб, Ҳалил отлик турк шайхзодаси сен билан учрашмоқчи дейди. Мен қувониб ўрнимдан турдим, куз фасли эди. Бухоро нозу-неъматларидан бир микдорни олиб бордим. У ўзи уйнинг бир гўшасида ва бир жамият унинг олдида ўтирган эди. Салом бериб ўтирудим. Тушумни айтиш учун бир туртки менда топилди. Лекин у бирдан менга боқиб, туркча қилиб «улким сенинг кўнглингдадур, ўзи бизга аёндур, айтмоғи не ҳожатдур» дейди. Ҳолим ўзгарди, ихлосим унга ошди. Унинг мулозаматида (хизматида) бўлдим. Ундан ажоиб

ҳоллар содир бўларди. Олти йилдан кейин у Мовароуннаҳр подшоҳи бўлди. Уни Султон Халил деб атардилар. Ўшал онларда ҳам ундан буюк «ҳоллар» кўринарди (ҳол - маънавий матлабларни тўғридан тўғри воситасиз билиб олишдан иборат бўлиб, маънавий тажрибалар, тариқат йўлидан бориш, ёки илоҳий мавҳибот самарси сифатида ҳосил бўлади). Подшоҳлик чоғларида ҳам олти йил унинг хизматида бўлдим. Подшоҳларга хизмат қилиш одобини ўргандим ва унинг одоб ва ҳурматини бажо келтирдим. Хилватда унинг хос ва маҳрам сұхбатдоши мен эдим. Ундан кейин ўша тарзда авлиёлар хизматида бўлдим. У мен билан гоҳи қаттиқ, гоҳи юмшоқ муомалада бўлиб, чексиз шафқат ва меҳрабонлик кўрсатарди. Сўнгра У ўз душманлари муқобилида мағлубиятта учради. Бир лаҳзада салтанат ишлари кўкка совурилди. Бутун дунё ишларидан кўнглим совуб, Бухорога келдим ва Ревартўнда иқомат қилдим.

Кўриниб турибдиким ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд, узоқ муддат - 12 йил давомида Халил Ота (Султон Халил) мулозаматида бўлиб келиб, унинг нафас ва сұхбатидан файз олган. Ундан содир бўлган гароиб ҳолатлар ва ажоиб кароматлар, унда чукур таъсир қолдириб, уни тарбиялаган. Лекин Фуод Кўпрулузода ёзишича, ҳакиқатда Хожа Баҳоуддин Нақшбанднинг маънавий мураббийси Хожа Абдулхолик Фиждивоний эди. Шунинг учун, уни Хожагон силсиласидан ҳисоблаш тўғри бўлади. Нақшбандийлик бир томондан Қасам шайх ва Халил Ота орқали яссавийлик таъсири остида бўлганидек, бошқа бир томондан Абдулхолик Фиждивонийнинг Аҳмад Яссавийдан сўнгра Юсуф Ҳамадоний халифаси бўлгани нуқтаи назаридан табиийким кўп жиҳатлардан унинг яссавийликка ўхшаш томонлари бор.

Рашаҳотда ёзишича Юсуф Ҳамадоний ва бошқа хожаларнинг зикри жаҳрия эди. Факат Хожа Абдулхолик Фиждивоний Хизр томонидан зикри хуфяга мамур бўлган эди.

Манқабатларга кўра Хожа Аҳмад Яссавий ҳазрат Хизр тавсияси ва йўлланмаси асосида, кўнгил инқибози (сиқилиши)ни очиш учун жаҳрия зикрга бошлайди. Зик-

ри арра номи билан машхур бўлган бу навъ зикр яссавия тариқатига хосдир.

Рашаҳот ривоятларига биноан Накшбандия етук муршидларидан бири Хожа Убайдулло Аҳрор баъзан бу шивага қаршилик кўрсатган бўлса ҳам, бир марта шайх Маҳмуд Туркистоний халифаларидан бири бўлмиш Камол Шайхдан зикри аррани ижро этишни илтимос этади... - сўнгра «етар, кўнглимизга дард сароят этди» ва бошқа бир ривоятта кўра «етар, Аршдан Фаршга қадар ёнди, агар бир мункир, бу қандай зикрдур деб сўраса, унга қандай экан деб жавоб беришни билиб олдим» деб, ушбу байтини ўқиган экан:

Мурғони Чаман ба ҳар сабоҳий
Хонанд туро ба истилоҳий

Таржимаси: Чаман кушлари ҳар тонг чоги, сени бир ном билан атаб сайрайдилар.

Фуод Кўпрулузода ёзишича Туркистон туркларидан бири бўлмиш Ҳазиний номли бир дарвиш «Жавоҳирул-аброр мин амвожил-биҳор» номли бир асар ёзиб, учинчи Султонмуродга ҳадя қилган экан. 324 бетли ушбу китобнинг 221 бети Туркча (узбекча-ж) ва қолгани эса Форс тилида ёзилган. Ўрта Осиёда тасаввуф жараёни олий бир савияга еттани учун, унга 12 яшарлигида жазба ғалаба қилиб, сўнгра Саййид Мансур Кошиқтарошдан касби файз этибдур. 19 ёшида камар ва хирқа олишга муваффак бўлиб, авлиёлар маноқибини ёзишга бошлабдур. Кўпрулузода фикрича ушбу асар яссавийликка маҳсус бўлган таълимотни ёритиш учун асосий ва биринчи манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Жавоҳирул-аброрда Арра зикри ҳақида 12 байтлик бир шеър берилган. Ундан бир неча байтининг таржимаси: Бизнинг бу зикримиз кўнгил кўзгусига сайқал беради. Арра зикри илоҳий океаннинг тўлқинидир. Арра зикри ўз жозибаси билан руҳ олами эшикларини очиб беради. Арра зикри фарёду оху нола билан қўшилиб, ундан гоҳи «Ҳай», гоҳи «Ҳу» ва гоҳи «Аллоҳ» сўзлари янграйди. Арра зикри азалият дарёсининг оқими бўлиб, ундан висол дурларини териб олиш мумкин.

Яссавия тариқатининг муршиidlари Ҳаким Ото (Сулеймон Бокирғоний), Занги Ото, Узунҳасан Ото, Саййид Аҳмад Ото (Саййид Ото), Садруддин Муҳаммад (Садр Ото) ва Бадруддин Муҳаммад (Бадр Ото), шайх Маҳмуд Туркистоний ва бошқа кўп таникли халифалари, шоҳлар ва давлат арбобларининг дикқат ва эътиборини тортиб келиб, улар томондан катта ҳурмат ва ишончга сазовор бўлганлар. Мисол суратда Буғрохон ўз қизи Анбар Онони ушбу тариқатнинг буюк муршиди ҳазрат Ҳаким Отога турмушга чиқарди. Ҳаким Ото вафотидан кейин унинг ўринбосари ҳазрат Занги Ото, шайхнинг маънавий далолати билан у билан турмуш қуришни илтимос қилди. Анбар Оно истамаган бўлса ҳам, Занги Отодан кўрган каромат натижасида тақдирга тан берди.

Бу малика энг олий табақа-шоҳ оиласига мансуб бўлишига қарамасдан, ҳар иккала руҳоний раҳбар билан ҳаёт кечирди ва ўз инсонийлиги билан бугунга қадар номи буюк инсонлар қаторидан ўрин олиб, ҳурмат ва олқишларга сазовор бўлиб келди.

Занги Ото бир оддий баркамол инсон, руҳоният олий даражаларига кўтарилиган сўфий, кўп муридларни тарбиялаб юксак мартабаларга етиштирган мураббий, авом ва хавос ҳурмат ва ишончини ўзига тортган муршид сифатида Ўрта Осиё шоирлари асарларида ўзига хос ўрин тутиб келган.

Кўпрулузода ёзишича Шамсиј исмли бир шоирнинг Занги Отога хитобан ёзган Мусаммати муножот шаклида девони ҳикматда нашр этилган. Унинг матлаи қуйидаги-дек:

Ул Саййиди акрам ҳаки, ё Занги бобо ҳимматий!

Ул мағхари одам ҳаки, ё Занги бобо ҳимматий!

Шунингдек машҳур шоир Камай Тошкандий унинг манқабатида бир шеър ёзган. Куйидаги байтлар ундан келтирилади:

Даргаҳи ҳақа посбони, ҳазрати Занги Ото.

Сирри ғайбий роздони, ҳазрати Занги Ото.

Эрдилар зоҳир сия фому вакелин ботинан,

Тобтилар нуру зиёни ҳазрати Занги Ото.

Турфа бир кашфу каромат кўргузуб даҳр аҳлиға,

Олдилар Анбар Онони ҳазрати Занги Ото.
Айладилар то мамотидан бері вирди забон
«Аллаҳ-Аллаҳ Раббано»ни, ҳазрати Занги Ото.

«Хазинатул-асфиё» китобида, унинг вафоти тарихи (вафоти йили) ҳақида күйидаги шеър қайд этилган: ушбу шеърда унинг вафот йилидан ташқари у, дунёдан кўз юмиши билан юксак биҳиштга йўл олиб, Аллоҳ висолига мушарраф бўлди дейилади:

Чу дар хулди муалло аз жаҳон рафт,
Жаноби хожай масъуд Зангий.
Валию-лоҳи муршид гу висолаш,
Дуборо ошиқи маҳмуд Зангий.

Нақшбаидия тариқатига бўлганидек, Яссавия тариқатига ҳам содик мухлис бўлган шоирлардан бири, Убайдий тахаллуси билан шуҳрат қозонган сўфий машраб етук шоир ва сўз устоди Бухоро подшоҳи Убайдулло Баҳодурхон эди. Унинг 700 бетта яқин кулиётидаги, кўп дунёвий шеърлар қаторида, ирфоний ва суфиёна мазмунда ёзилган ўзбекча, форсча ва арабча шеърларни кўрамиз. Мазкур тариқатларни талқин этишда унинг шеърлари катта аҳамиятга эга бўлиб ҳар қандай мактovга сазовордир. Убайдий кулиётининг ягона кўлёзма нусхаси Абу Раҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кутубхонасида Р. 8931 ракамда сакланмоқда.

Убайдий ёзган ирфоний шеърлар аҳамиятини шундан билиб олиш мумкинки, йирик мутасавиф Махдуми Аъзам лақаби билан шуҳрат қозонган ҳазрат Сайид Аҳмад ибн Жалолуддин Косоний ўзининг икки кичик рисоласини унинг бир ғазали ва бир рубойиси шарҳига ва бир каттароқ рисоласини унинг ўнга рубойиси ва бир ғазали шарҳига бағишилаган. Ушбу рисола таржимасини ушбу тўпламда «Рубойлар шарҳи» рисоласи сарлавҳаси остида ўқишингиз мумкин.

Убайдий девонида Хожа Аҳмад Яссавий мадҳ этилган ажоиб бир шеър бор. Уни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Барча маших сарвари, Султон Ҳожаҳмад¹ Яссавий.
Сонсиз муридлар раҳбари,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Хизр Отонинг ҳамраҳи, огоҳларнинг оғаҳи,
Доим илоҳий волаҳий,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Аллоҳ зикри ҳамдами, барча валилар аъзами,
Сирри илоҳий маҳрами,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий,

Ҳам ишқ аҳли содиқи, ушшоқ хайли Вомиқи,
Дедор ганжи шоиқи,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Ўғли шаҳид ўлғон замон, берди хабар бир нотавон,
Аблақ отин берди равон,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Лозола раъсуссобирийн, манзўру кулини нозирийн,
Султону кулил-орифийн,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Бахту Саодат ахтари, жон маҳзанининг жавҳари,
Ҳикмат биҳорип гавҳари,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Эй дўст кони марҳамат, ҳам баҳри илму маърифат,
Султони мулки оғият,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Кўнглумда қолмаслур ғамим,
Гар бўлса ҳар дам ҳамдамим,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Бўлғон ҳаво йўлида сад, айлаб ҳаво ишини рад,
Айлар боримизга мадад,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

Иzzат самоси ховари, ҳам ишқ мулки довари,
Мискин Убайдий ёвари,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий.

¹ «Ҳожа Аҳмад Яссавий» Вази бузилмаслиги учун «Ҳожаҳмад Яссавий» шаклда ўқилиши керак.

Нақшбандийлик тариқати (Нақшбандия)

XIV асрнинг иккинчи ўнлигига Баҳоул-хаққи ваддин лақаби билан шұхрат топған бухоролик машхур сўфий Мұхаммад ибн Мұхаммад Нақшбанд (1317-1389 й.) «Нақшбандия» тариқатига асос солиб, ўз таълимоти ёруғлигига тасаввуф таълимотини ҳаёт билан чамбарчас боғлашта ҳаракат қылди.

У худога эришиші, ҳақни таниб олиш учун жамиятда яшаш, халқ билан бўлиш ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун кўйишни уқлириб, ҳар доим солиқнинг кўнгли худо билан, кўли иш билан банд бўлишини тавсия қылди. У ўз отаси билан биргаликда кимхоб (атлас) тўқиши билан шуғулланиб, товар юзига маҳорат билан чиройли нақшлар чизарди.

Унинг манқабатларини ёзган Мұхаммад Бокир ўз китобида берган маълумотларга кўра Баҳоуддин Нақшбанд ҳар йил бир миқдор мош ва арпа экиб, ундан ҳаёт кечириш учун фойдаланаарди. Шунингдек манқабат муаллифи, унинг шогирдларидан бири бўлмиши Хожа Алоуддин Аттордан бир ажойиб можарони ҳикоят қилади. Унга кўра Баҳоуддин Нақшбанд бир ажойиб ҳодиса натижасида олти йил турклар машхур машойихидан бири бўлган Халил Ото хизматида бўлади. Халил Ото (Султон Халил) Мовароуннахр подшоҳлигига кўтарилганидан кейин ҳам, олти йил унинг мулозаматида бўлади. Унинг ўзи айтишича «олти йил унинг мулозими бўлиб хизмат қилдим, шоҳлар хизматида бўлиш одобини ўргандим, уни кўп одоб билан хурмат қилардим, бўшлиқ пайтида унинг хос маҳрами мен эдим. У менга баъзан қаттиқ қўллик ва баъзан эса меҳрибонлик билан лутғу марҳамат кўргазарди. (Абулмуҳсин Мұхаммад Бокир ибн Мұхаммад Али, Мақомати Ҳазрати Ҳожаи Нақшбанд, 7-8-бетлар).

Шуцай қилиб у Халил Ото билан тасаввуфий муносабатлардан ташқари, энг муҳим дунёвий ишлар яъни давлатни идора қилиши ишларида иштирок этиб, ўз амалий ва ҳаётий фалсафаси учун энг яхши ўринак бўлиб келди.

Накшбандия тариқати «сафар дар ватан», «хилват дар аңжуман», «дил ба ёр, даст ба кор», «хўш дар дам, назар бар қадам» каби ҳам ирфоний, ҳам амалий шиорларга асосланган.

Ушбу усулларни ёритиб изоҳлаш учун унинг шогирдлари, халифалари ва муҳлисларидан кўп кишилар турли асалар ёзиб қолдирганлар. Улар жумласидан Хожа Убайдулло Аҳор, Хожа Муҳаммад Порсо, Маҳдуми Аъзам ва Аблураҳмон Жомийлар ёзган асалар катта аҳамияттаги касб этди.

Афғонистонлик машҳур муаррих М.Ғубор «Афғонистон тарих ўзанида» иомли китобида айтишича, бу тариқанинг энг комил пайраларидан Афғонистонда Абдураҳмон Жомий ва Мир Алишер Навоий ҳисобланади. Улар бири факру тақво либосида, ахлоқ ва маданиятни тарқатиш йўлида хизмат қилган бўлса, иккинчиси эса Амирлик ва раислик (раҳбарлик) мақомида туриб, илмуғанни ривожлантириш йўлида фаолият олиб борарди. Муаллиф ёзишига ижтимоий шароит таъсири остида, унинг тариқати илгариги ваҳдатул-вужудий тариқат билан, XVII асрдаги «ваҳдату-ш-шукӯҳий» тариқа ўртасида бўлса ҳам, унинг амалий томонлари жуда кўп эди. (М.Ғубор, Афғонистон тарих ўзанида, 279-бет).

Лекин бизнинг фикримизча марҳум М.Ғуборнинг Накшбандия тариқатига берган баҳоси умумий суратда тўғри бўлса ҳам, унинг айрим намояндалари, айниқса, машҳур халифаларидан бири бўлган Хожа Убайдулло Аҳор ёзган асаларида «ваҳдатул-вужуд» назарияси кўпинча марказий ўринда туради, масалан унинг машҳур рисоласи «фиқароти Ахория»дан куйидаги ибораларга дикқат қиласиган: жазба завқ орқали топилган муҳаббатдир. Жазба таъсири натижасида завқ юзасидан ҳақни танишга муяссар бўлади ва бу таниб олишдан кўнгил бир ажойиб лаззат сезади. Хожа Аҳор айтишича мақсад (ҳак) тажаллисиниң нурлари ҳар доим порлаб туради. Кўнгил, руху-баданинг тириклиги ўша нур билан бўлади. Агар шиҳоятсиз нурларинг порлаши бир лаҳза мумкинот (коинот)дан узилса (тўхтаса) ўшанда ҳеч нарсадан асан қолмайди.

У шунингдек мазкур рисолада куйидагиларни ёзди: Таалтуқ риштаси, худо муҳаббатидан ташқарі (барчадан) узилганидан кейин, инсоний ҳакиқат (тангридан) бошқани унугиши шарафига эришиб, тангридан ўзга ҳеч бир кўринувчи қолмайди, балки бир зотдан бошқа нарса кўзга кўринмайди. Шунда шоҳидлик ва машҳудлик (кўрувчи ва кўринувчилик) сифатлари орадан кўтарилади “Аллоҳни Аллоҳдан бошқа (киши) танимайди” деган сўзининг сири ошкор бўлади. Аллоҳдан нари чегара йўқ “Албатта охирги чегара факат раббингга (эганга) боради” (Куръони Карим, 53-сура, 42-оят). Бу жойга келиб қаламнинг уни синди. (Убайдулло Аҳрор, Фикароти Аҳрория, 14-варак, кўлёзма.)

Нақшбандия таълимоти, ўз ҳаётйлиги, соддалиги ва амалийлиги учун аста-секин бутун Туркистон, қадимий Ҳуросон (ҳозирги Афғонистон)ни ва XVI-XVII асрлардан бошлаб Ҳиндистон соҳасини ўз таъсири остига олди. Унинг таъсирини айниқса адабиёт соҳасида XV асрдан бошлаб ҳозирги давргача яққол кўриш мумкин. Масалан, Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий шеъриятида ва шунингдек ҳозирги Афғонистон айрим шоирларининг асаларида униг таълимоти хилма-хил шаклларда ўз аксини топган.

Амир Алишер Навоий «Лисонуттайр»да шайх Фаридуддин Атторнинг ваҳдатул-вужуд фалсафаси ва тарки дунёчилликка асосланган «майтикуттайр»идаги фикрларни ижодий шаклда талқип этиб, қаландарчиллик руҳи ва тарки дунёчиллик йўналишларига танқидий ёндошади, авлиёлик даъвосини қилиб юрган илмсиз, жоҳил ва тикинхўр кимсаларни аёвсиз фош этади.

Мужаддидийлик тариқати (Мужаддидия)

XVII асрда Афғонистонга мансуб бўлган бир киши «Мужаддиidi алфи соний» (иккингчи минг йилликнинг янгиловчиси, тикловчиси) ва «имоми Раббоний» лақаблари билан шуҳрат қозонган шайх Аҳмад Форукӣ Накшбандий Аҳрорий Сарҳиндий, нақшбандия тариқатининг бир шоҳаси (шоҳчаси) сифатида «Мужаддидия» тариқатиги юзага келтирди.

Имоми Раббоний 1650 йил Ҳиндистоннинг «Сарҳинд» мингақасида туғилиб, 1703 йил ҳаётдан кўз юмди. У отаси шайх Абдулвоҳиддан турли илмлар ва ирфоний билимларни ўрганиб олиб, унинг рухсати билан «Чаштия» силсиласида унинг ўринбосари бўлди. «Чаштия» силсиласининг асосчиси Ҳиротнинг «Чашт» қишлоғидан бўлган Ҳожа Абу Аҳмад Абдол эди. Бу тариқат Ҳиндистонда кенг тарқалиб, мусиқа ва қўшиқ орқали ҳам зикр қиласиди.

Имом Раббоний 17 ёшида барча зоҳирий ва ботиний илмларни ўзлаштирди. Сўнгра Дехлида яшовчи хожалар тариқатининг идомачиси Ҳожа Муҳаммад Боқий ҳузурига мушарраф бўлди. Шайх Муҳаммад Боқий олти йўлдан - олти восита ё силсила орқали Ҳожа Баҳоуддин Нақшбандга бориб тақаларди. Имом Раббоний икки ой ичидан ундан кўп нарсаларни эгаллаб олиб, нақшбандия тариқатининг ҳомийси сифатида иш бошлади.

«Мактуботи имоми Раббоний» китобининг охирида берилган маълумотларга кўра, Ҳожа Муҳаммад Боқий ўз муҳлисларидан бирига бундай деб ёзган экан: «Шайх Аҳмад исмли кўп билимли ва қавиол-амал бир шайх бу факир билан ўлтиришганди, ундан кўп рўзгор ажойиботи содир бўлиши мумкин. У бир куёш сингари оламни ёритса керак». Шайх Аҳмад Сарҳиндий ўзи ёзган 535та мактублари мажмуаси билан нақшбандия тариқатининг шарҳловчиси ва ҳомийси бўлиб хизмат қилиди ва мазкур тариқатнинг кенг кўламда Ҳиндистон, Покистон ва Афғонистонда тарқалиши учун замин яратиб берди. «Мактуботи имоми Раббоний» номи билан шуҳрат топган ушбу мактублар унинг муҳлисларидан бири бўлган Ёрмуҳаммад Бадаҳший Толқоний томонидан уч жиллик китоб шаклида тўпланган. Мазкур китоб 1328 ҳижрий йил Тошкент «порсов» босмахонасида ва шунингдек Ҳиндистон матбааларида бир неча марта катта ададда нашр қилиниб, нақшбандия тариқатида ёзилган энг катта ҳажмли, катта бичимда 665 бетли китоб ҳисобланади.

Имоми Раббоний ўз замонининг машҳур давлат ва сиёсат арбоблари, ўз халифалари ва шунингдек буюк олимлар ва мутасавифлар билан кенг алоқада бўлиб, уларга Ҳиндистондан туриб, Афғонистон, Туркистонга

ҳар доим мактуб ёзиб турган ва турли мавзулардаги мұраккаб масалалар ва янги топилған фалсафий, тасаввufий ва ақидавий муаммоларни ечиб беришга интилған. У мовароуннахрлик Хожа Мұхаммад Қосым Амканагийга юборған мактубида (268 мактуб), нақшбандия тариқатининг бешиги бўлған Мовароуннахрда топилған бидъатлар борасида ачиниб сўзлайди, у ерда ривожланиб бораётган жаҳр, рақсу самоть, нафл намозларини жамоатда ўқиш ва чиллада ўтиришга қаршилик билдиради ва ушбу бидъатларни нақшбағидия тариқатини бузишга қаратилган бузғунчилик деб қоралайди (Албатта нақшбандия тариқати нуқтаи назаридан – Ж).

У тасаввуф таълимотида вахдатул-вужуд назариясига қарши туриб, уни суфастоиїлар мазҳабига ўхшатади, ирфоний таълимотни ислом шариатига яқинлаштиришга уринади. Бу ҳакда ёзган унинг 13 мактубида куйидагилар бор: Такрор этиб ўтганимиздек илгарилари тавҳид (ваҳдатул-вужуд) масаласида афъол ва сифотни (худонинг феълу-сифатларини) аслга берадилар. Ишнинг ҳақиқати маълум бўлганидан кейин, «ҳамма нарса ундандир» деган (шиор) палласи, «ҳамма нарса унинг ўзиdir» деган сўз палласидан оғирроқ бўлиб турди ва камолот унда кўпроқ кўринди. ...бутун қашфиёт (мукошафалар) шариатта мутобиқ бўлиб, шариатдан қылча ҳам фарқ қйлмайди. Шариат зоҳирига қарши баъзи сўфийларнинг сўзлари эса, нафс истаклари ёки ички сукр (мастлик)дан келиб чиқади. Шунча тафовут борки, олимлар илму-истидлол йўлидан ва бу улугворлар (сўфийлар) қашфу-завқ йўлидан билиб оладилар.

Имоми Раббоний ёзган мактублар ичидаги 11 мактубдан кўпроги нақшбандия тариқатининг мақтоби, унинг хусусиятлари, камолоти, юксаклиги ва бу тариқатнинг машоихларига бағишлаб ёзилған. Баъзилари унинг «ваҳдату-шшуҳуд» назариясини ёритишга қаратилған.

Шундай қилиб шайх Аҳмад Сарҳиндий нақшбандия тариқатининг идомаси бўлған ҳолда, айрим масалаларда у билан фарқ қилған мужадидия тариқатига асос солиб, унга доир ирфоний тафаккурни вахдатул-вужудга эмас, балки «ваҳдату-шшуҳуд» яъни «ҳамма нарса ундандир»

деган қоидага асослантириди. Ушбу назария кейинги тасаввуф тарихіда ўзига хос үрин туттан.

Имоми Раббоний 291 мактуб охирида бундай деб ёзади: Бу факир бу вакт авлюллари ва толиблар тарбияси учун Хожай Нақшбаңд тариқатини ихтиёр қылғанман. Шариат арконлари суст бўлган шундай бир пайтда, нақшбандия илму-маърифати, шариатнинг зоҳирий илмлари билан кўпроқ муносабатдадир.

Хулоса

Инсон илк бор табиат ва ҳаёт сирларини билиб олишга интилиши билан бирга, бошланғич ирфоний тахаййуллар ҳам топила бошланди. Илк ирфоний тасаввурлар мифология (устўралар) билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган.

Инсон тафаккури таракқиёт босқичларини босиб ўтгани туфайли, аста-секин бу тахаййул ва тасаввурлар ҳам фалсафий шакл ола бошлайди. Ҳинд, юнон фалсафасида хилма-хил ирфоний фикрлар, айниқса «ваҳдатул-вужуд» (пантеизм)га доир фалсафий таълимотлар юзага келиб, турли маданиятлар алмашуви натижасида, ислом тасаввуфига ҳам ўз таъсирини ўтказади.

Ислом тасаввуфи асосан Куръони Каримдан сарчина олган бўлса ҳам, Афлотун ва Неогитупизм, шунингдек Ҳинд ирфоний йўналишларидан кенг кўламда фойдалаинган. Шунингдек Исавият ирфоний таълимоти билан ҳам алоқада бўлган.

Ислом тасаввуфига турли фалсафий йўналишлар-тарикатлар топилди. Уларнинг энг муҳими Ибнул-Арабий асос солғаи «Ваҳдатул-вужуд» фалсафаси ҳисобланади. Бу фалсафий тафаккур зоҳиран шариат ва мутакаллимларга қарши ўлароқ йўналиш сифатида инсон руҳи билан улуҳият орасида бирлик ва муштаракликни талқин этади. Ҳар бир ақидали инсон комил пир раҳбарлигига моддији дунёдан ўз алоқасиги узиб, руҳини покизалаш ва бир қатор ахлоқ ва одобни кўллаш йўлидан ўз аслига, яни бошланғич нуктасига етиши ва у билан бир бўлиши мумкин деб таъкидлайди.

Ваҳдатул-вужуд тарафдорлари, ҳақиқий илм фақатгина кашфу шухуд яъни қалбу рух ёргулиги орқали ҳақиқий руҳга уланган суратда ҳосил бўлади, фалсафа ва мантиқ йўлидан ҳеч қачон ҳақиқатни билиб олиш мумкин эмас, дейди.

Шариат аҳли ваҳдатул-вужуд тарафдорларини динсизлик, хулулият (руҳнинг бир бадандан бошқа бир инсон баданига ўтиш ақидаси) билан айблаб улардан баъзилари, масалан мансур Ҳаллож ва Суҳравардийни ўлдиришига ҳукм чиқарганлар, ирфон ва тасаввуф аҳли уларни юзакилик ва билимсизликка маҳкум қилиб келганлар.

Хоразмлик машхур сўфий Шайх Нажмуддин Кубро таълимоти тасаввуф илк назариётчилари билан Ибнул-Арабий ва унинг шогирдлари ва шунингдек сўнгти тасаввуфий ақидалар ўртасида бир интиқол (кўчиш) даври бўлиб келди. Унинг асарлари Ибнул-Арабий асарлари билан бирга XIII аср фалсафий назарияларининг тамал тошини ташкил этиб келди.

Абдуқодир Жийлоний томонидан асос солиниб, ундан кейин унинг ўғиллари ва шогирдлари орқали тарқатилган қодирийлик тариқати ҳам ваҳдат фалсафаси доирасида ҳаракат қилиб келди. Лекин бунга қарамасдан қодирия тариқати кўпроқ шариат қоидаларига мустаҳкам боғланган бўлиб, шу сабабли кўп исломий ўлкаларда тарқалди ва ҳозиргача ҳам унинг тарафдорлари жуда кўп. Бобурийлар оиласи айниқса буюк Султон Аврангзеб Оламгирнинг ўғли Дорошукуҳ Қодирий ушбу тариқатнинг таълимотини тарқатиш учун китоблар ёзган.

Суҳравардия тариқатини йирик илоҳиётшунос олим, атоқли сўфий ва ориф Умар ибн Муҳаммад Суҳравардий таъсис этди. Унинг таълимотида фалсафий қарашлар ва ирфоний гоялар бир-бири билан йўғрилиб кетган.

Суҳравардий имом Газзолий каби мантиқ ва фалсафага қарши туриб бу борада китоблар ёзди ва ҳақиқатни фақат кўнгил нури яъни ишроқ орқали билиб олиш мумкинligини кенг кўламда тарғибот қилиб келди.

Умар Суҳравардийнинг нашр этилмаган асарларидан айрим нусхалар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти кутубхонасида мавжуд. Унинг таълимотида инсон ва унинг тарбияси ҳақида билдирилган

фикрлар ниҳоят мұхим бўлиб, комил инсонни «рухул-кудус» деб атаган.

Чашгия тариқати Ҳиндистонда энг кўп тарқалган ва катта нуфузга эга бўлган тасаввуфий мактаблардан ҳисобланиб, XII асрда Ҳожа Аҳмад Абдол томонидан асос қўйилган. Ушбу тариқат доирасида атоқли сўфийлар ва валилик даражасига етишган деб танилган орифлар масалан Фаридуддин ва унинг муриди Низомуддин авлиё камолга етганлар. Ушбу тариқатнинг дунёқараши ҳам Ибнул-Арабий асос соглаш вахдатул-вужуд фалсафасига асосланган.

Яссавия тариқати Ҳожа Аҳмад Яссавий томонидан таъсис этилиши Туркистонда йирик бир диний оқимнинг тасаввуф ғоялари билан йўғрилган ҳолда юзага келиши учун шароит яратиб бериб, туркий халқлар орасида ислом динини тарқатиш учун ниҳоят катта рол ўйнади. Унинг таълимотига қўра риёзат орқали руҳни покизалаш ва маънавий камолот даражасига кўтариш ўзига хос услуг ва одобга эга. Яссавия нақшбандия тариқати ривожига турли йўллардан чукур таъсир ўтказгани манбаларда қайд этилган. Ушбу тариқатнинг идомачилари бўлмиш Ҳаким Ото, Занги Ото ва бошқа кўп муршиidlар ва халифалар, инсонларни руҳий юксакликка тарғиб этиш йўлида катта хизматлар қилиб келганлар.

Аҳмад Яссавий асарлари айниқса «Девони Ҳикмат» туркий тил (Ўзбек тили) ривожи ва у орқали тасаввуф таълимотини тарқатиш йўлида унтилмас хизматлар қилиб келди.

Баҳоуддин Нақшбанд асос соглан нақшбандия тариқати XIV асрда тасаввуфни ҳаёт билан чамбарчас боғлашта ҳаракат қилди. У илгари сурган шиорлари билан худога эришиш ва ҳақни таниб олиш учун жамиятда яшаш, халқ билан бўлиш ва халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўйишини уқтириб соликнинг кўнгли ҳар доим худо билан ва қўли иш билан банд бўлишини тавсия қилди.

Унинг таълимоти фалсафий томондан вахдатул-вужуд ва вахдатуш-шухуд ўртасида турган бўлса ҳам, унинг йириқ намояндадаридан бири (Ҳожаи Аҳрор) «фиқароти Аҳрория»да вахдат назариясини кўпроқ талқин қилган.

Имоми Раббоний асос солған мужаддиция тариқати XVII асрда нақшбандия тариқатининг бир ўсувчи шоҳаси сифатида Ҳиндистон ва Афғонистонда кенг тарқалди. Имоми Раббоний ваҳдатул-вужуд назарияси ва Хожай Аҳрорга қарши туриб, ўз асарида «Ваҳдатуш-шухуд» мағкураси, яъни «ҳамма нарса ундан - худодандир» деган фикрни «Ҳамма нарса унинг ўзиdir» деган қоида ўрнида қўйди. У ўз дастурлари орқали, тасаввуф таълимотини ислом шариати билан мослаштириди ва буни ўз бурчи деб ҳисоблади.

Шундай қилиб ислом тасаввуфи ўзининг ирфоний ва фалсафий йўналишлари билан барча ислом ўлкаларида, айниқса Ўрта Осиё мамлакатларида кенг кўламда тарқалиб, унинг таълимоти кўпинча муқаддас туйғулар сифатида халқларнинг руҳига сингиб кетди.

Тасаввуфнинг айrim таълимотларидағи тарки дунёчиллик, жамиятдан узилиб гўшада яшаш, барча ҳаёт лаззатлари ва шунингдек илму-маърифатдан воз кечиш каби салбий томонларни истисно қиласидан бўлсак, унда жуда кўп ижобий таълимотлар мавжуд.

Тасаввуф диплар ва мазҳаблараро тафовутларни юзаки деб билиб, мазҳабий догматизмга қарши курашда барча инсонларни уларнинг диний эътиқодларидан қатъи назар, хурмат қилиб келди, ҳаммани ягона ҳакиқат изланувчилари деб таниди.

Тасаввуф таълимоти ватанпарварлик руҳи билан суғорилган бўлиб, бу йўлда унинг энг ажойиб мисоли Нажмуддин Кубро ўз ўлкаси Хоразмни мудофаа қилиш йўлида шаҳид бўлди. Шунингдек тасаввуф инсонлараро келишмовчилик ва тинчсизликка қарши туриб, одамлараро аҳиллик ва бирдам бўлиб яшашни тавсия қиласи, уруш ва қўзголонларни қоралайди, дунё миқёсида бир ажойиб универсализм яъни барча инсониятни севишғоясини талқин этади. Қарамлик ва инқироз босқичидан, бутуслай янги бир босқич - мустақиллик босқичига ўтган бир пайтда, Ўзбекистон миллий маънавий қадриятларини тиклаш, жумладан ирфоний ва тасаввуфий таълимотларни халққа етиштириш, уларнинг маънавий савиясини юксалтириши учун катта хизмат қиласи, миллатнинг ўзлигини англаб олишга ёрдам беради. Ўзбе-

қистон мустақиличигини мустаҳкамлаш, тинчлик ва бар-қарорликни таъминлаш ва ватанпарварлик ғояларини күчайтиришда катта рол ўйнайди.

Тасаввуф таълимотида талқин этилган хукуқий қарашлар, масалан, бошқаларнинг хукуқини таниб хурмат қилиш, инсонларга тажовуз қилмаслик, уларнинг яшаш хукуқини саклаш, ҳатто ҳайвонларга ҳам озор ва азият бермаслик каби олий ғоялар, инсонларни тарбиялаш учун мухим омил бўлиб хизмат қиласди.

Кўллақиилган адабиётлар:

1. Эҳсон Табарий, Баъзи бир тадқиқотлар..., Кобул, 1361 й.
2. Жавод Нўрбахиш, Сўфийлар биҳиштида, Лондон, 1362 й.
3. Мир Гулом Муҳаммад Губор. Афғонистон тарих ўзанида, Кобул, 1967 й.
4. Муҳаммад Муин, Форсий қомус (Фарҳанги форсий), Техрон, 1364 й.
5. Абдураҳмон Жомий, Нафахотул-унс..., Техрон, 1336 й.
6. Алишер Навоий, Хамса, Тошкент, 1893 й.
7. Алишер Навоий, Ҳазоинул-маоний, Тошкент.
8. Алишер Навоий, Лисонут-тайр, Тошкент, 1991 й.
9. Али Акбар Декхудо. Лугатнома, 135 жузъ, Техрон, 1346 й.
10. Ислом энциклопедияси, турқ тилида, 9-жилд, Истанбул, 1950 й.
11. Ҳожи Ҳалифа /Котиб Чалабий/ Кашфуззунун..., Истанбул, 1893-94 й.
12. Куръони карим, Мадина, 1412 ҳ. Қамарий йил.
13. Алмуъжамул-муфаҳрас... Абдулбоқий М.Ф., Истанбул, 1982 й.
14. Забиҳулло Сафо. Эронда адабиёт тарихи, 5 жилд, 3 китоб, Техрон, 1369 й.
15. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал Ҳатийб, Мишқотул-масобийҳ /Ҳадислар тўплами/, Диҳлий, 1963 й.
16. Ислом буюк доиратул-маорифи, 4-жилд, Техрон, 13 й.
17. Муҳийиддин Ибнгул-Арабий. Алфутухотул-маккия, Миср, 1910 й.
18. Жалолуддин Румий, Маснавий маънавий, Техрон, 1315 й.
19. Хоғиз Шерозий, Девон, Бомбай.
20. Имоми Раббоний, Мактубот, Тошкент; Порсов босмахонаси, 1328 й.
21. ал Мулжид фил-лугати вал-аълом, Берут, 1984 й.
22. Нажмуддии Кубро, Рисолату одобиззокирийн /Абдулғафур Лорий томонидан «Рисолатуттурӯқ» устидан

ёзилган шарх/, 503 номерли кўлёзма, Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кўлёзмалар фонди.

23. Нажмуддин Кубро, Рисолату Нажмуддин Кубро, Араб тилида, ўша кутубхонадаги, 295 номерли кўлёзма.

24. Убайдулло Аҳрор, Фиқароти Аҳрория, ўша кутубхона, кўлёзма Н...

25. Маҳдуми Аъзам, Рисолаи Бобурия, ўша кутубхона, кўлёзма 501 номер.

26. Абдуллоҳ Ансорий, Табакотуссуфия, Кобул, 1341 й.

27. Фариуддин Аттор, Тазкиратул-авлиё, Техрон, 1346 й.

28. Шамсуддин Сомий, Қомусул-аълом, Истанбул, 1306 й.

29. Шамсуддин Сомий, Қомуси Туркий, Истанбул, 1317 й.

30. Муҳаммад Бокир, Маноқиби ҳазрати Ҳожаи Нақшбанд, Тошкент.

31. «Сўфий» мажалласи, Лондон, 12-сон, 1370 й.

32. Шаҳсавор ўғлу, Форобий Туркий насаб Мусулмон Файласуф, «Хоиданийҳо» мажалласи, Техрон, 1333 й.

33. Саъдий Шерозий, Гулистон, Дехли, Ҳиндистон.

34. Муҳаммад Иқбол, Паёми машриқ, Покистон.

35. Т.Туленова, З.Фафуров. Фалсафа, ТошДУ, 1992 й.

36. Азиз Аҳмад. Ҳипдистонда исломий тафаккур тарихи. Форсча таржимаси, Техрон, 1367 й.

37. Доктор Қосим Фанай, Ҳофазнинг ҳаёти ва асарлари атрофида текширувлар. 2-жилд, Техрон, 1340 й.

38. Доктор Саййид Жаъфар Сожходий. “Фарҳанги истилоҳот ва таъбироти ирфоний”, Техрон, 1378 ҳ.й.

39. Доктор Саййид Жаъфар Сожходий, “Фарҳанги улуми фалсафий ва қаломий”, Техрон, 1375 ҳ.й.

40. Имом Муҳаммад Абузухра “Таъриҳул-мазоҳиби л-исломия”, Коҳира, Дорул-Фикрил-арабий.

НАЖМУДДИН КУБРОНИНГ ҚАРАШЛАРИ ВА АСАРЛАРИ

(Нажмуддин Кубро ҳаёти ва ижодидан лавҳалар)

Хоразм диёри асрлар давомида Буюк Туркистоннинг маданият ўчоқларидан бири бўлиб келган. Бу тарихий диёр нафакат Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий каби буюк риёзиёт олими, Жорулло аз-Замахшарий каби йирик муфассир, Абу Райҳон Беруний каби улкан қомусий олим, кўплаб шоир ва адиблар, давлат ва сиёsat арбобларини етишгириб, жаҳон маданияти хазинасига унтуилмас улуш қўшган, балки тасаввуф ва ирфон оламида ҳам мангу ва барҳаёт сиймолардан бири бўлган шайх Нажмуддин Кубродек буок сўфий ва мутафаккир орифни камолга етказиб, у асос соглаш кубравия тариқатини фалсафий фикрлар билан йўғрилган янги тасаввуф мактаби сифатида ислом оламига тақдим этган.

Аҳмад ибн Умар ибн Муҳаммад Хивақий XII-XIII асрлар тасаввуф осмонида порлаб турган ёрқин юлдузлардан бири эди. У 540 ҳижрий (1145 м йили) Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилиб вояга етди.

Абулжанноб куняси, Нажмуддин (диннинг юлдузи), Аттомматул-кубро (буок Офат) ва Валитарош шайх (валилар етиштирувчи шайх) лақаблари билан Шухрат қозонган бу мутафаккир, ориф ва сўфий, фақатгина тасаввуфга хос бўлган таълимотлар билан чекланиб қолмай, ўз замонасиинг барча илм-фанларини ўзлаштириш йўлида машаққатли сафарлар қилиб, шаҳардан шаҳарга билим изидан юрди, «илм Хитойда бўлса ҳам, уни изланг» ва «бешикдан лаҳадгача билим ўрганинг» деган ҳадислар мазмунига чин кўнгилдан ишонган бу илм шайдоси ҳаётининг охирги дақиқаларигача ушбу йўлдан озмади.

Нажмуддин Кубро ёшлигидан сафарга қизиқиб, кўп ўлкаларни кезиб ўтиб Мисрга боради, у ерда машҳур сўфий шайх Рўзбехон Ваззон ал-Мисрий билан танишиб, унга иродат кўлинни беради ва унинг назари остида оғир риёзат босқичларини ўгади.

Ёш Аҳмад ибн Умар ўз ироласи, истеъоди ва қатъияти билан шайхнинг диққатини ўзига тортиб, унинг ишонч ва хурматига сазовор бўлди ва кўп ўтмай унинг қизига уйланди, бир неча йил Мисрда яшаб, Рўзбехон қизидан иккита ўғил кўрди.

«Ҳақ»ни аниқ англаб олиш ва унга эришиш йўларини қилириб топиш дарди уни бир лаҳза ҳам тинч қўймасди. Бир кути ғомом Абу-Мансур Ҳафданинг Табриз шаҳрида «сунна»га доир бериладиган гўзал илмий дарслари борасида эшитиб, дарҳол Табризга қараб жўнайди ва «Сармайдон» маҳалласида бўлган «Зоҳида» хонақосида ушбу калом олимининг дарсларини тинглай бошлийди, калом илмини ундан чукур ўрганиб олади.

Ёш олим калом илмига доир ўзининг биринчи асарини «Шархус-сунна вал-масолих» (Сунна ва эзгуликлар шарҳи) номи билан ўша ерда ёзади. Ислом энциклопедиясида берилган маълумотга кўра ушбу асар мубоҳаса шаклида, муқаддима моҳиятида ёзилган эди. Бу асарга доир бир мунозара жараёнида муалиф бир янги сиймо - Бобо Фараж Табризий билан танишади. Шайхнинг суҳбатлари ёш олимга чукур таъсир кўрсатиб, қарашларини ўзгартирди. Бу таъсир унинг амалий ҳаётида яққол сезилади. Изланувчан олим ундан кейин калом илми мавзуларида ўз текширишларини тўхтатиб кўйиб, бутунлай тасаввуф муроқабасига берилади, чунки Бобо Фараж ишроқ йўлидан ҳақиқатга эришмоқчи бўлган солик учун ҳеч қандай билим ўрганиш зарур эмаслигини таъкидларди. Негаки ҳақиқий билим илоҳий илҳом орқали ҳосил бўлади.

Нажмуддин бу йўлдан борди аммо кўп ўтмай бундай қилиб ўз мақсадларига эриша олмаслигини англаб олди, ундан сўнг Аммор Ёсирга қўшилиб унинг тавсиясига биноан комил сўфий даражасига эришмоқ учун Исмоил Қасрий мактабига кирди ва унинг кўлидан хирқа кийиб, ўзининг биригчи шайхи – Рўзбехон ал-Мисрий ёнига қайтиб борди.

Шайх Рўзбехон Нажмуддин тасаввупнинг назарий асосларини бутуплай англаб олганини кўриб, уни она юрти Хоразмга бориб, тасаввуф таълимотини тарқатиш йўлида фаолият кўрсатишга даъват қилади. Нажмуддин

унинг буйруғига биноан, ўз оиласи билан она юрти - Хоразмга қайтты келди. У ерда жойлашғандан кейин бир хонақо таъсис этиб, манбаларда «ат-Тариқатуз-заҳабия» яъни «олтин тариқат» номи билан ҳам зикр этилган кубравия тариқатига асос солди ва ушбу тариқатта оид ирфоний таълимотларни талқин эта бошлади.

Кўп ўтмай, янги тариқат асосчисининг теварагида сонсиз шогирд ва мурицлар йиғилишиб бу йўлга қадам кўйдилар. Улардан XII-XIII асрларнинг бир қатор машхур сўфийлари камолга стишиб, муршид ва вали сифатида танилдилар.

Шайх Нажмуддин Кубро олий истеъодод ва юксак зakovat эгаси бўлгани сабабли, ҳар қандай саволга қониқарли жавоб қайтариб, ҳар қандай мураккаб муаммоларни ечишга муваффақ бўларди ва илмий масалалар борасида мубоҳаса, мунозарани севиб ҳар доим бошқалар устидан ғалаба қозонарди. Шу сабабдан уни «Аттомматулкубро» (буюк оғат) деб атаганилар. Шамсиддин Сомий ёзишича, бора-бора «аттомма» (Оғат) сўзи сўзлашув жараёнида тарқ этилиб, «Ал-Кубро» (буюк) сўзи унинг лақаби яъни Нажмуддин Кубронинг ажралмас қисми бўлиб келмоқда.

Шунингдек, унга Абул-Жанноб куняси берилган. А.А.Деххудо фикрича у пафс тилакларидан ижтиюб этиб, дунё лаззатларидан воз кечгани учун ушбу кун билан аталган.

Нажмуддин Кубро ватан севгиси билан яшаб келди. У ҳеч қачон киндик қони тўкилган ватани – Хоразмни унутмали, ўз халқи билан яшаш ва улар орасида маърифат нурини тарқатиш туйғулари унинг ўз ватанига қайтиб келишига сабаб бўлди.

Унинг ҳаёти охирларида Туркистонда куттилмаган ҳодисалар юз бера бошлади. Мўгуллар босқини барча халқлар ҳаётини хавф-хатар остида қолдирди. Нажмуддин Кубро Урганч мудофаасида қатнашиб, 618 ҳижрий йил (1221 мелодий йил) жумодил-аввал ойининг 10-куни шаҳид бўлди.

Чингизхон Нажмуддин Куброга киши юбориб, Хоразмдан унинг чиқиб кетишими сўрайди. Шайх эса, мен 76 йил ҳаётининг аччиқ-чучукларини хоразмликлар билан

Ўтказгаіман, энди нокулай ахволда уларни ташлаб кетиши номардлик бўлади деб жавоб қайтаради. Шайх Нажмуддин Кубро душманга қарши курашиб жанг майдонида қаҳрамонлик билан шаҳид бўлади.

Луғатномада ёзилишича, ундан кейин тарихий китоблар ва тазкираларда ушбу ҳодиса кўп кўшимча матлаблар билан такрорланган. Воеа юз берган замондан қанча узоклашар эканмиз, шайхнинг ўлими тафсилотларига кўшилган кўшимча ва афсонасимон матлабларга кўпроқ дуч келамиз.

Ислом энциклопедиясида берилган маълумотта кўра, Санкт-Петербург шарқшунослик институгида шарқ туркчасида ёзилган «Шайх Нажмуддин Куброни шаҳид қилиб шахри Хоразмни хароб қилганининг баёни» номи билан аталган бир кўлёзма бор. Бу асар Хоразмнинг сўнгти кунлари ва бузилиши ҳакида ёзилган бир тарихий асадир. Шайх Нажмуддин Кубро бу асада Мўгулларга қарши Хоразмнинг мудофаачиси сифатида гавдаланади.

Мазкур асадга кўра, буок шайх ўз маънавий кучи соясида шаҳарга киришда Мўгулларга тўсқинлик қилиб турди, лекин қандайдир у ердан бошқа томонга ўтиш учун қарор бергунча шаҳар душманнинг қўлига тушади.

Нажмуддин Кубронинг қабри борасида манбаларда зиддиятлар мавжуд. Баъзилар, масалан, М.Муин унинг мозори мавжуд эмас деса, араб сайёҳи Ибн Батута ўз саёҳатномасида қўйидагидек маълумот беради: «Хоразмдан чиқаверишда бир зовия бор. У энг буок авлиёлардан бири бўлмиш Нажмуддин ал-Кубро қабри узра бунёд этилган. Бу ерда зиёратчилар учун таом тайёрланади. Хоразмнинг обрўли кишиларидан бўлмиш мударрис Сайфиддин ибн Асаба зовияда шайхлик қиласи».

Нажмуддин Кубронинг асалари

Нажмуддин Кубро ёзган асаларига сони манбаларда турлича қайд этилган. Ҳожи Халифа ўз қимматли асари «Қашфуз-зунун»да улардан саккизтасини танитиб ўтади. Уларнинг кўпчилиги араб тилида ёзилган. З.Сафо булардан ташқари унинг учта асари борлигига ишора қиласи. Шунингдек ўз китобининг 3-жилдида «Минҳо-

жуссоликин», «Истилохус-суфия» ва «одобус-сулук» номли асарларини ҳам эслатиб ўтади. Умуман Кубро асарлари манбаларга кўра кўйидагилардан иборат:

1. «Шарҳ-ус-суннати вал-масолиҳ» (суннат ва эзгуликлар шарҳи);
2. «Ал-усул-ал-ашара» (ўнта асосий қоида);
3. «Рисолатун фис-сулук» (сулук ҳақида рисола);
4. «Рисолат-ут-туруқ» (худога эришиш йўллари ҳақида рисола);
5. «Таволиъ-ут-танвийр» (ёритиш юлдузлари, ёғду манбалари);
6. «Фавотиҳул-жамол» (гўзаллик бошланишлари);
7. «Алхойф-ул-ҳоим ан-лавматилоим» (маломат қиувчининг маломатидан кўрқкан ошик);
8. «Ҳидоят-ут-толибин» (изланувчиларга тўғри йўл кўрсатиш);
9. «Одоб-ул-муридин» (муридлар одоби ҳақида);
10. «Сакинат-ус-солиҳин» (солиҳ кишиларнинг викор ва оромлиги);
11. «Вусулу илаллоҳ» (Аллоҳга эришиш);
12. «Минҳож-ус-соликин» (соликларнинг йўл-йўриклиари);
13. «Истилоҳ-ус-сўфия» (тасаввуф истилоҳлари-атамлари);
14. Одоб-ус-сулук (сулук одоби ҳақида);
15. Тафсир (12 жилдлик).

Ислом энциклопедиясида «Айнул ҳаёт» номи билан танилган ва биринчи жилди Санкт-Петербургда сакланяётган буок тафсир, унинг ушбу асари бўлса керак деб тахмин қилинган.

Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар кутубхонасида, Шайх Нажмуддин Кубро қаламига мансуб учта қўлёзма мавжуд. Биринчиси «Рисолай одоби зокирийн» номи билан Р. 503 рақамда сакланяётган қўлёзмалар мажмуасининг ўрта қисмида жойлашган ва Абдураҳмон Жомийнинг машҳур шогирди Абдулғафур Лорий томонидан форс тилига шарҳланган, араб тилида ёзилган рисоладир.

Иккинчи рисола, мазкур кутубхонада Р. 295 рақам остида ва унинг бошқа бир нусхаси Р. 1956 рақам остида сақланмоқда.

Мазкур рисола ҳажми кичик бўлиб, биринчи нусха б варакдан иборатdir. Иккинчи нусхада ҳам унинг номи «Рисолату Нажмуддин Кубро» деб берилган. Биз турли манбаларда ҳам унинг ҳақида бирон бир маълумот кўрмадик. Ушбу рисола Нажмуддин Кубронинг янги асари бўлиши ҳам эҳтимолдан узок эмас.

Асар араб тилида ёзилган бўлиб, шайх Нажмуддин Куброга хос бўлган адабий-бадиий услуг жиҳатидан юксак даражада туради. Рисолани шайх дунёқарашининг кўзгуси десак ҳам хато қилмаймиз. Шайх рисолани қандайдир бир кўшининг талабига жавобан ёзган. Муалиф ўз рисоласини 14 мисрали арабча шеъри билан тутатади. Бу шеърнинг мақтаъи (охирги байти) қўйидагича: «Нафсий Иблийсун жаррабтуҳо – тааввазу мин шарри Иблийсий». Таржимаси: Менинг нафсим Иблис (Шайтон)-дур, уни мен кўп синаганман. Менинг Иблисим шарридан (худога) паноҳ тиланглар.

Шайх Нажмуддин Кубро муҳаддис-ҳадислар илмининг олимидир. У мутакаллим, буюк ориф, сўфий ва иқтидорли шоир бўлгани учун, баъзан унинг асарларида ирфоний ғоялар мутакаллимларга хос бўлган фалсафий бўёқлар билан безатилиб, бадиий услуг билан ифода этилади. У асарларида солижкинг кўп олий сифатлар эгаси, жумладан, саҳоватли ва карамли, уйғоқ ва ақли бўлишини ўқдириб ўгади.

Унинг баъзи асарлари айрим кишилар томонидан шарҳланган. Котиб Чалабий маълумотига кўра, унинг «Ал-усулул-ашара» асари, Рум (Туркия)нинг баъзи шайхлари томонидан шарҳланиб, «Ароисул-вусул» деб аталган.

Айрим тадқиқотчилар чиқарган хulosаларга биноан, унинг асарлари, айниқса, «Ал-усулул-ашара», «Ибнул-Арабий» асарлари ва бошқа манбалар билан биргаликда XIII аср фалсафий қарашлари ва фалсафий назарияларининг ўрганиш манбай ва тамал тошини ташкил этиб келди.

Кубравия тариқати

«Кубравия» тариқати Шайх Нажмуддин Кубронинг кўп йиллар давомида эгаллаб олган маълумотлари, турли фанлар соҳасида эришган муваффақиятлари, унинг қенг кўламда қўла киритган тажрибалари натижаси сифатида юзата келди.

«Атгариқатуз-заҳабия» (Олтин тариқат) номи билан ҳам шуҳрат қозонган кубравия тариқати, унинг асосчиси томонидан «Тариқуш-шаттор» яъни бебоклар, қўркувсиз ва парвосизлар йўли деб ҳам аталган.

«Кубравия» тариқатига доир турли маълумотларни унинг ирфоний ва фалсафий қарашларига хос бўлан рисоласида кўриш мумкин. Араб тилида ёзилган ва қўл-ёзмада «Рисолату Нажмуддин Кубро» деб аталган ушбу рисола ҳақида юқорида маълумот бериб ўтган эдик. Аммо «Кубравия» тариқатининг асосий усул ва қоидалари унинг «Рисолатут-турук» асарида ёритиб берилган. Айтганимиздек, бу рисола Абдулғафур Лорий томонидан форс тилига таржима қилиниб, «Рисолаи одоби зокирийн» деб номланган.

Нажмуддин Кубро мазкур рисолада ўз тариқатининг 10 та асосий қоидасини изоҳлаб бериб, бошқа йўлларга нисбатан унинг юксаклиги ва ҳақиқатта яқинлигини тъкидлайди. Рисола қўйидаги дек бошлиданади: «Тангрига бориши йўллари, халойиқ нафаси сонига тенгdir. Биз шарҳламоқчи бўлган йўллимиз йўлларнинг энг яқини, энг аниfi ва энг тўғрисидир».

Ундан кейин муаллиф сонсиз йўлларни учта асосий йўлга бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўзига хос бўлган хусусиятлари билан изоҳлаб ўгади: «Йўллар ҳар қанча кўп бўлмасин, уларнинг барчаси уч йўл билан чегараланади. Улардан биринчиси муоммалот эгалари (амал қилувчилар) йўли бўлиб, ахёр (турли фазилатлар эгалари бўлган энг яхши одамлар)нинг йўли ҳисобланади. Улар рўза тутиш, намоз ўқиши, Қуръон тиловат қилиши, ҳажта бориши, жиҳод қилиши ва бошқа зоҳирий ишлар билан шуғулланадилар. Бу йўлдан бориб Аллоҳга етишганлар камдан камдирлар.

Йўларнинг иккинчиси мужоҳадалар (саъй-ҳаракатлар) ва риёзатлар эгаларининг йўли бўлиб, бу йўлдан ахлоқни ўзгартириш, рухга жило бериш, кўнгилни софлаш, нафсни покизалаш ва ички дунёни ободлаш учун саъй-ҳаракат қилурлар. Бу аброр (бир сўзининг кўплиги, яхши, солиҳ ва тақволик кишилар маъносида) йўли бўлиб, бу йўл орқали (мақсадга) етишганлар нодир бўлса ҳам, илгари гурухга иисбатан кўпроқдир.

Йўларниг учинчиси, Аллоҳга қараб юрувчилар ва у томонга учувчилар йўли бўлиб, ҳақиқатда жазбага берилган шатторлар (бебок, кўркувсиз ва парвосиз кишилар) йўли бўлиб, ушбу йўлнинг бошида (ҳаққа) эришганлар сони бошқа йўларнинг охирига бориб эришганлар сонидан кўпроқдир».

Ундан кейин шайх Нажмуддин Кубро учинчи йўльни «кубравия» тариқатининг мазмун ва моҳиятини куёйидагича ёритиб беради: «Ушбу танланган йўл «Ўз ихтиёри билан ўлиш» (коидаси)га асослангандир. Пайғамбар алайҳиссалом дебдурларким, «ўлмасдан бурун ўлингиз!», табиий ўлим, яъни рух бадандан айрилмай туриб, ўз ихтиёригиз билан вужудни тарқ этинг, туғилган кундан буён сизда сингиб кетган ҳаваслар ва унс-улфат олиб келган истаклардан воз кечиб, ҳақ исташ мақсадини ўз мақсадингиз ўрнида қўйишп. Албатта, бу хил ўлиш ҳақиқий ҳаётга олиб боради».

Тадқиқотчилар берган маълумотларга кўра, Нажмуддин Кубронинг тасаввуфий мактаби, тасаввуфнинг ilk назариётчилари (Х-ХI асрларда Нишопур мактаби) билан Ибн-ул-арабий ва унинг салафлари (ундан илгари ўтганлар) Садруддин ал-Кунявий ва Фахруддин-ал-Ироқий билан сўнгти тасаввуф ақидалари орасида бир интиқол (кўчиб ўтиш) даврини ташкил этади. Эски назариётчилар каби Нажмуддин Кубро ҳам кўпинча тасаввуфнинг амалий томони ва билги йўлидаги босқичлари билан ва айни ҳолда метафизикага оид масалалар билан шуғулланган.

Шундай қилиб, Нажмуддин Кубро ўзи асос солган «кубравия» тариқати билан, Туркистон, Хурросон ва Эронда ўзига кўп ҳомий ва муриллар топиб, машҳур сўфий ва орифларни камол даражасига етказди.

Нажмуддин Кубронинг шогирдлари

Биз кубравия тариқатида Нажмуддин Кубро тарбияси остида юксак даражаларга кўтарилиган унинг шогирдларидан қўйидагиларни қисқача танитиб ўтамиз:

1. Маждуддин Бағдодий: тўлиқ исми ва куняси Абусаид Шараф ибн Муайяд бўлиб, ҳижрий 544 йили Хоразмдаги «Бағдодак» деган жойда туғилиб, 607 ва баъзи бир ривоятларга кўра 617 ҳижрий йили ҳаётдан кўз юмган. У XII асрнинг машҳур сўфий, шоир ва муалимларидан бўлиб, Нажмуддин Кубронинг атоқли муридларидан эли. Муҳаммад Авфий ўз машҳур китоби «Лубоб-ул-албоб» (ақлларнинг мағзи-холосаси)да берган маълумотта кўра Бағдодий машҳур табиб сифатида шоҳлар саройида катта мавқега эга экан, лекин бирданига илоҳий муҳаббат унда топилиб, Нажмуддин Куброга эргашиб, 15 йил риёзат чекишдан кейин Хоразмнинг «шайхуш-шуюхи» (шайхлар бошлиғи) деб танилади. Ундан кўпдан-кўп асарлар, чуқур фалсафий мазмунга эга бўлган шеърлар қолган. «Сафар рисоласи», «Тухфатул-барара» («Яхшилар совғаси») асарларидан илова, бир қанча ёзув ва шеърлар унинг қаламига мансубдир.

2. Сайдуддин Ҳамавий: Муҳаммад ибн Муайяд, Нажмуддин Кубронинг мурид ва халифаларидан бўлиб, Дамашқ ва Хурсонда истиқомат қилган. Унинг асарларидан «Сажанжалул-арвоҳ» («Рӯҳнинг кўзгусу») машҳур бўлиб, унда ва бошқа асарларида мураккаб ва рамзли сўзлар, мушкул калималар ва турли ноаниқ шакл ва рақамлар жой олган.

3. Сайфуддин Боҳарзий: Шайхул-олам лақаби билан шуҳрат қозонган Абул-Маолий Сайд ибн Музаффар XII-XIII асрларнинг танилган сўфий ва шоирлари қаторидан ўрин олади. У ўз шайхи Нажмуддин Кубронинг буйруғига биноан, Бухоро шаҳрига бориб, умрининг охиригача у ерда яшади ва кубравия тариқатини тарқатиш билан шугулланди. У 629 ҳижрий йили оламдан кўз юмди. Доктор М.Муин берган маълумотта кўра, унинг асарларидан ишқ маъносида бир рисола ва бир миқдор шеърлар қолган.

4. Нажмуддин Розий: Шайх Нажмуддин Доя лақаби билан машхур бўлган шайх Абдулло ибн Муҳаммад XII-XIII асрлар атоқли сўфийси, Нажмуддин Кубронинг танилган муридларидан эди. У ўз устодининг ўлимидан кейин Хуросон, Ҳамадон ва Румга сафар қилиб, Салжуқ подшоҳи Султон Алоуддавла ҳомийлигига яшади ва «Мирсадул-ибод» («Бандаларниң пойлаб турадиган жойи») номли асарини унга бағишлаб ёзди. Умрининг охиригача Жалолуддин Румий ва Садруддин Кунявий сұхбатдоши бўлиб ҳаёт кечирди. Шайх Розий 645 ҳижрий йили дунёдан ўтди.

5. Разијуддин Али Лоло: тўлиқ исми Али ибн Саъид ибн Абдужалил Лоло бўлиб Фазна шаҳрида туғилган. У турли муршиidlар хизматида бўлиб, «Нафаҳотул-унс»да айтилишича, 124 етук шайҳдан хирқа кийган эди. Али Лоло Нажмуддин Кубронинг машхур муридларидан ҳисобланади. У 642 ҳижрий йили вафот этган.

6. Бобо Камол Жашдай: Кубронинг истеъодли шогирдларидан бўлиб, Туркистондаги Жанд шаҳрида туғилган. Ушбу шаҳар Мўгуллар ҳужуми даврида харобага айланган.

7. Айпуз-замон Жамолуддин Гийлий.

Улар ўз ёзган асарлари ва ташкил этган тариқат ҳалқалари орқали кубравия тариқатига доир Нажмуддин Кубро таълимотини Туркистон, Хуросон, Эрон ва Рум (ҳозирги Туркия ҳудуди)да тарқатиб, илмий тасаввуф ривожига катта ҳисса кўшилар.

Шайх Нажмуддин Кубронинг куйидаги ҳикматли сўзлари ҳеч қачон ўз қимматини йўқотмайди (улар «Рисолату Нажмуддин Кубро» номли арабча асари қўлёзмасидан эркин таржима қилинди):

- Эй ақл ва тафаккур аҳли, билингизким, дунё бокира кампирдур. У маккор, ғаддор ва қочоқ бўлиб, ҳарлаҳза бир дўст танлайди ва ҳар он апчаларни ўлимга чорлайди. Унинг денгизи чуқур, унда сузган чўкади, уни севган йўлдан озади ва унинг дўсти ҳалокатта учрайди.

- Энг тез ўтадиган ва энг тез завол топадиган нарса умр ва дунёдур. Энг яқин нарса ўлим ва энг узоқ нарса умид-истак ва энг яхши нарса виқор (оғирлик)дур.

- Яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг эзгуси ахлоқ гүзәллиги, ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида энг ёмони ҳасаддур.
- Камтарлык энг яхши безак, баҳишлик энг ёмон нарсадур.

- Мен ўлимни тиламчиликда, мангу ҳаётни тақво ва ўз ҳолини яширишда, муваффақиятни саъй-ҳаракатда ва хўрликни дангасаликда кўрдим.

ШАЙХ НАЖМУДДИН КУБРО “Кўнглим кўзи билан кўрганларим”

Нажмуддин Кубронинг ушбу рисоласи ҳақида

«Кубравия» тариқатининг асосчиси шайх Нажмуддин Кубро 1145 йил Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилиб, 1221 йили ҳаётдан кўз юмган.

У турли илму фанни ўз даврининг машҳур олимларидан ўрганиб, мисрлик буюк сўфий шайх Рӯзбехон-алваззон муридлари ҳалқасига кирди, кўп ўтмай ўз олий истеъоди ва юксак шахсияти билан шайхнинг ишончига сазовор бўлиб, унинг қизига уйланди.

Нажмуддин Кубро ҳақиқатни чукур англаб, унга эришиш йўлларини қидириш учун типимсиз сафарлар қилди. Шунингдек, турли юртларни кезиб, илм даргоҳларига бош урди, турли тариқатларни синовдан ўтказгандан кейин, ўзига хос йўлни танлаб олди.

Кубро ёшлигидан бошлаб илму фан шайдоси эди. У барча фанлар, жумладан калом илми билан шуғуланиб келди. Кўп ривожланган калом илми, худонинг борлиги, бирлиги, азалий-абадийиги, унинг зоти, турли сифатлари ва илоҳий таълимотга доир бошқа кўп масалаларни Куръон ва Суннага таянган ҳолда ақлий далиллар, мантиқ ва фалсафанинг усул ва қоидаларидан фойдаланиб ўрганади.

Ёш олим табризлик Йирик калом олими имом Абунаср Ҳафданинг дарс ҳалқасига ўтириб, ушбу илмни ҳар томонлама ўзлаштирди. Биринчи асарини «Шарху-суннавал-масолих» (сунна ва эзгуликлар шархи) номи билан калом илми мавзусида ёзди.

Шайх Нажмуддин ундан кейин табризлик Бобо Фараж таълимотидан фойдаланди. Сўнгра шайх Аммор Ёсир Бадлисий ҳалқасига ўтди ва унинг тавсиясига биноан шайх И smoil Қасрий билан учрашиб, унинг қўлидан иккинчи хирқани (табаррук хирқасини) кийди.

Табризлик Бобо Фараж Нажмуддин Куброга ҳақиқатни қидирған солик учун ҳеч қандай илм керак эмас, балки севги, мұхаббат ва илоҳий иноят, ишроқ (қалбга тушадиган нур) орқали ҳақиқат ҳосил бўлади деб таъ-

кидлаган бўлса ҳам, у амалда бир лаҳза ҳам ўрганиш ва билим ортиришдан тинмади. Илмиз ўз мақсадига эришиши мумкин эмаслигини англаб олди. Бу изланишлар ва ҳақиқатга чанқоқлик уни йирик сўфийлик даражасига кўтарди. Айни ҳолда у мухаддис, мутакалим, ориф, шоир ва фалсафий қарашлар эгаси бўлиб вояга етди.

Қидириш ва ўрганиш тугагандан кейин шайх Нажмуддин Кубро кўп йиллик сафарлардан сўнг оиласи билан ўз она юрти Хоразмга кўчиб келиб, умрининг охиригача туғилиб ўсган ватанида яшади.

Хоразм халқи билан биргаликда, мўгуллар ҳужумига қарши урушга кирди. «Ватанини севмоқ иймонданур» деган ҳадиснинг ҳукмига амал қилиб, ватан мудофааси йўлида қаҳрамонларча шаҳид бўлди ва келажак авлодлар учун ватансварлик олий тимсоли бўлиб қолди.

Нажмуддин Кубро Хоразмга қайтиб келганидан сўнг, у курдирган хонақо жуда кўп муридлар марказига айланиб, катта шуҳрат ва эътибор қозонганди. «Олтин тариқат» (ат-тариқатуз-заҳабия) деб аталмиш кубравия тариқатининг тамал тоши мана шу хонақода қўйилиб, унга хос бўлган таълимот, Кубронинг турли асарлари орқали ёритиб берилди.

VII–VIII ҳижрий асрларда тасаввуф таълимотида иккни хил йўналиш мавжуд эди. Биринчisi важду ҳол тарафдорлари йўли, иккинчisi илмий тасаввуф тарафдорлари йўли.

Важд (завқ-шавқ) ва ҳол тарафдорлари турли фанлар билан ошно бўлишларига қарамасдан, шавқ, ҳаяжон, жазбага берилиб, оят, ҳадис ва тамсиллар асосида ҳиссиёт ва ҳаяжон орқали муридларни йўлга солиб тарбиялаш фойдали деб билардилар. Улар фалсафа ва мантиққа қарши туриб, файласуфлар жумласидан Абу Али ибн Сино танлаган йўлни танқид қиласидилар. Мисол тариқасида Жалолиддин Румий истидлол аҳли (ақл, мантиқ тарафдорлари - файласуфлар)нинг оёқлари ёғочдан, ёғоч оёқ эса жуда кучсиз бўлади дейди.

Шайх Фариуддин Аттор, Жалолуддин Румий, унинг ўғли Султон Валад, Салоҳиддин Зарқўб Кунявий ушбу йўналишнинг илгор намояндаларидан эдилар.

Иккинги йўналиш тарафдорлари тасаввуфни мантиқ ва фалсафа билан яқинлаштириб, ирфоний таълимотни илмий асосларда куриш учун ҳаракат қилардилар. Илмий тасаввуфнинг буок асосчиси Мухйиддин Ибнул-Арабий (вафоти 1240 йил) бўлиб, унинг тафаккур шиваси бошқа сўфийлар шивасидан ўз илмийлиги билан фарқ қиласди. «Аш-шайхул-Акбар» яъни энг буок шайх деб аталган бу ориф ва сўфий 400 асар муаллифи бўлиб, улардан, «Фусусул-ҳикам» ва 4 жилдлик «Ал-футуҳотул-маккия» китоблари илмий тасаввуф соҳасида ёзилган асарларнинг чўққиси ҳисобланади.

Ибнул-Арабий ўз асрининг илғор олими бўлганлиги туфайли тасаввуф таълимотини фалсафий услугуб билан ифодалади. У ҳикмат (фалсафа) ва широкни яқинлаштириб, вахдатул-вужуд (пантеизм)ни ақлий услугуб ва илмий усуслар билан изоҳлашта уринди.

Шундай қилиб иккинги йўналиш (илмий тасаввуф) намояндалари завқ, ҳаяжон, шеъру амал билан қўшилган содда тасаввуф таълимотининг назарий томонлари, яъни ирфонни ривожлантириб унга илмий-фалсафий тус бердилар. Доктор З.Сафо ифодаси билан айтганда, ўшандан нари тасаввуф «Хол» (севги, ҳис, ҳаяжон ва завқ)дан бир микдор «Қол» (сўз ва ёзув орқали ифодалаб бўладиган фан)га ўтиб, бошқа фанлар қаторида мадрасаларда ўқитила бошлади.

Кубронинг муҳим асарлари 15дан ошади.

Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти кутубхонасида шайх Нажмуддин Кубро қаламига мансуб учта қўлёзма мавжуд. Биринчиси «Рисолаи одобуз-зокирин» Р.503 рақами билан сақданаётган турли рисолалар мажмуасининг ўрта қисмida жойлашган ва Абдураҳмон Жомийнинг машҳур шогирди Абдулғафур Лорий томонидан форс тилига таржима қилиниб шарҳланган рисоладир.

Ҳожи ҳалифа (Котиб Чалабий) ушбу рисолани «Рисолату-ттуруқ» (худога эришиш йўллари ҳақида рисола) номи билан танитиб ўтгай. Аммо мазкур рисоланинг шарху таржимаси «Рисолаи одоб-уз-зокирин» деб номланган. Эҳтимол Абдулғафур Лорий ўз шарҳини шундай деб атагацдир. Мазкур рисолада худога эришиш учун

учта асосий йўл борлиги ва учинчиси энг муҳим, энг яқин ва самарали йўл эканлиги ҳақида сўз кетади.

Кубро учинчи йўлни, яъни ўзи танлаган йўлни «тарик-уш-шаттор» (довюрак ва кўрқмаслар йўли) деб тавсифлайди ва унинг ўнга асосий қоидаларини кўрсатиб ўтади.

Иккинчи ва учинчи қўлёзмалар битта рисоланинг иккита нусхаси бўлиб, биринчиси Р. 295 рақами ва иккинчиси Р. 2956 рақами билан сакланмоқда. Биринчи нусха чиройли пухта настълик шикаст хати билан, 1117 ҳижрий йил сафар ойининг 24 куни кўчирилган. Иккинчи нусха эса оддий настълик ёзуvida кўчирилган. Ҳар икки нусхада бобларнинг узвонлари қизил бўёқ билан ёзилган. Рисола учун муайян ном берилмаган. Биз уни мuaалифнинг сўзларидан фойдаланиб «кўнглим кўзи билан кўрганларим» деб атадик.

Биринчи нусхада «бисмиллоҳир раҳмонир раҳим»дан кейин (ҳозиҳир-рисолату лиш-шайх Нажмуддин-ал-Кубро), (яъни бу шайх Нажмуддин Кубронинг рисоласи) ва иккинчи нусхада «бисмиллоҳ»дан олдин «ҳозиҳир-рисолату мин муаллафот-иш-шайх Нажмил-миллати ва-ддин-ал Кубро қаддаса сирраху» (ушбу рисола шайх Нажмул-миллати ва ддин Ал-Кубро қаддаса сирраху асарларидандур) деб ёзилган.

Шайх рисолани қандайдир бир кишининг талабига жавобан ёзган. Унинг учдан бир қисмидан иборат бўлган бошлангич бўлимида муаллиф ҳамду наътдан кейин ҳаёт жараёнида орттирган тажрибаларига таяниб турли ҳодисалар ва қадриятларга нисбатан ўз фикр мулоҳазаларини билдиради, турли хислатларга эга бўлган одамларга баҳо беради. Рисоланинг ундан кейинги қисмлари қўйидаги сарлавҳалар билан берилади:

- Тасаввуф йўлига кирган факирлар ҳақида.
- Буюк Аллоҳ ўз бацдаларини севишининг аломатлари.
- Факирнинг хилватда ўлтириши ва унинг одоби ҳақида.
- Нафс ва унинг издошларини билиш ҳақида. Унинг моҳиятини ҳеч ким ҳеч қачон била олмайди.
- Факирга ўтиг бериш ва унга йўл кўрсатиши ҳақида.

- Фақирикни бошқа нарсалардан афзал кўриш ҳақида.

- Дунё ва унинг моҳияти ҳақида.

- Буюк Аллоҳнинг йўли ҳақида.

Муаллиф ўз рисоласини етти байтлик бир гўзал Арабча шеъри билан тутатади.

Рисола араб тилида равон услуб билан ёзилган бўлса ҳам, муаллиф унда балоғат василаси бўлмиш ийжоз (мужаз ёзиш, яъни кўп мақсадни энг қисқа ибора билан ифодалаш) усулидан ҳар томонлама фойдаланган. Мисол сифатида куйидаги жумлага дикқат қилинг: «худо хулул, интиқол, иттисол ва инфисолдан покдур» (худо кириш, ўтиш, кўчиш, қўшилиш ва ажралишдан покдур).

Бу тўртга сўздан иборат бўлган ифодада, фалсафа ва калом илмига доир чукур мазмунлар ётади. Масалан «Хулул» сўзи рӯҳнинг бошқа бир баданга ўтишидан иборат бўлиб, «Хулулия» фирмасининг ақидавий асосини ташкил этади.

Рисоланинг иккинчи хусусияти унинг мусажжаълиги яъни турли иборалар охирини вазн жиҳатидан уйғуллаштириб бир бирига қофиядош қилиб ёзилишидир. Сажъ такалтуфсиз бўлганда яъни сунъий бўлмагандан сўзга куч ва гўзаллик бағишлайди ва ибораларга ёқимли бўёқ ҳамда жаранг бағишлайди.

Айтиб ўтилган хослик ва баъзи бир бошқа хусусиятларга биноан шайх Нажмуддин Кубронинг мазкур рисоласи «саҳли мумтанеъ» яъни зоҳиран саҳл-осон, аммо унингдек ёзиш маҳол-имконсиз деб аталган асарлар жумласидан ҳисобланади. Мазкур сабабларга кўра рисоланинг таржимаси осон кечмади. Сажъ тартибини ўзбек тилида риоя қилиш билан таржима этиш мумкин бўлмаганилиги учун биз айрим жойларда жумлаларни синдириши ёки бир қисмии бир жумла билан ифодалашга мажбур бўлдик. Шунингдек айрим жойларда баъзи бир сўзлар маънисиши қавс ичида ёритиб бердик. Баъзи бир ибораларни қавс ичида берилган сўзлар орқали изоҳлашга уриндик.

Ушбу таржима қилинган рисола ҳақида ҳеч бир манбаъдан ҳеч қандай маълумот кўлга кирита олмадик. Агар ушбу рисола шайх Нажмуддин Кубронинг янги топилган

асари бўлса, унинг қиммати яна ҳам ошади ва шайх асарларига яна битта асар қўшилади.

Мазкур рисола қисқалигидан қатъи назар, буюк шайхнинг ирфоний тафаккури, диний фалсафий қарашларини ёритиб берувчи қимматли асардир. Унда муаллиф ўз ирфоний назарларини баъзан фалсафий бўёқлар билан безатади, тасаввуф йўлига кирган соликнинг саховат ва қарамли, уйғоқ юрак ва соғлом ақл эгаси бўлишини уқтириб ўтади. Шунингдек ақлни эъзозлаб уни нафсга қарши қўяди. Унингча ақл ғалабаси - иймон ғалабаси, нафс ғалабаси - шайтон ғалабаси демакдур. У рисолада бундай дейди: - Билгилким Аллоҳ таоло нафси бор нарсаларнинг энг ёмони қилиб яратди..., у шайтоннинг дўсти, барча ёмонликларнинг манбайдур..., шариат ва ақлга қарши туриб, ҳавою ҳавас билан келишади.

Муаллиф бошқа бир жойда нафсни тарбиялаш ҳақида ўз назарини куйидагидек билдиради: «Солик уни тарбиялаб риёзат чекдиришдан ғофил бўлмаслиги зарур. Ақлни унинг кишани, шариатни унинг зиндонига айлантириб...» ёки «нафси ҳақорат қилиб ақлни эъзозлаш» каби иборалар орқали ҳеч қачон тоат-ибодат ва сулук йўлига киришни ақл талабларига қарши қўймасликни таъкидлайди ва бу масалага доир ўз ишончини куйидагидек ифодалайди: - мен билиб олдимки нафс орга (иснодликка), истак ва ҳавас норга (оловга) тортар ва ақл эзгуликка чорлар экан.

Рисолада шайх томонидан кўрсатилган йўлланмалар ва оғир риёзатларга доир ўгитлардан мақсад ҳаётдан воз кечиб, тарки дунёчиликка берилиш эмас, балки нафсни покизалаш туфайли уни ҳайвоний ва шаҳвоний истаклардан озод қилиб, руҳни юксак даражага кўтариш, инсонларда ҳар доим виждоини уйғоқ саклаб, руҳий тубанликдан кутқазиб, уни ҳақиқий инсон мақомига етиштиришдир.

Биз буюк олим, мутафаккир ва йирик сўфий шайх Нажмуддин Кубронинг ушбу рисоласини балоғат ва фасоҳат нуқтаи назаридан унинг арабча матнига тенг келадиган даражада таржима қилдик деб иддао қилмоқчи эмасмиз. Биз факат ихлос ва иродат хукмини бажардик

холос. Агар ушбу таржима, хурматли ўкувчилар диққат-эътиборига сазовор бўлса, мутаржим ўзини баҳтли деб билади.

«Кўнглим кўзи билан кўрганларим» *Бисмиллоҳир раҳмонир раҳийм.*

Денгизлар ўлчовлари ва тоғлар оғирликларини билувчи, оғир булутларни юрдирувчи, ишларни тадбирга солувчи, ҳолларни ўзгартирувчи, ризку рўзи ва ўлимлар вақтини белгиловчи, эзгулик, улуғлик ва буюклик эгаси, кириш, қўшилиш ва ажралишдан узок, олий сифатлар билан мақталган, озайиш ва йўқолишдан пок, кофирлар ва адашганлар сўзларидаи бутунлай юксак турган Аллоҳга сано ва сифатлар бўлсин. У шундай барҳаёт, буюк ва юксак зотким, ундан ўзга ҳеч бир тангри йўқдир. У шериксиз ва бемислдир. Барча жонлиларнинг қайтадан тирилиб йиғилиши, (шунингдек) қабр (ва унда бўладиган) сўроқларга ишонувчи бир банда сифатида гувоҳлик бераманки, Муҳаммад унинг бандаси, юборган элчиси ва пайғамбари сифатида ўз сўзларида содик, мақтовга сазовор ишлар ва рози қилувчи хислатлар эгаси эди. Энг яхши оила ва сафдошлар бўлган унинг оиласи ва сафдошларига тангридан дурудлар бўлсин.

Аммо баъд, – тангри сенга тавфиқ насиб этсин – Аллоҳ менга насиб этган факирлик неъматининг баъзи томонларини, хос суратда менга ва умуман барча факир бандаларига кўрсатган гўзал эҳсонларидан кўнглим кўзи билан кўрганларимни баён этишини мендан сўраган экансан. Мен эса шошилинч билан сенга жавоб қайта-ришга уриниб, кўнглим лафтари ва хотирам саҳифасидан тангри хос суратда менга иноят қилган ва уларни олишга мени илҳомлантирган нарсаларни йиғиштириб олиб, Аллоҳдан тавфиқ тилаган ҳолда бундай дейман:

Дунёниг бир қисмини кезиб, ишларни синовдан ўтказдим, турли амаллар билан шуғулланиб, маълум кишилар билан мулоқотда бўлдим. Буюк ишларни амалга ошириб, барча нарсаларнинг аччиқ-чучугини татиб кўрдим. Китобларни текшириб чиқиб, олимлар хизматида бўлдим. Дунё истаб умримни бекорга ўтказдим. Кўп

ажайиб нарсаларни күздан кечириб билиб олдимки: энг тез ўтиб, энг тез завол топадиган нарса умр ва дунё экан. Ҳеч бир нарсаны ўлим ва охиратдан яқинроқ, ҳеч нарсаны умид-истакдан узокроқ ва ҳеч нарсаны тааний (оғирлик ва матонат)дан яхшироқ кўрмадим.

Икки дунёниг энг яхшилигини қаноатда, энг ёмонлигини тамаъгирлиқда кўрдим. Одамлар орасида ўз вактини «кошки», «керак», «мумкин» деб даргумонликда ўтказадиган кишини, энг қисқа умр эгаси деб билдим. Камтарлик энг яхши безак ва баҳиллик энг ёмон нарса деб ишондим. Барча яхшиликларни қамраб олган сифатлар ичида энг яххиси хулқ гўзаллиги ва барча ёмонликларни қамраб олган сифатлар ичида энг ёмони ҳасад экан.

Мен қизил ўлимни тиламчиликда, мангу ҳётни ўз аҳволини яшириша, муваффакиятни саъй-ҳаракатда, хўрликни дангасаликда, бало-мусибатни сўзлашда, викорни сукутда кўрдим. Ҳар бир ҳарис маҳрум, ҳар бир дунё қидиувчи маҳзун экан. Ҳар бир аёлмандни чўккан ва ҳар бир мол эгасини мискин деб топдим. Энг оз нарса содиклик ва улуғворлик эгалари ва энг кўп нарса нифоқ қардошлари экан.

Меи тангри томонидан дунё куллигидан кутқазилган кишидан бошқани эркин кўрмадим. Хўрлик ва ҳақоратни маҳтуқлар хизматида, иззат ва шарофатни яратувчи хизматида кўрдим. Подшоҳлар юракларидан шадидроқ ва қатгироқ нарса бўлмас ва факирлар учун яマルган ҳирқадан яхшироқ безак топилмас экан.

Энг яхши ҳисоб-китоб, ўз нафси билан ҳисоб-китоб қилишдир. Ҳар оқил киши охиратга юз туттан ва ҳар жоҳил киши дунё билан қизиққан бўлади. Роғиб (нафс истакларига берилган киши) ҳар доим машғул ва зоҳид (нафс истакларидан воз кечган киши) ҳар доим фароғатда яшайди. Мурид (худо йўлига кирган киши) қидиувчи ва муддаъий (кашф-каромат ва улуғворликни даъво қилувчи) ёлғончи бўлади.

Мен ҳеч бир безакни тўғри сўздан чиройлироқ топмадим. Мен тангрининг барча яратган нарсаларида униш ўзини кўрдим. Мен билиб олдимки нафс орга (иснодликка), истак ва ҳавас норга (оловга) тортар ва ақл

Эзгуликка чорлар экан. Энг кучли инсон ўз нафсини тарбиялаб, истаклар йўлларини тўсишга қодири экан. Буюк тангрига бўйсуниш, умр, ризку рўзига барака қўшар, унинг пайғамбари - унга ва оила аъзоларига худодан саломлар бўлсин - изидан бориши, дунё ва охиратда яхшиликка олиб борар ва неъмат эгасига шукур билдириш, унинг кўпайишига сабаб бўлар экан. Билим, энг яхши суҳбатдош, ҳирсу тамаъгирилик энг ёмон ўртоқ экан. Барча осийлар, гуноҳкорлар ва кабираларга (кatta гуноҳларга) боттанилар ва исрофгарчиликка йўл қўйганларни кўздан кечириб, улар ичида ўзимдан ёмонроқни кўрмадим. Жаннатта киришни ҳалол овқатланиш ва имконсиз ишлардан воз кечишида, дўзахга тушишни нафс истакларига берилшида кўрдим. Менга аниқ бўлди-ки, ҳалқ устидан Шайтон ҳокимлигининг боиси дунёни севишида экан. Ўлганларнинг ҳолидан, улар қолдирган уйжой ва мол-мулкидан ибрат олмаган кишини одамларнинг энг жоҳили деб санадим. Энг баҳтсиз инсон тангри белгилаб берган ҳудуди (чегараларни) бузиб ўтган киши экан. Тил барча мусибатларнинг манбай, чидам ва ишонч шариат ва дин устунлари бўлиб, ибодатларнинг афзали фарзларни адо этиш, одатларнинг энг эзгуси гуноҳлардан четда туриш, энг савобли иш кишиларга озор бермаслик, энг яхши бойлик - кучли иродат экан. Худонинг зикридан сўнг энг яхши зикр ўлимни эслаш, ўлимдан ҳам оғирроқ нарса кўлдан кетган нарсага афсус-надомат чекиши экан.

Мен нафснинг покизалиги факат пайғамбарларга ва кўнгилнинг тириклиги авлиёларга хос эканлигига ишондим. Ҳар қанча қидирсан ҳам, тингчлик ва роҳатни дунёдан воз кечиш ва уни тарк этишдан бошқа нарсада кўрмадим. Буюк тангри билан унсу-улфатда бўлишни истаб, уни факат одамлардан узилиб гўшада ўлтиришида топдим. Шайтонга қарши курашдим. Унга факат ўз нафсимга қаршилик ва унга душманлик билдириш йўлидан эришим. Худога нисбатан яхши хаёлда бўлишни умид сарчашмаси деб ишондим. Эшитдимки экмаган ўрмайди, раҳм қилмаганга раҳм қилинмайди, туну кун кемаси, унга мингандарни жаният ё дўзахга олиб боргусидур. Зинҳор-зинҳор кибрга йўл қўймангиз. Халифалар, под-

шоҳлар, кучу ҳашамат эгаларини, шавкат ва дабдабаларга берилиб ўзларидан ғофил қолганликларининг гувоҳи бўлдим. Бу йўлдан улар учун ҳеч бир фойда унмади. Одам алайҳиссалом яралгандан бери то (Исрофил) сур торткунга қадар барча инсонлар ниҳоят ожизликдан бир чумолининг синган оёгини ўз ҳолига қайтаролмас эканлар. Барча фазилатлар ва фасоҳат эгалари, мунажжимлар ва турли фанлар билимдонлари учун ҳаттоки пашшанинг бир қанотини яратиш ҳам имконсиз экан. Улар бу ишга қодир эмасликларини билдириб, ниҳоят ҳайрат ва дармондалик билан ўз камчилик ва ожизликларини эътироф этгандар.

Яратиш, буюриш, билим ва куч эгаси бўлмиш Аллоҳ барча айбу нуқсонлардан покдир. Энг гўзал яратувчи Аллоҳ, файз-барака эгаси ва улуғдир. Эгаликда унинг шериги йўқдир. У барҳаёт зот, уйдан ўзга ҳеч бир тангри бўлиши мумкин эмас. У барча ашёнинг исход қитувчиси, еру кўкнинг безатувчисидир. Аршу Курсининг яратувчиси, инсу жин (инсонлар ва ажиналар)га ризку рўзи берувчи зот бўлиб, текис ва ўрта жойда қарор топишдан (ўрин олишдан) покдир. У хоҳлаганидек хукм қиласи, истаганини амалга оширади, чириган суякларни асбобанжомсиз тиклайди. У тирикларни ўлдирувчи, ўликларни тирилтирувчи, ажаллар, ризку рўзиларни белгиловчи, сезги ва ҳаракатларни билувчи, чумоли юриши ва энг заиф овозии эшитувчи зотдир. Ер юзи ва кўкларда ҳеч бир нарса унинг измидан четда қолмайди. У барча сирлар ва яширин нарсаларни билиб туради.

Унинг ўзига, барча фаришталарига ўлгандан кейин қайта тирилиш, шафоат, жанинат, дўзах, қабр (унда бўладиган) сўроклар, ҳавз (Кавсар ҳавзи), тарози, сирот, кофирлар учун оловнинг абадиёлигига, мўминлар учун жанинатнинг мангалигига иймон келтириб ишонч билдирамизки, (қиёмат куни) тангри одиллик билан бандалар орасида хукм юритиб, қатъий суратда адл қилгандан сўнг, ер юзида зулм қилинганлар ҳақ-хукуқини олиб беради. Шунингдек, дардли азоблар дўзахдалигига, тангри ўз дўстлари учун жанинатда берган барча ваъдалар ҳақлигига, ўшанда юзларининг энг мукаррами бўлмиш унинг карамли юзига боқиши мусассар бўлишига ишонамиз.

Ишонч билдирамизки, Аллоҳ томонидан юборилган китоб (Куръон)даги барча ваъда ва ваъидлар баҳтлилар ва баҳтсизларга бериладиган мукофотлар ва жазолар, амру наҳй (буюриш ва қайтариш) хабарлар, қиссалар, масаллар ва ҳикматлар, ҳалол ва ҳаром (ҳақида берилган ҳукмлар), муҳкам ва муташобиҳ (маъниси биз учун аниқ ва ноаниқ бўлган оятлар) ва шунингдек, биз учун изоҳлаб ва шарҳлаб берилган нарсаларнинг ҳаммаси ҳақдир. Шу каби биламизки, Аллоҳнинг Расули - унга ва унинг оиласига саломлар бўлсин - ҳақдир. Исо, унинг бандаси ва пайғамбари эди. Аллоҳ уни ҳазрати Одам каби тупроқдан яратиб сўнгра «бўл» - деди ва у бўлди. Исонинг онаси садоқатли-покиза аёл эди. Ҳар иккаласи овқат ейишарди (яъни инсон эдилар, худо эмасдилар).

...Биз ишонамизки, пайғамбардан кейин энг яхши одам Абубакр, сўнгра Умар, сўнгра Усмон ва сўнгра Алидир - Аллоҳ улардан рози бўлсин! - Аллоҳ томонидан гуноҳлари ювилиб, бутунлай покланган пайғамбарнинг пок оиласини севамиз. Иқор этамизки, Аллоҳ таоло барча ҳодисалардан йироқ бўлиб, ҳалойиққа ҳеч қандай муҳтожлиги йўқдир. У барча маҳлукларни ўз иродаси ва ҳикмати билан яратди. Йўқдан бор қилинча ва изҳор этинча ҳеч қандай муҳтожлик сезмайди. У барча ишларни бирон-бир сабаб орқали эмас, балки илоҳий ҳикмат ва ўз бирлиги кудратини изҳор этиш асосида ўз тадбири ва иродаси асосида юритади. Булар барчаси унинг бирлигидан далилдир.

У барча камчиликлардан пок, ўз-ӯзига таянган зотдир. Кўқдан тортиб Ернинг қатламларигача жойлашган барча ашё мавжудот унга таянган. Барча ҳалойиқ мажбурий суратда унинг ҳокимияти остида бўлиб, амрини бажаришга мажбурлирлар. Моҳиятининг тубига етиб бориб, у юритган ҳукмлар ва белгиланган тақдирлар сирасорини билиб олишта қодир эмаслар. Улар ўзлари учун зарар ва фойда келтириш, ҳаёт бериш ва қайтадан тирилтириш имкониятига эга эмаслар.

Буюк тангри бизнинг хотирамизда йигиладиган, кўксимиз ва ўйларимизда кечадиган тасаввурлар, кўнглимиздаги хаёллардан пок бўлиб, ўзи истаган барча ишларга қудратлидир. Унинг учун мислдош, бошланғич,

завол, хулул (бирон-бир бандага ўтиш) иртиҳол (бир жойдан бошқа жойға күчиш), макон (ўрин) ва маол (оқибат, келажак) йўқдир. Аллоҳ буюк эҳсон, азамат ва юксаклик эгасидир. У зулм аҳли бўлмиш кофирлар ва адашганилар сўзларидан юксак туради. Кипининг жаннатга бориши ва оловға кириши унинг одиллиги билан бўлади. Бирон ишни ҳукм қиласа, унга фақаттинг «бўл!» - дейди, ўшанда ўша иш бўлиб қолади. Унинг ҳукми ва буйргани қайтарувчи бўлмас. У билувчи ва қудрат эгаси бўлиб, ҳеч бир нарса унга ўхшаш эмас. У эшитувчи ва кўриб турувчиидир. Ул зот нақадар яхши хожа ва нақадар яхши ёрдам берувчи зотдир. Биз ушбу (эътиқод) билан яшаймиз, у билан ўламиз. Агар буюк тангри истаса, шу билан (ушбу ақида билан) қайтадан тириламиз. Мен мазкур қатъий сўз ва аниқ эҳсонни рад қилган мункирларга қарши туриб, ўзим учун қуийдаги шеърни ёздим:

- Эй тўғри йўлдан озиб уйкуда қолган мункир, сен ўз эганга исён кўтардинг.

- Эй нафс истакиарига кул бўлиб кўзлари кўр бўлган киши, сенга афсуслар бўлсинки, унга (тангрига) нисбатан инкор йўлинни тутдинг.

- Бизнинг барча бурҳон ва хужжатларимиз, ёрқин ва аниқ ва барча далилларимиз ҳозир ва шоҳиддир.

- У яратганларниң ҳаммаси шундан далолат берадики, ул зот бир ва ягона дур.

Тасаввуф йўлиға кирган факирлар ҳақида

Буюк тангри сенга тавғиқ берсин, мендан садоқатли ва факир соликнинг безаклари нима? деб сўрагансан.

Эй, биродарим, ўзинг учун тақвони тўшак, касодни сармоя қилиб ол. Охират-сафаринг; нафаслар - тўхтаб ўтар жойларинг; қабр - манзилинг; сабр - яқибинг, ишонч - сұхбатдошинг; ожизлик - чора-тадбиринг; соқинлик - ҳаракатинг; хилват - уйинг; очлик - овқатинг; кўзёши - ичимлигинг; факирлик - кийиминг, умр ҳисобкитуби - уйқуинг; тиззанг - ёстиғинг; масжид - турар жойинг; ҳикмат - дарсинг; ибрат олиш - қарашинг; ҳаё - кузатувчинг; тавғиқ - ўртоғинг; олий ахлоқ - сифатинг; қаноат - ўқитувчинг; парҳезгорлик - намозинг; жим

юриш - рўза тутишинг; дўзах ўйлови - қайғу-ғаминг; жаннат(ёди) - хурсандчилигинг; иложсизлик - соғлифинг; тамаъгирилик - маразинг; қабрлар - эслатувчинг; кунлар - ўтиг берувчинг; маҳзуналик - куйинг; ўлимни эслаш - самоъинг; дунё ва унинг аҳлидан кўз юмиш - раксинг; таҳорат - куролинг; тақво - уловинг; шайтон - душманинг; нафс - ғаниминг; дунё - зиндонинг; истак ва ҳавас - қаровулинг бўлсин.

Тунларинг кўзёши билан, кунинг кечирим тилаш ва огоҳлик билан ўгсин. Вақт - ҳосилинг, дин - қўрғонинг, шариат - шиоринг, Аллоҳ китоби сўзлаб берувчинг, худога эзгу гумон қилиш - сармоянг, Аллоҳ пайғамбарига - Оллоҳдан унга, унинг оиласи ва саҳобаларига саломлар бўлсин! - дуо ўқиши (саловат айтиш) касбинг бўлсин. Барча мусулмонлар ҳақида дуо қилиш одатинг, эзгу ишлар қилиш ниятинг, бажарилган ишлар (тоат ва ибодатлар)нинг қабул бўлмаслиги ва оқибатнинг ёмон бўлиши эҳтимоли - қўрқингчинг, Аллоҳга эришиш энг олий мақсадинг ва ушбу (айтиб ўтилган) факирлар сифатларига эга бўлиш энг кичик истагинг бўлсин. Булардан ўзгаси, истаклар ва фуурдан бошқа нарса эмас.

Агар буларни бажаришга улгурсанг, ҳар доим эркин яшаб, хотиржамлик билан дунёдан ўттайсан. Агар буюк тангри истаса, худо ҳамди билан ҳавфсиз қабрдан туриб баҳтиёрлик билан жаннатга қадам қўйгайсан.

Буюк Аллоҳ ўз баидасини севишининг аломати ҳақида

Бандага нисбатан Аллоҳнинг муҳаббати, шунингдек, банда ўз буюк хожасига эришиб, унинг муқаддас ва юксак сифатларини билиб олишининг аломатлари кўйидагилардан иборат: Тангрига юз тутиб унинг ҳузурига борадиган киши шуни билмоғи керакки, қайтарувчи ва берувчи, фойда ва заرارга етиштирувчи, йўлга солувчи ва йўлдан оздирувчи, фактатини ўзига хос бўлиб, бошқалар фонидирлар. Унинг (кицининг) юраги билан тили бир-бирига тенг зикр қилиб, томирлари Аллоҳ муҳаббати ва зикри

билин тўлиб тошган бўлади. Ўзи учун бирон-бир қадр-киммат қойил бўлмай, дунё ва унинг истакчиларига нафрат кўзи билан қарайди. Ўлимни ва Аллоҳ билан учрашувни севади, хилватда яшаб одамлардан узокда турди. Мақташ ва ёмонлаш, яхшилик ва ёмонлик, бериш ва бермаслик, шунингдек, олтини ва тупроқ унинг назарида тенг бўлиб, ўзидан содир бўлган тақсирлар (кусурлар) учун туну кун йиграйди.

(Худо йўлига кирган солик) дунёда ўз қолипи (гавдаси) билан яшаб, қалби охират билан бўлади. Иймон-эътиқоди худога бутун бўлиб, тилида ҳақ зикри ё ўлим ёди, қиёмат (куни) кўркуви, жаннат ё дўзах сифатларидан бошқа бирор нарса юрмайди. Унга энг яқин нарса ўлим ва энг узок нарса орзу-истак бўлади. Ҳалойикдан маъюс (умидсиз) бўлгани учун бехудага ўтказган ўз умрига йиграйди.

Бу (айтиб ўтилган нарсаларнинг ҳаммаси) буюк Аллоҳ ўз фазлу-эҳсони билан ўзининг ожизу-заиф бандасига илтифот кўргазганидан ва банда барча олий ва юксак сифатлар эгаси бўлган ўз хожаси эшигининг бўсағасига етиб борганидан далолат беради.

Факирнинг хилватда ўлтириши ва унинг одоблари шарҳи

Мақсад шудирким, ушбу йўлга қадам кўйган мурид банда, дунё ва охират (фикри)дан фориғ бўлиб, буюк Аллоҳнинг ризосини истаб қалбу-ҳолини ислоҳ қилиш ниятида тавба орқали (гуноҳлар касофатидан) поклансин, ҳалол билиш ё рад қилиш юзасидан одамларга ситам қилганидан тавба қилсин, дунё ва унинг аҳлидан узоклашиб охиратта юз тутсин, унинг асбоблари (тоат ва ибодат) билан шуғулланисин. Зоҳир ва ботинни барча ирода ва истаклардан бўшатиб, овозсиз, ҳаракатсиз, кўркиб сифиниб, йиграб, ожизлик ва ҳаё изҳор этсин. Шариатта қаттиқ ёпишиб, худонинг чегараларини бузмасдан, барча хукмларини билиб туриб, унинг расулининг - худодан унга ва унинг оиласига саломлар бўлсин! - сун-

натларига пайравлик қилған чоғда, бутун қалби ва барча вужуди билан улуғ ҳақ хузурига юз тутсин.

Факир киши хилватда ўтиргандан кейин ўзини ўлик ва хилват (жой)ни қабр деб гумон қилади. Ўлик учун ҳеч қандай ихтиёр ва ирода қолмайди. Кўнгли тангридан бошқа бирор нарсага тортилмаслиги учун, хилватта киришдан бурун ўзининг барча ишларини бажариб, керакли нарсаларини таъмин қилади. Ҳалойикдан узок, жомеъ (масжид)га яқин ё жумъа (намози)га бориш зарур бўлмайдиган жойда бир ўринни танлайди. Ўрин тор бўлиб, унга қўёш нури ва кун ёруғлиги тушмайдиган бўлиши керак.

(Хилватда ўтирган кишининг) ёнида таом, маълумот оладиган (ўқийдиган) нарса бўлмайди. Ҳар доим - туну кун, яширин суратда сустлик кўрсатмай, баҳона қилмасдан зикр билан машғул бўлади. (Зикр чоғида) қалби тилидан, тили қалбидан олади (кўнгли билан қалби бир бўлади).

Бу ишни бажаришга унга нисбатан эзгу ниyatли бўлган, озиқ-овқати ва мижозини тушунадиган, касаллик сабабларини англаб олиб, дорилар таъсиридан воқиф бўлғай ҳозиқ табиб сингари унинг яхши-ёмон томонларини, ақлу-фикрини, чидами ва шошилиши, куч ва иродаси ва нафсининг тамойилларини биладиган бир ўтиг берувчи шайх ё меҳрибон бир оға-ини ё салоҳиятли ўртоқ ва ё садоқатли дўст унга ёрдам бериши керак.

(Солик) Тангрига сифиниб кўп марта унга истихора (яхши ишни талаб қилиш)дан кейин, унинг хузурида ўз юзини тупроққа суртиб, қалбу руҳини унинг ҳазратига топширади. Иродасиз бўлмаган пайтлардан бошқа ҳолда, овоз билан зикр қилмайди, ўз ихтиёри билан ухламайди, бирор нарсага суюнмайди, бирор нарсани баҳона қilmайди, фарзу-суннат (намозларидан) бошқа намоз (яъни нафл намози) ўқиммайди. Улар эса ўқиладиган (суннат намозлари) тоңг намозининг икки ракъати ва таҳоратни тозалашдан кейин (ўқиладиган) икки ракъат намоздир.

Унинг хотирида кароматлар ва мавҳибатлар (худо томонидан ато қилинадиган имтиёзлар) кечмаслиги керак. У, ўзининг хилватда ўтириши учун ҳеч қандай аҳамият қойил бўлмайди, худони эслашга давом бериш би-

лан, унда ҳеч қандай илдао ва худбинлик қолмайди. Ўз нафсидан ёмон кечинмаларни ва кўнглидан фосид ва тубан истакларни чиқариб тацлайди. Ўз кучи, чидами, тоқати, заифлиги ва соғломлигига қараб овқат ёйишни озайтиради. Ҳар доим ёқимли ҳидлик нарсалардан фойдаланиб туради. Ёғлиқ емайди. Худони эслаш билан одобни саклаб туради. Ҳар доим ўзини азаматли бир жаббор султон ҳузурида турган катта жинояткордек сезади. Шариат ва Суннага қарши ҳеч иш қилмайди. Нарсаларни кўрсатишга илтифот билдирамайди. Ўз нафсини, (васвасалардан) зикр билан ҳимоя қиласи. Буюк Аллоҳдан уялган (ҳаё қилган) ҳолда, ўз гуноҳлари учун кечирим сўраганидек, ўз тоат-ибодати учун ҳам кечирим сўрайди. Кофиirlар учун қандай кўрқадиган бўлса, ўзи учун ҳам шундай кўрқади.

Хилватда ўлтириш чоғида, (солик)нинг ишончи комил, ақидаси бутун бўлиб, Аллоҳга унинг фаришталари, китоблари, пайғамбарларига иймон келтирган, қайтадан тирилиш, жаннат ва оловга, худо берган барча ваъда ва ваъидларга (таҳдидларга) ишонган, худо пайғамбарининг - худодан унга ва унинг оиласига саломлар бўлсин! - саҳобаларини севиб, пайғамбардан кейин, барча халқларга нисбатан уларнинг афзалликларини эътироф қилган бўлиши керак. Айтиб ўтилганларнинг акси бўлган ҳолда, хилватда фосид-мунофиқ сифатида ўлтириб, ундан бицъатчи ва зиндиқ сифатида чиққан бўлади.

(Хилватда ўтирган солик) Тангри иродасини ўз иродасидан устун қўяди. Ўзига раво кўрган нарсани барчага раво кўради. Хилватдан чиққандан кейин ожизлик кўрсатиб (ўз сирларини) яширишга уринади, ўз юраги ва тилини саклайди. Хилватда бўлсин ё бўлмасин, ҳар доим таҳорат билан юради. Унда дунёга ва дунё эгаларига, ҳеч қандай меҳру-муҳаббат қолмайди. Буюк Тангридан, ёмонликларга буюрувчи ўз нафсининг шарридан омонлик ва паноҳ излайди, тоату-ибодат қилиш ва (ишлар) оқибати эзгулик билан тугаши учун тавфиқ (ёрдам) сўрайди. Негаки, барча ишлар ўз хотимаси билан баҳоланиди. Тавфиқ худодандир.

**Нафсни таниб олиш ва унинг
издошлари ҳақида**
**Унинг моҳиятини ҳеч ким ҳеч қачон
билаолмайди**

Билғилким, Аллоҳ таоло нафсни бор нарсаларнинг энг ёмони қилиб яратди. У эса ҳамиша сен билан бўлиб, сенинг уловингдир. Сен унга муҳтожсан. У уйингдаги матолар устида туриб, уларга кўз тикиб турган ўғрига ўхшайди. У шайтоннинг дўсти, барча ёмонликларнинг турар жойидир. Унинг кўп ёмон сифатлари бор: ёмонликни яхши кўриб, яхшиликни ёмон кўради, шариат ва ақлга қарши туриб, истаклар ва ҳаваслар билан келишади. Сен уни тоат-ибодатга чақирасан, лекин у осийликка қараб юради. У тўқликда йиртқицларга, очликда мурғак жўлакка, ғазабланганда подшолар ва золимларга, шахватда ҳайвонларга, кўрқсанда мушукка, хавфсизлик сезгандан қоплон ва арслонга ўхшайди. Унинг ёмон одатларидан бири шундан иборатки, факирлик (йўқсулиқ) ва камчилик (ризку-рўзи озлиги)дан кўрқади, лекин буюк Аллоҳ ва унинг оғир азобидан кўрқмайди. У шайтоннинг ўйинчоғидир. Дунё ва унинг безаклари, ҳавас ва шайтон, ҳамда уларга боғлиқ бўлган нарсалардан унинг кўп ёрдамчилари бўлиб, ҳар бир ёрдамчисининг дунёвий ҳаётни безатувчи нарсалардан лашкарлари, отликлари ва хизматчилари бор.. Мисол суратда кўп емок, кўп ухламок, кўп кулмоқ, ошиқлик қиссаларини тингламок, дунёни севмоқ, бойлиғи танламок, такаббурлик, ҳасад, гийбат, ёмонлик билан шуғулланмок, ичимликлар ичиб гуноҳга кўл уриш, турли ўйинларга берилиб, фойдасиз ишларга уриниш, мол-мулк йигиб истаклар ва орзулар ишини чўзиш, ёмонликка буюриб, яхшиликдан воз кечдириш, истак-ҳавас ва суур (хурсандчилик), иморат ва тижорат (уй-жой қуриш ва савдо)га кўнгил боғлаб ёмонни яхшилаш; бошқалар сир-асрорларини фос этиши, чегарадан (ахлоқ ва одоб чегарасидан) чиқиши, ботилдан ёрдам сўраб ҳақни инкор этиши, дунёпарастларга ҳурмат билдириб, охират аҳлини ҳақорат қилиш, шулар жумласидандир.

Буларнинг ҳаммаси, ёмонликка буорувчи нафс (нафси аммора)нинг сифатларидан ҳисобланади. Одам авлодининг барча томирлари бирликда унинг ёрдамчилари учун малайлар вазифасини бажариб туради.

Факат худо тавфиқи билан ўз айбларини кўришга қодир бўлган ва унинг ёрдами билан ўз нафсининг макру ҳийлаларини билиб олиб уни енгишга муваффақ бўлган киши, такво ва парҳезгорлик юганини унинг оғзига солиб, хўрлик ва ожизлик кишанлари ва шариат буйруқлари билан уни қайд этиб, мужоҳада (жиҳод) қиличи билан уни ўлдиришга муваффақ бўлади. Ундан кейин очлик, чанқоқлик, уйкусизликни унинг устидан кучайтириб, Тангрига итоатдан бошқа ишларда унга қарши туради.

(Солик ҳатто) тоат-ибодат қилишда ҳам ундан (ӯз нафсидан) кўрқиб туриб унинг барча қиммишларини қоралаб, дунёдан кўз юмгунча ҳатто бир лаҳза ҳам уни тарбиялаб, риёзат чектиришдан ғофил бўлмаслиги зарур. Ақлни унинг кишани, шариатни унинг зиндони, тоат-ибодатни унинг қоровуллари, ўлим ёдини унинг овқат ва ичимлигига айлантириб, унга нисбатан ҳаддан ортиқ эҳтиётни риоя қилгандан кейин, ўшал бечора банда, нафснинг яратувчисига ёлбориб, унинг макру-ҳийласи, ёмон одатларидан ва (мабодо) ақл устидан унинг ғалаба қозонишидан паноҳ тилаб, буюк Тангридан унинг шарридан омон қолдиришни сўрайди.

Ақл билан нафс иккита қалимий душман кишига ўхшайди. Улардан ҳар бири ўз қўлида ялангоч қилич тутиб, иккинчисини ўлдиришга шайланиб туради. Бир лаҳза ҳам бир-биридан кўз узмайди. Қай бирини фафлат босса, ўша заҳоти мағлубиятта учрайди. Ўз нафсига золим бўлган киши унинг шарридан кутулиб, ҳийла ва макрларидан четда қолади. Буюк Аллоҳ шундай марҳамат қилган: «Ва минхум золимун ли нафсиҳи» (улардан баъзилари ўз нафсларига зулм қилувчиидур) (Куръони Карим, 35-сурә, 32-оят).

Нафсга жабр қилиш, уни фосид истаклари, фоний лаззатлар, ботил умидлар, асоссиз орзулар, дунё фуури, нафс тилаклари, шухрат ва эътибор, молу давлатта кўнгил боглашдан қайтариш, истайдими истамайдими, уни

Шариат ва Суннага бўйсундириш, худонинг тоату-ибодати йўлига солиш, ўлимни эслатиб, у дунёни севишга рағбатлантириш ва шунишгдек унинг макр, ҳийла ва худбинлигидан кўрқиш демакдур. Негаким, унинг алдамчилик ва бузғунчилиги, гуноҳдан кўра, тоат-ибодатда кўпроқ бўлади. Чунки тоат қилиш жараёнида гуноҳ қилишдан кўра кўпроқ лаззат сезади. Масалан, тоат-ибодатни безаб кўрсатиш, ўз ишига катта баҳо бериш, риёва муноғиқлик, ҳалқ томонидан кўрсатилган ихлосни ёқтириш, қўлни ўптириш, табарруклик ва зиёратмандлик, катта шуҳрат қозониш, одамлар олқишини исташ, подшолар томонидан кўрсатилган рағбатлар ва одамлар келиб-кетишидан хурсандлигини билдириш, самоъ мажлисларида ҳозир бўлиб ҳарқи одат (фавқулодда ҳодисалар) кўрсатишга уришиш, сунъий суратда (хўжа кўрсин учун) рўза тутиб оз овқатланишини кўрсатиш, ёлғондан йиғлаш, лаблар билан тамшаниб, кўз билан ишора қилиш, қалби ҳузурсиз Аллоҳга ёлбориш, ямалган либослар кийиш, тушлар кўриб ўтмиш ва келажак ҳақида хукм юргизиш, ожиз кишиларни кўриш билан тоат-ибодатда муболага қилиш, аммо хилватда (ёлғиз қолганда) дангасалик қилиш, мажлисларида жавонлар иштирокига розилик билдириш, аёлларга боқиши - шайтон шарридан худога паноҳ тилаймиз! - шулар жумласидандир.

Ҳакиқатда ҳам, булар (айтиб ўтилган хислатлар), ароқ ичиш, гуноҳ қилишдан ёмонроқдир. Тангри бизни нафсимиз шарридан ва ўз (бажарган) ишларимизни кўрсатишдан (риёдан) асрасин. Пайғамбар - Саллоллоҳу алайҳи ва олиҳи ва саллам - (худодан унга ва оиласига саломлар бўлсин!) буорганлар: агар Тангри бирор бандада учун эзгулик ирода қилса, уни ўзининг камчиликларини кўришга қодир қиласи. Илоҳим, биз учун ўз камчиликларимиз ва ёмон қилмишларимизни кўриб олишга кучугайрат бергайсан, кўз-юмиб очгунча ва ундан озрок муддат ичида ҳам, бизни нафсимизга, нафсимиз истакларига, ёмон қилмишларимизга бўйсундирмагайсан! Бизга ўз ганимларимиз устидан ғалаба қозонишга ёрдам бергайсан, бизни иймон ва ишонч билан дунёдан ўтган кишилар қаторида қабул қилгайсан, бизни одамлар орасида

шарманда құлмагайсан! Ҳақиқатан ҳам сен, ўз берган ваъдаларингдан қайтмагувчисан.

Фақирға ўғит бериш ва унга йўл кўрсатиш ҳақида

Охират йўлига кириб, дунё балолари денигизларидан соғлом ўтишни истаган фақир, қуидагиларнинг барчасини жиддий суратда эгаллаб олиб, ўз нафси билан бирга уларни бажариши керак. Негаки улар бандалик асоси, хизмат ва тоат маркази ҳисобланади:

Ҳалол (лукма) емоқ, маҳол (имконимиз иш)ни тарк этмоқ, эътиқод бутунлиги, саъй-ҳаракатда содиқлик, ўлимга тайёр бўлиш, қўлдан чиққанини жабийра қилиш, қабрга кирмай туриб ўз қилмишларини қўздан кечириш, ишсон ва инсон бўлмаганларга (ғайри инсонларга) тил тегизмаслик, бошқалар айбидан кўз юмиб ўз айбларини кузатиш, оға-иниларга ўғит беришдан олдин ўзига насиҳат қилиш, буюк Аллоҳ муҳаббати учун ҳам ичдан, ҳам юздан дунёга нафрат билдириш, ундаги нарсаларни ундағиларга (дунёга берилган кишиларга) қолдириш, ўз ҳолини яшириб сўзни (бехуда сўзлашни) тарк этиш, барча нарсалар ичида бехуда нарсалардан воз кечиши, барча мусулмонлар учун дуо қилиш (эзгуликлар тилаш), юз берган мусибатларни яшириб ўз камчиликларини изҳор этиш, ҳар куни қайтадан барча (бадан) аъзоларини нафс ихтиёрида қўйиб, уни (нафсни) ўз раъиятини (хукми остида бўлган аъзоларни) саклашга мажбур қилиб, дўзах азобидан қўрқитиш, халойиққа меҳру-шафқат кўзи билан қараб, дунё аҳлига инкор ва ҳасад билан эмас, балки ибрат кўзи билан боқиши, (бошқаларга) панд бериб фазиҳат (расволик)дан чекиниш, иқтидорли бўлган пайтларда, худо томонидан ҳаром қилинганлардан бошқа (ўзга ишлар бўйича) дўст-душман тўғрисида ўз ғазабини ютиб жаҳлини тўхтатиш, бажарган амалига ўзи баҳо бермасдан, унинг учун амал қилинадиганга уни топшириш, охирги нафасларини тортадиган кишидек (ибодат бўйича) ўз қашшоқлигига надомат билдириш, ахлоқни покизалаб, юриш-тиришни ўзгартириб одамлар билан муроз

саю мадора қилиш, лаззатлар ва истаклар таркининг аламига чидаб, тириклар ва ўликлар ҳакида ёмон сўзлашдан тилни сақлаш, сафар ва ҳазар (истикомат)да, со-вуклик ва иссиғлик, очлик ва яланғочлик чоғларида, нафс ва шайтоний ҳавасларга қарши туриш, инсон мъ-навиятининг холосаси бўлмиш тил тўғрилиги ва содик-лигини сақлаш, ёлғон айтишдан четланиб, тилни рост гапириш ва тўғриликка ўргатиш, қиёмат куни даҳшатла-рини такроран (эслаш билан) тўғри йўлни босиб ўтишда изчилилк кўрсатиш, эзгу сўзлар изҳор этишда барча куч ва дикқатни ишга солиш, бўлмагандан эса жим ўтириш, буюк тангри насиб қилган ризку-рўзига қаноат қилиб, унинг буйруқларини бажариш, кам овқатланишга ўрга-ниш, тилни худо зикрига машғул қилиш, ҳар соату, ҳар куни умрни сарҳисоб этиш, ном чиқаришдан воз кечиб, сабабсиз ҳар ишга аралашишдан тийилиш, шухратпа-растликдан сақланиш, одамлардан четланиш, халойикқа аралашмаслик, тадбирни тарқ этиб, тақдирга тан бериш, юриш-туришда истихора намозини адо этиш, уйда бў-лиш, жим ўтириш, ўлимни эслаш, вақтни бекорга ўтказ-маслик, ниҳоят зарур бўлмаган ҳолда (бировдан бирор нарсани) талаб қилмаслик, нафс истакларини тарқ этиб, шариат ҳукмларига бўйсуниш, барча халойикнинг дўзаҳ-дан чиқиши, аммо ўзининг унда қолишини гумон қи-лиш, дунё ва дунё аҳлининг ҳикоятларига, подшолари-нинг таржимаи ҳолига, озодлари ва қулларининг одатла-рига қизиқмаслик, намоз вақтларини бошлиғишидан ол-дин (охиритча) риоя қилиш, кийим ва бадан поклигини ҳар доим сақлаш, машойиҳлар сўзини хурмат билан, би-лимсизлар сўзини ибрат билан тинглаш, нафсни ҳақорат қилиб, ақлни эъзозлаш, ахлуulloҳ (худонинг дўстлари) бўлган гурухдан ташқари мутасавифлар (сўфийлик дъ-восини қилувчилар) билан алоқани узиш, пайғамбар - унга ва оиласига тағридан саломлар бўлсин! - ҳадис-ларига (сўзларига) берилуб, бой-давлат эгалари сўзлари-ни эшитмаслик, факирлар сұхбатига интилиш, рағбат ва хурсандчиллик билан тоат-ибодат қилиш, кўп айблар билан бирга нафс истаги асосида содир бўлган гуноҳлар учун йиглаш, ибодат матои рад бўлиши кўркувидан ўз тоат-ибодати учун кечирим тилаш, умид билан амал

қилиш, ажалдан күркүш, сенга тұхфа берувчилардан яшириниб, одобсизлик қылғанлар тұғрисида сукут қилиш, дунёни бир томонға күйіб, охиратта таважжұх қилиш, хулқ гүзіллігінә эътибор беріб, тоатни унутиб (қылған тоат-ибодатта баҳо бермаслик), сүкиш ва шикоятдан узоқ туриш, хожа хузурида ёлбориши, беҳуда сұзлардан воз кечиб халқдан четланиш, тұnlар намози, тонглар йиғиси, дунё рұзаси, охират ифтори.

Үз нағситінан воз кеч, чунки у касофатлар ва гунохлар маконидір. Үзгалар оёғи остида тупроқ бұл! Эй, кусурларға йўл кўювчи, амал қани? Эй, истакчи, қачонгача истайсан? Сафар вакти етиб келди, йўлнинг тұша (йўл овқати) ва асбоблари қани?

Ушбу фойдали сұзлар сен учун, тилни (кўп сўздан) сақлаб, кўзни юмиб-қисқартириб ёзилди.

Фақирликни бошқа нарсалардан афзал кўриш боби

Яратувчи, қайтадан тирилтирувчи ва ундан ўзга тангри бўлмаган Аллоҳ номига онт ичиб айтаманки, агар борди-ю муқаллас ва буюк эгам томонидан бирон-бир оят (нишона-аломат) орқали менга билдирилиб «Сен маҳшар кунига яшаб ҳеч қандай низо-эътиrozсиз, барча дунё мулкини эгаллаб олиб, сўнгра бой кишилар билан жаннатга кириш ва ё шу соати ўлиб, оловга тушиб, аммо маҳшар куни худонинг иззат ва азамати туфайли қайтадан факирлар билан бир қаторда тирилишдан бирини танлаб олгин!» дейилса, ўшанда мен дунё неъматлари ва жаннатга киришга ҳеч қандай рағбат кўргазмасдан шу лаҳза факирлар билан оловга тушишни таплаб олардим.

Фақирлик ва дўзах, исноддан яхшироқдир, чунки мен яшаш лаззати, вактнинг ёқимлилiği, кайфиятнинг яхшилиги, кўнгилнинг фориғлиги, баданинг роҳати, нағснинг соғломлиги, тұnlари кечи्रувчи Аллоҳ билан бўлган муножотлардаги ҳаловатни, шунингдек қолган-кутган нон парчаларини еганда ўз нағсимда иззатни ва ямалган ҳирқаларни кийғанда тангри хузурида камтар-

ликни ва ҳар доим ҳаёт сафолигини, мен фақат фақирликда топғанман.

Фақир биродарлар, ўлим сизнинг ўлимингиз, тириклик сизнинг тириклигингиз, дунё сизнинг дунёйингиз, охират сизнинг охиратингиз, яшаш сизнинг яшашингиздир. Модомики, тириксиз фақирликни қучиб олиб (ҳатто) ётганда ҳам тиззангиз билан унга тегишиб туринг. Агар фақат Аллоҳнинг ўзигагина сифинадиган бўлсангиз, унга шукр қилинг, сизларга берилган ушбу бутоқ неъмат ва йирик мавҳибат (эҳсон, яъни факрилик)ка чидаб сабр қилинг. (Жаноза намозидаги) тўртта такбийрни («Аллоҳу акбар»ни) ундан бошқага айтинг (худодан бошқаларнинг жанозаси намозини ўқиш, яъни йўқ деб ҳисобланг). Унинг баидаси ва пайғамбари Мұхаммад Мустафо-худодан унга ва оиласига саломлар бўлсин! - шариатида бўлинг, чунки кун ёрутлиги ва тун қоронгулиги орасида турли-туман ажойиб ишлар, ёмонликлар ва мусибатлар юз бергусидир. Қанча фосиклар тавба қилиб, қанча обидлар рад жавобига учрагусидир. Қанча яқин кишилар узоқлашиб, қанча бахтилар бахтсизланиб, қанча ғойиблар (қалби худо ҳузурида бўлмаганлар) ҳозир (хузурда) бўлгусидирлар.

Шундай экан, тангридан кўркиб, унга бўйсунинглар. Эй, онг аҳли, ибрат кўзи билан боқинг, эй, фикр эгалири, ҳеч қачон ғуурга йўл кўймангиз, билиб олингизким, сизда бор нарсалар сизники эмас. Шундай экан, истакларга чек кўйиб ўз ажалларингизни кутиб туринг, эрта учун (қиёмат куни учун) бажарган ишларингизни назардан кечиринг, негаки кутиб турувчилар учун эрта кўп яқинлур.

Дунё ва унинг можияти ҳакида

Дунё - ўйлаш ўрни, ибрат манзили, ишрат саройи, кўприк биносидир. У мўминларнинг экинзори, қидиувчиларнинг бозори, интилувчиларнинг савдо дўкони, изланувчиларнинг улови, сулук йўлига кирганларнинг кўпрги, алдангаиларнинг маъшуқаси, содикларнинг ўтар жойи, орифларнинг ахлатхонаси ва шайтонларнинг ўлкасиdir. Ҳар лаҳза ўзи учун бир дўст танлайди. Ҳар соат

бировни ўлдиради. Уммонининг қирғоғи ва унда чўкканларнинг сони йўқ. Уни севганлар йўлдан озганлар, унга ишонганлар ўлим бўсағасига бош кўйганлардир. Ундан воз кечган фарофатда яшайди, унга интилган факат у билан шуғулланади. Унинг билан савдо қилган алданади, унга кўнгил берган йўлдан озади. Унинг изланувчиси мажнун ва истакчиси маҳзундир. Унинг хурсандчилити қайғу-ғам, тўй-тўзгуни мотам, заҳардоираси сам (заҳар) ва қирғоғи ям (дарё)дир. Унинг соғлиғи касаллик, сұхбати ранжу-бало ва одати жавру-жафодир. Барча мусибатлар ва пасткашликлар учун яралган бўлиб, барча халойиқнинг душмани ўрида туради. Унинг кўрсатган шароби сароб, қурган биноси харобдир.

Еюқ Аллоҳнинг йўли ҳақида

Билгилки Аллоҳнинг йўли қуёшдан порлокроқ, ойдан ёруғроқ ва кундан очикроқ турур. Унинг ёрқин аломатлари ва аниқ нишоналари бор. Уни тарк этган адашади, уни танлаган тўғри йўлдан боради. Аммо у (ушбу йўл) жуда кўп тўскинликлар, хавфу ҳатарлар, юксак тоғлар ва ғалаёнли денгизларга тўла. Ҳар бир тош остида бир аждар яширинган, ҳар қамишзорда бир арслон ётган. Узоқдан туриб боққан кишига у шундай кўринади. Аммо яқиндан, чанқоқ кипи сув деб тасаввур қилган хурмазорнинг саробига ўхшайди. Факат ҳудодан кўрқиб садоқат билан дунёни тарк этган, тавба қилиб тангрига мойил бўлган, илоҳий файзга эришган юраклар, (ўз қиммешлари орқали) розиликка сазовор бўлган вужудларгина бу йўлни босиб ўтиш имкониятига эгадир.

Эй, худо йўлида юрувчи солик! Билиб олгилки барча истаклардан кўнгилни совутган, дунёдан юз ўтирган, ўлимни ёқтириб дунё ва ўз нафсига душман бўлган, охират ва унинг аҳлини севиб ўзида бор бойликни бошқаларга бағишлаб, ўзида бўлмаган нарсаларга кўз тикмаган, эркин юрак ва ўлик нафс, бутун ақл ва заиф истак эгаси бўлиб, оз овқатланиб, кўпроқ зикрга берилиган Раббоний олим ё садоқатли руҳоний муриддан бошқа кишига хилватда ўтириш тўғри келмайди.

Ундан кейин (солик) барча султоналар эгасига юз келтириб «Ло илоҳа иллаҳлоҳ» (Аллоҳдан бошқа ҳеч тангри йўқдир) сўзларини такрорлаб турди. Барчадан безорлик билдириб, ўзининг барча даъволаридан воз кечиб, худога тавба қиласи. Сўнгра қуидагиларни тил билан такрорлаб, қалби билан тасдиқлаб турди: «Ло илоҳа иллаҳо. Ваҳдаҳу ло шарика лаху ва ло маъбӯда сивоҳу, Ло илоҳа иллоҳу, Алҳай, Албоқий ва Мосивоҳу Маййитун» (Оллоҳдан бошқа тангри йўқдир, у шериксиз ятнадур, ундан ўзга маъбуд йўқдур. Ўшал тирик ва мангу зотдан бошқа ҳеч қандай илоҳ мавжуд эмас. Ундан ўзгаларнинг (барчаси) ўликдурлар).

Мен ўз ҳолимни изоҳлаш мақсадида ўзим ҳакимда қуидаги байтларни ёздим:

- Эй оғайнилар, мен барчангизга ўтит бериб айтмоқчиманки, ҳақиқатни яширувчи мен кийған кийимларга эътибор берманг.
- Мени зоҳид (такволи) деб сўз юритманг, сўзларимга кулоқ солманг, гуноҳларимдан кўз юмманг.
- Чўнтағим ва косам гуноҳларим билан тенгдур. Чўнтағим ва косамга яқинлашманг.
- Мени роҳиб (насроний руҳонийси) деб эшитмагансизларми? (бу тўғри сўз) мен кийған хирқа остида ақлим менинг яширин кашишими - попутимдир.
- Мен эккан жаҳолат дарахтининг гуллари, гуноҳлардан бошқа нарса эмас. Менинг экканим ва ундирган гулларимни қабул қилманлар.
- Менинг юрагим ҳам муаллимим, ҳам маъбадим (ибодатхонам)дур. Аллоҳ кечиради деб кўп гуноҳ қиламан.
- Менинг нафсим иблис (шайтон)дур, уни кўп синаганман. Менинг иблисим шарридан паноҳ тиланглар.

Илоҳий, ушбу муқаддас сўзларни ёзишда менга тавфиқ берганингдек, ундаги покиза ўтитларга амал қилиш учун менга ва барча мўмин-мусулмонларга тавфиқ иноят қилгайсан. Омин.

Луғатлар ва атамалар

ТАНГРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ (ХУДУДИ)ГА РИОЯ ҚИЛИШ - ўзини унга топшириб, белгилантан йўлдан чиқмасдан унинг хукмлари ва қонунларига амал қилиш.

СУР - катта ҳайвон шохи ёки металдан ясалган пулфлаб чалинадиган кучли овозли асбоб.

ИСРОФИЙЛ - тўртта муқарраб (худога энг яқин) фаришталардан бири бўлиб, қиёмат кун бошланганда Сурга пуллаш вазифасини бажаради.

ИСРОФИЙЛ СУРИ - Исрофийл томонидан қиёмат куни бошланишида чалинадиган кучли овозли асбоб. Унга пуллаш билан, барча ўликлар қайтадан тирила бошлайди.

ИНСУ ЖИН - одамлар ва парилар, инсонлар ва ажиналар.

АМРУ-НАҲЙ - бирорни бир ишга буюриш ва ёки ундан қайтариш.

ИСТИХОРА - эзгуликни талаб қилиш, бирор ишни бошлашдан илгари, маҳсус одобга риоя қилиб дуо ўқиб уҳламок, истихора намозини ўқимоқ.

АҲЛУЛЛОҲ - худонинг дўстлари, авлиёлар.

БУҒЗ - душманлик, гина, адоват.

БИДЪАТ - ислом пайғамбари замонидан кейин янгидан топилган одатлар, ишлар. Ислом шариати нуқтаи назаридан бидъатлар икки хил (ҳасана ва саййиа - яхши ва ёмон бидъатлар)га бўлинади.

БИДЪАТЧИ - динга қарши ёмон одатлар билан шуғулланувчи.

БУРҲОН - кучли далил, мантиқий қиёс.

АҲЛИ ҲОЛ - важду ҳол, шавқ, ҳаяжон ва жазбага берилган кишилар, сўфийлар.

ДУНЁ АҲЛИ - дунё ишлари билан шуғулланиб, охиратни унугтанлар.

АЖДАР, АЖДАҲО ВА АЖДАРҲО - катта илон, эч-киэмарга ўхшаган тўрт қанотли, оғзидан олов сочувчи афсонавий ҳайвон.

ЖАББОР - қувват, қудрат, азамат ва жабаруг эгаси, энг кучли ва кудратли зот.

ТАВФИҚ - илоҳий ёрдам ва ҳидоят (худо тавфиқ бермаса, киши ёмон йўлдан яхши йўлга ўта олмайди).

РОҲИБ - дунёни тарк этиб калисо(черков)да ўтирган киши яъни христиан обид.

ҲУЛУЛ - бошқа бир нарсани ичига кириш, ўтиш. Ҳулулия фирмасининг ақидасига биноан руҳнинг бир бадандан бошқа бир баданга ўтиши.

ҲАСАД - бирорга насиб этилган неъмат ва фазилатларни кўраолмасдан уларни заволини орзу қилмоқ.

ШАФОАТ - бирорни кечириш учун бирорга восита бўлиш, қиёмат куни Ҳазрат Мұҳаммад (алайҳис-саллом) барча мусулмон умматини кечириш учун, худога восита-чилик қилиши.

ТАРОЗИ (МЕЗОН) - маҳшар куни инсонларнинг яхши-ёмонлигини ўлчаш воситаси бўлган маънавий тарози.

ШАРИАТ - тўғри йўл, ислом динининг барча хукукий, қонупий томонлари билан ахлоқий нормаларининг мажмуаси. Ислом шариати айниқса унинг асосий қисми бўлмиш хукукий тизими, тўртта асосий манба (Куръон, сунна, ижмо ва қиёс)га таянади. Шариат бошқа диний қонунларга ҳам нисбат берилади. Масалан: Мусо шариати, аммо «шаръ» сўзи Шамсаддин Сомий фикрича факат ислом шариатига ҳосдир.

КАВСАР - жаннатдаги зилол сувли ҳовуз, Ҳавзи кавсар.

ХАРҚ - йиртмоқ.

ХАРҚИ ОДАТ - одатга хилоф иш. Авлиёлар каромати.

ХИРҚА - дарвишлар киядиган либос. Турли парчалардан тикилган кийим, куроқли либос.

БОТИЛ - ҳақиқатта қарши, нотўри.

РАКЪАТ - намоз ўқишида бир қиём (ўлтириш), бир рукуъ (хам бўлиш) ва бир саждадан иборат бўлган ҳаракат.

РАЪИЯТ - чўпон орқали боқиладиган бир сурук ҳайвон - бир ҳукмдорнинг ҳукмига бўйсунниб, ўша ҳукмдорнинг идораси остида яшайдиган халқ-фуқаролар.

ЗИНДИЙҚ - тангри ва охиратта ишонмаган мункир, динсиз киши.

ЗАВОЛ - фано ва йўқ бўлмок.

ҲАЗАР - шаҳарда туриш ҳолати, сафарга қарши.

СОЛИК - бир йўлга кирган киши, тасаввуфда: сў-
фийлик тариқасига кириб ҳидоят йўлидан борган киши,
мурид.

СУННАТ-СУННА - ислом пайғамбарининг сўзлари,
феъллари ва улар томонидан тасдиқланиб инкор этил-
маган ишлар.

СИРОТ - йўл, тўғри йўл, ҳидоят йўли. Дўзах устида
курилган тор ва ундан ўтиш қийин бўлган кўприк. Ун-
дан ўтиш жаннатга олиб боради.

ЖАННАТ - боғ-бўстон, Куръон орқали у дунёда му-
сулмонларга ваъда берилган хилма-хил неъматлардан
тўла бўлган боғу бўстон, биҳишт.

ОЛОВ - дўзах, жаҳаннам.

АРШ - соябон, кўкда ҳақ таоло кудрати ва азамати-
нинг тажаллийгоҳи бўлмиш буюк таҳтдан рамзий ифода.
Эски ҳайъат итмига биноан барча осмонларни ўраб
олиб, самовий сайёра ва юлдузлардан бўш тасаввур
этилган тўққизингчи ва энг буюк осмон, фалакул-афлок,
фалаки аъзам ва фалаки атлас ҳам деб аталган.

КУРСИЙ - ўлтириладиган юксак жой, таҳт. Арш
ёнидаги осмоннинг бир табақаси.

МУНОФИҚ - икки юзлик киши, ёшурунда ўз ақи-
дасини саклаб юзаки мусулмон бўлган киши.

МАВҲИБАТ - атийя ва эҳсон.

ИЛОҲИЙ МАВҲИБАТ - Аллоҳ томонидан ато қи-
линган фазилат, имтиёз.

КАРОМАТ - авлиёлардан содир бўлган ғайри таби-
иӣ, фавқулодда ҳол.

ФУЗУЛИЙ - ҳақсиз, ўз вазифасидан ташқари унга
боғлиқ бўлмаган ишларга аралашадиган киши.

ВАСВАСА - шубҳа, кўнгилро ҳамга сизлиги, хотирда
кечадиган асоссиз ўйлар, фикрлар.

ҲУЗУР - тасаввуфда икки хил ҳузур бўлади: нафас
(дам) ҳузури ва кўнгил ҳузури. Биринчисида солик ҳар
нафас олганида ҳақ ёди билан бўлиб, уни эслашдан ғаф-
латда қолмайди. Иккинчиси, яъни кўнгил ҳузури нафас
ҳузурини такрорлаб давом эттириши натижасида ҳосил
бўлади.

ФАЙБАТ - Аллоҳ ёди билан бўлиб ўз нафсини унущи, нафс лаззатларидан ғоиб бўлиш.

МУТАСАВВИФ - ўзини сўфий билдирувчи, сўфийлик иддаосини қилувчи, тасаввуф таълимотини билувчи.

МУҲКАМ - маъни ва тушунчasi аниқ бўлган, Куръон оятлари.

МУТАШОБИХ - муҳкамга қарши, маъниси одамларга аниқ бўлмаган, Куръон оятлари.

НАФС - рух, ҳаёт, инсонда табиий эҳтиёжлар (емок, ичмоқ ва шаҳват)га бўлган табиий майл. Қадимий фалсафа таълимотига биноан нафс ўзига таянган мустақил ва барҳаёт шай бўлиб, ўз фаолияти учун жисм ва баданга муҳтождир. Мазкур таълимотта кўра нафс кўп хилларга бўлинади. Улар жумласидан Куръонда зикр этилган уч навъи қўйидагилардан иборат:

- нафси аммора (буорувчи) - энг тубан нафс. Ҳар доим ҳавас ва истакларга берилган бўлиб, ҳамиша инсонни ёмонликларга чорлайди;

- нафси лаввома (маломат қилувчи) - юракка тушган гайб нури орқали оқибати ёмонлигини англаб олиб, бажарилган ишлар учун нафси амморани маломат қилиб турувчи ва камолот томонга интилевчи нафс;

- нафси мутмаинна - олий фазилатлар касб этиш билан барча разилликлардан ўзини саклаган, нафсоний истакларга қарши туриб, камолга етгандан кейин ором топган нафс. Ушбу нафс ҳакида Куръони Каримда бундай дейилган: «Эй хотиржам сокин нафс, сен рози бўлган, (сендан) рози бўлинган ҳолда эганга (Аллоҳга) қайт» (8-9-сура, 27-28-оят).

ФАҚР (ФАҚИРЛИК) - йўқсиллик, дарвишлик, бойлик эгаси бўлганда ҳам уни ўзининг мулки деб ҳисобламаслик. Баъзиларнинг фикрича, тасаввуфда факрнинг энг охирги мартабаси томчи дарёга тушгандек, Аллоҳга фано бўлишидир.

ФАҚИР - Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга муҳтожлик сезмасдан, ўз тилакларини факат ундан талаб қиласидан киши.

НАФЛ - вожиб бўлмаган савобли ибодат, намоз.

ИСМАТ - қайтариш, ман қилиш. Ахлоқ илмида, гуноҳ ва хато ишларга қодир бўлган чоғда, ўзини улардан сақлаб қолиш малакаси.

ФАРИШТА - худо зикри ва унинг буйруқларини бажариш билан шуғулланиб турган, кўз билан кўрилмайдиган латиф, руҳоний ва осмоний мавжудотнинг ҳар бири. Араб тилида фаришта - малак ва кўплиги малоик, малоика деб аталади.

ВАЬИД - ёмон нарса учун сўз бериш, таҳлид қилиш.

ВАЬДА - бирор ишни бажариш учун бирорвга сўз бериш, аҳд, қавлу - қарор.

АСҲОБ (САҲОБАЛАР) - Ҳазрати Муҳаммад (Алайхис-салом)нинг сұхбатдошлари, у билан биргаликда яшаб ўтган зотлар.

ҲАМД - бирорни мақташ, сано ва сифат қилиш, худога сано ва сифат айтиш.

НАЪТ - яхши сифатларга нисбат бериш, мақташ. Кўпроқ пайғамбарга хос сано ва сифатлар, унга бағишлиланган шеъру қасидалар.

ХАЛИФА - вакил, ўринбосар. Ислом пайғамбари-нинг ўринбосарлари, мусулмонларнинг давлат раҳбари. Тасаввуфда буюк муршиднинг ўринбосари, муридларнинг каттаси.

ХОНАҚОҲ - бир шайхнинг раҳбарлигига бўлган дарвишларнинг яшаш, зикр ва ибодат қилиш жойи.

ХАБАР - ҳадис, ислом пайғамбари-нинг сўzlари.

МАСАЛ - бир умумий қоидани ифода этмоқ учун, намуна сифатида айтгиладиган сўз, одоб-ахлоқ ва ўтиларга доир кичик ҳикоятлар.

ФОСИҚ - шариатда тақиқланган ишлар билан шуғулланиб, фиску фасодга ботган киши.

ФАЗИЛАТ - юксаклик, илму маърифатнинг кўплиги, эзгу сифатлар, кўплиги фазоил.

ФАСОҲАТ - сўзниг равонлиги, тил тутилмасдан гапириш, равон сўзлаш иқтидори.

ҚАЙТАДАН ТИРИЛТИРИШ - Ислом динининг асосий ақидавий гояларидан бири «баъси баъдалмавт» яни ўлгандан кейин қайтадан тирилтиришга ишонишдир. Қиёмат куни худо барча ўлганларни ҳисоб-китоб қилиш учун қайтадан тирилтиради.

ТАРЁҚ - таскин берувчи ва этни ўлдирувчи моддалардан ясалиб турли дарллар ва огуларга қарши ишлатиладиган дори. Тарёқнинг таркибида кўкнор ва унинг оиласига мансуб бўлган гиёҳлар шираси ишлатиларди.

ЗИКР - фақат ҳақ ёди билан бўлиб ундан бошқаларни унугтиш.

ҲОЛ - инсон қалбида гоҳи ғойибдан юз бериб турдиган давомсиз кайфият.

МАҚОМ - банданинг худо ҳузурида тўхтаб туриши.

СУЛУК - нафси тозалаш йўлидан ҳаққа эришиш учун муршид раҳбарлигига муайян шартларга риоя қилиш билан хилватда ўлтириш ва риёзат чекиш.

РИЁЗАТ - оғир синовлардан ўтиб, кўнгилни нафс истакларидан поклаб, уни ҳақиқатни англаб олиш учун муносиб қилмоқ. Риёзат чекиш учун ҳайвоний шахватни кучайтирувчи овқатларни емаслик, ўзини қийинчилликка ўргатиб, жун кийимлар кийиш, ҳар доим ҳақ ёди билан бўлиш, оддий одамлардан кўпроқ рўза тутиш ва шу кабиларни бажариш.

ШАЙХ - соликлар, муридларни тарбияловчи, хонақо ахлигинг бошлиғи. У пир, кутб ва мурод ҳам деб атлади. Йирик тасаввуғ пешволари шайх деб аталардилар. Унинг тутган мақоми юксак бўлиб, оғир шароитларни бошдан кечириб, синовлардан ўтгандан кейин тариқат машоихлари томонидан рухсат олиб, салоҳиятли муршилдан хирқа кийгандан кейин, ушбу мартабага эришиши мумкин эди. Шайхнинг барча шариат, тариқат ва ҳақиқат билимларидан хабардор бўлиб кенг кўламда тажриба эгаси бўлиши шарт эди.

САМОЪ - сўфийларга хос бўлган ракссимон ҳаркатлар. Самоъ мажстисида сўфийлар ашулахонларга кўшилиб аста-секин оёқ қокиб айланишга бошлайдилар. Уларнинг фикрича самоъ эшитувчида иштиёқ топилишига сабаб бўлиб, уни руҳоний дунёга йўллайди. Сўфий қалбини топилган ғалу-ғашдан тозалайди.

ЗУҲД ва **ТАҚВО** - Аллоҳдан кўрқиб ман этилган ишлардан ўзини саклаш.

ТАВБА - содир бўлган хатолар, гуноҳлардан пушаймон бўлиб, тангрига юз тутмоқ.

САБР - бошга тушган оғир ақволдан нолимай, чидам күрсатиши.

МУРОҚАБА - тангри бирлиги дунёсига берилиб, қалб күзи билан илохий оламга бокмоқ.

РИЗО - Айлоҳ иродасига қаршилик күрсатмасдан, қазо ва қадарга (такдирға) тан бермоқ.

НАСХ ёзуви - ибни Муқла томонидан уйғулаштирилиб, гўзаллаштирилган Араб ёзувининг бир тури. Хозирча Куръони Карим, китоблар ва матбуот шу хатда нашр қилинади.

НАСТАЛЬИК ёзуви - ушбу ёзув насх хатининг ҳарфларини кичик ва калта қилиб ёзишдан келиб чиқди. Мазкур ёзув темурийлар, айниқса Навоий ва Ҳусайн Бойқаро даврида уларнинг ташвиқоти ва ҳимояси натижасила гўзаллик олий даражаларига кўтарилиди. Унинг машҳур устодларидан Мир Алий Ҳиравий эди.

Адабиётлар

Сўз боши ва изоҳларни ёзишда, шунингдек рисола таржимасида қўйидаги манбалардан фойдаланилган:

«Ислом энциклопедияси», турк тилида, Истанбул, 1950 й.

Шамсаддин Сомий. «Қомусул-аълом», Истанбул, 1306 ҳижрий йил:

Шамсаддин Сомий. «Қомуси туркий», Истанбул, 1317 ҳижрий йил.

Хожи халифа (Котиб Чалабий), «кашфузунун», араб тилида, Истанбул, 1893-94 й.

Нажмуддин Кубро, «Рисолатуттуруқ» Абдулғафур Лорий томонидан «Рисолай одобуз-зокирийн» номи билан форс тилига таржима қилинган ва шарҳланган асар. Абу Райҳон Беруний помидаги шарқшунослик институти кўлёзмалар кутубхонаси. № Р. 503.

Мұхаммад Муїпі, «Фарҳанги форсий», Техрон, 1963 й.

Забехулло Сафо, «Эронда адабиёт тарихи», 3-жилд, 1-қисм, Техрон, 1369 ҳ.й.

«Алмунжид филгуғати ва-улум», Бейрут 1986 й.

«Фарҳанги жадиди арабий-форсий», («мунжидуттуллоб» форсча таржимаси), Техрон 1360 ҳ.й.

Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 1-2 жилд, Тошкент,
1981 й.

Деҳхудо А.А. «Лугатнома», 112-жузъ, Техрон, 1965 й.

Муҳаммад Авфий, «Лубобул-албоб», 1-жилд, Ледан.

Абдураҳмон Жомий, «Нафаҳотул-унс», Техрон,
1336 ҳ.й.

Ибнул-Арабий, «Алфутухотул-маккия», Миср, 1990 й.

Жавод - Нўрбахш, «Сўфиylар биҳишти», Лондон,
1362 й.

Доктор Фуод Кўпрулузода «Турк адабиётида илк мұтасавифлар», Анқара, 1991 й.

Доктор Қосим Гани. «Баҳс дар осор ва афкор ва аҳволи Ҳофиз», 2-жилд, биринчи қисм, Техрон, 1340 ҳ.й.

ХОЖАИ АҲРОР – НАҚШБАНДИЯ ТАРИҚАТИНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

Мустақиллик эълон қилинганидан кейин, Ўзбекистон Республикаси ўзининг бугун моддий ва маънавий бойликларининг ҳақиқий эгаси сифатида иш бошлаб, атайлаб унутдирилган барча қадриятларни тиклаш йўлида дадил қадам ташлаб, фахрланишга сазовор ишлар қилиб келмоқда. Ўн йилдирки Ўзбекистон Республикаси буок Навоий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улугбеклар қаторида Имом Бухорий, Имом Термизий, Бурхонуддин Марғиноний, Баҳоуддин Нақшбанд, Бобо Раҳим Машраб, Садрушшириалар, Соҳибқирон Темур ва бошқа ўнлаб маънавият, руҳоният ва сиёсат осмонининг порлоқ юлдузлари бўлмиш буок шахсиятлари билан жаҳонга юз тутмоқда ва жаҳон аҳли ушбу зотлар орқали Ўзбекистонни қайтадан танимокда.

Тадқиқотчилар ўтган давларда буок шахсиятларнинг ярим қиёфасини кўрсатиш билан четланиб, уларнинг маънавият ва руҳоният дунёсига қўшган улкан улушларини тилга олишга ҳам қодир эмас эдилар. Мисол тариқасида Абу Наср Форобий ҳақида кўп асарлар ёзилган, лекин уларни ўқиган киши ушбу буок файласуфнинг ҳақиқий дунёқарашининг тубига ета олмайди, негаким мазкур асарларда метафизика (Табиат орти) ҳақидаги унинг фалсафий қарашлари, шунингдек инсон руҳи билан бўлган муносабати, ёритиб берилмаган, ёки нотўри талқин этилган.

Хожа Аҳмад Яссавий ҳақида бир қатор салбий назарлар ва камситишлардан бошқа ҳеч қандай бир ижобий фикр кўрилмайди, ҳеч бўлмаганда унинг туркий тил (ўзбек тили) ва адабиёти ривожи йўлида қилган хизмати ва қолдирган асарларига ҳам ишора қилинмайди.

Шунингдек улуғ сўфий Баҳоуддин Нақшбанд, ориф шоир Бобо Раҳим Машраб, улкан шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг дин, тариқат ва маънавиятга доир таълимотлари четлаб кўйилган эди.

Йирик сўфий, атоқли руҳоний, XV асрда нақшбандия тариқатининг буок намояндаси Хожа Убайдулло

Ахрорга муносабат бундан ҳам ёмонроқ бўлган. Унинг руҳоний қиёфаси, турли нораво бўхтонлар ниқоби остида кўрсатилган.

Энди Ўзбекистоша мустақиллик куёши порлай бошлагандан кейини, ўлка тарихида муаммо бўлиб ўрин олган айрим масалаларни ечиш учун муносиб шарт шароит юзага келиб, миллий-маънавий шахсиятларнинг ҳакиқий саймоларини кўрсатиб бериш мумкин бўлган.

Хожа Ахрор Туркистон ва Хурросонда тутган сиёсий ва ижтимоий юксак мақомидан ташқари, ўзидан қолдирган ирфоний фикрлар ва қимматбаҳо асарлари билан ҳам диққат ва эътибор марказида туради.

Хожа Ахрор (эркин кишиларнинг сардори) ва Носируддин (Диннинг ёрдамчиси) лақаблари билан шухрат қозонган Хожа Убайдулло нақшбандия тариқатининг буюк муршиidlаридан ҳисобланади. У мавлоно Саъдуддин Кошғарий вафотидан кейин, иршод мақомида ўтириб, нақшбандия тариқатини ривожлантириди ва унинг таълимотини юксак даражаларга кўтарди.

«Рашаҳату айнил-ҳаёт» (Ҳаёт булоғининг томчилари) китобишинг муалифи Фахруддин Али ибн Хусайн Воиз Кошифий берган маълумотларга кўра Хожа Ахрор ёшлиқда йўқсиллик билан ҳаёт кечирган. 12 ёшлигида уни тоғаси Хожа Иброҳим унинг ўз ватани бўлмиш Тошкентдан илм ўрганиш учун Самарқандга олиб боради. Ушбу шаҳарда у турли фанлардан таълим олиш ила машғул бўлади.

XV асрда Хурросон маркази Ҳирот шаҳри темурийлар давлатининг пойтахти бўлиб, Шарқ Ренесанси (уйғониш даври)нинг марказига айланган эди. Ўша Замоннинг турли фан ва санъат вакиллари, тасаввуф тариқатларининг йирик намояндларини ушбу шаҳарда учратиш мумкин эди.

Хожа Ахрор 24 ёшлигида Ҳиротга бориб, у ерда истикомат қилувчи турли тасаввуфий тариқатлар вакиллари билан учрашиб турарди. Улардан бири машҳур ориф ва шоир табризлик Саййид Қосим Анвор (вафоти 1433 й.) эди. Хожаи Ахрорнинг ўзи бу борада куйидагидек маълумот беради:

Ҳиротда бўлган чоғларимда Ҳазрати Саййид Қосим Табризий хузурларига бориб турардик. Ул зот ошининг ями ейилган ўз косаларини менга узатиб бундай буорадилар: «Эй шайхзодаи Туркистоний, ҳамчунонки ин нохушон қибоби мо шуда-анд, зўд бошад ки дунёп ту қибоби ту шавад». Саййид бу сўзларни айтган чоғларда, дунёдан менинг ҳеч насибам йўқ эди.

Маълумки Саййид, мазкур сўзлар билан Ҳожанинг тез орада катта мулк ва бойлик эгаси бўлишини башорат қилган эди. Ҳожа Аҳрор беш йилдан кўпроқ муддат истиқомат қилгандан кейин, Ҳирот шаҳридан ўз ватанига қайтиб келиб, экипчилик билан шугулланади. Кўп ўтмай унинг мулку давлати кўпайиб Туркистонда энг буюк мулк эгаларидан бирига айланади. Мазкур манбада берилган маълумотларга кўра Ҳожанинг сарриштадорларидан бири берган маълумотта биноан унинг мазраалари (экинзорлари) 1300 тадан ошган экан. Абдураҳмон Жомийнинг бу ҳақда қўйидагидек ифодаси бор:

Ҳазораш мазраа дар зери кишт аст,
Ки зоди рафтани роҳи биҳишт аст.

Таржимаси: Унинг мингта мазрааси экилиб турди, уларнинг ҳосили жаннатта бориш йўлининг тўшасидир.

Шунингдек Алишер Навоий Ҳайратул-Аброрда ушбу мавзуга қўйидагидек ишора қиласи:

Мулки жаҳон мазрааи дехқони ул,
Балки жаҳон мулки нигаҳбони ул.

Темурийлар сулоласи, умуман Ҳожа Аҳрорга хурмат кўзи билан қараб келгаплар. Айпикса, Мирзо Абусайд Қўрагоний ва унинг авлодлари томонидан унга кўрсатилган ҳурмат, бошқа бирон шайхга муяссар бўлган эмас. Ривоятларга кўра Ҳожа унинг шоҳлик мақомига кўтарилишини башорат қилган экан. Ҳожа Аҳрор шоҳ илтимосига бипоан Марв шаҳрига сафар қилган чоғда, шоҳ кўп масофалар юриб уни кутиб олган экан. Жомий «Силсилатуз заҳаб» номли асарида ушбу ҳодисага қўйидагидек баҳо беради:

Тофт аз илтимоси шоҳи жаҳон,
Аз Самарқанд сўйи Марв инон.
Шоҳ бо кибриё-у жоҳу жалол
Рафт фарсангҳо ба истиқбол.
Қарнҳо даври осмон гардад
То чу у ахтарий аёп гардад.

Таржимаси: Шоҳ илтимосига биноан, (Хожа Ахрор) Самарқанддан Марвга қараб сафар қилди. Шоҳ ўз азamat-ҳашамати билан кўп чақиримларни босиб ўтиб, уни кутиб олди. Кўп асрлар осмон айланишидан кейин, унга ўхшаган яна бирон юлдуз порлаши мумкин.

Хожа Ахрорнинг муносабати Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий билан жуда дўстона бўлган. Жомий Тухтафул-ахрор китобини унинг номига бағишилаб ёзади ва нақшбандия тариқатига ихлос, иродат изҳор этиш билан, уни жаҳонда «факр» эркинлигини англаб олган киши деб мақтайди:

Зад ба жаҳон сиккай шоҳаншаҳий,
Кавкабаи факри Убайдуллаҳий.
Онки зи ҳуррияти факт оғаҳ аст,
Хожаи Ахрор Убайдуллаҳ аст.

Алишер Навоий Ҳайратул-аброрда уни Муршиди оғоқ (оламнинг муршиди) деб, қуйидагидек мақтайди:

Улки бу оғоқ ичида тоқ эрур,
Тоқ не ким муршиди оғоқ эрур.
Юз қуйибон қулиғига шоҳлар,
Базмида беҳуд бўлиб огоҳлар.
Хидматидин ҳар кипши огоҳ ўлуб
Гарчи гадо, маъни ила шоҳ ўлуб.

.....
Токи жаҳон қасрининг имкони бор,
Устидан онинг фалак айвони бор,
Кўймосун айвони жаҳонни тиҳий
Дабдабаи кўси Убайдуллаҳий.
Ҳимматидин бизни ҳам этсун худой,
Факр йўлида ғани, иймонға бой.

Заҳириддин Мұхаммад Бобур ниҳоят ихлос ва иродат билан унинг «Волидия» рисоласини ўзбек тилига манзум таржима қилди. Бобур асарнинг бошланғич қисмида унинг ҳақида кўйидагидек ёзди:

Ҳазрати хожа Убайдуллаҳдин,
Эшиг ул сирри худо оғаҳдин.
Хожалар хожаси ул Хожа Убайд,
Ходиму-чокари Шиблий-ю Жунайд.¹
Ҳолату мартабаси зоҳирдур,
Васфу таърифида тил қосирдур.

Ҳазрати Хожай Аҳрор ўзидан қолдирган сермазмун асарлар, жумладан КАЛИМОТИ ҚУДСИЯ, МАЛФУЗОТ, ФИҚАРОТИ АҲРОРИЯда нақшбандия тариқатига доир таълимотни кенг қўламда ёритиб беради. Хожа Аҳрор нақшбандия тариқатининг бошқа намояндаларидан ажралиб туради. У ВАҲДАТУЛ-ВУЖУД ва ВАҲДАТУШ-ШУҲУД ўртасида турган нақшбандия таълимотини, кўпроқ Ваҳдатул-вужуд (пантеизм) томонига йўналтириди. У РИСОЛАИ ВОЛИДИЯ ва ФИҚАРОТИ АҲРОРИЯ номли асарларида бу борада ўз фикру мулоҳазаларини кўйидагидек талқин этади:

Иймоннинг ҳақиқати эҳсондир, яъни инсон, унга ишониб мұтакид бўлган нарса унинг учун зоҳирий ҳислар билан (сезги ва ҳис орқали) сезиладиган нарсалардек

¹ Жунайд ибн Мұхаммад (Абулқосим Аззажжож алқаворий) машхур ориф, сўғиӣ, зоҳид ва дин олимни эди. Фиқҳ шимини Сўфён Саврий, тасаввуф таълимотини ўз тогаси Сарий Сақатийдан ўрганди. У тасаввуф йўлтининг атоқли пешволаридан бири эди. Жунайд биринчи бўлиб Бағдодда таҳқиқид илми борасида сўз юритган. 910 йили Бағдодда ҳаётдан кўз юмди. Баъзи бир ривоятларга кўра у 30 марта оёғ яланг хажга борган экан.

Шиблай Далф ибн Жаҳдар Абубакр (861-946 й.) буюк сўғиӣлардан ҳисобланади. У Дамованд ҳокими эди. 40 ёшида дунёдан воз кечиб, тасаввуф тариқатининг буюк шайхлари қаторидан ўрин олди. Унинг асли Хуросон діёридан бўллиб, Мовароуннахрнинг Шибла қишлоғига мансубdir. Сомурродз туғиллиб Бағдодда вафот этган. У отасидан қолган кўп мулку жойлардан ташқари, 60 минг Дийнорни худо йўлига бағишлади. Шиблай, Жунайд Бағдодийнинг сұхбатдоши эди. Араб тилида шеър ёзарди. Ундан кўп қисқа сўзлар, мужаз жумлалар ва орифона иборалар ривоят қўлиниган.

ишонарли бўлсин. «Ал-эҳсону ан таъбудаллоҳа қааннака тароҳу» (Худони кўрадигандек бўлиб, унга сифиниш, эҳсон демакдир). Бутунлай ушбу маконга эришиб, Худодан бошқа нарсалар, муҳаббат пардаси, ҳақиқат нури орқали ўргадан кўтарилиб, инсон ҳақиқий яратувчидан бошқа нарсаларни унитиш шарафига нойил бўлгандан кейин, Ҳақ (субҳонаху ва таоло)дан бошқа ҳеч нарса қолмай, унинг (банданинг) назарида, факат бир зот қолади. Шу орада шоҳидлик ва машҳудлик (Шоҳид кўрувчи яъни банда, Машҳуд - кўринувчи яъни тангри) сифатлари ўргадан кўтарилиб «Лояърифуллоҳа иллааллоҳ» (Оллоҳни, Оллоҳдан бошқа киши танийолмайди) маъниси аён бўлади... Қалам инжо расийду сар бишкаст (Бу ерга етиб, қаламнинг учи синди).

Кўриниб турибдикি шоҳидлик ва машҳудлик сифатлари орадан кўтарилигандан кейин, ҳар иккаласи сифатсиз бўлиб, ораларида фосила қолмайди, яъни бир бўлади. Бу эса «Ваҳдат» масаласининг энг ёрқин ифодасидир. Лекин Ҳожа Аҳорор давр шароити доирасидан чиқа олмай, масалани аниқроқ қилиб ёрита олмайди ва бу ерга келиб қаламнинг учи синди яъни кўпроқ ёзиш мумкин эмас деб, сўзини тутатади.

Шунингдек Рисолаи Волидияда (Бобур таржимасида) қўйидагиларни ўқиймиз:

Билки бу ерда туур бир мушкил,
Айни мазкур бўлур зокир тил.
Зокирият била мазкурият,
Бил мубадлал ўлур ушбу фурсат.

Зокирият билан мазкурият (зокирлик ва мазкурлик), шоҳидлик билан машҳудликнинг бирлашуви, Ваҳдатувужуд ақидасининг ёрқин ифодаси ҳисобланади.

Нақшбандия тариқатининг идомачиси бўлмиш мұжаддидия тариқатининг асосчиси ИМОМИ РАББОНИЙ ва МУЖАДДИДИ АЛФИ СОНИЙ (иккинчи минг йилликда шариат усуларининг тикловчиси) лақаблари билан шухрат қозонган шайх Аҳмад Сарҳиндий, мавлоно Абдулхайга ёзган 291 мактубида бундай дейди: Нақшбандия жазба мақомига етушкандан кейин, Ҳожаи Накшбанд ва Ҳожаи Аҳорор тариқалари, бир биридан аж-

ралади. Илму маорифлар ҳам бир-биридан ажралган бўлладилар (мактуботи Имоми Раббоний, 249-бет, Тошкент, 1328 ҳ.й.).

Имоми Раббоний ўзининг 13 мактубида «ҲАМА ЎСТ» (ҳамма унинг ўзиdir) деган ваҳдатул-вужуд шиори ўрнида, «ҲАМА АЗУСТ» (ҳамма унданур) деган ВАҲДАТУШ-ШУҲУД шиорини илгари суреб, унинг ислом шариати усуллари билан мутобиқ эканлигини исботлаб беради. Шундай қилиб у Хожа Аҳрор Ваҳдат масаласини кўп илгари сурганига ишора қилиб, ўз фикрига биноан, унинг сабабларини айтиб ўтади.

Хожа Аҳрор Ҳирот шаҳрида беш йилдан кўпроқ муддат ҳаёт кечирган эди, унинг таълимоти Афғонистонда яшаб ижод этган шоирлар асарларида ўзидан чукур таъсир қолдирган. Биз Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва Бобур Мирзо шеърларини келтирдик. Афғонистонда мутаққадим шоирлардан ташқари, ҳозирги замон шоир-адиб ва олимлари ҳам унга нисбатан чукур хурмат ва эътиқод билдирадилар. Мисол тарзида биз афғонистонлик ўзбеклар буюк олим ва зулиISONайн шоири ал-ҳож устод қорий Муҳаммад Азим Азимий Жўзжоний девонидан бир-икки шеърни намуна қилиб келтирамиз:

Устод Азимий 52 байтлик қасидасини «Нақшбандияи Мужаддидия олий силсиласига» деб атаган. Шоир ҳазрати Муҳаммад алайҳиссаломдан бошлаб, 31 та Ислом раҳбарлари ва машҳур шайхларнинг исмларини тилга олиб, ўз қасидасини 12 байтини Нақшбандия тариқатининг машҳур намояндаси - Убайдуллоҳ Сўфижон халифага бағишлайди, уни Хожа Аҳрорнинг отдоши (ҳамноми) деб чукур хурмат билдиради ва Хожа Аҳрорни дин шоҳи, саҳоват булути, хайр ва эҳсон кони, баҳшиш ва ато уммони деб мақтайди:

Ёраб ба жўди Хожаи Аҳрор шоҳи дин,
Абри атоу, кони карам, кулзуми навол.

.....
Омад самийи Хожаи Аҳрор чун бапом,
Ҳам кам мадон зи Хожаи Аҳрор дар камол.
Машҳур дар замона, Махдум Сўфижон,
Махruz бод меҳри вужуди вай аз завол.

Шунингдек устод Азимий нақшбандия тарикатига багишланган 26 байтлик бошқа бир қасидасида, ушбу тарикат пешволари жумласидан Хожа Аҳрорни мақтаб, хур ва озод инсонларнинг сарвари бўлгани учун унинг лақаби Хожай Аҳрор бўлди дейди:

Ёраб ба онки сарвари озодагон бувад,
Зон, ном гашт Хожай Аҳрор, мар варо.

Шундай қилиб Хожа Носируддин Убайдуллоҳ Аҳрорнинг ўзидан қолдирган катта маънавий мероси билан на факат Ўзбекистон ва Ўрта Осиёда, балки Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон ва бошқа ислом мамлакатларида, барча тасаввуф ва маънавият мухлислари қалбидан ўрин олиб, файз ва барака манбай бўлиб келган. Унинг номи чукур эҳтиром ва эъзозга эга бўлган ҳолда Ўзбекистон ва Афғонистон халқлари орасида, олтин маънавий кўприк бўлиб хизмат қилаверади.

МАХДУМИ АЪЗАМ – САЙИД АҲМАД ИБН ЖАЛОУДДИН КОСОНИЙ ДАҲБЕДИЙНИНГ «РУБОИЙЛАР ШАРҲИ» РИСОЛАСИ

Бухоролик буюк сўфий шайх, Хожа Баҳоул-ҳаққи-ва-ддин Муҳаммад Ибн Муҳаммад Накшбанҷ асос сол-ған нақшбандия тариқати асрлар давомида ҳаётга мос келган ўз таълимоти орқали кенг кўламда тарқалиб, ис-лом оламида тенги йўқ даражада муваффақиятларга эришиди.

Ҳазрати Накшбанд ўз таълимотининг ёғдулари билан тасаввуфни ижтимоий ҳаёт ва шариат усуллари билан уйғунлаштириб, «лораҳбонията фи-л-ислом» (Ислом динида таркидунёчиллик йўқдур) мазмунидаги ҳадис хуммита биноан, унга янги руҳ бағишилади.

У мерос қилиб қолдирган сермазмун қоидаларнинг ҳар бири ўзига хос фалсафага эга бўлиб, руҳоният билан дунёвий ҳаётни бир-бирига чамбарчас боғлаб келди. Айниқса мазкур тариқатнинг «Дилинг ёр (Аллоҳ) билан бўлиб, кўлинг иш билан банд бўлсин» деган мужаз шиори, ушбу тариқатнинг асосий мазмунини ўзида акс эттиради.

Ҳазрати Баҳоуддиндан кейин унинг халифалари, жумладан, Сайдуд-дин Кошгари, Хожа Муҳаммад Порсо, Хожа Убайдуллоҳ Аҳор ва бошқалар бу тариқатнинг ривожи учун ўзларининг салмоқли улушларини кўшиб келдилар. Мазкур зотлардан кейин тасаввуф таълимотини олий мақомга етказиб, уларни шарҳлаганлардан бири бўлмиш Махдуми Аъзам лақаби билан шуҳрат қозонган, ҳазрати Сайид Аҳмад Ибн Жалолуддин Хожагий Косоний, ушбу тариқатнинг қулиёти ва жузъийётини ёритиш соҳасида катта фаолият олиб борди. У ѫрфоний-тасаввуфий мураккаб масалалар, айниқса, «ваҳдат-ул-вужуд»га доир муаммоларни баъзан содда халқ тилида ва баъзан илмий ифодалар орқали изоҳлаб берди. У турли мавзуларда, турли ҳажмларда 30дан ортиқ рисолалар ёзиб, хожалар тариқатини жаҳон аҳлига танитиш ва тарғиб қилиш ва ҳақиқий инсон мақомини ёритиб беришдек шарафли вазифани адо этди.

Махдуми Аъзамниң ёзилии услуби содда, чиройли ва тақаллуфсиз бўлиб, ўз асарларини баъзан оддий муридлар савиясини назарда тутган ҳолда ёзган. Унинг асарлари кўпинча Жалолуддин Румий, Боязид Бистомий каби қатор машхур ориф шоирларнинг асарларидан кўчирилган шеърлар билан безатилган.

Махдуми Аъзам «Убайдий» тахаллуси билан машхур бўлган, Убайдулло Баҳодурхон, Жонибекхон Султон, Захириддин Муҳаммад Бобур каби кўпинка шоирлар, султонлар, вазирлар, давлат арбоблари билан яқиндан, самимий ва дўстона муносабатда бўлган, руҳоний ва ижтимоий фаол инсон эди.

Захириддин Муҳаммад Бобур Хожа Аҳоронинг «Волидия» рисоласини ўзбек тилига назмий таржима этиб, унинг бир нусхасини ўзишинг бир неча рубоийлари билан биргаликда ул зоти бобаракотта юборади. Махдуми Аъзам Мирзо Бобурнинг ихлос ва ақидатини сезиб, у юборган рисоладан илҳомланиб, «Рисолаи Бобурия» деган асарини ёзади ва камоли эҳтиром ила уни Бобурга тақдим этади.

Махдуми Аъзам рисолалари тўпламидаги «Убайдий» шеърларига бағишлаб ёзилган учта рисола, алоҳида диққатта сазовордир. Улардан бири «Рисолаи чаҳор калима» деб аталмиш жуда бир қисқа асардир. Ушбу асарда хожалар тариқатининг тўрт рукни Убайдийнинг қуйидаги ўзбекча рубоийсига асосланиб изоҳланади:

Ҳар лаҳза ватан ичра сафар қилғумдур
Юрмоқда қадам узра назар қилғумдур
Хилват тутубон ҳам анжуман ичра мудом
Хилватга қарийбда гузар қилғумдур.

Муаллиф унинг номини камоли эҳтиром билан тилга олиб, жумладан шундай дейди: «Чунонки, ҳазрати хони олийшон, мақбули ҳазрати раҳмон муҳиб ва маҳбуби кулуби дарвийшон Убайдуллохон мефармоянд...».

Муаллиф ушбу мужаз рисоладаги мазкур тўртта асосий руқнларнинг изоҳлаш жараёнида «Вусул ило-лиқо-илоҳи ва бақобиҳи» (Худо дийдорига эришиш ва у билан бокий бўлиш) мақомларини шарҳлаб, ҳар руқннинг

аввали, ўртаси ва охирини аниклаб ўтади. Шунингдек «Шуҳуди вахдат дар касрат» (кўплиқда бирликни кўриш) мақомини изоҳлаб беради.

Махдуми Аъзам ўзининг бошқа бир рисоласида Убайдийнинг орифона бир Газалини нақшбандия тариқати қоидаларини ёритиш мақсадида шарҳлайди. Мазкур рисола «Шарҳи як Газали Убайдуллохон» деб аталади.

Учинчи рисола «Рубоййлар шарҳи рисоласи» номи билан ёзилган бўлиб муаллиф унда Убайдийнинг 12 та сўфиёна мазмунга эга бўлган форсча рубоийларини шарҳлаб ўтади. Мазкур рисоланинг охирида Убайдийнинг орифона форсча бир ғазалини келтириб, унинг ҳар бир байтини алоҳида суратда изоҳлайди. Рубоийларни шарҳлаш жараёнида турли сўфиёна атамалар, сулук аҳлига хос бўлган иборалар, жумладан, тажаллий, хузур, файбат, таалуқ, фафлат, жазба, ҳақиқат, зот ва сифот тажаллийси, ҳақиқий маҳбуб, висол, инсу-жин шайтонлари, пиру мурид сингари кўп мавзулар борасида сўз боради ва ҳақиқат қидиравчилари учун бу бораларда етарли маълумотлар берилади. Муаллиф рисолани Убайдийнинг уч байтдан иборат ўзбек тилида битилган манзумаси билан тутатади.

«Убайдий» нафақат ҳукмдор султон, балки буюк мустасавиф шоир бўлган. Унинг турли жанрларда ўзбек, форс, араб тилларида ёзилган шеърлари 700 бетдан иборат «Куллиёти Убайдий» номли тўпламда жамланган бўлиб, ундаги аксарият шеърлар ирфоний ва тасаввуфий гоялар билан сугорилган. Ушбу асар ўзбек адабиёти тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди.

Убайдийнинг ихлоси ва ақидати нафақат нақшбандия тариқатига, балки Яссавия тариқати ва унинг асосчисига ҳам чуқур ва самимий бўлган. Масалан унинг Девонида Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг мадҳ қилувчи куйидаги шеър бор (матлаъ ва мақтаъи)¹:

Барча машойих сарвари,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий
Сонсиз муридлар раҳбари,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий

¹ Боши ва охри.

Иzzат самоси ховари, ҳам ишқ мулки давари,
Мискин Убайдий ёвари,

Султон Ҳожаҳмад Яссавий¹.

Ҳазрати Махдуми Аъзам Убайдийга хос бир кўз билан бокиб, унинг шеърларига катта баҳо берган. Уни яссавиядан кейин накшбандия тариқатининг содиқ пайравларидан бири ва тарғиботчиси деб билган.

Махдуми Аъзамнинг зътиборингизга ҳавола этилаётган «Рубоийлар шарҳи» номли рисоласини таржима қилиш жараёнида биз жумлалар ва ибораларнинг аслини сақлаб қолишга, имкони борича уларни ўзгартирмасликка уриниб, кўпинча муаллиф ишлаттан арабча ёки форсча сўзлардан фойдаландик. Рисолада Убайдий рубоийларининг форс тилидаги асл матни, оят ва ҳадисларнинг арабча матни, шунингдек форс тилида битилган бошқа кўпгина шеърлар келтирилган. Биз имкони борича уларни ўзининг аruz вазнида баъзан эса бармоқ вазнида шеърий таржима қилдик. Убайдий рубоийларини, рубоий вазни бўлмиш аruz вазнида таржима қилиб, мумкин қадар уларнинг асл мазмуни ва ифода услубини сақлаб қолишга интилдик. Баъзи бир шарҳ талаб сўзларга рисола охирида изоҳ бердик. Биз ушбу таржимани «Миллий тикланиш» газетасида нашр қилиб уни шартли равишда «Садоқатли толиб» деб атаган эдик.

Хуласси калом, рисоланинг ўзига хос услубини сақлаб қолиш ниятида уни эркин сувратда таржима қилишдан воз кечдик. Шу боис таржимада айрим камчиликлар бўлиши табиийдир.

РУБОИЙЛАР ШАРҲИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳий (1)

Ўзининг (гўзал) исмлари ва сифатлаши тажаллиёти иури билан толиблар ва ошиқларнинг ўнглини ёритувчи, ўз жамоли ва буюклигини кўрсатиш учун орифлар ва муҳаққиқ (2)ларнинг кўзларига сурма юртувчи зотта

¹ «Ҳожа Аҳмад Яссавий» вазига риоя қилиш учун «Ҳожаҳмад Яссавий» деб ўқлади.

ҳамду санолар бўлсин! Унинг расули-ҳазрати Мұхаммадга дуруд ва саломлар бўлсинким, ул жаноб маърифат ва ҳақиқат турларини ўзининг холис авлодлари ва саҳобаларига изҳор этди.

Аммо баъд, пайғамбар алайҳиссалом дейдилар: «Ҳар бир бола ўз фитрати (3) билан туғилади. Сўнгра ота-онаси уни яхудий ё насроний (4) ва ё мажусий (5) қиласиди».

Эй садоқатли толиб, билғилки, одам авлодининг ҳар бир боласи ўзининг асл покизалигига эгадур, яъни поккур ва ҳеч қандай поксизлик унда йўқдур. «Сибғатоллоҳи ва ман аҳсану миналлоҳи сибғатан» (6), яъни худонинг бўёғи (7) ва буёқ юзасидан ким худодан кўра яхшироқдир?».

Барча рангларнинг асли ўша бўёқсизликдан келиб чиқади. Эй кўнгил, буёқ юзасидан ким Худодан кўра яхшироқдур?

Одам боласи дунёга келгандан кейин, қўйидаги «дунё ифлосликдур ва уни истагувчилар итлардур» мазмунидаги ҳадис хукмига биноан у, дунёнинг ҳар қандай мурдорликларига кўнгил бериб, илоҳий руҳдан иборат бўлган унинг пок борлиғи булғанди, унинг ҳақиқати, мазкур булғанишнинг кўплигидан бутунлай кўздан беркинди. Булар, у (инсон) билан ҳақиқий маҳбуб (8) васли ўртасида ҳижоб (9)га айланди:

Таалтуқ пардадур, ҳамда беҳосил,
Таалтуқни ўзган кишидур восил.

Қароқчи ва хасис нафснинг хосиятлари ифлослик ва нопоклик бўлгани учун, у (инсон) ҳам, нафснинг барча сифатларини ўзига олди. Шунда нафс унинг раҳнамоси бўлиб, Шайтон билан тамомила муносабатда бўлди. Унинг Шайтон билан муносабати кўпайганидан гўёки Шайтон унинг айнан ўзига ва унинг ўзи эса айнан Шайтоннинг ўзига айланди. Чунки Шайтоннинг қилмиши ҳар доим ҳасад, душманлик, саркашлиқ (10) ва итоатсизлик бўлиб, у ҳатто тангри хузурида ҳам итоатсизлик ва саркашлиқ қила бошлаган эди. У ҳам (яъни инсон) Шайтонни кўллаб-куватлади. «Саркашлиқ қилма, кўлида хора тоши мумдек юмшоқ бўладиган дилбар, сенинг файратингда шам сингари ёнмасин».

Шу йўсинда у булғаниб, нафс қўлига тушиб, бу варта (11)да қолди. У ўз нафси устидан ҳукмини ўтказа олмай, тамомила унга тобеъ бўлиб қолди. Шу боис ишқ аҳли мазҳабида уни булғанган, нопок ва ифлос дейурлар. Чунки у мазкур булғаниш ва нопоклик йўлидан бориб, билиб олиш ва тушуниш хусусиятига эга илоҳий руҳдан иборат бўлган ўз ҳақиқатининг юзини ёпди. Унда гафлат ва зулматдан бошқа ҳеч нарса қолмай, ўликлар қаторида турди.

Фоғил бўлмаким, фоғиллик зулмат сарчашмасидур,
Дўстнинг ёди билан бўлсанг, у руҳингни ёритур.

Одам ҳаётининг мазмуни Ҳақ субҳонаҳу ва таоло билан онгли равишда хузурда бўлишидир. Агар ушбу сифат унда қолмаса, унда ҳолда унинг тирик юрганидан кўра ўлгани афзалдур.

Ҳақиқий севгини шиор этмасанг,
Ўлганинг яхшироқ, борлигинг ордур.

Умрим шундай ўтар бўлса мен кўнгилсизнинг,
Афзал эрур борлигимдан кўра йўқлигим.

Чунончи ҳазрати хони олийшон Убайдуллохоннинг - худо уни ҳар доим соғу-саломат асрасин! - қуйидаги рубоийлари ушбу маънидан далолат берур:

Ўз нафсига ҳар кимсаки қодир эрмас,
Севги эли мазҳабида тоҳир (12) эрмас,
Ўлган дегил ул тирикниким тангридин,
Бир лаҳза бўлиб ғофилу, ҳозир эрмас.

Бундай кипшини ишқ аҳли мазҳабида «коғир» дерлар. Чунончи дебдурларким, «агар ҳозир бўлсанг мўминсан, агар ғофил бўлсанг коғирсан».

Бирорким ғофил ундан бир замондур,
Ўшал дам коғиру куфри ниҳондур.
Бирорким тебратур гафлат бешигин,
Юзига ёпгай ул, ислом эшигин.

Пасткаш ва йўлтўсар нафснинг сифати гафлат ва итоатсизлик бўлғанлиги учун бундай нафс эгасидан

куфр, зиндиқлик (13), саркашлик ва итоатсизликдан бошқа нарса содир бўлмайди. Магарким ҳақ субҳонаху ва таоло шафқат ва меҳрабонлик юзасидан уни ўз дўстларидан биронтасининг сұхбатига мушарраф қилса, ўшандада унинг шарафли сұхбати ва хотириининг илтифоти туфайли ўзига кслиб, хузур топиб «гуноҳдан тавба қилувчи киши, гуноҳ қилмагандек бўлади» деган ҳадис ҳукмiga биноан, тавба қилганича кечирим сўраб, ўз нафсини маломат қилиш билан шуғулланади.

Қайтар ичган ҳам еганни, тавба қил,
Доғлаш эски яра дармони бил.

У ўз нафсига хитоб этиб, уни олдинги итоатсизликлари ва кофирларча бажарган ишлари учун маломат қилади. Чунки бу мақом, надомат ва пушаймөнлик мақоми бўлиб, надомат ва пушаймөнлик факаттинга худо тавфиқ бериб, иззат ато қилгандан кейин муюссар бўлади. «Аттавфийку шайъун азиймун, ло йўто ишлаби азийз», яъни «Тавфийқ шуғидай бир буок нарсаким, у азиз бандадан бошқага берилмайди». Чунончи ушбу мақомда олий мартабали хон ўз нафсига хитоб қилиб, одамзод қилмишидан шикоят қилади:

Нафсо! юрдинг мутеъи фармон бўлмай,
Ўз қилмишидан ҳеч пушаймон бўлмай,
Ҳукмiga кўра жумлаи мазҳабларнинг,
кофир бўлдинг, ҳеч мусулмон бўлмай.

Солик (14) ўз нафсига ҳоким бўлганидан кейин, ушбу таъна ва маломатлар билан уни йўлга сола бошлайди. Бир неча муддат комилу мукаммил пир ёрдамида ва сұхбатида бўлади:

Барча ишдан яхши пирнинг сұхбати,
У билан ўлтириш амал сиҳҳати.
Сир эрур ёшурун, боксанг аслига,
Етаклайди сени Жонон васлига.

Ёки унинг ўзи зикру фикр қилиш, рўза тутиш, кечалари ухламасдан комилу мукаммил муршид иродати ва рухсати билан, «хайру-л-аъмоли адвамухо» - «ишларнинг энг яхшиси, унинг давомлироғидур» деган ҳадис ҳукмiga

кўра узок муддат амал қилиш туфайли, ўз нафсини покизалайди, тоинки «Ҳақнинг бир жазбаси, сақалайн (инсу жин) амалига тенгдур» деган маънога мувофик, унинг қалби жазба султонининг тушуб ўтиши учун муносиб бўлади.

Бир жазба келди Ҳақдан, қилди кўнгилни юрат,
Лайлидин ўлса тортиш, Мажнун на қиссан энди.

Солик нафси, худо тавфийки туфайли, йўл юрган ва йўлни биладиган пир ёрдами билан, ҳар қандай ички ва ташқи касофатлардан покиза бўлиб, жазба султонининг келиб қўнишига мушарраф бўлса, унда солик шукр қилиши керак, чунки солик шариат зоҳири ва тариқат одобига риоя қилиш билан улуғ саодатларга эришади.

Бу ўринда шукр қилиш соликнинг олий мартабали тоифанинг энг юксак даража ва мақомларига кўтарилиши учун сабаб бўлади. Алиоҳ таоло буюрадики «Лайн шакартум ла-азиёнлакум» яъни «агар шукр қилсангиз, сизларга (неъматларимни) кўпайтираман» (15).

Ҳар кишидан сенга етушса неъмат,
Унинг қадрини билгину шукр қил.
Ҳар бир шукр қилмайдиган бандани,
Худоға шукрнинг торики (16) деб бил.

Шунингдек, ушбу ўринда олий мартабали Убайдуллохондан куйидаги рубоиј ворид (17) бўлубдур:

Юз шукрки, мен аҳли шариат бўлдум,
Бу зумра (18)да арбоби тариқат бўлдум,
Гар изласам асрори тариқатни нетонг,
Жўяңдаи асрори ҳақиқат (19) бўлдум.

Бу мақом, солик учун ҳақиқат билимларининг дарди ва уларни талаб қилиш мақомидур. Шунингдек «Ман талаба ва жадда, вожада» яъни «ҳар ким бир нарсани истаб саъй ҳаракат қилса, унга албатта эришади» деган ҳадис ҳукмита биноан, солик учун Ҳақ асрори ва билимларини истагандан кейин, уларни ўз қалбига топиш мақомидур.

Кечаю кундуз қидирдим васлини,
«Ман талаб» ҳукми билан топдим уни.

Икки қўл бирлан талаб қил доимо,
Эзгуликка бу «талаб» дур раҳнамо.

Шу онда унинг бирдаи бир йўли мазкур талаб ҳисобланади.

Солик ўз қалбида илоҳий асрор ва маорифга эришгандан кейин, завқ, кувонч ва шодлик унга ҳамроҳ бўлади.

Дўстдин мамнун бўл ўзни шод бил,
Пўст ичида ғунчадек сифмай очил.

Бу мақом - ишқ, дард ва куймоқ мақоми бўлиб, у тўпроқ сифат, қарорсиз ва оромсиз бўлиш ўрнидур. Ҳақиқий маҳбуб ишқида асир бўлиб, барча инсонлик сифатларини талон-тарожга бериб, ёқиб юбориш мақомидур..

Кимлар юрадур севги йўлидин дединг, эй дўст,
Мотамда эзилган неча бир хокбасарлар!

.....
Севгидур оташ бу ерда, ақл дўд (20),
Севги келмоғила қочгай ақл зўд (21).

Маҳбуб севгисининг алантаси ошиқ қалбида туташганидан кейин, унинг қалбидаги ҳақиқий маҳбуб васли йўлида тўскенилик қилиб турган барча ҳижобларни ёндириб ташлаш ва бу ҳижоблар куйдирилгандан кейин, муҳиб (22) маҳбубнинг ўзи бўлиши мақомидур.

Кўздан дарёга тушса сув агар,
Маҳв ўлуб дарё бўлур, сўз мухтасар.

Ўшанда унинг забони ҳоли (23) ушбу таронани куйлади:

Севги келибон қўшилди қоним бирлон,
Мендан чиқариб «Мен»ни, ўтирди Жонон.
Дўст олди вужудимни бутунлай, қолди
Мендан фақат от, бошқа бариси ул жон.

Ҳақиқатда ҳам бу «ман арафа нафсаҳу, фақад арафа раббаҳу» яъни «ҳар ким ўзини таниса, худосини ҳам танийди» деган мақом ана шундан иборатдур.

Солик ўзини таниғандан кейин Ҳақ таолони ва унинг дўстларини таниб олиши лозим бўлади. (Чунки) Тангри субҳонаху ва таоло ва унинг дўстлари бир ҳақиқатданурлар. Уларнинг барчалари ўз ҳақиқатларига эришиб олганурлар. Шу аснода улардан содир бўладиган нарсалар, дарҳақиқат, ўшал ҳақиқатдан содир бўлғусидур ва уларда ҳеч қандай бошқа бир нарса бўлмагай.

Улар ҳолипинг тили ушбу замонда қўйидаги байтни куйлагай:

Севги нимадур дема, ўзимман,
Жонман бутуну, ўринда йўқ тан.

Бошқа матлаб булдурким, Ҳақ субҳонаху ва таолонинг дўстлари ушбу факру муродсизликлар билан (ҳақиқий) салтанатнинг қандай бир ҳузур ва даражасида турар эканлар. Дарҳақиқат, ҳазрати пайғамбар алайҳиссалом бутун коинотга факирлик билан фахрланиб «Алфакру фахрий ва биҳи афтахиру» яъни «факирлик менинг фахрим, мен у билан фахрланаман» (24) деган эдилар. Олий мартабали Хон (25) ҳам қўйидаги рубоййлари билан, ушбу мақомдан хабар берадилар:

Онларки, асири ишқи Жононурлар,
Йўл тўпоги бирла тенгу яксонурлар.
Дарвиш сифат кўринсалар зоҳирда,
Маъни юзидин ябгу-у хоқонурлар.

Тариқат солики дарвишлар кийими ва суратида ҳақиқий салтанатга эришиб, зоҳирий подшолик ва унинг заҳмату қиёнчиликларидан кутилиб, бу тоифага хос бўлган завқлар, ҳолатлар, юксак мақомларга мушарраф бўлгандан кейин, униг кўнгли комил пир суҳбати ва уларга мансуб бўлган одобни машқлар қилиш орқали нафс мақомидан юксалиб, соликнинг хитобга ўрин бўлган қалбига айланади. У ҳар доим ўз қалбини ҳушёрликда саклаб, ҳар қандай дунёвий ва бошқа қайғу ғам сарчашмаси бўлган зоҳирий шоҳликка такрор қайтмаслиги учун, унга танбех бериб туради.

Чунончи, олий мартаба соҳиби бўлмиш Убайдуллохоннинг ушбу рубоййлари ўзга салтанатга мушарраф

бўлгандан кейин, зоҳирий шоҳликдан воз кечиш бор сида танбеҳ ва муболагадур:

Султонлик уйида эй кўнгил ўлтурма
Ўзингта ғаму-ғусса биносини курма.
Бойликни-ю, мұтабарлигу, шаҳликни,
Дарвишлигу фактран афзал кўрма.

Шунда солик билиб оладиким ички душман, яъни хасис нафс қароқчи Шайтон ва шунга ўхшаш инсоний шайтонлардан иборат бўлган зоҳирий суҳбатдошлар барча ифлосликларга, нопокликларга, шунингдек ҳақиқий маҳбубдан узокда қолишга сабаб бўлган эканлар.

Уларнинг суҳбати натижасида солик ўз қалбининг мақоми ва мартабаси бўлмиш олий мақомдан, нафс мартабаси ва мақоми бўлган тубанлик даражасига тушганини аниқ англайди. Муршид суҳбати, унинг шарофатли мулозамати ва хизмати туфайли гарчи солик ушбу тубанликдан нажот топган бўлса ҳам, лекин у ўз нафсидан ва инсу-жин шайтонлари тузогига илиниб қолишдан кўркиши керак, улар, яъни инсу-жин шайтонлари макру-хийлалар билан уни, яъни соликни йўлдан (пир суҳбатидан) адаштириб, бошини еб (26), яна бир маротаба уни нафс мартабаси бўлган ўшал тубанлик мартабасига тушурмасинлар. Бундан бизни Худонинг ўзи асрасин!

Кимки кўлдан берди ўз йўлдошини,
Бекас айлаб, дев ейдур бошини.
Бир замон қолмоқ узокда жамъдин,
Шубҳасиздур макри шайтони лаъин.

Ушбу мақомда олий мартабали хон ўз кўнгилларига хитоб қилибдурлар:

Кўркиш йўқдур дилимда деву-даддан,
Ё ошса бориб ямонлигим ҳам ҳаддан.
Ҳеч кўркишим ушбу нарсалардан йўқдур,
Кўрқар юрагим фактат жалийси бад (27)дан.

Эй садоқатли толиб, мана кўрдингки, одам авлодларининг барчаси аслида ҳар қандай булганишилклардан поку покиза бўлган эканлар, бу дунёдаги нопокликларга ва булғанчиликларга мазкур хунук, ёзув ииятли суҳбат-

дошларнинг сұхбати орқали йўлиққан эканлар ва бу сұхбатдошларнинг энг ёмони, ёмон инсонлардур. Уларнинг шарр (28)и дан кўпроқ ҳазар қилиб, комил пир этагини маҳкам тутиш керак. Чунки нафс ва шайтон сұхбати шарридан, пир сұхбати ва унинг шарафли илтифоти баракоти туфайли кутилиш мумкин, чунончи айтибдурлар «Шайтон Умарнинг соясидан ҳам қочади» ёки «Ҳақ зикридан раҳбар пирнинг сояси афзалдур».

Аммо Шайтон қиёфасидаги одамлар шарридан кутилиш жуда оғирдир. Чунки ҳар доим ҳамжинслик юзасидан улар билан ўлтириб туриш лозим бўлади. Ўлтириб туриш ҳар қанча лозим бўлса, нафс ўшанча уларга қараб мойил бўлади. Уларнинг нафсонияти ғолиб бўлгани учун, нафсни ҳам ўз томонига тортиб олади. Пайғамбар алайҳиссалом айтганларидек «куллу жинсин йамилу ило жинсиҳи» яъни (барча жинслар ўз ҳамжинларига тортадилар).

Қилур ҳар жинс ўз жинсила парвоз,
Кабутар бирла кафттар, боз ила боз. (29)

Чунончи, ҳақ субҳонаҳу ва таоло одамни шунга қобил (30) қилиб яраттанки, ҳар бир инсон ким бирла ўлтурса, андин ранг олур. Бас, солик зарурат юзасидан, шундай ёвуз ниятли сұхбатдошларга дуч келиб қолганда ҳам, улар қаторига кириб қолмаслик учун кложи борича бундай ҳамжинс сұхбатдошлар шарридан қочиши кўпроқ лозим бўлади.

Борма Исо сингари, аглаҳ томон,
Тўкли аглаҳ бирла сұхбат, қанча қон.

Эй солик! Бу булғанчлигу, бу кўргуликлар, ул жанобдан йирокда қолишу сен бирла ҳакиқий маҳбуб васли орасидаги тўсқинликлар ёвуз ниятликларнинг сұхбати натижасида ҳосил бўлғанилигини билиб олганингдан кейин, мабодо ҳакиқий маҳбуб висолига эришишни истар бўлсанг, йўл кўрган ва йўлни билиб олган комилу мукаммил Муршидга мурожаат қилиб, унинг этагини тутишдан ўзга йўл йўқдур. Пирнинг шарафли сұхбатига эришиб муборак бўсағасини ўпиш, узоқ муддат бу тоифанинг тариқаларидан бирига амал қилиб, «хайрул-

аъмоли адвамуҳо» яни «амаларнинг энг яхшиси уларнинг давомлироғидур» деган ҳадис хукмига биноан, қирқ-эллик йил хизмат қилиш лозим бўлади.

Эллик йил қон йиғламаса кўнгил кўзи,
«Кол»дан «Хол»га ўтиш йўли бўлмас рўзи (31).

Соликнинг кўнгил кўзгусидан ушбу булғанчлик ва тааллуқлилик кетмагунча, унга ҳақиқий маҳбуб васли мұяссар бўла олмайди:

Таалгуқ ҳижобдур, ҳамда беҳосил,
Таалуқни узган кишидур восил.

Эй солик! Сен қачон айтиб ўтилган йўллардан бири орқали кўнглиг кўзгусини ҳар қандай зангу губорлардаи покиза қилсанг, ўша замон ҳақиқий маҳбуб жамол ва жалол сифатида кўнгилнинг кўзгусида тажаллий (32) қилгусидур:

Раб (33) нинг зоти тажаллий қилар бўлса,
Қасам бердим сенга ғофил қолмагил.

Ҳақиқий маҳбуб тажаллийси завқини туттанингдан кейин, кўнглингда оромсизлик, бекарорлик ва ошуфталик пайдо бўлиб, ҳеч бир ерда ором топа билмайсан:

Хўшдулар ёр излабон, ёр топганлар,
Кўп қарорсиз бўлиб, қарор топғанлар.

Ушбу ўринда сендан, ошиқ бўлиб ишқ мақомига эришганингта далолат қилувчи сўзлар ва ҳикоятлар содир булғусидур, чунки бу севги ва муҳаббат мақомидур.

Севгидур оташ бу ерда ақл дўд,
Севги келган онда, қочтай ақл зўд.

Ушбу мақомда ҳар бир ҳақиқий ошиқ илиқ ва жозибадор сўзлар айтиб ўтган:

Севги бўлмасайдио, қайғулари,
Бу чиройли сўзларни ким айттарди.
Шамол тебратмасайди зулфини, ким
Маъшук юзин ошиқка кўрсатарди.

Севги қуши энди қанот қоқиб учади ва ҳар нафас олганда ўзини ул жанобга етуштиради:

Ҳар бир нафасинг, билгил бир гавҳардур,
Ҳар бир зарранг Ҳақ йўлига раҳбардур,

Беш юз пари бор севгинингу, ҳар бир пар
Ер қаъригача, Ариш макомидан учар.

Бу ўринда ошиқларниң иши ҳар лаҳза ва ҳар он кўтаринки ҳолда бўлади. Чунончи олий мартабали хонининг қуийдаги рубоийлари бундан далолат беради:

То севги тарику расми бўлди пайдо,
Ошуфта бу кўнглим ичра солди ғавғо.
Зулфига боқиб чидолмаган ҳар бир дил,
Девона бу кўнглум каби, бўлди расво.

Чунки, йўл соликининг қалби, Ҳақдан ўзгалар севгисидан қутилиб фақат Ҳақ субҳонаху ва таолонинг ишқу-муҳаббатига берилиб қолади. Шунинг учун у бир лаҳза ором ва қарор топа олмайди, чунки кўнгил мутааллиқ (34)дур ва таалтуқсиз бўлиши мумкин эмас.

Сақлайолмас кўлда эркин киши, мол,
Ошиқ дил, сабрни ва сувни ғарбол (35).

Ошиқ биргина маҳбуб зотининг васлига эришганда, ором ва қарор топиши мумкин. Аммо Ҳақ субҳонаху ва таолонинг шариф зоти, бир кафт тупроқ унга восил бўлишдан мунаффазаҳ (36) дур. «Мо литтуроби ва раббиярбоби» яъни тўпроқ қайдай, эгаларнинг эгаси қайдай! Нихоят шулким, Ҳақ субҳонаху ва таоло иноят ва шафқат кўплиги юзасидаи, ҳар лаҳза ва ҳар замон ошиқлар ботин (37)ига тажаллий қилиб туриб, улар таскин топсин деб, ҳар нафас ва ҳар замон уларнинг ҳаяжон ва девоналигини оширади. Ушбу куйиш ва девоналик орқали улар ҳар лаҳза ўзларини ул жанобга яқин ва ошно эта-дилар. Чунончи айтибурлар:

Жунун(38) йўлидур, ўзга йўлдин айру,
Бу йўлдан воз кечиш девоналиклур.

Тажаллий ҳар қанча кўп бўлмасин, унга қараб ваъда берилган учрашув кунигача, ул жанобга ошиқнинг гирифторлиги ҳам кўпайиб боради. Чунончи, ҳазрати хони олийшон буюурлар:

Ишқ ичра гирифторинг эрурман, эй ёр!
Юз дард ила афгоринг эрурман, эй ёр!
Гоҳи ўтибон, узокдан ўзни кўрсат,
Мен толиби дийдоринг эрурман, эй ёр!

Ҳақиқий маҳбубнинг васли ва уни ҳақиқий борлигига кўриш дунёда мусассар бўлмагани, ул жаноб томонидан юз берган тажаллийлар билан ошиқлар қувониб, кўнгиллари таскин топади.

Сочинг бир толаси менга ҳавасдур,
Адабсиз бўлмайин, бир тори басдур.

Ошиқлар севги ва интизорлик шиддатидан йигламоқ, инграмоқ, куймоқ ва куйинмокдан ўзга илож топа олмаслар:

Севги кўнгил зорисидан билинур,
Дардлар қачон дил дардига тенг келур.

Чунки ошиқни маҳбуб висолига йиги ва зоридан ўзга нарса етиштира олмайди.

Бу йиги-зори ажаб сормоядур,
Кулли давлатдур, бу кучли доядур,
Дояло-она баҳона ахтарур,
То қачон ётган бола йиглаб туур.

Куйган ошиқлар иштиёқ шиддатидан ҳар лаҳза қон йиглашиб, шавқ ғалабасидан уларнинг кўксидан ҳар лаҳза алангали оҳ чиқиб турар. Ҳар нарса ғайр бўлиб, унда ғайрлик(39) бўлса, ушбу алангода ёниб кул бўлур.

Барчали оҳинг ўтида куйдуруб,
Шукрлар қилгил, кули узра туруб.

Ушбу мақомда олий мартабали хон буюурлар:

Қон томса агар дийдаи намнокимдан,
Оҳ урсам агар ушбу дили чокимдан,

Ул қоним ила бўянг мазорим аламин (40),
Ул оҳ ила кўкка совуринг хокимдан.

Ошиқлар ҳақиқий маҳбубнинг беҳад тажаллиётидан чексиз завқу лаззат сезиб, дунёвий гулу сунбулу лолаю райҳонлар, уларнинг кўнглига ҳеч қандай лаззат бағишламайди. Чунончи, олий мартабали хон бундай буюурлар:

Гар бўлмаса оразинг, менга гул на керак,
Лола ҳақида қилиш тааммул (41) на керак?
Киприклар учидан оққан ушбу қоннинг,
Ҳар қатраси гулдур, менга сунбул на керак?

Ошиқлар ҳақиқий маҳбуб зотига нисбатан ўзларида туғилган шўру шавқ лаззатидан ҳар доим бирон байтуғазал орқали иштиёқ изҳор этиб, ўзларига таскин берурлар. Чунончи, олий мартабали хон буюурлар:

Муштоқи жамоли олам оройингман,
Туррангни (42) кўриб волай шайдойингман.
Излаш соёнида эсиб сабодек доим,
Мен толиби ул қомати раънойингман.

Ошиқлар маҳбуб васли билан яшайдилар. Ҳақиқий ошиқларга дунёда ҳақиқий маҳбубнинг висоли мұяссар бўлмагани учун унинг севгисидан топилган қайфу вағамни, дунёда ўзларига тириклиқ сабаби ҳисоблайдилар ва ушбу ғаму андуҳ билан яшайдилар. Чунончи, ҳазрати Хони олийшон буюурлар:

Борлик негизи менга ғами жонондур,
Бу кўнглим анинг қайғусисиз вайрондур,
Жон бермак ишидан нега қўрқар кишилар,
Жон бермак агар бўлса шу хил, осондур.

Ошиқлар дунёда имкони борича ҳақиқий маҳбуб васлига етиб мазкур тоифанинг барча мақомоту даражаларига эришгандан кейин, ўтмишда жаҳолат ва нодонлик юзасидан, ҳақиқий маҳбубдан ўзгалар меҳри билан боғланиб қолиб умрларини бехудага ўтказганиликларидан пушаймон бўладилар. Улар ўз кўллари ва бошқа аъзолари билан ҳақиқий маҳбуб бандаларига азияту озор

берганликларидан шармандалик сезиб, уяладилар ва ундан узр сурайцилар. Чунончи, олий мартабали Ҳон күйидаги рубоййша ўшал мақомга ишорат қылурлар:

Юрдим берилиб жаҳлга, нодонликдан,
Кўнглимга дедим ёниб, пушаймонликдан:
Ҳар кимта тилу кўл била бердинг озор,
Мен кўп уялтурман бу мусулмонликдан.

Эй садоқатли толиб! Билгилки, ҳазрати хони олий-шон шундай буорурлар:

Сўзлаганда ул оғиз, фунча каби хандон бўлур,
Гар табассум айласа, олам юзи бўстон бўлур.
Зарраларга туиса гар, ҳуснииг қуёшин ёғдуси,
Нур сочиб зарра қуёшдек - меҳрдек тобон бўлур.
Зулфидан айру, кўнгил ҳоли харобиши кўриб,
Мен учун ушбу жаҳон, бир кулбай аҳзон бўлур.
Қасру айвонига оламнинг кўнгил ҳеч бермаким,
Барчаси охир бориб, туироқ ила яксон бўлур.
Эй «Убайдий» аҳли Ҳақтинг сұхбатидан тортма бош,
Кимки, хизмат қилса бу йўлда, худосевгои бўлур.

Эй садоқатли толиб! Билгилки, сўзлаш ва кулишдан мақсад ул зотнинг гўзал исмлари-ю, сифатлари, солик қалбида тажаллий қилишидур. Чунки, ул зот сўзда ифодаланиш ва инсоний кулишдан мунаzzaҳ ва пок эрур. Аммо ул зотнииг гўзал исмлари ва сифатлари тажаллийсини фунчага нисбат бериш шу жиҳатдан дурким, фунчага хос очилмаганлик худонинг исмлари ва сифатлари тажаллийсидан сўнгра, солик қалбида ҳам ҳосил бўлади. Аввало ул зот ўзининг сифот (43)и-ю исмлари орқали солик қалбига тажаллий қилиб, зотнинг тажаллийси йўлида тўсиқ бўлиб турган пардаларни бутунлай кўтариб ташламаса, соликнииг ботини Ҳақ субҳонаху ва таолонинг зоти шарифи унда тажаллий қилиш учун муносиб бўлмайди:

Гар табассум айласа, олам юзи бўстон бўлур.

Эй садоқатли толиб! Ҳақ субҳонаху ва таолонинг табассум қилишидан мақсад, солик кўнглига ўзининг ша-

риф зоти билан тажалтий қилишидур. Чунки ул зот оғиз ва табассум қилишдан мунаzzaҳ эрур.

Солик, зот тажаллийсига мушарраф бўлгандан кейин, униг қалбида очилиш ва ёзилиш юз берали. Зот тажаллийси билан баҳор чоғларида боғу-бўстонларда гуллар очилиб, барча олам гулга тўлади. Табассумни гулга нисбат беришдан мақсад, баҳор фаслида гуллардаги очилиш ва ёзилишдур.

Зарраларга тушса гар, ҳуснинг күёшин ёғдуси,
Нур сочиб зарра қуёшдек – меҳрдек тобон бўлур.

Эй дарвиш! Билгилким, жамол ёғдуси зарраларга тушишидан мақсад, ул зотниг жамолий сифати билан зарраларга тажаллий қилишидур. Зарраларнинг ҳар бири Ҳақ субҳонаху ва таолонинг жамолий сифатига мушарраф бўлгандан сўнг, күёш каби нур сочиш сифатига эга бўлиб, уларнинг ойцинилик ва ёруғлигидан барча олам мунааввар бўлади.

Зарралар умумий маънони ифода қилиб, инсон ва ундан бошқа оламларни ҳам ўз ичига олади. Аммо, унбу зарра инсонни англатгудек бўлса, бундай ҳолда Ҳақ субҳонаху ва таолонинг зотий тажаллийсига мушарраф бўлгандан кейин, бутун оламни ўз нури билан ёритади.

Зулфидин айру кўнгил, ҳоли ҳаробини кўруб,
Мен учун ушбу жаҳон, бир кулбай аҳзон бўлур.

Ул зотниг зулфу холини кўриш учун солик аввало ул зотнинг гўзал исмлари ва сифатлари тажаллийсига мушарраф бўлиш иштиёқини изҳор этмоғи лозим бўлади. Солик ул зотниг зулфу-холидан иборат бўлган энг гўзал исмлари ва сифатлари тажаллийсига эришгандан кейин, дунёда ўзи севган ва улар билан уису улфат (44) олиб келган нарсаларидан ажralиши жиҳатидан ҳам униг учун париционлик ўрни бўлади. Ёинки, ушбу гўзал исмлар ва сифатлар тажаллийси амалан (45) солик билан худонинг зотий тажаллийси ўртасида тўсиқ бўлиб туради. Шу сабабли ҳам солик паришонҳол бўлиши мумкин.

Касру айвонига оламнинг кўнгил ҳеч бермаким,
Барчаси охир бориб, тупроқ ила яксон бўлур.

Бу сўздан мақсад шул эрурким, гўзал исмлар ва си-
фатлар тажаллийси оқибатида соликнинг кўнгли унинг
зотидан бошқа барча нарсалардан совуб қолади.

Ҳақдин ўзга ҳарна ким мақсуд эрур,
«Ло» тифин сур унга гар маъбўд эрур.

Ҳақдин ўзгаларга ургил, «ло» тифин,
Сўнгра «ло»дин, кўр налар қолгай тагин.
Қолиб «иллаллоҳ», йўқ ўлгай ўзгаси,
Типіглагил эй ишқ, бу шодлик саси.

Эй «Убайдий» аҳли ҳақнинг хизматидан тортма бош,
Кимки хизмат қилса бу йўлда, худосевғон бўлур.

Бу сўздан мақсад шул эрурким, солик мазкур тоифа-
нинг шарафли сұхбати, хизмат ва мулозамати орқали қа-
тор саодатларга эришгандан кейин, бундан буён ҳам
уларнинг хизмати ва мулозаматларидан бош тортмаслиги
ва ушбу саодатлардан маҳрум бўлмаслиги учун у ўз наф-
сини ғафлат уйқусидан уйғотиб, бу йўлда ўта қатъийлик
билин жиддий ҳаракат қилишга даъват қилмоғи даркор.
Чунки, жамики баҳтиёрлигу бойликлар, куйидаги «Ман
хадама, худима» яъни «ҳар кимки хизмат қилса, унга ҳам
хизмат қилинади» мазмунидаги ҳадисга биноан уларга
хизмат қилиб туришдур.

Хизмат қилиб турсанг, ютуқ сенингдур,
Сен қилмасанг, бошқа қилса, унингдур.

Набий алайҳиссалом буорубдурларки «ман иттасала,
иттасала бил - хидмати ва ман лам йаттасил, лам йатта-
сил битаркил - хидмати» яъни «Кимки, Ҳаққа етушса,
хизмат орқали етушади, хизматни тарк қилган киши
етуша олмайди».

Етушасан хизматдан, кибриё (46)га
Бу кўк учун, бундан яхши нарвон йўқ.

Ҳақни қачон танирсен сени уйғотмагунча,
Мардонлар остонасин ястаниб топмагунча.
Султон Иброҳим Адҳам, атлас палоска сотти,
Топмади дарвишликни туфроққа ётмагунча.
Султон Иброҳим Адҳам кўрмади маъшук юзин,
То жумла борлигини, йўқлуққа солмагунча.

Лугатлар изоҳи

СОЛИК - пирнинг изидан бориб, унинг раҳбарлигига бирон бир тариқат орқали ҳидоят йўлига кирган киши.

ТАЖАЛЛИЙ - кўнгли ҳақ билан учрашув лаёқатига эга бўлган баҳтиёр кишилар кўнглига, иқбол ёрдами билан ҳақ нурининг сочилиши.

ТААЛЛУҚ - муносабат, иргибот, алоқа ва боғланиш.

ҲУЗУР ВА ФАЙБАТ - тасаввуфда икки хил ҳузур бор: дам яъни нафас ҳузури ва кўнгил ҳузури. Биринчиси солик ҳар бир нафас олишида ҳақ ёди билан бўлиб, ундан ғафлатда қолмайди. Иккинчиси яъни кўнгил ҳузури нафас ҳузурини такрорлаб давом бериши натижасида ҳосил бўлади. Албатта бу соликда халқдан файбат ҳосил бўлиб (уни эсдан чиқариб) ҳақдан бошқа нарсаларни унудишига сабаб бўлади.

ЖАЗБА - кўнгилда топилган ҳақ муҳаббати ва уни таниб олиш завқидан иборат бўлиб, ушбу завқдан, соликнинг кўнгли ниҳоят лаззат сезади.

АСМО ВА СИФОТ - Худонинг энг гўзал исмлари ва сифатлари. Худонинг ҳар бир исми, бир сифатнинг далилидир, унинг ҳар сифатига хос маърифат мавжуд. Худо сифатларининг гўзаллиги инсон истеъдодига қараб Ҳақ муштоқларига жилва қиласи.

ЗИКР - бошқаларни унудиб, факат ҳаққа таважжуҳ қилиш, яъни юзланиш.

МУРОҚАБА - зоҳир ва ботинни ҳақдан бошқа нарсадан саклаб, факат унга таважжуҳ қилиш, яъни юзланиш.

САҚАЛОН (САҚАЛАЙН) - инсу жин.

ҲОЛ ва **КОЛ** - «Қол» сўзлашиш, далил ва мантиқ билан гапиришдан иборат бўлса, «Ҳол» сўзсиз маънавий матлабларни тўғридан-тўғри, воситасиз билиб олиш малакасидир. Ушбу малака кўп маънавий тажрибалар ва сўфиёна сулук натижасида ҳосил бўлади ёки Аллоҳ томонидан берилади.

Рисоладаги лугатлар изоҳи

1. Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ номи билан (бошлайман).
2. МУҲАҚҚИҚ - ҳақиқат қидиувчisi.
3. ФИТРАТ - табиат, туғма қобилият.
4. НАСРОНИЙ – христиан.
5. МАЖУС – оловга сифинувчи.
6. ҚУРЬОНИ Карим, 11-сурадаги 138-оятнинг ибтидоси. (Тошкент, «Чўлпон» 1992-йил, 17-бет).
7. БҮЁҚ - бўёқ, ранг - бу ерда дин маъносида.
8. ҲАҚИҚИЙ МАҲБУБ - худо, тангри.
9. ҲИЖОБ - парда.
10. САРКАШЛИК - ўжарлик, қайсаарлик.
11. ВАРТА - жар, ҳалокат жойи.
12. ТОҲИР-ПОК. Бошқа бир нусхада «тоҳир» ўрнига «зоҳир» деб ёзилган.
13. ЗИНДИҚЛИҚ - яширин динсизлик.
14. СОЛИК - Аллоҳ васлига эришиш йўлида юрувчи мурид.
15. Куръони Каримдаги «Иброҳим» сурасининг 7-оятидан танланган.
16. ТОРИК - тарк этувчи.
17. ВОРИД БЎЛИБДУР, яъни унинг томонидан айтилибдур.
18. ЗУМРА - жамоа, тоифа.
19. ЖЎЯНДАИ АСРОРИ ҲАҚИҚАТ - ҳақиқат сирларини изловчisi.
20. ДЎД - тутун.
21. ЗЎД - тезда, дарҳол.
22. МУҲИБ - севгувчи, ошиқ.
23. ЗОБОНИ ҲОЛИ - ҳол забони, ҳол тили.
24. ҲАДИС - Пайғамбарнинг сўзи.
25. Бу ерда Убайдуллоҳон назарда тутилган.
26. Бу ерда соликни ўзининг ақлу-хушидан айириб бехуд қилиш ва уни мустақил фикрлаш истеъдодини олиши назарда тутилган.
27. ЖАЛИСИ БАД - ёмон, беҳосият, бефайз, нопок сұхбатдош.
28. ШАРР - ёмонлик, ёвузлик.

29. БОЗ - 'лочин.
30. ҚОБИЛ - қабул қилувчи.
31. РҮЗИ - бу ерда насиб ва мұяссар бўлиш маъносида.
32. ТАЖАЛЛИЙ ҚИЛИШ - жилва қилиш, номоён бўлиш.
33. РАБ - парвардигор.
34. МУТААЛЛИҚ - боғланувчи.
35. ФАРБОЛ - ғалвир.
36. МУНАЗЗАҲ - пок, юксак.
37. БОТИН - ички, ички дунё.
38. ЖУНУН - жипнилик, девоналик.
39. ФАЙРЛИК - ўзгалик, бегоналик.
40. АЛАМ - байроқ.
41. ТААММУЛ - чукур ўйлаш, фикрлаш, диққат билан мулоҳаза қилиш.
42. ТУРРА - гажак, зулф.
43. СИФОТ - сифатлар.
44. УНСУ УЛФАТ - бирор билан суҳбатдош бўлиб у билан улфат топиш.
45. АМАЛАН - амалиётда, ҳаётда.
46. КИБРИЁ - буюклик, азамат.

«БОБУРИЯ» РИСОЛАСИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институти кўлёзмалар кутубхонасида Р. 501-рақамли нодир кўлёзма мавжуд. У 26 рисоладан иборат мажмуа бўлиб, Махдуми Аъзам лақаби билан машҳур бўлмиш Саййид Аҳмад ибн Жалолуддин қаламига мансубдир. Мажмуадаги 25нчи рисола «Рисолаи Бобурия» деб номланган.

Мазкур рисола номидан ҳам маълумки, буюк шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобурга бағишлаб ёзилган. Унинг ёзилишига Хожа Убайдулло Аҳрор «Рисолаи волидия» асарининг Бобур мирзо қаламига мансуб шеърий таржимаси сабаб бўлган. «Бобурнома»да ёзилишича, Бобур қаттиқ касалликка чалиниб, «Қасидаи Бурда» асарининг муаллифи шайх Шарафуддий Абу Абдулло Бўсийрийни хотирлайди. Бўсийрий қасидасини ёзиб тутаттач, ихлос ва ақида кучи билан фалаж маразидан халос бўлган экан. Бобур шуни зикр этиб, Хожа Аҳрорнинг «Волидия» рисоласини туркий назм қилишга киришгани ва охирига стмай туриб касалликдан фориғ бўлганини тъкилайди.

Бобур бу шеърий таржимадан бир нусха кўчиртириб, ўз рубоийлари билан бирга ҳазрат Махдуми Аъзам ҳузурига юборади. Махдуми Аъзам «Бобурия» рисоласи муқаддимасида Аллоҳга ҳамду санодан кейин бундай деб ёзади: «Ушбу иусхай шариф ёзилишига сабаб шу эдики, Ҳақ даргоҳига қабул бўлган дарвишларга нисбатан ихлос ва ақидат кўргазиб, улар томонидан чин кўнгилдан севилган подшоҳ ҳазратлариким, жон ичида ўрин тутгани учун унинг номини тилга олиш адабдан эмас, йирик дин арбоби ва илмнинг яқин йўлчиси, факт эркинлигига тушунган Хожа Убайдулло Аҳрор уларга худо нури орқали назар қилган экан. Шунинг натижаси сифатида у кишида талаб дарди топилиб, оромсизлик ва қарорсизликка сабаб бўлган экан. Мазкур дардни бартараф этиш, ушбу тоифадан бошқаларга мояссар эмас. Шунинг учун ҳазратининг «Волидия» рисолаларини назмда таржима қилиб, ўз рубоийлари билан бизга юборган эканлар. Шунга биноан камина бир иусха ёзишга уриндим. Худо хоҳ-

ласа, умид борки, муборак ҳотирларига таскин бериб, ушбу саодат сармояси бўлган талаб дардининг кўпайишига сабаб бўлгай...»

Махдуми Аъзам рисолада тасаввуф тариқатига оид баъзи бир қоидаларни ҳар томонлама шарҳлаб, зикри хуфя ҳамда зикри жаҳрия масаласига тўхтагади.

Муаллиф пайғамбар зикрни хуфя суратда танлаган бўлса ҳам, «тобиъин ва табъи тобиъин» (пайғамбар саҳобалари билан учрашган ва улар билан мулоқотда бўлган зотлар) замон талабига биноан жаҳр қилишга рухсат бериб, ўзлари ҳам жаҳр қилганлар деб таъкидлайди. У зикри хуфяни - азимат (қасд) ҳам шариат йўли ва зикри жаҳрни - рухсат йўли деб белгилайди.

Махдуми Аъзам фикрига кўра, хожалар зикрда азимат йўлидан борган бўлсалар ҳам, улардан баъзилари замон тақозосига қараб ва қавмларининг истеъодини назарда тутиб жаҳр қилганлар. Мисол учун у ҳазрати Хожа Аҳмад Яссавий Туркестонга борганларидан кейин зикри жаҳрни ихтиёр қилганларини айтади. Ҳатто, зикри appa, воситасида кўп кишиларни йўлга солиб, буюк саодатта мушарраф этдилар деб ёзди, ҳамда бундай деб таъкидлайди: «Ҳеч айби нест, бағоят хўбаст, тарийки анбиёи мотақаддам нез ҳамин будааст» (яъни: бунинг ҳеч айби йўқ, бағоят яхшидур, ўтган пайғамбарларнинг йўли ҳам шундай бўлган). Бунда муаллиф улар - пайғамбарларнинг ҳар қайсиси ўзига хос шева билан қавмини йўлга солди, сўзларнинг фарқи одамлар аҳволидаги тафовутдан келиб чиқади, дейилганидек, аслида ҳамманинг мақсади бир, суратларнинг, шаклларнинг фарқи эса шевалардан бошқа нарса эмас, деган фикри баён қиласи.

Шундан кейин Махдуми Аъзам жаҳр зикр қилган хожаларнинг ҳар бирини алоҳида қайд этиб ўтади. Чунончи, Хожа Ориф Ревгариј, Хожа Маҳмуд Фағнавий, уларнинг халифаларидан Хожа Али Ромитоний, Хожа Муҳаммад Бобои Самосий; уларнинг халифаларидан Саййид Амир Кулол ушбу шевада амал қилиб кетганлар. Муаллиф буюк Хожа Баҳоуддин Амир Саййид Кулолнинг муриди эдилар, дейди.

Махдуми Аъзам «Рисолаи Бобурия» асарида жаҳр зикрининг тўғрилигини исботлаш учун бундай дейди: «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло истиғфор савтини (кечирим тилаш сасини - Ш.Ж.) севаман деганимис». Савт, яъни овоздан мақсад жаҳр зикри бўлиши керак.

Муаллиф асарда «тангри - тоқдир, тоқни севади» деган ҳикматни изоҳлаб, зикр чоғида калималар қандай талаффуз этилиши ва уларни зикр этиш тартибини кўрсатиб беради. Сўнгра нақшбандия тариқати асосида уч вукуф (билиші, тушуниш) - вукуфи ададий, вукуфи замоний ва вукуфи қалбийни тавсифлаб, уларнинг шартларини таъкидлайди.

Ҳазрат Махдуми Аъзам тавба ва надомат (пушаймонылик) ҳақида сўз юритиб, Убайдулло Баҳодурхоннинг куйидаги шеърини тилга олади:

Дар ҳавои нафси гумраҳ, умр зоиль кардаийм,
Пеши аҳгуллоҳ аз атвори худ шармандаийм.

(Таржимаси: адаиган нафс куйига тушиб, умри бехуда ўғказганимиз. Энди тангрининг муқарраб бандалари хузурида ўз қилмишимиздан шармандамиз.)

Шундан сўнг муаллиф «Сенинг мавжудлигинг шундай бир гуноҳки, бошқа ҳеч қандай гуноҳни у билан таққослаб бўлмайди» деган сўфиёна ҳикматни ва «ўз руҳимдан унга (одамга) лам солдим», «барча мўминлар бир-бирларига оға-инидирлар» дейилган оятларни ва «ҳар ким ўзини бир қавмга ўхшатса, ўша қавмдан ҳисобланади» деган ҳадисни изоҳлаш жараёнида бот-бот Убайдуллохон (Убайдий) шеърларини мисол ва далил ўрнида зикр этади.

Рисола хотимасида яна бир бор Махдуми Аъзам Захириддин Муҳаммад Бобур номини ёдга олади ва бундай деб ёзади: «...таржима ва рубоийлар ниҳоят яхши тушган. Бу факирнинг Туркий тилда салиқаси озроқ бўлгани учун жасорат қилинмади, аммо Форсий тилда етарли дарражада жасорат қилинди, маъзур туттайлар. Ушбу муносабат билан бир нусха ёзилди, манзур бўлса деб умид қиласиз».

Шундай қилиб, «Бобурия» рисоласи «Волидия» рисоласининг Захириддин Муҳаммад Бобур қаламига ман-

суб Туркий таржимасига жавобан ёзилган асар бўлиб, атоқли шоир ва буок салтанат соҳиби билан, олий мақом сўфий, нақшбандия тариқатининг йирик вакили, машхур таблиғотчиси ўртасидаги муносабатининг олгин таноби, камалак кўприги сифатида юзага келади.

«Рисолаи Бобурия» китоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва ҳазрат Махдуми Аъзам ўртасидаги ажойиб меҳр-муҳаббат, ихлос ва самимият ифодаси ҳисобланади.

Бобур ирфоний туйғулар таъсирида манманликни ўлдириб, юксак ва иқтидорли подшоҳлик мақомидан сўфиёна камтарлик билан фақирлик мартабасига қадам қўяди. Бу руҳий ўзгариш, илоҳий бир тарзда юз берадики, у «Волидия» рисоласи таржимаси асносида оғир касалликдан фориғ бўлади. Бундан мутаассир бўлган Махдуми Аъзам илҳомланиб, ушбу ихлосни қадрлаш учун «Рисолаи Бобурия»ни ёзишга жазм этади.

Юксак ихлос ва ишончга асосланган бу муносабат темурийлар салтанати давомгиси бўлган бобурийларнинг буок аждодлари анъанасига содиқлигининг исботи ва нақшбандия тариқати мубаллиғларининг ўша замон давлат раҳбарлари билан руҳан ғоят яқин алоқада экани, уларга маънавий таъсир ўтказганининг далолатидир.

Рисола матнида кўпгина ирфоний атамалар, тасаввуфий истилоҳлар, сўфиёна макулаларнинг (сўзларнинг) маъноси ёритиб берилади. Шунингдек, Куръон оятлари, пайғамбар ҳадислари тасаввуфий таълимот қоидаларига мос ҳолда тафсир этилади. Шу боис, «Рисолаи Бобурия» ирфоний, таълимий ва тарихий тариқат усулларини изоҳлаб бериш, Бобурнинг ушбу тариқат арбоблари билан алоқасини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қиласи.

БОБО РАҲИМ МАШРАБ

«Ваҳдат» уммошишинг ғавзоси

Бобо Раҳим Машраб (1653–1711) ўзбек классик ада-биётишинг порлоқ юлдузларидан бири сифатида асрлар оша ўзидан тараттгани нур билан қалбу-руҳимизни ёритиб, ўз ёқимли шеърлари билан ҳалқимизга манзур бўлиб келмоқда.

У ҳам сўфий, ҳам лирик ва файласуф шоир, айни ҳолда иисон севар мугафаккир ва эркин тафаккур яловдори, адолатсизликка қарши кураш фидоий йўлчиси эди.

Машрабининг исходи кўп қиррали. Биз ушбу мақолада унинг шеърларидаги ирфоний қарашлар айниқса «ваҳдат» фалсафасига доир бир қатор муаммолар бўйича ўз фикру мулоҳазаларимизни билдиримоқчимиз.

«Ваҳдат»га оид фикру-қарашлар, ҳис-туйғулар, Бобо Раҳим Машраб исходида юксак ўринда туради. У завкужазбага берилган шоир сифатида, барча олам ва борлиқни ишқдан иборат деб тушунади. Унингча ишқ ҳаёт ва ҳаракатнинг турткиси ва яралишнинг мақсади.

«Фараз кавну макомдан ишқ эди, не кону не жавҳар» у, ҳақиқий ошиқ, ишқ ўтида куйиб кул бўлган шоир. Руҳининг уммонида ишқ тўлқипланиб туради, алангали ҳис ва ҳаяжонларни юракка сифдиролмай, сўз орқали ифода қилмоқчи бўлади. Лекин туйғулари шунча алангали, ниҳоясиз ва сонсизким лафз, калима ва иборалар қолипига сифмайди, шеър вазни унга торлик қиласди. Шу сабабли у ҳам баъзан Жалолуддин Румий сингари шеърий анъаналар чегарасидан чиқиб, ниҳоят ширин, ёқимли ва содда иборалар билан ўз ҳис-ҳаяжонларини ифодалаб «минг маънини бир нукта билан мухтасар этдим» дейди.

Машраб шеърларида вазн ва қофиялар бўйича баъзи камчиликлар кўзга ташланади. Унинг биринчи сабаби айтиб ўғилган омил ҳисобланса, иккинчи омил унинг шеърларини кўчиришда хаттотлар (котиблар) томонидан йўл кўйилган саъв ва хатолар ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, Бобо Раҳим Машраб қаландарона ҳаёт ке-

чириш жараёнида, ўз шеърларининг ҳаммасини тўплаб девон шаклида тартибга солишга муваффақ бўлмаган. Кейинроқ кўпинча унинг шеърлари ёзма нусхалардан ташқари оғизма-оғиз ҳам айтилиб келган ва турли минтақаларда ривоят қилиниб юрган. Фолибан, унинг асарларини тўплаганлар ҳам ёзма нусхалар, ҳам ана шу халқ орқали айтилиб юрган шеърларни, унинг ажойиб ҳодисаларга тўлиб тошган ҳаёт қиссалари билан қўшиб ёзиб олганлар.

Бобо Раҳим Машрабнинг форсча шеърлари, унинг ўзбекча шеърларига нисбатан тўғрироқ кўчирилган. Бунинг сабаби шу бўлса керакки, кўпинча нусхалар туркий тил билан чукур ошино бўлмаган котиблар томонидан кўчирилган. Бундай ҳолатни Алишер Навоийнинг баъзи бир асарлари ва Убайдийнинг куллиётида ҳам яққол кўриш мумкин.

Машраб барча «Ваҳдатул-вужудий» сўфийлардек бутун коинотда факат битта ҳақиқат, битта ҳақиқий маҳбуб-ягона яратувчини кўради. Бу йўлда каъба ва бутхона фарқига бормайди, Каъбага қараб йўл олган ва бутхонага қараб юз туттаниларнинг ҳаммаси, ўша ягона ҳақиқатни излайдилар. Шунинг учун ҳам унинг кофирлиги ёки мусулмонлигига кўнгил боғламаслик керак, негаки у азалдан «Анал-ҳақ» айтиб келган, шу сабабли унинг ишқ соғарида ҳар дойим Мансур қони май ўрнида мавж уриб туради:

Анал-ҳақгўйи ижодам, тажаллий-парвари ишқам,
Мудом аз хўни Мансурам майи дар соғари ишқам.

На аз куфрам таманнойй, на аз исломам уммидий,
Надонам каъба-у бутхона аз ҳам, кофари ишқам.

Шунингдек у самадга (тангрига) сифинувчилар ва санамларга ибодат қилгувчилари бир томонга боришлирини кўриб, баъзан ҳайратланиб қолади:

«Ё, самадо»ни тарк этиб, «Ё санамим» десаммукин?
Айшу сурўрни кўйиб, ёки ғамим десаммукин?

Ҳақиқий инсон ҳақида Машрабнинг қарashi ажойиб ва қизиқарли. У барча коинот, ҳаттоқи фаришталардан

ҳам устун туради, чулқи ҳазрати инсон (ҳазрати Одам) улар учун масжүд бўлган, яъни ишон яралганидан кейин яратувчи уларга бош кўйиб унга сажда қилишни буорган эди. Инсон ўз ҳақиқий маънавий мақомига эришгандан кейин, еру-кўк, маҳшару кавсар ва ҳатто Жибраилдек буюк ва муқарраб фаришталар ҳам унга тенг тура олмайди, негаки улар инсон эмаслар, шунинг учун ҳам ишқдан-севгидан яроғ бўлиб, ишқ дарду қайғусини сеза олмайдилар:

«Тортсам бир оҳ дард билан махшаринг куяр!»
«Қилсам фифон, булоги куриб кавсаринг куяр!»
«Қоч осмон панога ёшун пайқаринг куяр!»
«Эй Жибраил йиғ эмди ўзингни паринг куяр!»
«Бедардсан, фариштасану ишқдан яроғ!»

Машрабнинг шеърларида Мусо, Хизр ва Исо образлари жуда кўп учрайди. Машраб ҳақиқий маҳбуб яъни яратувчи дийдорининг муштоқи. Дијшор иштиёқи унга бир лаҳза ҳам ором бермайди. Аллоҳни ушбу дунёда кўриш имконсиз бўлса ҳам, Мусо каби уни кўришга интилади, униг жамолини кўришга мусассар бўлмаса, жаннат ва ундаги ҳурларни ҳам ёқтирмайди:

«Жаннату хурингни найлай то жамолинг бўлмаса»

Аллоҳ тажаллийсининг рамзи бўлмиш Тўр тоги, «Айман» водийси бот-бот униг шеърларида такрорланиб туради. Куръони Каримда зикр этилган Тўр тоги, Айман водийси номли катта биёбоннинг чап томонига жойлашган бўлиб, ҳазрат Мусо пайғамбар, ўша ерда Аллоҳдан «раббий ариний» яъни «эй эгам ўзингни менга кўрсат» деб илтижо қилганда, унга «Лан тароний» яъни бу дунёда мени ҳеч қачон кўришинг мумкин эмас деб жавоб берилган эди. Сўнгра худо томонидан Мусога-тоққа бок, агар мен кўринганимда у ўз жойида тура олса, сен ҳам мени кўражаксан дейилади. «Тўр» тоги Аллоҳ тажаллийсига чидаёлмай парчалайиб кетганини кўрганда, куръона «Ва харра Мусо Сайқо» (Мусо хушсиз бўлиб йиқилди) дейилган.

Мазкур илоҳий ҳодиса, ҳар доим Машрабни ўзига тортиб тўлқинлантириб туради. У неча ўринда, мазкур

ҳодисага ишора қилиб, ниҳоят жасорат ва шаҳомат билан:

«Наям Мусо никоб аз чехра бардор»
«Нами ояд хушам ин «Лан тароний»»

Яъни мен Мусо эмасман, юзингдан пардани кўтар, бу “Лан тороний-мени ҳеч қажон кўролмайсан” деганинг менга ҳеч ёқмайди деб ёзади. Бошқа бир шеъридан (“Харра Мусо” рафтamu “инний аналлоҳ” омадам), яъни мен Мусо каби йиқилиб тушдим, лекин “инний аналлоҳ” (шубҳасиз мен худоман) деб келдим, деб “шатҳиёт” айтишга ўтади. Шатҳиёт, юзаки маъноси шариатга қарши бўлиб, комил ориф ва сўфиylар томонидан важду ҳаяжон ва жазба ҳолатида тилга олинидиган сўзлар, масалан мазкур байт ва Мансур Ҳаллож айтган “Анал-ҳақ” (“мен ҳақман” деган сўз). Бу каби сўзларни тилга олиш оқибатида Мансур Ҳаллож, Имодуддин Насими, Яхё Суҳравардий ва Машраб қиширий (юзаки) мутаассиб дин арбоблари томонидан ўлдирилдилар.

Машраб Мусо образини у худо дийдорига ета олмади деб яна бир жойда куйидагидек тилга олади.

“Раббиј ариний” деди. “Мусийи калийм, ҳеч етмади”

“Ишқдин илон болубон, кечалар бедор ўзум”

Яна бир жойда Мусонинг зидди бўлмиш Фиръавнинг золим ва шалдод вазири “Ҳомон” номи билан уни эслатади:

“Дар чашми аҳли олам сўфийвашам базоҳир”

“Сийрат, тарози “Ҳомон”, андар либоси Мусо”

Яъни олам аҳли назарида афтидан сўфи сифат бўлиб, Мусо либосида кўринсам ҳам, лекин ҳақиқатда сийратим-хулқим “Ҳомонга” ўхшайди.

Мусо образи ва Тўр тоги улуҳият тажаллийси мазҳари бўлгани учун, Мансур Ҳаллож назаридан ҳам узоқлашмай туради. Мансур ўз моҳиятини изоҳлаш мақсадида муаммосимон бир шеъриниг охирида бундай дейди:

“Абсартаний би-макони Мусо қоиман,”

“Финнури фавқат – Тўри ҳийша тароний”

яньи (ўшанда мепга Қарасанг, мени Тўр тоги узра, Мусо тўхтаган жойда нурға чўлғанган ҳолда кўрган бўлардинг). «Хизр» эса Мусога йўл кўрсатган, абадий ҳаёт рамзи ва ҳақ йўлига йўлловчи зот сифатида танилган. Машраб ҳам у каби маҳбубнинг абадияти зулол чашмасидан сув ичиб, хизр каби абадий ҳаётга эришмоқчи бўлади:

“Зијом чашмасидан хизр топди умри тавийл”

“манго бақолиғ уғун чашмаи зулолинг оч”

баъзан эса уни Исо-масиж билан бир жойда зикр этади. Исий масиж (Ҳазрат Исо), ҳазрат Муҳаммад алайҳиссаломдаи илгари охирги пайғамбар бўлиб, зоҳирон дорга (салиб-хочға) осилган, лекин худо уни кўкка (тўртинчи осмонга) кўтарған. У қиёмат кунигача барҳаёт яшайди.

Исонинг можароларга тўла ҳаёти, айниқса охирги кунлари ниҳоят оғир, азоб-уқубатли бўлиб ўтган. У ҳакиқат ғалабасини таъминлаш ва адолатни ўрнатиш йўлида олиб борған изчил кураши учун душманлар томонидан дорга осилиб, вахшиёна тарзда қийналган. Шу жиҳатдан Машраб ўз тақдирини улга ўхшатади, баъзан Исосифат бўлиб, ҳатто ундан ҳам юксакроқ даражага кўтарилигиси келади:

“Бошим ҳафт осмонга етса, ман исий сифат бўлсам”

“Исий руҳпарвар, тарки таалтуқ айлар”

“кўк саҳнида қаландар, яхши макон эмасму?”

Ҳазрати Исо ҳар қанча уруж қилиб осмонларга кўтарилиган ва кибриё ҳаримида яшайдиган бўлса ҳам, ҳақ дийдорини қўришга мусассар бўлгани йўқ. Машраб висол давлатига эришиш учун “ёри-ғор” бўлишни орзу қиласи. “Ёри-ғор” атамаси ҳижрат жараёнида ҳазрат пайғамбарамиз билан ўз тақдирини боғлаб, унинг йўлдоши, паноҳ изланған ғор ичида унинг сұхбатдоши, содик ва муҳлис дўсти сифатида, у билан хатарли онларни кечирган биринчи халифа Абубакр Сиддикқа берилган лақаб бўлиб, Куръонда “Сони иснайн из ҳумо филғор” (форда

бўлган икки кишипинг бири иккинчиси) каби сўзлар билан унга ишора қилинган.

“Исий чиқиб ҳаво уза, кўрмади маъшуқи юзин”

“Ишқининг ўтиға ман кўйиб, биллоҳи ёри-гор, ўзум”

Исо ва унинг тақдирига қизиқиш Машрабни Мансур Ҳалложта яқинлаштиради. Мансур назарида ҳам Исо-Масиҳ ўзига хос хусусиятлари яъни яратувчи ҳукми билан отасиз туғилгани, улугворлиги, ҳақ йўли фидойилиги билан Мансурнинг чексиз ҳурматини ўзига тортиб турди, ҳатто у бир шеърида Салийб (Хож) мазҳаби асосида дунёдан ўткумдур, Батҳо (Макка) ва Мадинани истамайман деб, ўз тақдирини Исо тақдирига ўхшашини истайди:

“Ало лийниссалийби якуну мавтий”,

“Ва ла-л-Батҳо урийду ва ла-л-Мадиїна”

Мансур Ҳаллож, Имодуддин Насимий “Ваҳдат” фалсафаси йўлиниң қурбонлари бўлиб, Машраб нуқтай назаридан порлоқ сиёмолар ва ортга чекинмас қаҳрамонлар сифатида гавдаланиб турдилар. Машраб уларга нисбатан чукур ҳурмат, чексиз муҳаббат билдириб, ўз тақдирини улар билан боғлаиди ва мансурга қўшилгани учун худога шукрлар қиласи.

Ривоятларга кўра шоҳ Машрабга унинг муршиди Офоқ Хожа, сен Маҳмудхон номли киши томонидан шаҳид қилинасан деб башорат қилган экан. Машраб ҳар доим ўз шеърларида унинг тақдири Мансурга ўхшаган бўлиб, оқибатул-амр Балх шаҳрида Маҳмудхон қўлидан шаҳодат шарбатини ичили ҳақида эслатиб юрган. Куйидаги шеърга дикқат қилинг:

“Қонимни тўкор эрмиш, Балх шаҳрида Маҳмудхон”

“Тақдири азал бўлса, найлай анга бермай жон”

“Митиг шукур худойимга, Мансурга қўшилдим”

“Ул руй-сияҳларким, Мансурни ўлдурғон”

“Ишқитиг йўлиға кирган, албатта кечар жондин”

“Кечмаса бу дунёдан, айттан сўзибур ёлғон”

Шунингдек Бобо Раҳим Машраб “ал-факру фахий” мазмунида ривоят қилилган ҳадис асосида, барча дунё-

вий ҳаво ва ҳавас, нафсоний истаклар, молу давлат, то-жу-тахтга берилишдан озод бир инсон сифатида, факт (фақирлик) гадоси бўлиб яшайди. Хофиз Шерозий “дарвишу гадо бўлиб яшаётгай бўлсам ҳам, ўзимнинг битта жундан тўқилган қалпоғимни, юзта шоҳона ҳожи билан алмаштиришга ҳозир эмасман” деган эди. Машрабнинг ўзидан эшигайлик:

Биҳишат айвонида ҳўру равоқин орзу қилмай,
Сотарға дину дунёни, ривожин орзу қилмай,
Борий, руму хито божу хирожин орзу қилмай,
Шаҳи руйи замину тахту тожин орзу қилмай,
Гадоғи факт бўлдум, саир этарман баҳру бар танҳо.

Гоҳи икки олами иккита кавуш (наълан) каби бир томонга ташлаб кетади, чуқи у ҳақиқий султоннинг девоналаридан ва оёқ яланг риндларидан бўлади:

“Кавнайро чу наъланпі андохтийму рафтийм”

“Девонагани шоҳийм, ринди бараҳа пойим”

Айни холда Бобо Раҳим Машраб ниҳоят жонкуяр, инсонсевар шоир бўлиб, эзилган, жабрланган ва мазлум одамлар учун қайгуриб юради, уларнинг дардларини чукур сезади:

“Дили тийғи ситамдин ёра бўлғон ҳалқни кўрдум”

“Тани дарду аламдин пора бўлғон ҳалқни кўрдум”

“Кўзи, вақти саҳар сайёра бўлғон ҳалқни кўрдум”

“Фано шаҳрида кўп овора бўлғон ҳалқни кўрдум”

“Зулм туғён этибдур ҳар бириси бехабар танҳо”.

У ўз даврининг мутаассиб дин арбоблари билан келиша олмайди, негаки у ҳар ерда ўз бўйнига ишқ туморини осиб юради. Буцдай ҳақиқий ишқнинг тубмоҳиятига тор фикр мутаассиблар ста олмасдилар:

“Мени кўрса қочодур шайхул-ислом

ахраман янглиғ”

“Нечун, бўйнумга зулфи тори

чёрмошқон туморим бор”

Бобо Раҳим Машрабнинг асарларини дикқат билан таҳлил қилиб ўқиганда, унцаги мазмунлар қанча чукур,

иборалар зилол сувдек шаффоф эканлигини сезиб борамиз.

Юқоридаги кузатишларга асосланиб айтиш мүмкінки Бобо Раҳим Машрабинің шеърларида бир томондан инсон ҳәётіга тегишли бўлган олий хислатлар яъни илму фазилатта интилиш, иймоили ва виждонли бўлиш, ёмонликдан узоклашиб, эзгуликка юз тутиш, ўз сўзи уст�다 туриб ёлғон-яшиғдан чекланиш, ота, она, халқи ва юргига нисбатан меҳр, муҳаббатда бўлиш ва бошқа кўп юксак ахлоқий нормалар ўрин олиб, ўз ифодасини топган бўлса, иккинчи томондан, унинг асарларида тасаввуфий ғоялар ва ирфоний қарашлар, айниқса “ваҳдат” масаласи чукур илдиз отган. Мазкур ғоялар, илоҳий муҳаббат туйғулари билан қўшилиб Машрабининг шеърий услубига йўналиш беради. У бундай юксак мақомга Эришган бўлса ҳам, унинг барҳаёт исми ёнида “девона” сўзи қўшилиб келган, ҳатто баъзан унинг ҳәётномаси бир қатор шеърлари билан “девонаи Машраб” номи билан ҳам нашр этилган. Фикримизча бунинг сабаби бир томондан унинг ўзи “девона” сўзини кўп ишлатиб, ўз номи билан ҳам уни кўп қўшиб ёзгани бўлса, иккинчи томондан унинг дунё кезиб, қаландарона сафар қилиб, дарвишларча ҳаёт кечиргани ҳисобланади. Биз бу ҳакда таниқли олим устод Файбулло Салом фикрига қўшиламиз: “Ҳамонки муборак, кутлуг, сирли табаррук номига “девона” деган сифат тиркалган экан, унинг қалбида ва онг-шуурида, ҳақиқатдан ҳам, тиник инсоний тафаккур билан баробар авлиёю анбиёларга хос зукколик, фаришта ва малоикаларга хос нур, девларга хос битмас-туганмас куч-кувват мужассамдай кўринди менга. Девонани бу “жинни”, “телба” деб англамаймиз. Нетонг! афсуски, қўпингя “девона” сўзиниг ўзагига эътибор қўлмаймиз. Дев!!! Дев!!!”

Таъкидлаганимиздек тасаввуф таълимотида Ибнул-Арабий асос солиб ривожлантирган “Ваҳдатул-вужуд” (пантеизм) - фалсафий йўналиши, Машраб исходиётининг иккигчи томони ва ажralмас қисмини ташкил этиб, унинг шеърларига Жалолуддин Румий ғазалларидек шўру ҳаяжон, жозиба ва завқ, ҳарорат ва гўзаллик бағишлайди. Уларни ўқиган киши қайтадан ўқигиси ке-

лади. Шоир Жалолиддин Румий ва унинг сирдоши машхур ориф Шамс Табризийга ихлос кўзи билан қараб, ўзбекча шеърларидан бирида “Шамси Табризий манам, гоҳий Жалолуддин манам” деб уларни тилга олади. Машрабнинг айрим форсча шеърларида “Немийм зи Туркистон, немийм зи Фаргона” (Менинг ярмим Туркистондан бўлса, ярмим Фарғонадандур) деган Жалолуддин Румийнинг шеърий услуби акс этади ва у ишлатган айрим атамалар кўзга ташланади, масалан:

“Аз ошно гусаста, пайваста эм бо дўст”,
“Бо хийштан нишаста, лекин зи- худ раҳойим”
“Бо шайх аҳд баста, бо лулиён нишаста”
“Дар ҳар кужоки бийний, ҳангомаи худойим”

таржимаси: - ошнолар билан алёқани узиб, дўстта кўшилганмиз, ўзимиз билан ўтирган бўлсак ҳам, ўзимиздан озод бўлганмиз - ажралганмиз.

- Биз шайх билан аҳду паймон қилиб, лўлилар билан ўтиришганмиз, ҳар жойда кўрсанг биз худонинг ҳангомасимиз.

Ваҳдат, ваҳдатул-вужд ёки “Пантеизм” машхур тасаввуфшунос олим Роже Арналдз қисқача ифодаси билан айтганда лугавий жиҳатдан модда (материя) бирлигидан иборат бўлса, ирфон фалсафасида ушбу атамадан мақсад “кавну амкон” яъни бутун коинотда факаг бир зот мавжуд бўлиб ва у яратувчининг ўзи эканлигини ифодалайди.

Олмониялик олим Макс Хўртан “Ислом фалсафаси” китобида ёзишича Ҳаллож тасаввуфга қуйидагидек тавсиф берган: сўфий ҳаддан ортиқ “Ифрод” (яккалашибириш) натижасида яратувчининг зотида мустаҳийл бўлиб (кўшилиб, ҳал бўлиб), худодан бошқа нарса қолмайди. Сўфийнинг сўнги мақсади ўз вужудини илоҳий зотда маҳв этишдан иборатдир. (Фано - яъни яратувчи зотида фоний бўлиш - Буддистларинг “Нирвоно”си яъни бутунлай фоний бўлишига тенгдир).

Роже Арналдз фикрича “Ифрод” факат яратувчига хос бўлан амал ҳисобланса, Лое Масинион таъкидлашиби “Ифрод” шундай бир инсоний амалким киши ўзи назарда туттан вужудни танлаб олиб, уни бошқалардан

шу даражада ажратадики, ўзи ва ундан (одам ва яратувчидан) бошқа нарса қолмайди.

Сүфий олимлар айтган даражага етгандан кейин, улиҳият зотида маҳв бўлади, бир қатра сув чексиз уммонга тушиб ўзини кўрмоқчи бўлганда факат уммонни кўрганидек, у ҳам ўзини кўрмоқчи бўлганда факат “Зот”ни кўрали. Навоий ифодаси билан айтмоқчи бўлсак:

Килиб ҳақ вужудида маҳв ўз вужудин,
Навоий муни бил тариқи тасаввуф.

Шундай қилиб ваҳдатга эътиқод Ибнул-Арабий, Аттор, Жалолуддин Румий, Боязид Бустомий, Мансур Ҳаллож, Имолуддин Насимий, Алишер Навоий каби Бобо Раҳим Машрабда ҳам кучли даражада мавжуд эди. Жалолуддин Румий:

“Онанки талабгари худоийд, худоийд,
Берун зи шумо нест, шумоийд, шумоийд”.

яъни: Эй яратувчини қидиувчилар, у сизлардан ташқарида эмас, ўзингиз, ўзингиз сизлар! – деган бўлса, Машраб:

“Сар ба жайби хеш бурдам, аз адам боз омадам”,
“Мазҳари зоти аластам, яктан автод омадам”

яъни: “ёқамга бош эгиб (чукур тафаккурга бориб), адамдан қайтиб келдим. Мен “аласт” зоти (яратувчи)-нинг мазҳари (зоҳир бўладиган жойи)ман, бир ўзим “автод” ўрнида турганман, - деб ёзади.

“Автод”, Ҳажвирий ифодасича тасаввуф аҳли назарида, Аллоҳга яқин олти гуруҳ жумласидан, “Кутб” ва “Нақиб”дан кейин, учинчи ўринда турган тўрт кишидан иборат бўлиб, дунёнинг тўрт томонида, оламнинг тўрт рукни - устуни сифатида тўхтаган бўлурлар.

Шунингдек Машраб бошқа бир шеърида “инний аналлоҳ” (мен худоман) деган яратувчи сўзини ўзига нисбат бериб ишлатган. Юқоридаги Машрабнинг ҳар иккала шеъридан ва бошқа кўп сўzlаридан, унда ваҳдат назариясига доир қарашларни якқол кўриш мумкин.

Ҳар ҳолда Бобо Раҳим Машрабнинг шеърларини унинг ирфоний қарашлари ёруқлигига чукур ва ҳар томонлама төкшириб, бошқа ваҳдат шоирлари билан унинг муштарак томонлари ва ўзига хос бўлган қарашларини илмий нуқтаи-назардан белгилаб бериш, ушбу ориф шоирнинг илмий-ирфоний шахсиятини ёритишга катта ёрдам беради. Негаки Машраб факат ўзбек ва форс тилларидағи шеърлари билангина эмас, балки ўзининг ирфоний-фалсафий дунёқарashi ва ушбу қарашларининг изчил тарбиботчиси, адолатсизлик ва хурофот ҳомийларига қарши ўз ақидасининг тарқатувчиси ва тарбиботчиси, ҳақ йўлида ўз жонини қурбон қилган фидой шаҳид ва қаҳрамон сифатида ҳам катта эътибор ва эҳтиромга сазовор инсондир.

Булардан ташқари Бобо Раҳим Машраб на факат Ўзбекистон, балки бутун Туркистон ва Марказий Осиё худудида “ваҳдат” ирфоний-фалсафий йўналишининг охирги намоёидаси ҳисоблаиади. Ундан кейинги айrim шоирларда ушбу тамойил баъзан кўзга ташланса ҳам, кўпинча тақлид асосида бўлиб, чукур ақидавий ва ғоявий негизга эга эмас.

Бобо Раҳим Машраб ҳаёти ва ижод билан бир қатор таникли олимлар айниқса Абдиқодир Ҳайитметов, Абдирашид Абдуғофуров, Файбулло Салом, Ваҳоб Раҳимов, Комилжон Исроилов ва Жалолиддин Юсупов ва бошқалар узоқ муддатлардан бери шугулланиб келиб, унинг шеърий тўпламларини тайёрлаб, таржимаи ҳолини ёзив китобхонларга тақдим этганлар. Айниқса Жалолиддин Юсупов томонидан интиқодий услубда тайёрланиб, мұфассал сўнг сўзи ва лугатномалар билан 400 бетда нашр этилган “Мехрибоним қайдасан” номли Машрабнинг катта шеърий тўплами ўзига хос аҳамиятга эга. Таникли олимлар Нажмиддин Комилюв ва Файбулло Салом томонидан ёзилган сўз боши ўз илмий таҳлили ва интиқодий томонлари билан Маирабининг бадиий ижоди ва дунёқарашини яхши англаб олишга ёрдам беради.

Асар тўпловчиси шоир асарларини ўз ичига олган 12 нусхани солиштириб ўрганиб, мазкур тўпламни катта меҳнат ва узоқ муддатли саъӣ қўшиш билан тайёрлаган. Юсупов кўп жойларда шеърлардаги камчиликларни ту-

затишга уриниб, баъзан уларни қиёсий шаклда, баъзан мантиқий йўсинда ва баъзан ўзининг шахсий завқи, тушуниш ва таъбири асосида ислоҳ қилиб келган. Лекин бу соҳада бажарилган ишлар етарли эмас. Ж. Юсупов ўзи ёзган сўнги сўзда “Машрабнинг ҳаёти ва айниқса бадиий меросини таҳқиқ қилишдек шарафли айни чоғда жуда мураккаб иш давом эттирилиши керак” деб таъкидлагай эди. Негаки ҳангуз ҳам Машрабнинг шеърларида аruz вазнлари ва мазмун нуқтаи-иззаридан анча камчиликлар ўзини саклаб қолган. Агар биз шоирнинг буюк иқтидори, илмий даражаси ва олий шеърий қариҳасини (истеъод) назарда тутадиган бўлсак, мазкур камчиликларни (айримларидан ташқари) унинг ижодида табиий деб тасаввур қилишга ҳақли эмасмиз. Шунинг учун ушбу Ҳаллож ва Насимий йўлдоши, Ибнул-Арабий ва Жалолуддин Румий издоши ижодининг мукаммал илмий интиқодий матнини тайёрлаб, ундаги ирфоний атамалар, талмийҳлар ва тарихий образлар, Куръон оятлари ва ҳадисларга тегишли ишоралар, арабча мисралар ва ибораларни изоҳлаб ўтиш, турли нусхалардаги сўзларни чукур ўрганиш, топилган қарийналарга асосланиб қиёсий-мантиқий услубдан фойдаланган ҳолда камчиликларни тузатиш билан бирга, унинг дунёқарашини ҳар томонлама ёритиб берип, адабиётшунос ва тасаввуфшунос олимларимиз олдида турган буюк фахрли вазифа ҳисобланади.

Мақола охирида мамнуният билан эслатмоқчимизким Машрабнинг руҳий кечинмаларини чукур сезган, унинг ижодидаги бадиий томонлар ва ирфоний гояларини яхши идрок этган шоиртабиат ёзувчи устод Файбуло Салом “Ёзувчи” газетасида эълон қилган ўзининг таҳлилий ва қизиқарли мақоласида, тадқиқотчи олим Жалолиддин Юсуфий томонидан кўп йиллик меҳнат смараси сифатида Машраб “девон”и билан унинг “Мабдаи нур” асари янги ишлов, таҳлил ва таҳрирдан чиқарилиб, икки жиллик ҳажмда нашр арафасида турганидан хабар беради.

Биз Машрабшунослик соҳасида бажарилган бундай илмий-таҳқиқий иш ҳозирги даврда қанча катта аҳами-

ятга эга эканлигига эътибор берган ҳолда, унинг тез ора-да нашрдан чиқишини кутиб қоламиз.

ИЗОҲЛАР

Уруж - юқорига кўтарилиш.

Мазҳар - Зоҳир бўлиш, кўриниш ва жилва қилиш жойи.

Кибриё - буоклик, улугворлик, азамат.

Талмийҳ - шеърда бирон-бир машҳур қисса, ҳодиса ёки машҳур масалга ишора қилиш.

Қарийна - бирон матлабани билб олиш ёки мураккаб ва мажхул масалайи англаш ва ё бирон мақсадга эришиш учун далил бўладиган нарса, аломат, нишона.

Қарийҳа - завқ, илрок, шоирлик ва ёзувчилик учун табиий куч ва истеъдод.

ИШКАМИШДА

Бобо Раҳим Машрабнинг мазори

Афғонистоннинг тўққизта шимолий вилоятлари ҳамда Кобул, Ҳирот ва Бодғис каби вилоятларда яшайдиган кўп миллионлик ўзбеклар ва бошқа туркӣ халқлар орасида Бобо Раҳим Машрабнинг номи ҳурмат билан тилга олиниб, ўзбекча ва дарий тилидаги шеърлари ма-роқ билан ўқилади. Афғонистонда, айниқса, Taxor, Кун-дуз, Бадахшон, Саманғон, Жӯзжон, Сарпул ва Форёб вилоятларида бу атоқли шоир асарларини кўплаб учратиш мумкин. Унинг шеърлари афсонавий тус олган унинг ҳаёт қиссаси билан қўшилиб кўп марта чоп этилган. Шунингдек, “Мабдаи нур” номи билан унинг қаламига мансуб асарнинг қўлёзмалари ҳам кўп топилади.

Бундан ярим аср олдин замонавий мактаблар озлиги сабабли шимолий вилоятларда болалар - ўғил-қизлар маҳаллий мадрасаларда ўқиб савод чиқаришарди, кўпинча шаҳар маҳаллаларида, аҳоли заруратига кўра, ўғил-қизлар учун озми кўпми мадрасалар бўларди. Ўғиллар мадрасаларида охунлар ва қизлар мактабларида бибиотунлар (муаллималар) дарс берардилар. Бизнинг шаҳримиз Сарпул (Сарпул вилоятининг маркази) мактабларида, бошқа мактаблар сингари, маҳсус қизлар мактабларида Куръони Карим, турли диний китоблар, шеърий асарлар ўзбек ва дарий тилларида ўқитиларди. Улар қаторида Ҳофиз, Навоий, Бедил, Ҳувайдо девонлари ва баъзан Сўфи Оллоёр ва Бобо Раҳим Машраб китоблари ҳам ўқитиларди. Вакт ўгиши билан замонавий мактаблар кўпайиши натижасида улубу маҳаллий мактабларнинг катта қисми тарқалиб кетди.

Ўзбеклар Бобо Раҳим Машрабни бир валий (худонинг дўсти) ва кашфу-каромат эгаси сифатида танишиб, ундан содир бўлган кароматлар борасида кўп гапиришиди.

Бир инсонга иисбатан ақида ва ихлос ҳаддан ошганда ўша инсон юксак даражага кўтарилиб, муқаддас зотлар қаторидан ўрин топади. Халқ унга иониб, сифи-

нади ва ундан ўз мушкуларини ечиб бериш учун ёрдам сўрайди.

Бобо Раҳим Машрабга нисбат берилган оддий бўлмаган турли-туман ҳодисалар баъзан унинг ҳаётига фантастик тус беради ва унинг сиймоси теварагида бир муқаддас ҳола (кўтан) яратади.

Мавлоно Жалолуддин Румий, Имодуддин Насими, Хожа Аҳмад Яссавий каби буюк зотларнинг ҳаёти ана шундай ажойиб можаролар ва фантастик воқеалар, эртаксимон ҳодисалар билан қўшилиб кетган.

Афғонистон ўзбеклари ва тожиклари орасида Шоҳ Машрабнинг мунча шуҳрат ва маҳбублик қозонганига сабаб аввало унинг ҳар икки тилда ёзган ширин, такаллуфсиз ва халқ тилига яқин шеърлари бўлса, иккинчидан, унинг умр охирда Балх шаҳрига қилган сафари ва ўша ерда шаҳид бўлганидир.

Бобо Раҳим Машраб турли-туман мулкларни кезиб, ҳаётининг охирги пайтларида Балх шаҳрига келади, у ердаги адиб, олим ва муллолар билан учрашиб, Балх ва Кундуз ҳукмдори Маҳмудхон Катағон билан мuloқотда бўлади.

Машраб ўз замонасининг йирик олим ва орифи сифатида ҳеч қачон ҳам ҳақиқатдан воз кечмас ва ноҳаққа таслим бўлмас эди. У қасрга бормасин, риёйӣ шайҳлар, амалсиз муллолар ва халқ жонига бало бўлган золим шоҳлар ва ҳокимларга қарши туриб, баъзан тўғридан-тўғри ва баъзан ҳажвий тарзда уларнинг ҳақиқий қиёфасини очиб берар,adolat ва инсонпарварлик ғоясини илгари сурарди.

Маҳмудхон атрофида йиғилган дин моҳиятидан хабарсиз олимсимон кишилар унинг эркесвар ва адолат-парвар ғояларига қарши туриб, Маҳмудхонни шоирни осиб, ўлдиришга қайрадилар.

Бобо Раҳим Машраб қиприй (юзаки) уламолар фатвоси билан Маҳмудхон фармонига биноан Балх шаҳрида дорга осилиб ўлдирилди ва жасади ўша ерга дафи этилди.

Ҳиндистонда босилган Шоҳ Машраб Наманганий девонининг охирда ёзилишича, бир оз муддатдан кейин шоирнинг ҳомий ва муридлари келиб, Маҳмудхондан

қасос оладилар ва Машрабнинг жасадини унинг васиятига кўра, Ҷалҳдан Ишкамиш (Ишкамиш) шаҳрига олиб бориб кўмадилар. Аммо баъзи-бир ривоятларга қараганда, Машраб бир тун Махмудхоннинг вазири Масъуднинг тушига кириб, унга менинг жасадимни Ишкамишга олиб бориб кўмгил, деб буоради.

Хозирча Балх шаҳрида “Жавонмарди қассоб” деган машҳур зиёраттоҳ яқинида Машрабнинг биринчи қабри туради. Эл уни бир муқаддас мазор сифатида хурмат қилиб, турли жойлардан уни зиёрат қилиш учун одамлар келишади. Аммо бу ориф шоирнинг абадий ётар жойи Ишкамиш деган шаҳардадир.

Ишкамиш Тахор вилоятининг бир кичик шаҳри бўлиб, қадимдан Вазволин номи билан шухрат топган. “Ориёна доиратул-маориф” (Афғонистон энциклопедияси, 3-жилд, 177-бет)да берилган маълумотга қараганда, Ишкамиш шаҳри Хонобод шаҳридан 30 км масофада, Ишкамиш дарёсининг ёнида воқе бўлган. Унинг гарбий томонида Хонобод шаҳри ва Шўроб чўли жойлашган. Илгари Хонобод - Наҳри - Кобул йўли шу даштдан ўтарди.

Ишкамишнинг шимол ва жануб томонларида тош ва тупроқдан таркиб топган кичик тоғлар туташиб, шимолида Толқон шаҳри, шарқида Хўсту-Фиринг тумани, шимоли-шарқида Фархор тумани туради.

Иқлими қуруқ иссиқ. Ишкамиш дарёси, Хўсту-Фиринг тоғларидан сарчина олиб Ишкамишдан ўтади ва беш ярим километрдан кейин Хонобод дарёсига тўклиди. Бу дарё кўпилча қуруқ бўлиб, факат ёғингарчилик ва сел фаслида унда сув оқади.

Ишкамишда экинчилик кўпилча дайма (лалми) бўлиб, буғдоӣ, арпа, нўхот, тарвуз ва қовуи экиласди. Шаҳарчанинг гарбий томонида тошкўмир кони бор. Ундан ҳар йили 250 тоинага яқин тошкўмир қазиб чиқарилиб, Бағлондаги қанд фабрикаси учун кўкс (тошкўмирнинг тури)га айлантирилади ва қисман аҳоли эҳтиёжларига ишлатилади.

Олмониялик Арвин Грош Боҳ “Афғонистон жуғрофияси” номли китобида, бошқа шаҳарлар қаторида,

Ишкамиш борасида ҳам қисқача қилиб қўйидаги маълумотни беради:

“Тахор вилоятининг жанубий соҳаларида иккита кичик бозор ўрин тутган - Ишкамиш ва Фархор. Ишкамишнинг эски бозори Наҳрин ва Фархор даралари ўртасидаги ерларда шаҳрий хусусиятлар билан жойлашган бўлиб 200 та дўкон ва 8 та саройи бор”.

Афғонистонда сарой маркетсимон катта жой бўлиб, тўрт томони хоналар билан ўралган бўлади. Ундан, катта шаҳарларда маркет ва мусофирихона сифатида, кичик шаҳарларда мусофирихона, гараж ва бозорчилар уловлариги саклаш мақсадида истифода қилинади.

Китоб муаллифи 1972-73 йиллари ушбу шаҳарни кўриб ўтган. У анчагина обод бўлиб, унда 40-45 минг аҳоли яшарди. Уларнинг 70 фоизи ўзбек ва 30 фоизи тоҷиклар эди. Эҳтимол, урущдан сўнг аҳвол бошқачароқдир. Ана шундай бир минтақада, Ишкамиш шаҳарчасидан бир ярим километр шарқ томонда ўзбекнинг султонул-орифин, бурҳонул-муҳакқикин ва зудатулмутакалимин шоири Мавлоно Машрабнинг мақбараси жойлашган. Мақбара хом гиштдан қурилган гумбазли бино бўлиб, турбатнинг ўзи ҳам лойдан ясалган. Қабрнинг тепасида араб. тилида ёзилган бир тош лавҳа киши диққатини ўзига тортади.

Мақбаранинг гарбий томонидан чиқалиган булоқ катта (100×100 метр) ҳовузга тўкилиб, ундан шаҳарга қараб оқади. Ҳовуз мақбарадан 10 метр масофада воқе бўлган. Ёзда суви салқин ва қишида иссиқ. Ҳовузнинг теварагида баланд дарахтлар қад кўтарган. Ёз пайтлари аҳоли дам олиш учун у ерга боради. Мақбаранинг атрофини 2-3 тут дарахти безаб туради.

Ишкамиш аҳолиси ва унга яқин минтақалар улуси Шоҳ Машрабни улуғ олим ва шайх деб танишади. Унинг ўзбекча ва дарий (форсий) шеърлари қодирия тариқати пайровлари томонидаи жаҳрларда оҳанг билан ўқилади.

Шоҳ Машраб мухлислари унинг қабрини ҳамиша зиёрат қилиб туришади, айниқса чоршанба кунлари аёлларининг сони кўпаяди. Зоиралар Шоҳ Машраб руҳониятидан ҳожат тилаб, ўз мушкулларипи ҳал қилиш умидида

бўладилар. Катта боғда назру-хайрот ўтказиб дам олишади.

Неча йиллар муқаддам баъзи-бир шайхлар бу мақбарада чилиа ўтириб, маънавий камолотга интилар эдилар. Шундай қилиб, Бобо Раҳим Машраб, бу улуг шоир ва ориф ўз юксак руҳи, орифона ва риндана шеърлари билан мухлислар қалбида яшайди, минглаб мустаманд кишилар учун руҳий таянч ва маънавий ёрдамчи сифатида хизмат қилиб келади.

Бобо Раҳим Машрабнинг турбати Ишқамишда, Бобур Мирзонинг қабри Кобулда, ҳазрати Амир Алишер Навоий, Гавҳаршод бегим ва Султон Ҳусайн Байқаро абадий ётар жойлари Ҳирот шаҳрида, уларнинг маънавиятлари билан бирга Афғонистон ва Ўзбекистон халқларини камалак кўприк бўлиб бир-бирига чамбарчас боғлаб туриб, дўстликни мустаҳкамлаш омили бўлиб келмоқда.

Мақола охирида шуни ҳам қайд этиб ўтиш керакки, яқингинада Ўзбекистонда бу улугвор шоир ва ориф туғилган кунининг 350 йилтиги тантанали нишонланди. Афғонистонда сиёсий ва ижтимоий аҳвол оғир бўлганига қарамасдан, Амир Алишер Навоий фарҳангий (маданий) уюшмасининг Балх вилоятидаги бўлимни ушбу тарихий санани эъзозлаш мақсадида “Гузидай аз ашъори Машраб” номи билан Машрабнинг танланган дарий (форсий) ва ўзбекча шеърлари мажмуасини, унинг сурати билан, юбилейдан бир неча ой муқаддам нашрдан чиқарди.

Бу мажмуани Балх вилоятида Навоий фарҳангий уюшмасининг раиси журналист Абдулла Рўйин нашрга тайёрлади. “Мавлоно Машраб таржимаи ҳоли тўғрисида бир неча сўз” ёзиб унинг қисқача таржимаи ҳолини баён этган. Балх вилоятидаги ёзувчилар уюшмасининг раиси Солиҳ Муҳаммад Халиқ эса “Риндалар уруғидан бир эркин инсон” сарлавҳали муқаддимасида Машрабнинг шеърий қариҳаси ва ирфонда тутган юксак мақомини қисқача ёритган.

Мажмуа 1991 йил охирларида Балх давлат босмахонасида нашрдан чиқарилган.

БОБО ТОҲИР ВА УНИНГ ИРФОНИЙ ТАРОНАЛАРИ

Форсий - дарий тилини билганлар орасида Бобо Тоҳирнинг тароналарини ўқимаган ёки эшитмаган киши кам бўлса керак. Чунки унинг рубоийларидан анчали минг йилга яқин муддат жараёнида халқ оғзаки адабиётига қўшилиб кетиб турли шеваларда ўқилиб келинмоқда.

Бобо Тоҳир Урён номи билан катта шухрат қозониб, ўз сехрли тўртликлари билан руҳларни тасхир этган ва кўнгилларга йўл очган шоир ким эди?

Унинг ҳаёти, таржимаи ҳоли ҳатто туғилган йили ҳақида етарли даражада маълумот мавжуд эмас. Турли манбаларда берилган қисқа маълумотларга кўра у бешинчи ҳижрий аср ўрталарининг шоир ва орифларидан бўлиб, тўртинчи ҳижрий аср ўрталарида туғилган, машҳур бухоролик мутафаккир ва файласуф Абу Али ибн Сино билан замондош бўлиб яшаган.

Араб манбаларида берилган маълумотларга кўра у машҳур сўфий, шоир ва дарвиш сифатида қалаандарона ҳаёт кечириб, ҳар доим ҳаракатда бўлган, ундан ирфоний гоялар ва тасаввуфий қарашлар билан йўғрилган бир қатор тароналар қолган. Унинг тароналари тасаввуфда юксак ўрин тутган “ваҳдат” гояларини ўзида акс эттирган.

Шунингдек, Бобо Тоҳир салжуқийлар султони Туғрулбек билан замондош бўлиб, султон Ҳамадонга борганди, у камолот даражасига етган ориф ва етук сўфий бўлган. Салжуқийлар даврининг машҳур ёзувчиси ва тарихчиси Ровандий ўзининг машҳур асари “Роҳатуссуదур” “Кўнгилларроҳати”да Султоннинг Бобо билан учрашуви (447 ҳ.й.) ҳақида күтидагидек ёзган. “Эшитишмча Султон Туғрулбек Ҳамадонга келганда, у ерда авлиёлардан учта пир мавжуд эди. Бобо Тоҳир, Бобо Жаъфар ва шайх Ҳамшо. Улар Ҳамадондаги Хизр деган тоғда туради. Султон уларга кўзи тушиши билан лашкар кавкабасини тўхтатиб отдан тушди, вазири Абунаср ал-Кундурий билан илгари юриб улар билан кўришиди. Бобо Тоҳир ундан сўради: Худо ҳалқи билан на қилгунгидир?”

Султон дейди: "Сен айттанингдек!" Бобо дейди: "Инна-
ллоҳа яъмуру бил-адли вал-иҳсои" (Аллоҳ адолат юри-
тиш ва эҳсон қилишга буоради.) Султон йиглаб дейди:
Шундай қилгумдур".

Ривоятта биноан, Бобо йиллар таҳорат қилиш учун
фойдалаиб келган бир ибрийқ (кӯзача)нинг бошини
бармоғида сақлаб юргац, уни чакириб султоннинг бар-
моғига солган ва "шундай қипіб олам мамлакатини кү-
липта бердим,adolatli bўlgan" деган. Султон уни ҳар
доим туморлар ичида сақлаганац, уруш юз берган чоғларда
уни ўз бармоғига солган.

Манбаларда ёзилишича, Бобо Тоҳирдан араб тилида
"ал-фтуҳотур-раббония" (илоҳий кашфиётлар) номли
унинг қисқача сўзларидан иборат бўлмиш бир мажмua
қолган. Ушбу мажмуада ирфоний ақидалар, илму маъ-
рифат, зикру ибодат, важду муҳаббат борасида сўз юри-
тилиб, ахлоқий таълимотлар ҳақида фикр билдирилган.

Бобо Тоҳирдан қолган энг муҳим асар унинг тарона-
лари - тўртликлари мажмуасидан иборатdir. Бу тўртлик-
лар рубоийлар ағъанавий вазида ёзилмаган бўлса ҳам,
рубоийлар деб аталади. Ушбу, ҳаяжон ва нозик туғулар
 билан тўлиб тошган, ниҳоят латиф, гўзал туғуларни
ўзида мужассам эттан тароналар замон ўтиши билан
кўпгина ўзгаришларга учраб ўзишинг асл шакли (Лур
лаҳжаси)дан чиқиб, дарий тилига яқин бўлган. Мисол
учун унинг айрим тўртликлари Афғонистонда турли ма-
ҳалий лаҳжаларда айрим ўзгаришлар билан дарий тили-
да айтилади. Али Роҳжирий унинг рубоийлари мажмуа-
сига ёзган сўз бошисида куйидагича фикр билдирган:
"Унинг сўзларининг равонлиги, соддалиги, нозик ва на-
фислиги айни ҳолда ундаги фасоҳат ва балоғат, муҳим-
роғи ундаги куйиниши ва ҳаяжон, каломнинг иуфуз ва
таъсирчалиги шу қадар кучлики, ҳозиргача ҳам форс
тилида унга тенг келадиган, унга ўхшайдиган асар яра-
тилмаган".

Бобо Тоҳирининг 160 дан ортиқ тароналари бор. Ай-
римларининг инглизча таржимасини ўз ичига олган чи-
ройли тўплам устод Али Роҳжирий сўз бошиси, машҳур
хаттот устод Али Акбархон Кованинг ниҳоят гўзал ва чи-
ройли хатида "рубоиёти Бобо Тоҳир Урён" номи билан,

1371 ҳ.й. наҳот рангли нағис қоғозда нашр этилган. Албом шаклида ёзилған 68 бетли бу нағис китобнинг ҳошиялари чиройли гуллар, қашталар, суратлар ва миниатуралар билан безатилған бўлиб, китоб матнида Ризо Аббосий (XVI-XVII асрлар) миниатураларидан фойдаланилган.

Бу ўринда шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, таниқли олим ва таржимон Ш.Шомуҳамедов томонидан унга мансуб уч юздан ортиқ рубоий ўзбек тилига таржима қилиниб, 1994 йил "Рудакий ва Бобо Тоҳир" номли мажмуада нашр этилган.

Биз ҳам Роҳжирий тўпламидан унинг тароналаридан 19 тасини таълаб олиб, улардан 10 тасини аруз вазнида ва 9 тасини бармоқ вазнича шеърий таржима қилдик. Қизиқиш ва иулюс маҳсули бўлмиш ушбу ишнимиз хурматли ўқувчиларга маизур бўлгусидур деган умиддамиз.

"СЕН ҚУВСАНГ ЭШИКДАН КИМГА БОРАЙИН?"

АРУЗ ВАЗНИДА

Қасам тангрига жононим эрурсан,
Паямбарга¹ қасам жоним эрурсан.
Ўзимнинг кимлигимни билмасам ҳам,
Сени бицдимки дармоним эрурсан.

Таратса атрини ул турфа кокул²,
Йўқотар ўз ҳидин боғларда сунбул.
Ҳаёлинг соғиниб тунларда кучсам,
Атр сочтай жойимдан, тоиг чоги гул.

Кўлим етса фалак чархига бир он,
Сўрадим уйдан: эй гардўни гардон.
Бирорга юз туман исъмат берисан,
Кўшибурсан бирорнинг нонига қон.

¹ Пайғамбар.

² Кокил.

Келиб күргил бу қайғули күнгилни
Сариқ юзда қызил ёш, хаста дилни.
Чидам дарди, фироқ апдухи бирлан,
Кечирғанман нечук бу ой - у йилни.

Агар мастонамиз, сендан эурмиз,
Агар девонамиз, сендан эурмиз.
Агар муслим, агар ҳипиду, агар габр,
Бўлиб афсонамиз, сендан эурмиз.

Қилайлик йиглабон кўзларни жайхун,
Бўлайлик ишқида Лағилю Мажнун.
Севимли бир Фаридунни йўқотдик,
Тузайлик янги бир бошқа Фаридун.

Тун ойга бокибон ёлборадурмен,
Кун ўлса қайғудаи бечорадурмен.
Ўз ўрнингда сенинг бордур қароринг,
Мен эрса даҳр аро оворадурмен.

Эшигмас кўк менинг оху фигоним,
Эзилди гардишидан хаста жоним.
Ҳаётим ўтди ғам-қайғу билан лек,
Тузук айламади ҳеч осмоним.

Бирон гул ўсмасин сенсиз чаманда,
Ўсиб, ёқтирмасин атрини баңда.
Юрак қони юзидан кетмасин ҳеч,
Бирорким кулса сенсиз қилса ҳанда.

Танимни босди юз кулфат худоё,
Кўнгилда тошли ғам-ҳасрат худоё.
Фариблик дарди маскан шавқи бирлан,
Юракни куйдирур ҳарқат худоё.

Кўзу кўнгил кўлидан дод-фарёд,
Кўнгил кўз кўргани доим қиласар ёд.
Ясай пўлатдан бир тез ханжар,
Қалаб кўзга қилаї кўнгилни озод.

Күзларим косаси сенинг саройинг,
Оёфинг тупроғи күзларимга тенг.
Қадам қўйсанг озор топмасин дейман,
Киприкларим тиканидан оёфинг.

Кўрқмас севган киши ўзидан, жондай,
Кўрқмайди ошиқ кипцандан, зиндан.
Ошиқ кўнгли оч бўри - ҳайикмайди,
Хар қанча ҳам ҳай-ҳай деса чўпондан.

Икки зулфинг эрур рубобимга тор,
Бу ёмон ҳолимдан на истагинг бор.
Менга ёрлик қилмас экансан нега,
Киравсан тунлари тушимга эй ёр.

Мусулмонлар келди уч, рўзгор ғами,
Фариблик, асирик ғами, ёр ғами.
Парвойим йўқ ғариблик - асирикдан,
Мени охир ўлдиргай дилдор ғами.

Лола экманг, эй лола эккувчилар,
Гул экишдан боғбонлар қўл тортинглар.
Гуллар аҳди мен кўрганимдек бўлса,
Гул ўрнида тикан эксангиз беҳтар.

Салламно ўзларин билмаганларга,
Ўтда ҳўл-куруқни сезмаганларга.
Дайру бугхона, каъба, сумаъада,
Ёрдан бўш бир жойни кўрмаганларга.

Бу далада йиглаб юриб бир деҳқон,
Лола экарди кўздан оқизиб қон.
Экиб юриб дер эди: "во дариғо,
Экиб ташлаб кетиш экан бу жаҳон!?"

Раббим кимга, дейман кимга борайин,
Ожиз - нотовонман кимга борайин.
Бошқалар қувсалар сенга юз туткум,
Сен қувсанг эшикдан кимга борайин?

Изоҳлар:

- лашкар кавкабоси - лашкарнинг илғор қитъаси
- важд - завқ, шавқ, ишқу муҳаббат.
- Гардўни гардон - айланувчи осмон.
- Ҳарқат - куйиш, ёниш.
- Сумаъа, дайр - христиан обид ва зоҳиднинг ибодатхонаси.

**ҲОЗИРГИ ЗАМОН ЎЗБЕК
ТАСАВВУФШУНОСЛИК ИЛМИГА БИР НАЗАР
(Н.Комиловшығ «Тасаввұф» китобига тақриз)**

Інсон илк марта ўз атрофини ўрганиб, ҳәёт ва коипот сирларини билиб олишга уриниши билан бирга, илк ирфоний тахаййуллар ва тасаввурлар ҳам юзага келган экан. Илк ирфоний тасаввурлар, мифология билан чамбарчас боғлиқ бўлган бўлса ҳам, инсон тафаккури тараққиёти билан бирга ривожланди ва фалсафий тафаккурлар билан йўғрилиб кетиб, ўзига хос йўналишларга эга бўлди.

Ирфоннинг ўзига хослиги шундан иборат эдик, ҳикмат ва тафаккур, коипот сирларини билиб олиш жараёнида, мантиқ ва истиддол айланаси ичида оқсаб қолганда, ирфон ва тасаввұф, «ишроқ чароги» билан ёрдамга келиб, ақлу мантиқ босиб ўта олмайдиган йўлга уни бошларди ва ҳозиргача ҳам шундай бўлиб келмоқда. Шунинг учун ҳам тасаввұф ва ирфон борлиқ сирларини билиб олишда, тааққул ва тааббуд (ақлу-мазҳаб) ожизлигининг натижаси ва аксул-амали деб бежиз айтмаган бўлсалар керак.

Қадимий ҳинд ва юнон фалсафасида хилма-хил ирфоний фикрлар, айниқса «ваҳдат»га доир таълимотлар юзага келган эди. Ислом тасаввуфи исломий манбалардан ташқари, Юнон фалсафий таълимоти, айниқса Афлотун қарашларидаи фойдаланган бўлса ҳам, тадқиқотчилар фикрига кўра Афлотун ва неоплатонизм, шунингдек ҳинд ирфоний йўналишлари, унга ўз таъсирини ўтказган. Франциялик тасаввұфшунос олим Роже Арланд ёзишича, ундаги кўп мавзу ва материаллар, ислом мазҳаби таълимоти ва анъаналари билан чукур кўшилиб кетган.

Тасаввұф ислом оламида кенг кўламда тарқалиб, нафақат халқининг амалий ҳаётида, балки тафаккур, адабиёт ва бадиий ижод соҳасида ҳам, ўзидан чукур таъсир ва из қолдирган.

Тоталитар тузум тасаввұф таълимотига қарши ва салбий муносабатда бўлгани туфайли, барча халқ, айниқса ижодкорларни, ундан узоқлаштириб, уларни ушбу

таълимот файзидан маҳрум қилиб келган эди. Шу сабабли, совет ҳокимияти қулаб эркинлик шароити юзага келгандан кейин тасаввуф фалсафаси ва унинг турли тариқатларига тегишли бўлган таълимотни чукур ўрганиш учун, мукаммал шаклда ёзилган асарларга зарурат сезилмоқда.

Мустақиллик шарофати билан маънавий қадриятларни тиклаш жараёнида айрим олимлар томонидан, тасаввуфий мавзулар бўйича жуда кўп мақолалар, рисолалар, тадқиқот ва таржималар нашр қилиниб келди. Айниқса олимлар филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққулов, Ориф Усмонов, Ёкубжон Исҳоқов, Султонмурод Олим ва бошқа бир қатор тадқиқотчилар томонидан ёзилиб нашр этилган асарлар диққатта сазовордир. Шунингдек камина қаламига мансуб «Тасаввуф таълимоти илдизлари» номли илмий реферат «Мулокот» журналининг 1995 йилдаги 1-2, 3-4, 5-6-сонларида, «Кўнглим кўзи билан кўрганиларим» номли шайх Нажмуддин Кубро рисоласининг арабчадан таржимаси «Ҳаёт ва қонун» журналининг 1995 йил 4,5,6-сонларида ва «Садоқатли толиб» деб аталган Маҳдуми Аъзамнинг «Рубоийлар шарҳи» рисоласининг форс тилидан таржимаси «Миллий тикланиши» газетасининг 1996 йил сонларида нашр этилган эди. Лекин шундай бўлса ҳам тасаввуф ғоялари, унинг моҳияти ва мақсадларини ҳар томонлама илмий таҳдил этувчи мукаммалроқ асарларнинг ўрни бўш қолиб келмоқда. Мазкур бўшлиқлардан бирини, таниқли тасаввуфшунос олим ва мутасавиф устод Нажмиддин Комилов тўлдиришга муваффақ бўлиб, шарқ фалсафий тафаккури тарихи туркумидаи «Тасаввуф» деб аталган китобининг биринчи жиҳдини нашр қилди. Биз ушбу мақолада, мазкур асарни имкони борича хурматли ўкувчиларга муаррифий этишга уринамиз, чунки ушбу китоб ўзбек тасаввуфшунослик илмига тегишли бўлган муҳим асардир.

Устод Нажмиддин Комиловнинг «Ёзувчи» нашиёти томонидан нашр этилган «Тасаввуф» китоби, бир дебоча (муқаддима), 12 унвон (боб) ва бир хотимадан ташкил топган бўлиб, 272 бетни ўз ичига олган. Биринчи боб, «тарих ва таъриф» деб аталади. Муаллиф ушбу унвон

остида тасаввуф таълимотининг топилиши ва бошланғич босқичи ҳақида сўз юритиб, унинг қайси омиллар таъсирни остида юзага келганилиги ҳақида маълумот беради, «сўф» (жун) сўзидан «сўфий», «тасаввуф», «мутасавиф», «мустасуф» сўzlари ҳосил бўлганлиги борасида гапириб, ҳар бир калиманинг маъносини очиб беради. Шу ўринда қайд этиш лозим бўладики «мустасуф» сўзи Араб тили луғатномаларида кўзга ташланмади. Муаллиф уни Кошифий асарларидан олган экан. Шундай экан, ушбу сўз кошифий томонидан «сўф» сўзи ўзаги асосида, «истифъол» қоидасига бисюан тузилган бўлиб, уни тўғри бўлмаса ҳам, «мустафъил» вазнида «мустасиф» шаклида ўқиц ва ёзиш лозим бўлади.

Муаллиф тадқиқоти асосида, тасаввуф тарихи икки даврга: зоҳидлик даври, орифлик ва ошиқлик даврига бўлинади. У сўфийларнинг ўзларини ҳам ориф сўфиylар, зоҳид сўфиylар, риңд сўфиylар, факир сўфиylар ва файласуф сўфиylарга ажратади. XII асрغا бўлган тасаввуф тараққиёти, Миср, Хурасон, Мовароуннахр, Ироқ ва Туркистон мактабларининг топилиши учун, замин яратиб бериб, XIII асрда бошланган оқим, тасаввуфда «ваҳдатул-вужуд» номи билан шуҳрат қозонганини муфассал шаклда ёритиб ўгади.

Муаллиф фикрича, тасаввуф таълимоти тарихида, бошқа силсилалар юзага келгандан сўнг, XV асрдан бошлаб ушбу таълимотнинг назарий-фалсафий томони сўна бошлайди, лекин шундай бўлса ҳам Ҳиндистонда бир қадар тафаккурий силжишлар жумладан «ваҳдати шуҳуд» ва «ваҳдати вужуд» оқимларини янги фалсафий оқимлар деб қарашиб мумкин.

Мазкур боб туркиялик олим Гўпёпарли томонидан сўфиylарнинг саккиз тоифага бўлинганлиги ва уларнинг хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилиб, тасаввуф ҳақида Навоий берган таъриф билан тутатилади. Муаллиф ўз кузатишлари натижасида «тарих ва таъриф» деб атаган унвонни ёритишга муваффақ бўлади.

Кейинги боб «тарикат» деб номланган. Бу бобда, тарикат, маърифат ва ҳақиқат тушунчаларининг топилиши, аста-секин тасаввуф бир илм сифатида илми ҳолдан, илми қолга ўтиши жараёни ва шариат арбоблари

билин топилган келишмовчиликлар ҳақида сўз кетади. Муаллиф тариқат нималигини текшириб, мисрлик Зуннун биринчи бўлиб, сўфиёна ҳолатларни сўз билан ифодалаганинг 7-рукни ва шайхнинг сифот ва хусиятларини ёритади, баъзи бир соликларнинг битта эмас, балки бир неча муршиллари бўлгани ҳақида маълумот беради. Масалаи, Накибанд, тасаввуфнинг турли томонларини турли муршиллар, жумладан Бобой Самосий, Амир Сайид Кулол ва Абдул-Холиқ Фиждувонийдан олганлигини таҳлил қиласди. Бобда тариқат мақомоти яъни бекатлари моҳияти борасида сўз юритилиб, унинг 9-тури изоҳланади, соликни тарбиялаш жараёнида солик билан муршид орасида бўлган муносабатлар ва мурид бошидан кечирадиган турли мадориж қисқача ёритилиб, натижада истеъдоли соликнинг қалб кўзи очилгандан кейин, бешта ташқи ва бешта ички ҳислардан ташқари, яна бир ҳайратта солувчи зиҳний ва важдий (интуитив) қобилиятлар пайдо бўлиши анализ этилади.

Муаллиф бутун тасаввуф оқимларида катта аҳамиятга эга бўлган «ҳол»ни, мустакил унвон остида янги боб қилиб изоҳлайди ва уни тасаввур ва тахаййулда илохий жамолни мушоҳада қила бошлиш, қалбни завқу-шавқ қамраб олиш мартабаси сифатида ёритиб ўтади. Шунингдек ҳол ва унга қачон эришиш мумкинлиги ҳақида айрим олимлар фикру мулоҳазаларини келтириб, унинг 7-босқичи бўлмиш (курб, муҳаббат, шавқ, утс, муҳоҳада, мушоҳада, мукошафа)нинг ҳар бирини алоҳида тарзда изоҳлайди. Навоий ва Жомий фикрларини назарда тутган ҳолда, жазб ва мажзуб атамалари, сўфийнинг руҳий такомули жараёнида унинг тутадиган ўрни тушунтирилади.

Муаллиф ёзишича айрим назариётчилар мақомлар билан ҳол мартабасини қўшиб тилга олганлар, яъни тариқатни «мақомот» ва «ҳол» деб икки қисмга бўлмасдан, иккаласини бирга олиб қараганлар. Сўнгра бу ҳақда ҳиротлик сўфий Абдулло Ансорий фикрича, тариқат манзиллари ўнга бўлиб, ҳар бири бошқа ном билан аталганилиги ва таснийғининг қаилай далилларга асосланганлиги ёритилиб холоса чиқарилади. Ансорийнинг манзиллари-

да руҳ диалектикаси чукурроқ акс этган деб таъкидлана-ди. Бобнинг охирида муаллиф соликнинг руҳий-маъна-вий сафари тўрт хили - сайр илаллоҳ (Аллоҳ томонига сайр), Сайр филлоҳ (Аллоҳ олимидан сайр), Аҳадият ҳузу-рита тараққий этиб бориши ва сайр биллоҳни тушунарли қилиб изоҳлаб, тўргинчи сафардан мақсад Аллоҳдан яна ўзига қайтиш яъни ҳақ номидан гапира олиш, дунёга ҳақ нурини тарқатишдан иборатdir деб таъкидлайди.

Китобнинг кейинги боби «маърифат ва ҳакиқат» деб аталган. Муаллиф бу бобда маърифат нималиги ва унинг туб моҳиятини тушунтириш учун жуда кўп манбаларга таянгани ҳолда текшириш олиб бориб, тариқатдан мақсад маърифат бўлиб, у эса сўфийлар назарида фикрдан олдин кетадиган ва шубҳага ҳам ўрин қолдирмайдиган илмдир деган хulosага келади.

Текшириш жараёнида олим турли тасаввуфшунос олимлар фикр ва қарашларига ёндашиб, руҳ нималиги ҳакида имом Фаззолийнинг фикрини келтиради ва буок аллома Ибнул-Арабий томонидан билимларнинг уч хилга бўлинишини кўрсатиб, имгул-яқин, айнул-яқин ва ҳаққул-яқинни етарли даражада ёритиб ўтади. Шунингдек лоҳут, жабарут ва носут оламларини изоҳлаб, тажрид, тафрид ва ишқ каби тушунчаларнинг ирфоний моҳиятини очиб беради.

Муаллиф тасаввуф тарихида кўп асрлар давом этиб келиб, турли оқимлар, силсилалар топилишига сабаб бўлган «сукр» яъни мажнун бўлиб аллоҳни севиш ва бехудлик ҳолатида ирфон қозониш концепцияси ва «саҳв» яъни ҳушёрлик концепциясини мисоллар билан ёритиб ўтиб, «сукр» оқимини ҳозирги пайтларда гарбда ўрганилаётган «онғизлик онги» муаммосига ўхшашлигини кўрсатади ва инсонда ақл билан тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлар бўлишини фан исботламокда ва улуғ кашфиётлар айнан ана шундай «бехудлик» ҳолатида юз беради деган хulosага боради.

Муаллиф китобнинг кейинги бобини «муҳаббат»га бағишлиланган. У муҳаббатни тасаввуфнинг асосий руқниларидан бири сифатида жуда кўп ирфоний тушунчалар унга бориб тақалиши ҳакида сўз юритиб, машхур арабча макула «алмажозу қантаратул ҳақийқати» (мажозий ишқ,

ҳақиқий ишқ яни илоҳий мұхаббатнинг күпргидир) деган мазмунни ёритиб беришта ҳаракат қиласы. У тасаввуф ахлиниң «инсон инсоннинг биродаридир» деганғоясими текшириб ўз холосасини чиқаради.

Китобнинг олтинчи боби «каромат»га бағишлиланган. Бу унвон остида кашғу-каромат, унинг моҳияти ва инсонлардан содир бўлиши мумкинми деган савол атрофидан сўз юритилади. Муаллиф вали ким, унинг хусусиятлари нималардан иборат, валилик даражасига қайси йўлдан эришиш мумкинлиги ҳақида кузатиш олиб бориб, набийлардан содир бўладиган мўъжизалар ва валилардан содир бўладиган одатга хилоф ишлар (хавориқи одат) билан фарқи нимада эканлигини изоҳлаб ўтади. Ушбу бобга тегишли бўлган муаммолар ва мураккаб масалалар саккизта кичик унвон (боб) остида, манбаларда келтирилган ривоятлар ва ақлий далилларга асосланган ҳолда, ҳар томонлама ва муфассал шаклда, қизиқарли услубда ёритилади.

Асарнинг еттинчи боби «тариқат ва шариат» деб номланган. Биз унвонни изоҳлаш мақсадида бир оз тўхтаб ўтмоқчимиз. Тасаввуф таълимоти тарқалиши билан бирга, ушбу таълимот тарафдорлари ва шариат намояндалари орасида, аста секин келишмовчиликлар чиқа бошлади. Ҳам шариат ҳомийлари ва ҳам тасаввуф тарафдорлари, ўз фикру ақидаларининг тўғрилигини исботлаш учун, шариат манбалари айниқса Куръон ва суннага мурожаат қиласидилар. Куръон оятлари ё ҳадисларда келган айрим сўзлар, иборалар ва баъзан бутун матн, ҳам факихлар ва ҳам мутасавифлар томонидан далиллар сифатида ишлатиларди. Факиҳлар қабул қилинган қоидалар асосида оят ва ҳадисларга мурожаат қилсалар, тасаввуф ахли уларни ўз таълимотларига мослаштириб тафсир ёки таъвийл (бир сўзни, унинг зоҳирий маъносидан бошқачароқ қилиб изоҳлаш) этардилар.

Афғонистонлик муаррих М.Ғубор ёзишича ислом шариати билан тасаввуф орасида қарама-қаршилик аниқ шаклда мавжуд. Шариатта биноан ҳалқ ва борликдан ташқари турган «холиқи муфориқи аъло» (моддадан айрув, барча жисмониётдан устун турадиган, ақлий оламдан ташқари, барча ақлий ва руҳий оламнинг яратувчиси

— Ш.Ж.) мавжуддир. Аммо сўфийлар фикрича худо барча ашёда (дунёда) жорий ва сорий (ҳаракатда)дир. Улар барча оламда ёйилган бир ҳақиқий ва воқеий вужудга ишонадилар. Сўфий нуқтаи назаридан, ислом, бутта сиғиниш, каъба ва майхона, самад ва санам бир нарсадир. Уларча ушбу муштарак ҳақиқат «сулҳи кул»да (барча дин ва мазҳаблар тарафдорларининг тигчликда — Ш.Ж.) яшаши учун замин яратиб беради (Афғонистон тарих ўзанида — 173-бет).

Шиа олимларидан Мулло Садро ўзининг сўфийлар кофирлиги ҳақида ёзган китобида ва унинг шогирди Мулло Муҳсин Файзий Кошоний сўфийларни қоралаб ёзганлар. Шунингдек шиа олимларидан Мулло Муҳаммад Тоҳир Кумий ўзининг «Тароикул-ҳақоқ» (ҳақиқатлар йўллари) номли асарида сўфийларга ниҳоят душманлик кўрсатиб, уларни инкор этиб сўз юриттан. У ўзининг бир қасидасида ҳам ҳикмат аҳлига ва ҳам сўфийларга қаттиқ қаршилик кўрсатган. Масалан:

Ҳавои дарди анал-ҳақ фитода дар саришон,
АЗОИ КУНАНД ЧУ МАНСУР, КУФРИ ХУД ИЗХОР.
Зананд лофи худоий ба зикри субҳоний,
Ҳамин камаст аз ойини куфришон зиннор.

Таржимаси: Улар бошига «Аналҳақ» дардининг ҳавоси тушгани учун, Мансур Ҳаллож каби, ўз кофирликларини изҳор этадилар. «Субҳоний» зикр билан, худолик лофини урадилар, кофирликларидан шунча қолганки, зиннор (хож) тоқсалар. (Эронда адабиёт тарихи. 5-жилд, I-қисм, 213-бет).

Китоб муаллифи устод Нажмиддин Комилов, мазкур бобда, ўз тадқиқоти ва кузатишларини ана шундай бир мураккаб муаммони ечиб, шариат билан тасаввуф орасида, юз фоизи бир-бирини ишкор қилувчи қарама қаршилик мавжуд эмаслигига қаратган. У бундай деб ёзади: шариат аҳлига ташвиш келтирган нарса, бу тасаввуфнинг фано, тавҳид, ишқ, васл каби гоялари эди. Чунки мазкур тушунчалар, хур фикрликни, ҳақиқатни излаш йўлидаги мантиқий — тафаккурий жиҳатни кучайтирас, вахдат, рух, илоҳ ва инсон ҳақида теранроқ билим берар, олам асрорини англашга йўл очарди... боз устига ҳақ

ишида бехуд ва девона валиларниң «шатхиети» яньи зоҳирда куфр бўлиб кўринган гаплари... ақидапараст кишларни ташвишга солар ва улар буни имондан чекланиш деб баҳолардилар.

Муаллиф мазкур қарама қаршиликларнинг курбони бўлган Яҳё Суҳравардий, Мансур Ҳаллож, Имодуддин Насимий ва Бобо Раҳим Машраб каби ҳур фикр инсонларни санаб ўтиб, хонақо ахлига Ибн Жавзий ва бошқа муаллифлар томонидан ёзилган китобларга танқидий ёндашади. Буюк мутасаввиф олимлар асарлари ва фикрларига таянган ҳолда, тасаввуф таълимоти шариатнинг асосий қоидаларига қарши эмаслигини кўрсатиб ўтади. Ибн Жавзий томонидан сўфийларга билдирилган қарши фикрларга жавоб қидиради ҳамда Мавлавийнинг бир байти билан бобни тугатади. Байтнинг мазмуни: ҳар бир пайғамбар ва валининг ўз маслаки ва мазҳаби бор, лекин ҳақ олдига боргандা, уларнинг ҳаммаси бирдир.

«Хилват ва анжуман» саккизинчи бобнинг унвонини ташкил этади. Муаллиф тасаввуф таълимотидаги айрим нормалар, масалан тарки дунёчиллик, тавҳид, ваҳдат, рақс-самоъ, халқдан ажралиб тажаррудда яшаш каби хислатлар ҳақида сўз юритиб, имом Газзолий томонидан кўрсатилган узлатининг олтига фойдаси ва олтига зарарини изоҳлаб ўтади. Баъзан ишон учун узлатда бўлиш ва хилватда ўлтириши айниқса чукур тафаккурга ўтиш учун бир заруратта айланниб қолади деган фикрни илгари суради.

Муаллиф, Баҳоуддин Нақшбанднинг руҳий тараққиёт босқичларига тегишли бўлган айрим воқеаларни зикр этади, жумладан қаршидаги қусам (қасам) шайх билан учрашиб, ундан тарбия олгандан кейин, устоди унга қараб “энди сен турку тожикка раҳнамо бўласан”, дейди. Ундан илгари Амир Кулол ҳам унга қараб “турку-тожик машиҳларидаи кимни ҳоҳласанг ҳузурига бориб, баҳраманд бўлишинг мумкин” деган эди. Сўнгра рус олими В.Л.Горлевский “Баҳоуддин туркларнинг қадимий шомоний тасаввурларидан ҳам яхши фойдаланган”, деган фикрни зикр этиб, Халил Ота билан унинг дўстлиги бунга яна бир мисол, деб таъкидлайди. Воқеа шундан иборатки ҳазрати хожа ўзи накл этишича, дастлабки

кезларда туркниң улуғ шайхи (Сулаймон Бокирғоний) унинг тушида уни бир дарвишга топширади. Ҳазрат бувисига ўз тушини айттаңда бувиси унга қараб «Эй фарзанд, түрк машоиҳидан сенга насибалар етгай» деб уни таъбийр этади. Ундан кейин Баҳоуддин Ҳалил Отани қидириб топиб, унинг хизматида бўлади. Ҳалил Ота олти йил Мовароуннахр подшоҳи бўлган даврда ҳам, унга хизмат қилиб, давлатни бошқариш ишларидан ташқари, сулук оламида ҳам у билан бирга бўлади. Муаллиф бундай ҳолатни яни дарвишнинг тахтда ўтириб мамлакатни идора қилиши, айни ҳолда муридлар тайёрлаши, Ҳалил Ота мисолида, шоҳу дарвишни бирлаштириш мумкинлигини исботлаган бўлса; Баҳоуддиннинг унга хизмат қилиши, тасаввуф ҳукмрон бўлган салтанатни вужудга келтириш мумкинлигини кўрсатган тасаввуф тарихида нодир ҳодиса, деб баҳолайди.

Муаллиф ўз баҳсидан нақшбандия шундай улуғ бирлаштирувчики, қавмлар, табақалар ва тоифаларни тасаввуф таълимоти асосида чипслаштириш вазифасини амалга оширган деб холоса чиқаради, уни тасаввуф таълимотини демократлаштириб, омма орасида уни тарқатиш учун муносиб замин ҳозирлаш деб баҳо беради.

Китобнинг тўққизигчи боби, тасаввуф таълимотининг амалий томонидан бири бўлмиш «футувват»га бағишиланган. Ушбу арабча сўз йигитлик, муруват, рашодат ва жавонмардлик маъносида бўлиб, замон ўтиши билан ўзига хос ва кўп қиррали мазмунга эга бўлган.

Тасаввуф аҳли футувватни инсои бошқаларни ўз манфаатидан устунроқ қўйиши маъносида тушунардилар. Шу сабабли саҳиълик, фидокорлик, кечириш, ҳимоя ва мудофаа қилиш, уибу олий хислатнинг сифатларидан ҳисобланарди. Футувватта тегишли бўлган ҳар бир хусусият илмий баҳсу мунозарага сабаб бўлгани учун, ушбу тушунча бир илм сифатида шаклланган. Н. Комилов футувватнинг лугавий ва истилоҳий маъносини кенг ёритиб, унинг тарихий томонларига ҳам ишора қиласиди. Араб сайёҳи ибн Батуга ёзишича «Футувват аҳлини ироқда шотирлар, Хуросонда Сарбадорлар, Мағриб (Андалусия)да сукралар, (Афғонистон-Кобулда Кокалар – Ш.Ж.) деб атаганлар. Уларга тегишли жойларда адолат

шундай ривожланганки уларнинг лашкаргоҳлари ва уйлари остонасида олгин ва кумуш тангалар ерга сочилиб ётади ва эгалари топилмагуңча ҳеч ким бу пулларга тегмайди».

Муаллиф ёзишича жавонмардлар оддий халқ ичидан чиққан хунармандлар, сапоҳийлар, кўчаларда тамоша кўрсатувчи халқ театри вакиллари, пахлавонлар, қизиқчилар, дорбозлар ва бошқа тоифалардан ташкил топган. Уларнинг ҳар бири учун пири, ўз жамоасининг таълим берувчи устодлари ва йигиладиган жойлари бўлган. Ибн Батуга ривоятига биноан хонақоҳларда мусофирлар ва дарвишлар истаганларича яшаганлар, уларга текин озиқовқат, кийим-кечак берилган. Агар мусофир сафарни давом эттирса, у от-улов, зарур асбоб-анжом ва йўл харжи бўладиган маблағ билан таъминланиб, хурсанд қилиб жўнатилган. Хонақоҳга қадам қўйган кишидан уч кунгача сен қаердан келдинг, кимсан деб суришгирилмасди. Ибн Батуга бемалол иззат ва ҳурмат билан яшаб шайхлар, шаҳар ҳокимлари, амирлар ва ҳагто сарой хонлари билан учрашиб, улардан туҳфалар олган. Мисол суратда Моварауннаҳр подшоҳи Чигатойбек укаси бўлмиш Сulton тармасирииннинг ғайрат-шижоати, саҳийлиги, адолатпарварлиги ҳақида тўлқинланиб гапирган. Шунингдек Бухоронинг машҳур шайхи Сафиоддин Бохарзий билан унинг хонақосида учрашиб, унинг уйига меҳмон бўлиб унинг уйида Куръон тиловати, амр-маъруфдан кейин ҳофизлар форсий ва туркий тилларда ажойиб кўшиклар ижро этганликлари ҳақида ҳикоя қиласди.

У X-XI асрларда бошланиб, XIII асрга келиб футувват ва тариқат бир бири билан қўшилиб кетганилиги ҳақида маълумот бериб, футувватнинг 11-12-рукнини ҳисоблаб ўтиб, амалий мисоллар ёрдамида уларни тушунтиришга ҳаракат қиласди. Булардан ташқари, футувват аҳли, ижобий хислатларни эгаллаб олиб, салбий хислатлардан сақланиши кераклигини эслатиб, «вужудий» - ижобий хислатларнинг 48 та турии зикр этади.

Асарнинг ўнинчи боби «моҳият - инсон учун кураш» деб аталган. Инсоннинг нима эканлиги яъни моҳияти, у босиб ўттан моддий ва маънавий тараққиёт босқичларини чукур англаб олиш турли фанларда асосий муаммо-

ларни ташкил этиб келган фалсафа ва тасаввуф илмларида инсон марказий муаммо сифатида ўрганилади.

Тасаввуф таълимоти инсоннинг руҳий-маънавий та-
комулига қаратилган бўлиб, ундан мақсад барча моддий
ва нафсоний тубанликларни оёқ ости қилиб ўтиб, ин-
сонни, комил инсон-ҳақиқий инсон даражасига кўта-
ришdir. Ирфон ахли назарида инсон руҳий тарбиятлар
босқичларидан ўтгандан кейин, ҳақиқий муршид раҳбар-
лигида шундай бир олий мақомга кўтариладики, уни та-
савур қилиш, инсон тафаккури доирасига ҳам сифмай-
ди. Мавлавий тили билан айтганда «Вончи кандар ваҳм
Нояд он шавам» (Ваҳму тасаввурда сифмайдиган нарсага
айланаман).

Олим асарнинг мазкур бобида ана шу каби мұхим
фалсафий-ирфоний масалаларни ўртага ташлаб, уни ҳар
томонлама таҳлил ва тажзия қилади. Илмий хулосалар
чиқаради.

Муаллиф тасаввуф гояларининг кўп тармоқлилиги
ва ундаги айрим қарама-қаршиликларга ишора қилиб,
уни турли мазҳаблар ва силсидалар қарашларини бир-
лаштирувчи чексиз фикр олами деб баҳолайди. Инсон
учун қайғуриш, унинг маънавий камолотини ўйлаш, та-
саввуфнинг доимий ўзак масаласи бўлиб келган, деб таъ-
кидлайди.

Муаллиф тасаввуфга турли олимлар ва орифлар то-
монидан берилган таърифларни эслатиб ўтиб, нафс ту-
шунчаси устида муфассал тўхталиб, унинг салбий томон-
ларини ёритиб беради ва нафс, худбинлик – ўзим бўлай
фалсафасини туғдиради дейди. У, тасаввуф ахлининг
«инсон инсоннинг биродаридир» деган гоясини, Саъдий
Шерозийнинг машҳур шеъри «Баний одам аъзойи якде-
гаранд...» асосида изоҳлаб, уни Мавлавийнинг бир шеъ-
ри билан солиштириб, назарда тутилган маънони ундан
чиқаради.

Бу ўринда шуни ҳам қайд этиш керакки, шайх Саъ-
дийнинг мазкур шеърининг мазмuni, Куръон оятлари,
айниқса қўйидаги ҳадисдан олинган бўлиб, чуқур диний
маънога эга. Ҳадисишиг таржимаси: Мўминлар бир-бир-
ларига дўстлик, меҳру шафқат кўрсатишда, бир баданга
ўхшайдилар. Агар бирон ўзв (аъзо) шикоят қилса (дардга

йўлукса), у билан барча бадан аъзолари уйқусизлик ва иситмага учрайди (роҳатсиз бўлади) - Бухорий ва Муслими ривояти асосида.

Китоб муалифи ўн биринчи бобни «комил инсон»га бағишлайди. Комил инсон ва унинг хислатлари ҳақида турли манбаларда зикр этилган фикру мулоҳазаларни эслатиб ўтгандан кейин тасаввуф аҳли сифинган - идеал - комил инсон, аслида ҳалқ идеали, адабиёт идеали эди - бу одамлар жамиятнинг тирик виждони эдилар. Кишилар уларга қараб хушёр тортар, дунё бехудалигидан ўзига келиб, ўз қалбига ва қилаётган ишларига разм солардилар, тавба қиласидилар. Уларнинг афъоли ва аъмоли инсонлар дилита қувват, кўзига нур бағишлаган деб холоса беради.

Шу ўринда комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб, мунозараларга сабаб бўлгани ва бу ҳақда маҳсус китоблар ёзилгани муалифнинг дикқатини ўзига тортиб, Саййид Абдукарим Гелоний ва Азизуддин Насафий томонидан ёзилган «инсони комил» номли рисолаларни маҳсусан тилга олиб ўтади.

Биринчи бўлиб тасаввуф адабиётига «комил инсон» тушунчасини киритган Ибнул-Арабий (1165-1240)нинг назари уни қизиқтиради. Муалиф манбаларга таяниб уни изоҳлайди. Ибнул-Арабий назарида комил инсон ақли аввал - ақли кул тушунчаси билан маънидошидир. Чунки Тангри таоло илоҳий нурдан илк марта ақли аввалини яратди ва унинг сурати-шакли комил инсон қиёфасида зухур этди. Шунинг учун «Халақаллоҳу одама ало сўрагир-раҳмон» деган ҳадис мавжуд. Комил инсон шутариқада Аллоҳнинг Раҳмон ва Раҳим сифатларига эга бўлди дейдилар.

Муалиф Ибнул-Арабийнинг фикрини куйидагидек изоҳлайди: Ибнул-Арабийнинг фикрича комил инсоннинг ердаги тимсоли Ҳазрат Муҳаммад Пайғамбар (С.А.В.)дур. Ул зот вужудида ақлий, руҳий камолот, дунёвий ва илоҳий билимлар жамулжам эди. Пайғамбари миз ҳалқ ва ҳақ муқобилица турдилар ва орада восита эдилар. Шундай бўлгач ҳамма одамларни комил инсон деб аташ жоиз эмас, агар пайғамбардан ўзга зотларга нисбатан бу сифат айтилар экан, буни шартли таъриф

ёинки шу улуғ мартабага ҳурмат-эҳтиром белгиси сифатида қабул қилиш керак.

Китоб муалтифи, Сайиид Абдулкарим Гелоний ва шайх Омилий қарашларини зикр этгандан кейин, Ибнүл-Арабий билан бу икки мутасавифнинг қарашларича комил инсон бир Кайҳоний вужуд бўлиб кўринади, унинг сифатлари ердаги фоий одамлар сифатига, аниқ шахслар хислатига ўхшамайди, унда биз жамики гароиб табиъий кучларнинг мажмуини мушоҳада этгандай бўламиз деб таъкидлайдикомил инсон булар назарида бир руҳдир, маънавий, ақлий қудратдир. Шу мазмунда уни Аллоҳнинг халифаси, ўринbosари дейиш мумкин.

У бу борада кўп қиррали ва чуқур текширишлардан кейин, шайх Азизулдин Насафий «зубдатул-ҳақоик» номли рисоласидан бир қизиқарли фикрни келтиради. Унга биноан бутун борлик ва мавжудот ҳаракатдадир. Лекин бу ҳаракатдан мақсад, инсон мартабасига эришишдан иборат, яъни барча жисмлар, ўсимликлар ва ҳайвонлар, инсонга тақлид қиласи, инсон даражасига кўтарилиш учун интилади ва одамий ҳам ўз моҳиятига эришмагунча тинмай интилади.

Агар биз Н. Комилов келтирган Насафийнинг тараққиёт ҳақидаги фикрини, Жалолуддин Румийнинг тараққиёт ҳақидаги назари билан солиштирадиган бўлсак, иккаласи бир хил мақсадни ифода этади.

Мавлавий шеъри:

Аз жамодий мурдаму, номий шудам,
Ваз намо мурдам, зи ҳайвон сар задам.
Мурдам аз ҳайвонийю одам шудам,
Пас чи гўям, чун зи мурдан кам шудам.
Бори дегар аз фалак паррон шавам,
Вончи кандар ваҳм нояд, он шавам.

Таржимаси: Қаттиқ жисмдан ўлиб (ўтиб), ўсимликка айландим, ўсимликни йўқотиб, ҳайвонликдан бош чиқардим. Ҳайвонликни йўқотиб одам бўлганимдан кейин, ўлимлар сони қанча камағани ҳақида нима десам экан. Яна бир марта кўқдан қанот қоқиб учиб, ваҳму тасаввурга сифмайдиган нарсага айлангумдур.

Муаллиф, тасаввуф ўзига хос усули билан инсонни тарбиялар, уни шак-шубҳа, изланиш, қидиришлар йўлидан бошлаб, ўз хилқати, ўз моҳияти ҳақида ўйлашга ўргатарди, ипсонга ўзини ва оламни таниб олиш ва илоҳий севишни таълим берарди деган холоса билан бобни тутади.

Асарнинг охирги боби (12-боб), «Тасаввуф ва бадъиий ижод» унвони билан бошланади.

Айтиш мумкинки ушбу боб китобининг энг яхши, энг қизиқарли қисмларидан биридир. Унда тадқиқот остида олинган мавзу ниҳоят кенг, кўп қиррали ва қизиқарли бўлиб, китобниг энг катта бобини ташкил этади. Муаллиф ушбу мавзуни «тимсоллар тимсоли», «шоҳу дарвиш ҳикмати», «Сукрот – комил инсон тимсоли», «ишқ оташининг самандари», «жон ва жонон можароси», «ахтарин ишқ этдио совуқ нафасни оҳ субҳ», «эрур кўнгилда сафо ишқ, тоза доғи била», «аҳд қилдим ишқ лафзин тилган мазкур этмайин», «соқиё, талҳ ўлди айшим ҳажр бедоди била» каби тўққизта фаръий унвон остида изоҳлаб тугатади.

Муаллиф мазкур бобда шарқ ўлкаларида тасаввуф таълимотининг кенг кўламда тарқалиши ҳақида сўз юритиб, унинг сабабини араб, форс ва турк тилларида буюк бир шеъриятни вужудга келиши учун замин яратиб берганида кўради ва тасаввуф талқин этган ғоялар, шеърият ғояларига айланиб кетгани оқибатида, ҳис-ҳояжонга сероб ажоиб шеърият вужудга келди дейди. У тасаввуфнинг ўзини бир буюк романтик олам деб билиб, тасаввуф аҳлига хос бўлган турли бадиий, ирфоний қарашлар ва романтик тасаввурларни унинг хусусиятлари сифатида кўрсатиб ўгали. Унингча оламни бир мутлақ яратувчининг ижоди деб қараш, дунёни илоҳининг кўзгуси деб тушунтириш, борликни романтик рангларда, шоирона ҳаёлий суратлар-тимсоллар тарзида, илоҳий нурнинг порлашидан доимий ҳаракат ва ижодда деб тасаввур этишнинг ўзи бир поэзиядир.

Муаллиф тасаввуф романтизмини чиройли мисоллар, жонли далиллар билан изоҳлаб, уни сўфий шоирнинг эстетик дунёси ва ҳаёт мазмуни сифатида талқин этади. Тасаввуфда бадиий ижод деганда, нафакат сўз

санъати, балки тасаввуфга хос бўлган мусиқа, тасвирий санъат, ракс санъати ва ҳатто суфиёна театрни ҳам назарда тутиш кераклигиги уқдиради. У: биргина самоъ (сўфийларга хос бўлган рақссимон мавзун ва мутаносиб ҳаракатлар - Ш.Ж.)нинг ўзида ҳам шеърият, ҳам ракс, ҳам қўшиқ - мусиқа иштирок этади. Кўпинча самоъ мажлислари театрлашган тамошага айланиб, факат сўфийларнинг ўзларигина эмас, балки атроф-жавонибдаги кишилар ҳам бу тамошани йиғилишиб кўрардилар. Нифаҳотул-унсга асосланиб, шайх Абусаид Абулхайр мажлислариға ҳатто хотинлар ҳам келиб, томларга чиқиб тамоша қиласар эканлар, дейди.

Шу ўринда муаллифга қўшилиб айтмоқчимизки, Афғонистонда ҳозиргача ҳам сакланиб келинаётган хонақоҳларда айниқса Кобул шаҳридаги баъзи хонақоҳларда, сўфиёна қўшиқлар жумладан «маснавий»дан ўқиладиган шеърлар билан ҳамоҳанг жаҳрлар қилиш ва унинг жараёнида сукр ва саҳвсимон ҳолатлар юз бериши, жиходий кучлар ва «толибон» келгунга қадар мавжуд эди. Жумъа кечалари сўфий машраб хонандалар, машхур наътхонлар тўплантан жамиятда иштирок этиб, мусиқа билан мужроий берар, яъни ҳамду, наъту манқабат ўқирдилар. Машхур наътхон ва маснавийхонлардан Фахриддин Оғо ўзининг жарангли садоси билан машхур эди, ҳозирча у Мазори Шариф шаҳрида ҳофизлик қилиб келмоқда.

Камина ёшлигимда шаҳримиз «Сарпул»да, неча марта «Қодирия» тариқатига мансуб Фулом Фавс Оғо номли бир пир уйида, жумъа кечалари бўлиб ўтадиган жаҳр зикрининг гувоҳи бўлганман: Оғонинг ички ҳовлисида, турли жойлардан нарзу ниёзлар билан келган аёллар ва майда болалар ва ташқи ҳовлида эркак муриidlар ва мухлислар тўпланиб, овқат ейилиб, хуфтон намози ўқилгандан кейин, жаҳр қилинарди. Муриidlар доира шаклида ўлтириб, белларини боғлаб, пирниг халифаларидан бирин назоратида бир қатор муқаллас калималарни бир овоз билан қўшилиб айттишга бошлардилар. Калималар қўйидагилардан иборат эди: Аллоҳу, Ёху, Ёман-ху, Лоилоҳа иллоҳу ва шу каби муқаллас иборалар. Жаҳр (зикр) бир оз қизигандан кейин, овози ёқимли бир киши, Хусрав

Деҳлавий ёки Ҳасан Деҳлавийнинг сўфиёна шеърларидан, кўпинча Ҳамд ёки пайғамбарга бағишлиланган наътларидан ўқий бошларди. 15-20 киши томонидан бир овоз билан такрор бўладиган сўзлар мазкур ҳофизнинг ёқимли овозига қўшилиб, ҳозирги замон «Хор»лари томонидан ижро этиладига тароналарга ўхшаб кетарди. Ҳаяжон ошиши билан ҳалқадагилар ритмик ўқишга қўшилиб, мазкур сўзларни бутун вужуди билан, шўру шавқга берилган ҳолда такрорлаб туради. Уларнинг ҳаммаси ҳар-бир сўзниг биринчи жузъини адо қилишда бошини юқорига кўтариб, иккинчи қисмини айтишда пасга қараб ҳам бўлардилар. Ҳаяжон ошиши билан, овозлари ҳалқларининг (ҳалқум) тўридан чиқа бошлаб, яссавий тариқатига хос бўлган «Арра зикри»ни эслатарди ва ниҳоят ёқимли, таъсирчан бир саҳнани ташкил этиб, ҳар бир мурид ўзига хос руҳий ҳолатта учраб, баъзилари сукрга ўхшаш ҳолатта тушиб, айримлари шундай ҳолатларни тамсийл қиласди, баъзилар фарёд чекиб ҳалқадан ташқари чиқарди. Болалар суфа атрофига тўпланиб, аёллар эса эшиклар оралиғидан саҳнани томоша қиласдилар.

Китоб муаллифи, тасаввуф билан бадиий исход орасидаги яқинликни, сўфийлар ва исходкорларнинг руҳан яқинлигидан ҳам излаш мумкинлигини изоҳлаш мақсадида, жазба теккан киши ўзини тўхтатиб туролмасдан ҳамма нарсани унитиб, маҳбуба (албатта маҳбуб - Ш.Ж.) жамолига талпинади дейди. Унингча жазба ҳолати дарвишлик билан шоирликни ва кенгроқ маънода оладиган бўлсак, тасаввуф билан бадиий исход хусусиятларини бир-бирига яқинлаштиради. Бундай талқин жуда тўғри ва ўринли. Менимча мана шу хусусият, бошқа омилларга нисбатан кўпроқ шоирни тасаввуф ғояларига яқинлаштиради ва ҳатто баъзан уни орифлик даражасига кўтарилиши учун сабаб бўлиши ҳам мумкин. Сўфийлардаги жазба ҳолати (муаллиф ифодаси билан сўфийнинг ҳолга кириш лаҳзаси), шоирлардаги илҳом ҳолатига ўхшайди. Шулдай экан, шоирона илҳом нималиги ҳақида бир оз тўхтаб ўтиш лозим бўлади. Артур Рембу ёзишича инсон шеър ёзиш вактида ўзлигидан чиқиб, бошқа бир кишига айланади, яъни ўзидан кетиш (сукр)

даражасига етиб боради. Мисол суратда, машхур сўфий шоир Мансур Ҳаллож яратувчига ўхшаш «хувият» (моҳият)га яқин бўлиб, ўз мансурлигини унуган эди. Яъни инсон бундай ҳолатда ўз исм ва шахсиятини (ким эканлигини) кўлдан бериб, бир маънавият ёки бир куч эгаси терисига кириб, шеър ёза бошлайди.

Мартин эса илҳом ҳолатини юрак ва томирларнинг инқибози (сиқилиб йиғилиши) ва инбисоти (очилиши, ёзилиши) деб ифодалаган эди... Инқибоздан кейин шоирнинг барча сезгилари, онги ва руҳи тайёр бўлиб туришга чақирилган бўлади. Инбисот юз бергандан кейин руҳ чукур нафас тортиб, ундан кейин шоир уни қандайдир бир куйдирувчи ўт мажбур қилганидек сўз дурданаларини бирин кетин тўка бошлайди. Шеър ёки бошқа бир буюк асарни ижод қилиши учун, илҳомдан кўра воқеийроқ ва кераклироқ нарса йўқдир.

Комилов фикрича ориф ва дарвиш Пайғамбарона руҳи билан хайр ва эзгуликни элга тухфа этса, шоир буни тоза туйғулар, оташин сўзи кучи билан амалга оширади, шунингдек машхур машоихшинг аксари ажоиб рубойй ва ғазаллар ёзгани, девонлар қолдиргани ҳам тарихдан маълум.

Муаллиф, Алишер Навоийнинг тасаввуф ва ижод ҳақидаги фикру мулоҳазаларини зикр этиб, сўфий қалби билан, шоир қалбининг бир-бирига йўлдош ва сирдош эканлигини кузатади ва сўфийларнинг табиати, ботиний дунёси, шеъру нағма, куй-мусиқага ташна эканлигини эслатиб, маҳбубул қулубдаги унинг холосасини келтиради: «Басо аҳлуллоҳ ким Арғунун унидин дайрға кирди ва дину ислом нақдини муғбачаларға бойберди».

Муаллиф, шоирлик истеъоди билан соликларда, будард, шеър бўлиб куйилиб келганда, ҳақиқий ваҳийлик юз берган деб ёзади. Бу ўринда агар «ҳақиқий ваҳийлик» ибораси ўринда «илҳом» сўзи ишлатилса, дақикроқ ифодаланган бўларди, чунки «ваҳий» сўзи луғавий маънода муаллифнинг мақсадиди ифода қилган бўлса ҳам, уни «ҳақиқий ваҳий» деб аташ мумкин эмас, негаки ҳам шариат аҳли ва ҳам луғатшунос олимлар томонидан «Ваҳий», Аллоҳ, Пайғамбарга йўллаган Пайғом (Хабар, сўз)дан иборатdir деб изоҳланган (М.Муин. Фарҳангি форсий,

4-жилд, 4991-бет). Шамсулдин Сомийнинг «Қомуси туркӣ» луғатномасида Ваҳӣ бир фикр ва ё ишнинг Аллоҳ томонидан, бир пайғамбарга илҳом бўлиши деб изоҳланаб, авлиёларга нисбатан илҳом сўзи ишлатилади дејилган (Қомуси туркӣ, 2-жилд, 1488-бет).

Муаллиф тасаввуфни соғ назариётчи олимлар ва шайхлардан кўра шоирлар чукурроқ идрок этганлар дейди. Муаллифнинг сўзига кўшимча қилиб айтиш мумкинки сўфийлардан завқу шавқ, висол ва ишроқ аҳли масалан Жалолуддин Румий, Фаридуддин Аттор, Мансур Ҳаллож, Ҳофиз ва бошқалар, илмий тасаввуф намояндлари масалан Нажмуддин Кубро ва Ибнул-Арабийларга нисбатан кўпроқ шеър ва адабий исходга берилиб, ўз қарашлари ва ички ҳолатларини кўпинча шеър орқали ифодалаб ўтганлар. Уларда бадиий исходга тамойил шу қадар кучли бўлганки, ҳар бирлари шеъриятнинг юксак мақомига кўтарилиб, буюк шоирлар қаторида турганлар, аммо илмий тасаввуф намояндларида бадиий исход, илмий исходга нисбатан иккисиги ўринда турган.

Талқиқот жараёнида, Навоий асарларида, инсоннинг яратувчи томони уружи (кўтарилиши) асосий ғоя эканилиги, муаллиф дикқатини ўзига тортиб, ушбу йўл изтироблари ва мартабалариниң акс этиши ҳакида сўзлаб шундай холосага келадики Алишер Навоийнинг ўзи Комил инсоннинг ёрқин тимсолидир.

Нажмиддин Комилов; айтиб ўтилган тўққизта кичик унвон остида юритган кенг кўламли кузатишлари билан, навоийшуносликда янги бир боб очишга муваффақ бўлган десак муболага бўлмайди. Олимнинг таъкидлашича, шарқ ҳалқлари тафаккури тарихига чукур илдиз отган тасаввуф таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунё қарashi ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий тераистиги билан тўлиқ ҳолда, тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул.

Шунинглек муаллиф, атеистик ўриндан туриб, Навоийга нисбатан салбий муносабатда бўлган Е.Э.Бертельсга илмий рад жавоб беради. «Жон ва жонон можароси» кичик унвонини Навоийнинг ғазаллари тўплами бўлмиш, «Хазоинул-маоний»га бағишлайди. Ушбу бобни дикқат билан ўқиган киши, Нажмиддин Комилов Наво-

ийнинг ирфоний қарашларининг туб моҳиятига етиб борганинг гувоҳи бўлади.

Муаллиф китоб хотимасида Васлий Самарқандийнинг «Назмус-силсила» китобига асосланиб нақшбандия тариқаси - силсиласи ва унинг кейинги намояндалари ҳакида маълумот берали, маънавият ва мустақиллик тушунчалари ўзаро алоқадор эканлитикини таъкидлаб, тарихимиз ва маънавиятимизни қанчалик чукурроқ ўргансак, мустақилигимизнинг моҳиятини шунчалик чукурроқ англаб борамиз деган холосаси билан китобни тутатади.

* * *

Баҳс охирида, китоб мазмуни ва унинг аҳамияти борасида билдирилган фикру-мулоҳазалардан холоса чиқарив айтиш мумкинки:

Биринчида, иқтидорли тасаввуфшунос олим устод Нажмиддин Комилов томонидан ёзилган «Тасаввуф» китоби, узоқ муддатли илмий текширишлар, изланишлар ва кузатишлар маҳсули бўлиб, муаллиф унда тасаввуф илмида асосий мавзулардан иборат бўлмиш жуда кўп масалалар ва атамаларни ишончли манбаларга таянган ҳолда, ҳар томонлама таҳлил ва тажзия қиласи ва ёқимили услубда ёритиб беради.

Иккичида, муаллифинынг кузатиш ва тадқиқот олиб бориши услуби, шумийлигидан ташқари, ёқимли ва содда бўлиб, айрим жойларда у, бир мавзуни ҳар томонлама ёритиши мәқсадида, турли манбаларни қиёсий шаклда ўрганиб, ўрни келгандага «қилни қирқقا» ёради ва ундан қаноатлантирувчи холосалар чиқаради. Унинг ушбу хусусиятини айниқса китобининг охирги бобида ва унга тегишли фаелларда кўриш мумкин.

Учирида, устод Нажмиддин Комилов тасаввуф таълимотига чин кўнглидан ишонган олим. У инсоннинг маънавий уружи ва руҳий такомулини, ҳакиқий инсонкомил инсон даражасига эришиш нарвони деб билади. Бундай эътиқод ва инномоқдан келиб чиқсан бахсу-холосалар, китобга ёқимли тус ва қандайлир чиройли бўёқ беради. Муаллиф ўз китоби билан, хираланиб бораётган «ишроқ» чироғига мой солди, десак муболага бўлмайди.

Тўртингчидац, барча тасаввуф аҳли каби, муаллиф бир навъ жаҳонсеварлик ва универсализмга, барча инсонларнинг ягона мақсад - ҳаққа эришиш ва уни билиб олиш учун интилишига эътиқоди кучли бўлгани сабабли, турли миллатлар ва халқлараро дўстлик, биродарлик ва тенглик мағкурасини илгари суради, тил, мазҳаб ва этник тафовутларни эътиборий яъни ҳақиқий эмас деб билади.

Бешинчидап, муаллиф ўз тадқиқот ишлари жараёнида фойдаланган манбалар орқали, тасаввуф ва адабиётшунослик соҳасида, ўлка тадқиқотчилари учун бир қатор япти адабиётларни киритди ва улардан фойдаланиш учун замин яратиб берди, айни ҳолда бир қатор атамалар учун муодил (тенгдош) сўзларни ишлатишга муваффақ бўлди. Мисол суратда Худбинлик - ўзим бўлай фалсафаси, мақом - бекат, Аллоҳ - тангри таоло ва шу кабилар.

Бир сўз билан айтадиган бўлсак, дўстимиз устод Комилов ёзган мазкур китоб, ўзининг айрим хусусиятлари билан, нафақат Ўзбекистон, балки ўрта Осиё мустақил мамлекатлари худудида, илмий тасаввуфшунослик бўйича ўзбек тасаввуфшунослигида кенг қамровда ёзилган янги асардир. Шунингдек ушбу асар, навоийшшунослик соҳасида ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, улуг Амирнинг асаларини ирфоний қарашлар, диний қадриятлар ва тасаввуф фалсафаси ёруқлигида ўрганиш бўйича қўйилган катта жасоратли қадам ҳисобланади ва бу соҳадаги бўшлиқни тўлдириш билан бирга, ёш изланувчилар учун йўл очиб беради.

Шу ўринда, китобдаги айрим юзаки камчиликларга ҳам ишора қилмоқчимиз. Мазкур камчиликлар кейинги нашрларда эътибордан тушуритмаса, мақсадга мувофиқ бўлади. Улардан айримлари қўйидагилардан иборат: 15-бетда Сўфиёна Сабрий эмас, «Сўфёни саврий», 109-бетда «Судра», эмас, «Сидра», «Муқар» эмас «Мақар», 165- бетда «Сунъ паргори» эмас - «Сунъ паркори», 157-бетда «таълиё» эмас - «таълиф», «турук» - тариқат эмас, балки унинг кўлилиги, «оташпок» эмас - «оташнок», 200-бетда Навоий қасидасида «шоҳки» эмас - «шаҳки», «Вайронай мулк» эмас - «вайронийи мулк», шунингдек

147-бетдаги оят (95-сурадан 4-оят) «лақад халақно инсона фи аҳсанут - тақвим» күйидагидек - «лақад халақнал-инсона, фи аҳсанни тақвийм» ва 145-бетда ҳадисдаги иборалар «ало суратар - раҳмону» эмас - «ало суратир - раҳмони»дир.

Хотимада «Тасаввуф» китоби ҳақида бир икки тақлиф билдиримоқчимиз:

Биринчидан, китобнинг охирги боби «Тасаввуф ва бадиий ижод» ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, асосан тасаввуф таълимоти доирасида, навоийшгуносликка қаратилган. 113 бетни ўз ичита олган мазкур боб, бир мустакил рисола шаклида нашр этилса, навоийшгунослик бўйича, изланувчилар учун катта ёрдам берилган бўларди.

Иккимичидан, муаллиф томонидан фойдаланилган турли тиллардаги кўп сонли адабиётлар, баъзан тўлиқ шаклда яъни муаллифлар номи билан биргаликда уларнинг қайси тилдалиги, нашр жойи ва йили, ношири мукаммал тарзда кўрсатилмаган. Кейинги нашрларда, фойдаланилган манбаларниң тўлиқ феҳристи, шунингдек ишлатилган айрим тасаввуфий ва ирфоний атамалар, китобда зикр этилган тарихий шахслар ва жуғрофий жойлар рўйхати изоҳи билан китобнинг охрида берилса, ўкувчилар учун ҳар томонлама фойдали бўларди.

Биз мақоламизни якунлар эканмиз, ушбу қимматли асар таълифи ва нашри билан, унинг муаллифи дўстимиз устод Нажмиддин Комиловни самимиона табриклаб, асарининг иккинги жилдини ёзиш учун унга ижодий куч ва гайрат тилаб қоламиз.

ТАСАВВУФ ИЛМИ - МАЪНАВИЙ ҚУДРАТ

(Хотима ўрида)

Тасаввуф кўп қиррали илм сифатида турли тарақ-
қиёт босқичларини босиб ўтган. Ушбу содда кўринишни,
бироқ ички мазмун ва моҳияти жиҳатидан ғоят мураккаб
ҳамда бой бўлган бу илми ҳар томонлама ўзлаштириш
учун унииг узок тарихга эга ўтмиши, теран илдизлари,
асосий манбалари, ғоялари, устивор йўналишлари ва
оқимларини илмий услубда тақиидий тадқиқ қўймоқ за-
рур.

Ислом тасаввуфи, шариат илмлари, яъни Куръони
Карим ва Суннатта оид фанлар, адабиётшунослик илм-
лари, жўмладан, «бадиъ» ва «баён» илмлари, уларнинг
кенг қамровли атамалари ва мажозий ифодалари билан
чамбарчас боғлиқ бўлган ҳолда, юони фалсафасидаги ир-
фоний фикрлар, айниқса, Афлотун таълимоти, неопла-
тонизм қарашлари, шунингдек ҳинд фалсафаси, Браҳма
ва Будда таълимотига мансуб бўлган ирфоний қараш-
лардан ҳам озуқа олган. Шу сабабли ҳозирги давр тасав-
вуфшунос олими мазкур фанлар ва қарашларни ўзлаш-
тирмасдан тасаввуф ва ирфоннинг туб моҳиятига етиб
бориши ва уни бошқаларга ҳар томонлама тушунтириши
мумкин эмас.

Ислом тасаввуфи факат ислом, дунёси билангина
чекланиб қолмай, Фарб дунёсига ҳам ўтиб, уларнинг мұ-
тафаккирлари, шоиру орифларига ҳам ўз таъсирини ўт-
казган. Масалан, Данте, Гёте ва бошқалар асарларида
тасаввуф таъсирини яққол кўриш мумкин.

Фарб тасаввуфшунос олимларидан Луи Масиннон
(Louis Massignon), Николсон (Nicholson), Голдциэр,
Хенри Курин, Рожи Арнолдз ва Макс Ҳўртин (Max Hortens)
ва бошқалар ислом тасаввуфи бўйича самарали тад-
қиқотлар олиб бориб, қимматли илмий асарлар ёзганлар.
Айниқса, венгриялик Голдциэрнинг текширишлари ва
франциялик олим Луи Масинноннинг ваҳдат муаммоси-
га тегишли тадқиқотлари дикқат ва таҳсинга сазовордир.
Шунингдек, турли Шарқ мамлакатлари, хусусан, Тур-
кия, Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон ва айрим
араб мамлакатларида кенг кўламли илмий изланишлар

амалга оширилиб, ҳар бир тариқат бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб борилган.

Бу ўрицида шуни ҳам айтгига ўтиш керакки, Мұҳаммад ибн Абдулваҳоб асос солган Вахҳобийлар ҳаракати тасаввуф таълимотига қарши чиқиб, уни қоралаб, инкор этиш билан бирга, турли тариқатларга мансуб кишиларни танқид қилиб (динсизга чиқариб), ирфоний қарашибарни залолат ва гумроҳликдан бошқа нарса эмас деб талқин этиб келмоқдалар. Профессор Акмал Сайдов таъкидлаганидек, тасаввуф таълимоти барча динлар, мазҳаблар ва миллатлараро дўстлик, бирдамлик, тенгликли тарғиб қилувчи таълимот бўлгани туфайли, у ўз универсал инсондўстлик ғоялари билан ҳар қандай диний фундаментализмга (жумладан, ислом фундаментализми ва вахҳобийлик оқимиға) қарши кураш олиб борища катта омил бўлиб хизмат этади. Шу сабабли бугунги кунда, яъни мустақилик даврида тасаввуф таълимотини яхши ўрганиш, ҳалқ оммасини унинг эзгу ғоялари ва ахлоқий қадриятлари билан ошно қилиш ҳам диний экстремизмга қарши, ҳам коммунистик ва шовинистик ғояларни ташувчи йўналишлару кучларга қарши зарурӣ бўлган курашда муҳим аҳамиятта эгадир.

Ҳозир Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиёда тасаввуфшунослик фани ўзининг бошланғич босқичини босиб ўтмоқда ва ҳали ривожланган бир фан даражасига кўтарилиган эмас, яъни тасаввуф ва ирфоннинг илмий томонлари, фалсафий моҳияти чукур ўрганилмаган.

Тоталитар тузум даврида собиқ СССР, айниқса, Ўрта Осиё ҳудудида тасаввуф таълимоти атеистик ғоялар асосида «ўрганилиб», кўпинча унга нисбатан бир томонлама салбий муносабатда бўлинди. Факат мустақилик давридагина ушбу соҳаиги ўрганиш ҳаракати бошланди. Бир қанча илмий асарлар ёзилди. Бироқ бажарилган ишлар денгиздан томчи, холос. Тасаввуф фалсафасини ва турли тариқатларини кенг кўламда ўрганиб, моҳиятмазмунини ҳалқ оммасига етказиш ва талқин қилиш учун бажариладиган ишлар ғоят кўпидир.

Ўтган 7-8 йил давомида устод Нажмиддин Комилловнинг «Тасаввуф» номли қимматли китоби, Иброҳим Ҳаққулнинг «Тасаввуф ва шеърият» китоби ва «Ориф-

нома» рисоласи, Иzzат Султоннинг «Баҳоуддин Нақшбанд абадияти» рисоласи, Султонмурод Олимнинг «Баҳоуддин Нақшбанд ва Навоий», «Лисонут-тайр» ҳақида ёзган «Ишқ, ошиқ ва маъшук» рисолалари, Азиз Каюмовнинг «Бу оҳанг бирла...» номли рисоласи, Ориф Усмоновнинг «Занги ота», (Турғун. Файзиев билан биргаликда) ва «Баҳоуддин Нақшбанд» рисоласи, Раҳим Вожидовнинг «Навоий ва илоҳист» рисоласи, Ботир Валихўжасвинг «Хожа Аҳрор Вали» рисоласи ва Муҳаммад Қози томонидан Хожа Аҳрор мақомоти ҳақида ёзилган китобнинг таржимаси, Абдусалом Қодировнинг «Тасаввуф ва Навоий» асари, Улугбек Абдулваҳоб томонидан «Ичиндаги иҷнададир» номи билан таржима қилинган Мавлоно Жалолуддин Румийнинг «Фиҳи мофиҳи» китобнинг таржимаси, мазкур муаллифлар ва бошқа тадқиқотчилар томонидан ёзилган айрим рисолалар, мақолалар, таржималар, шунингдек, Барот Бойқобиловнинг «Ҳайратул-аҳрор» номли манзум бадиӣ асари ва айрим мақолалар тўпламлари нашр этилди. Лекин шундай бўлса-да тасаввуф илми соҳаларида бажарилиши ҳам қарз, ҳам фарз бўлиб турган ишлар тоғдек уйулиб, тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Ҳозирги даврда тасаввуфшунослар, файласуфлар, диншунослар, адабиётшунослар, шарқшунослар ва муаррихлар учун зарурий вазифалар сифатида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар фикримизча куйидагилардан иборат:

Биринчидац, Туркистонда яшаб, ижод этган тарикатлар асосчилари ва уларнинг йирик намояндалари, масалан, Нажмуддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдулло Аҳрор, Маҳдуми Аъзам, Бобо Раҳим Машраб, Азизуддин Насафий, Нажмиддин Насафий ва бошқа кўп мутасаввиф олимлар қолдирган ҳозирги найтла Ўзбекистон ва дунёning турли кутубхоналарида . сакланиб келинаётган асарлар рўйхатини тайёрлаб, уларнинг ҳар бирининг қисқача мазмуни ва моҳиятини ёритиб, нашр этиш зарур. Бу иш шубҳасиз катта илмий аҳамиятга эгадир. Чунки бундай нашр бир томондан, Туркистон ўлкаси жаҳонга тақдим этган ирфоний ва тасаввуфий мактаблар вакиллари таълимотла-

рини тўғридан-тўғри ўрганиш учун ишонарли йўлланма сифатида хизмат қилса, иккинчи томондан, улар орасидан энг муҳимларини танлаб таржима қилиш ва нашр этиш ишини осонлаштиради.

Иккичидаи, Шарқ мамлакатларида ислом тасаввуфи бўйича ёзилган китоблардан энг муҳимларини танлаб олиб, ўзбек тилига таржима ва нашр қилиш зарур.

Учишидаи, Фарб олимлари, айниқса, Голдциэр, Луи Масиннон, Роже Арнолдз ва бошқалар томонидан ёзилган асарлардан энг кераклиларини танлаб олиб ўзбек тилида таржима ва нашр этиш лозим.

Тўргипчидаи, Туркистонда тасаввуф таълимоти тарихини ёзиш учун дастлабки қадамларни қўйиш ва бу заминда юзага келган тасаввуф оқимларининг амалий ҳамда назарий таъсирини бошқа мусулмон мамлакатларидаги ирфоний оқимларга кўрсатиб бериш керак.

Бешиничидаи, файласуф ва тасаввуфшунос олимларимиз тасаввуф таълимотини фалсафий фанларнинг ажralmas бир қисми сифатида ёритишлари, яъни уни фалсафий нуқтаи назардан қиёсий ўрганишлари зарур.

Олтичидаи, тасаввуф таълимотига доир фалсафий, илмий, тасаввуфий, ирфоний ва адабий атамалар сўзлиги яъни луғатномасини ёзиб, кўп нусхада нашр этиш керак.

Ўзбекистон кутубхоналарида, айниқса ЎзРФА Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида тасаввуф илмига оид юзлаб нодир, нашр этилмаган асарлар мавжуд бўлиб, ўз тадқиқотчилари ва ноширлариги кутмоқда. Мисол тариқасида биргина Махдуми Аъзам қаламига мансуб 30 дан ортиқ рисола ва Хожа Аҳрор битиб қолдирган нодир асарларни айтиб ўтиш мумкин.

Тадқиқотчи олимлар томонидан мазкур соҳаларда изчил ишлар олиб борилиши натижасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё худуудида тасаввуфшунослик фанининг ривожи учун катта имкониятлар юзага келиб, мустақиллик шароитида бизга зарур маънавий қудратни ўзлаштириш учун муносиб имкон яратиб берилади деб ишонамиз.

“Тасаввуф ва инсон” китоби ҳақида

Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг “Тасаввуф ва инсон” китоби гарчи муаллифнинг бир рисоласи, етти йирик мақола ҳамда араб ва форс тилларидан таржима қилинган икки рисола ва хотимани ўз ичига олган тўплам сифатида, бир қараашда бир-биридан фарқли, боғланмаган ишлар мажмуи бўлиб кўринсада, лекин аслида бу рисола ўз номига муносиб тарзда бир-бирини тўлдириб борувчи ягона мазмун ва мавзу атрофида бирлаштирилган яхлит - монографик асардир.

Тасаввуф ҳақида охирги беш-олти ўйл ичидаги Республика-мизда кўпшаб мақолалар, алоҳида рисолалар ёзилди, таржималар қилинди, Н. Комиловнинг икки жилди китоби чиқди. Бироқ ҳали тасаввуф фалсафаси, тарихи, адабиёти ҳақида ўнлаб китоблар ёзилса ҳам оз. Чунки, тасаввуф шарқда ўзига хос бўлган жуда кўп қиррали, кўп қаптамли, диний-фалсафий йўналишлардандир.

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний ўз рисоласига бу йўналишнинг йирик ва мураккаб бир тармоғи - тасаввуфда инсоннинг ўрни, мавқеи масаласини асосий мавзу қилиб олиб, бу тўпламга кирган асарларида кўтарилган барча масалаларни ана шу мавзу нуқтаи назардан очиб беришга ҳаракат қилинган.

Тўпламнинг “Тасаввуф таълимотининг илдизлари ва асосий йўналишлари” деб помланган бошланиш қисми муаллифнинг кўп ишлар давомида араб, форс, ўзбек, турк тилларидаги жуда кўп манбалар ва тасаввуфга оид ёзилган ўнлаб илмий асарларни чуқур ўрганиш жараёнида вужудга келган илмий мулоҳазаларининг изоҳидир.

Тасаввуфнинг энг мураккаб, баҳсли йирик масалалари, жумладан, “ирфон” ва “тасаввуф” тушунчаларининг муштарак ва фарқли томонлари, унинг исломий илдизлари, тасаввуфда “ваҳдат ул-вужуд ва ваҳдату ш-шүҳуд” тушунчалари билан боғлиқ қараашлар, муаммолар, ҳал этилмаган баҳсли масалалар ишнинг айни шу қисмидан жой олган. Бу ерда муаллиф қадимги Юноностоп ва Ҳиндистондаги мистик - оқимлар, уларнинг ислом тасаввуфи билан ўҳашашлик томонлари, тасаввуфдаги йирик тарикатлардан Кубровия, Қодиря, Сухравардия, Ҷаштия, Яссавия, Нақшибандия, Мўжсаддидия кибиср ҳақида, уларнинг ўзига хос томонлари, элементлари ва умумийликлари ҳақида мухтасар, алмо китта ва чуқур билимдошилик билан мулоҳаза юритади. Улуман тўпламнинг ана шу биринчи рисоласи катта қизиқиш ва мароқ билан ўқиласди. Бу рисоланинг ўзи, назаримизда, келгусида тасаввуф ҳақида ихам, шу билан бирга чуқур илмий асар сифатида кўпчилик омма учун алоҳида нашр этилса ҳам айни мудда бўлур эди.

Тўпламнинг “Нажмуддин Кубронинг қараашлари ва асарлари” номли қисми ҳам узоқ ишлапшилар, кузатишлар, манбаларни синчиклаб ўрганиш асосида дунёга келганидан далолат берив турибди.

Нажмуддин Кубро ҳазратлари, у кишининг ҳаёти ва асарлари ҳақида Республика-мизда талайгина мақолалар, рисолалар чоп этилган. Бироқ Абдулҳаким Шаръийнинг кубравия тарикा-

тининг ўзига хос ҳусусиятлари ҳақида бошқа олимларнинг мақола ва китобларида эслатилмаган манба ва асарлар орқали ёритишга ҳаракат қилинади. Олимнинг Нажмуддин Куброго оид изланиш ва мулоҳазаларига шайхнинг "Кўнглим кўзи билан кўрганларим" рисоласининг таржимасини илова қилиниши тадқиқотга алоҳида салмоқ бахши этган.

А.Шаръий Жўзжонийнинг ушбу тўпламидан жой олган Ҳожа Аҳрор Валийнинг ҳаёт йўли ва таълимотларининг муҳим қирралари, бу зот ҳақидаги таълимотининг таъсир доираси ҳақидаги мулоҳазалари ҳам қизиқиш билан ўқилади.

Олимнинг Махдуми Абзам Косонийнинг "Бобуря" рисоласи, "Рубоийлар шарҳи" рисоласи ҳақидаги кузатишлари дикқатга сазовордир. Ҳусусан иккинчи асарнинг таржимаси тасаввушнослар учун қимматли материалdir.

Машҳур ўзбек шоири Бобо Раҳим Машрабнинг тасаввуший қараашлари борасидаги А.Жўзжоний изланишлари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Маълумки, шоир Машраб, унинг шеърияти борасида талайгина тадқиқотлар, монографик ишлар мавжуд. Аммо уларнинг аксарияти совет даврида ёзилганлиги учун шоир ижодида, дунёқарашида асосий ўринни тутган тасаввуший қараашлари ҳусусиятлари ҳақида дикқатга сазовор ишлар жуда камёб, борларидан ҳам чалкашликлар кўп. Ҳусусан, Машрабнинг "ваҳдат ул-вужуд" тушунчаси билан боғлиқ қараашлари ҳануз фанда тўлиқ ва рўйи рост очилган эмас. Шу нуқтаи назардан қараганда А.Жўзжонийнинг Машрабнинг "ваҳдат ул-вужуд" фалсафаси ва унинг марказида турган инсон ҳақидаги фикрлари янгиликдир.

Тўпламини таниқли тасаввушунос олим Н.Комиловнинг "Тасаввүф" номли китобига ёзилган катта ва жиiddий тақриз якунлайди ва бу тақриз тўплам мавзусига мос келади, ҳамда мувалифнинг "Тасаввүф ва инсон" концепцияси борасидаги мулоҳазаларини тўлдиради.

Хулоса қилиб айтганда, Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг "Тасаввүф ва инсон" номи билан нашрга тайёрланган китобининг чоп этилиши ўзбек тасаввушунослигининг жиiddий ютуғи бўлиши мумкин. Китобни нафақат олимлар, балки кенг китобхонлар оммаси томонидан ҳам катта қизиқиш билан кутиб олинишига шубҳа йўқ.

Филология фанлари доктори,
профессор

А.Маннов:

МУНДАРИЖА

Тасаввуф илми Шарқ фалсафий тафаккури тарихи- шынг мұхым тарқибий қисмі (<i>Сүз боши үрнида</i>).....	3
Тасаввуф таълимотиншынг илдизлари ва асосий йұна- лишлари.....	10
• Икки оғиз сүз.....	10
• «Ирфон» ва «тасаввуф» түшунчалари.....	10
• Хиндистон ва Юноңда ирфоний фикрлар.....	13
• Тасаввуфнинг исломий илдизлари.....	18
• Тасаввуф таълимотиншынг асосий йұналишлари....	19
• Ибигул-Арабий ва “Ваҳдатул-вужуд” фалсафаси...20	
• Кубравийлик тариқати (Кубравия).....	30
• Қодирийлик тариқати (Қодирія).....	32
• Сұхравардийлик тариқати (Сұхравардия).....	34
• Чаштийлик тариқати (Чаштия).....	38
• Яссавийлик тариқати (Яссавия).....	41
• Нәжшбандийлик тариқати (Нәжшбандия).....	49
• Мужаддиийлик тариқати (Мужаддиия).....	51
• Хулоса.....	54
• Күлланилган адабиётлар.....	59
Нажмуддин Куброңынг қарашлари ва асарлари	
• Нажмуддин Кубро ҳаёти ва ижодидан лавҳалар....61	
• Нажмуддин Кубронинг асарлари.....	64
• Кубравия тариқати.....	67
• Нажмуддин Кубронинг шогирлари.....	69
Шайх Нажмуддин Кубро: «Қўпглим кўзи билан кўр- ғапларим»	
• Шайх Нажмуддин Кубронинг ушбу рисоласи ҳақи- да.....	72
• «Қўпглим кўзи билан кўрганларим».....	78
• Тасаввуф іїўлига кирған факирлар ҳақида.....	83
• Буюк Аллоҳ үз баіщасини севишишининг аломати ҳақида.....	84
• Факирнинг хилватда ўтириши ва унинг одоблари шархи.....	85

• Нафсни таниб олиш ва унинг издошлиари ҳақида.....	88
• Факирга ўтит бериш ва унга йўл кўрсатилиши ҳақида.....	91
• Факирликни бошқа нарсалардан афзал кўриш боби.....	93
• Дунё ва унинг моҳияти ҳақида.....	94
• Булок Аллоҳнинг йўли ҳақида.....	95
• Луғатлар ва атамалар.....	97
• Адабиётлар.....	103
Хожаи Аҳорор - Накшбандия тариқатининг йирик вакили.....	105
Махдуми Аъзам – Сайид Аҳмад иби Жалолуддин Ко- соний-Даҳбедий: «Рубоийлар шарҳи» рисоласи.....	113
• Рубоийлар шарҳи.....	116
• Луғатлар изоҳи.....	132
• Рисоладаги лутатлар изоҳи.....	133
«Бобурия» рисоласи.....	135
• Бобо Раҳим Машраб «Ваҳдат» уммонининг фавво- си.....	139
• Изоҳлар.....	151
• Ишқамишда Бобо Раҳим Машрабнинг Мазори..	152
• Бобо Тоҳир ва унинг ирфоний тароналари.....	157
• “Сен қувсанг эшиклан кимга борайин?”.....	159
• Бармоқ вазнида	161
Ҳозирги замон ўзбек тасаввуфшунослигига бир пазар (Н.Комиловпилг «Тасаввуф» китобига тақриз).....	163
Тасаввуф илми - маълавий қудрат (<i>Хотима ўрнида</i>)..	184
“Тасаввуф ва илсол” китоби ҳақида.....	188

Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний

ТАСАВВУФ ВА ИНСОН

Ўзбек тилида

Муҳаррир

Рассом

Техник муҳаррир

Компьютерда

саҳифаловчи

Насиба Ҳожимурод қизи

Зиёд Абдурасолов

Марҳабо Мирилёсова

Матлуба Ҳожиева

Босишга 18.01.2001 й.да рухсат этилди. Бичими
84x108 1/32. Нашр табори 9,28. Босма табори 12,0.
Адади 1000 нусха.

Буюртма 4214 Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги “Адолат”
нашиёти. Тошкент, Ф.Муҳитдинов кўчаси, 26-й.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси-
нинг 1-босмахонасида чоп этилди. Тошкент, 700002,
Сағон, 1-берк кўча, 2-й.